


СССР ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИ

УМУМИЙ ВА ПОЛИТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ИЛМИЙ
ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

М. И. МОРО, М. А. БАНТОВА, А. С. ПЧЁЛКО

МАТЕМАТИКА

III синф учун



NI 24114
3

ЎҚИТУВЧИ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ - 1970

III сифф „Математика“ дарслиги экспериментал сиффларда синаб куриш учун мўлжалланган бўлиб, I ва II сифф „Математика“ дарсликларининг лавомидир.

Бу дарсликнинг энг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

Дарсликда арифметикани ўқитиш бошланғич алгебра ва геометриянинг баъзи масалаларини текшириш билан бирга қўшиб олиб борилди. Болаларда материални онгли равишда, чуқурроқ ўлаштиришга ёрдам берувчи умумлаштиришларнинг ташкил топишига бўлган эътибор анча кучайтирилган. Дарсликда машқ характерида бўлган масала ва мисоллар билан бир қаторда болаларда математик интуицияни (фаҳмни), кузатувчанликни, кузатилмаётган фактларни таққослаб олиш, солиштира олиш, хулоса чиқара олиш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам берувчи анчагина топшириқлар ва саволлар берилган.

Дарслик бўйича қилинадиган ишлар III сифф ўқувчиларининг математикадан тайёргарлик даражаларини оширишга, уларнинг мустақил фикрларини ривожлантиришга, уларда математика билан шуғулланишга қизиқиш уйғотишга ёрдам бериши керак.

Дарслик ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларни қуйидаги адресга юбориш илтимос қилинади: Тошкент ш., Навоий, 30. „Ўқитувчи“ нашриёти.

На узбекском языке

МАРИЯ ИГНАТЬЕВНА МОРО
МАРИЯ АЛЕКСАНДРОВНА БАНТОВА
АЛЕКСАНДР СПИРИДОНОВИЧ ЛЧЕЛКО

МАТЕМАТИКА

для 3 класса

Перевод с русского издания
„Просвещение“, М., 1968.

Издательство „Ўқитувчи“
Ташкент — 1970

Таржимонлар: А. Маҳдиев, А. Хидиров
Редакторлар: М. Одиллов, М. Саъдуллаева
Бадий редактор П. А. Бродский
Техредактор Н. Сорочкина
Корректор Э. Нулдошева

Теришга берилди 4/VI-1970 й. Босишга рухсат этилди 4/VIII-1970 й. Қогози
60×90^{1/2} мм. Физик л. 25,5. Наср л. 13,64. Тиражи 30000.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 224-59.
Бизди 15 т. Муқоваси 8 т.

ЎзССР Министрлар Совети матбуот давлат Комитетининг I-босмаҳонаси,
Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1970. Яз. № 95.

Типография № 1 Государственного Комитета Совета Министров УзССР
по печати, Ташкент, ул. Ҳамза, 21.

1. II СИНФДА ЎТИЛГАНЛАРНИ ТАКРОРЛАШ

НОМЕРЛАШ

1. 1) Битталаб сананг:
6 дан 12 гача 70 дан 80 гача
38 дан 45 гача 126 дан 130 гача
 - 2) Ўнталаб сананг:
20 дан 60 гача 100 дан 200 гача
40 дан 90 гача 380 дан 420 гача
 - 3) Юзталаб сананг:
100 дан 500 гача 700 дан 1000 гача
2. 1) Жадвалда ёзилган сонларни ўқинг:

Юзлар	Ўнлар	Бирлар
5	6	3
8	0	4
7	2	0
6	0	0

2) Бу сонларнинг ҳар бирида I, II ва III хонанинг бирликларидан нечта бор?

3) Бу сонларнинг ҳар бирида ҳаммаси бўлиб нечта ўнлик бор? Бу сонларнинг ҳар бирида ҳаммаси бўлиб нечта бирлик бор?

3. 1) Қуйидаги мисолларни ечинг:

$$200 + 40 + 3 \qquad 876 - 70 - 6$$

2) Шу намунага қараб қўшишга, айиришга доир яна учтадан мисол тузинг ва уларни ечинг.

4. 1) Буш катакларни тўлдириб, жадвални кўчиринг:

Биринчи қўшилувчи	300	300	300	300	300	300
Иккинчи қўшилувчи	10	15	20	25	30	35
Йиғинди						

2) Ҳамма биринчи қўшилувчиларни, ҳамма иккинчи қўшилувчиларни, ҳамма йиғиндини ўқиб чиқинг. Сиз нимани сездингиз?

5. Туристлар поездда 200 км, машинада 100 км ва пиёда 15 км йўл юрдилар. Туристлар ҳаммаси бўлиб қанча йўл юрдилар? Бу масалани турли усуллар билан ечинг.

6. Пионер лагерининг уч отряди колхознинг полиз ва боғ ишларига ёрдам берди. I отряд колхозда 50 соат, II отряд — 40 соат, III отряд — эса 60 соат ишлади. Пионерлар колхозда ҳаммаси бўлиб неча соат ишлаган? (Масалани турли усуллар билан ечинг.)

7. 1) Мисолларни ечинг:

$$\begin{array}{cccc}
 200 + 40 & 700 + 8 & 800 + 70 + 6 & 500 - 400 \\
 300 + 50 & 600 + 7 & 700 + 60 + 5 & 600 - 200 \\
 400 + 60 & 500 + 6 & 600 + 50 + 4 & 700 - 300
 \end{array}$$

2) Ҳар бир устуни, яна 2 тадан юқоридагиларга ўхшаш мисоллар тузиб давом эттиринг. Тузилган мисолларни ечинг.

8. 1) Фақат 7 рақамидан фойдаланиб, бир хонали, икки хонали, уч хонали ва тўрт хонали сонлар ёзинг.

2) 6 ва 0 рақамларидан фойдаланиб, мумкин бўлган ҳамма уч хонали сонларни ёзинг.



9 (огзаки). 1) Қуйидаги сонларни таққосланг:

702 ... 720; 840 ... 480; 306 ... 630.

2) Қуйидаги сонларни метрлар ва дециметрлар билан ифодаланг ($1 \text{ дм} = 10 \text{ см}$; $1 \text{ м} = 100 \text{ см}$ эканини эсда тутинг):

72 см, 930 см, 806 см, 69 см.

3) Қуйидаги сонларни майдароқ бирликлар (дециметрлар ёки сантиметрлар) билан ифодаланг:

7 м, 8 м 6 дм, 12 дм 3 см.

4) Энг кичик уч хонали сон билан энг катта икки хонали сон ўртасидаги айирма қанчага тенг?

5) Қуйидаги мисолларнинг ҳар бирига ўхшаш яна 4 тадан мисол тузинг ва уларни ечинг:

$300 + 60$ $360 - 60$ $360 - 300$

10. Сонлар қаторларини давом эттиринг (уларнинг ҳар бирига яна 4 тадан сон ёзинг):

1) 823, 825, 827, ... 3) 760, 770, 780, ...

2) 906, 905, 904, ... 4) 620, 610, 600, ...

11. Қуйидаги сонларнинг ҳар бирини унинг хона қўшилувчилари йиғиндисини кўринишида ифодаланг: 848, 756, 930, 874, 902. Масалан: $236 = 200 + 30 + 6$.

12. 1) Қуйидаги формулалар кўринишида ёзилган хоссаларни ифодаланг:

$$(a + b) + c = (a + c) + b = a + (b + c)$$

$$(a + b) - c = (a - c) + b = a + (b - c)$$

2) Бу хоссалардан фойдаланиб, қуйидаги мисолларни энг қулай усул билан ечинг:

$$\begin{array}{lll} (36 + 40) + 60 & (80 + 47) + 20 & (40 + 30) + 200 \\ (220 + 36) - 20 & (87 + 165) - 65 & (70 + 30) - 10 \end{array}$$

13. Колхозда бир участкадан 600 кг, иккинчи участкадан эса 400 кг бодринг узилди. 300 кг бодрингни янгилигида колхозчиларга бўлиб беришга қарор қилинди, қолганини қишга тузлаб қўймоқчи бўлишди. Неча килограмм бодрингни тузлаб қўймоқчи бўлишган?

14. Қуйидаги ечимларга кўра масалалар тузинг ва уларни турли усуллар билан ечинг:

$$x = (30 + 60) - 4 \qquad x = (200 + 700) + 100$$

15. Қуйидаги мисолларни ечинг ва бу ерда қандай қоидалар қўлланилганини тушунтириб беринг:

$$\begin{array}{lll} 837 + 1 + 1 + 1 & 30 + 200 + 10 & 728 - 20 - 8 \\ 942 - 2 - 10 & 841 - 40 - 1 & 500 + 40 + 30 \\ 320 - 20 - 100 & 256 - 1 - 1 - 1 & 637 - 30 - 7 \end{array}$$

ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ (оғзаки)

16. Қуйидаги мисолларни ечинг ва ҳар бир устундаги мисолларнинг ечилиш усуллари таққосланг:

$$\begin{array}{llll} 32 + 5 & 67 - 4 & 46 + 3 & 23 + 12 \\ 320 + 50 & 670 - 40 & 460 + 30 & 230 + 120 \\ 32 + 50 & 67 - 40 & 46 - 3 & 36 - 14 \\ 320 + 500 & 670 - 400 & 460 - 30 & 360 - 140 \end{array}$$

17. Мисолларни ечинг:

$$\begin{array}{ll} 300 + 200 - 100 & 160 + 20 - 30 \\ 800 - 100 - 300 & 830 - 10 - 20 \\ 930 - 900 - 20 & 650 + 40 - 60 \\ 600 + 40 - 200 & 740 - 30 + 70 \end{array}$$

$260 + 320$

$570 - 220$

$840 - 340$

$620 + 350$

$710 + 240$

$250 - 130$

$240 + 630$

$870 - 360$

18. 1) Қуйидаги мисолларнинг ечилишини тушунтиришни тугалланг:

$342 + 200 = (300 + 40 + 2) + 200 = \dots$

$456 + 40 = (400 + 50 + 6) + 40 = \dots$

$173 + 6 = (100 + 70 + 3) + 6 = \dots$

2) Бу мисолларнинг ечилиши қандай қондага асосланган?

19. Йигиндидан сонни айриш қондасини ифодаланг ва қуйидаги мисолларни бирма-бир тушунтириб ечинг:

$632 - 400$

$862 - 30$

$247 - 5$

$360 - 7$

20. 1) Буш катакларни тўлдириб, жадвални кўчириб ёзинг:

Камаювчи	650	650	650	650	650	650
Айрилувчи	400	410	420	430	440	450
Айирма						

2) Жадвални кўриб чиқинг, камаювчининг ўзгариши ҳақида нима дейиш мумкин. Айрилувчи қандай ўзгарди ва айирма қандай ўзгарди?

21. Масалаларни уларнинг қисқача ёзуви бўйича тузинг ва шу масалаларни ечинг:

1) I — 320 ←

II — ?, ундан 120 та кам

III — x, ундан 2 марта кўп

- 2) I — 600 ← $\overline{\hspace{10em}}$
 II — ?, ундан 2 марта кам $\overline{\hspace{10em}}$
 III — x, ундан 180 та ортиқ $\overline{\hspace{10em}}$

22. 1) $18 + 7$ $30 + 24$ $14 - 6$ $90 - 32$
 $36 + 19$ $60 + 18$ $42 - 7$ $80 - 56$

2) Бу мисолларни ечишда қандай қоидалардан фойдаланилди? Бу қоидаларни ҳарфлар ёрдамида ёзинг.

3) Қуйидаги мисолларнинг ечилишини тушунтиришни тугалланг:

$$300 + 160 = 300 + (100 + 60) = \dots$$

$$70 + 50 = 70 + (\dots + \dots) = \dots$$

$$460 + 80 = 460 + (\dots + \dots) = \dots$$

$$540 + 160 = 540 + (100 + 60) = \dots$$

4) Қуйидаги мисолларни бирма-бир тушунтириб ечинг:

$$400 - 180 \quad 310 - 60 \quad 540 - 90$$

23. Мисолларни ечинг:

$80 + 40$	$120 + 80$	$590 + 70$	$770 + 60$
$80 + 60$	$130 + 80$	$590 + 60$	$760 + 60$
$80 + 80$	$150 + 80$	$590 + 30$	$720 + 60$
$80 + 90$	$180 + 80$	$590 + 20$	$710 + 60$

Нима учун олдинги икки устунда натижалар ортади, кейингиларида эса камаяди?

24. Мисолларни ечинг.

$110 - 50$	$240 - 80$	$420 - 80$	$520 - 50$
$120 - 50$	$240 - 70$	$400 - 80$	$520 - 60$
$140 - 50$	$240 - 50$	$390 - 80$	$520 - 80$
$170 - 50$	$240 - 20$	$350 - 80$	$520 - 90$

Нима учун олдинги икки устунда натижалар ортади, кейингиларида эса камаяди?

25. Бир қиз китобнинг 46 бетини ўқиганидан кейин, ўқилганидан яна 18 бет ортиқ қолди. Бу китоб неча бетли экан?

26. Магазин 850 кг асал сотганидан кейин, унда ҳар бирида 45 кг дан икки бидон асал қолди. Дастлаб магазинда неча килограмм асал бўлган эди?

$$\begin{array}{llll}
 27. & 420 - 20 \cdot 4 & 50 \cdot 7 - 80 & 400 + 500 - 60 \cdot 2 \\
 & 370 + 90 : 3 & 80 : 2 + 70 & 200 + 300 + 30 \cdot 4 \\
 & 540 + 40 \cdot 2 & 60 \cdot 3 - 90 & 700 - 400 + 50 \cdot 3
 \end{array}$$



28. 1) Бўш катакларни тўлдириб, жадвални кўчириб ёзинг.

a	260	280	290	300	350	380	460	490
c	50	50	50	50	50	50	50	50
$a + c$								

2) Жадвални кўриб чиқинг. биринчи қўшилувчи қандай ўзгаради, иккинчи қўшилувчи қандай ўзгаради, йингинди қандай ўзгаради?

3) Ўзингиз жадвал тузинг, унда биринчи қўшилувчи ўзгармасин, иккинчи қўшилувчи эса камайсин. Йингиндини топинг ва унинг қандай ўзгаришини кузатинг.

29. Қуйидаги мисолларнинг счилишини тушунтиришни тугалланг:

$$\begin{aligned}
 & 370 + 280 = 370 + (200 + 80) = \\
 & = (370 + 200) + 80 = 570 + 80 = \dots \\
 & 560 - 390 = 560 - (300 + 90) = \\
 & = (560 - 300) - 90 = 260 - 90 = \dots
 \end{aligned}$$

30. Юк машинасида Тошкентга колхоздан мева жўнатилди. Юк машинаси 270 км йўл юрганидан ке-

йин, унинг ўтганидан 180 км кам йўл юриши кераклиги аниқланди. Колхоздан Тошкентгача бўлган масофа қанча?

31. Ўтган йили бизнинг шаҳарда 290 та мактаб бор эди, бу йил яна 20 та янги мактаб қурилди. Бизнинг шаҳарда ҳаммаси бўлиб нечта мактаб бўлди?

32. Қуйидаги формулаларга қараб масалалар тузинг ва уларни ечинг:

$$x = 100 - 20 \cdot 3 \quad x = 40 \cdot 3 + 70 \cdot 4$$

33. $190 + 190$ $630 - 280$ $(240 + 240) : 10$

$180 + 180$ $720 - 370$ $(360 - 280) : 8$

$170 + 290$ $910 - 760$ $(520 - 360) : 4$

34. Томонлари 2 дм 8 см, 3 дм 2 см ва 4 дм бўлган учбурчакнинг периметрини ҳисобланг.

ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ (ёзма)

35. 1) Ўқувчи қуйидаги мисолларни ечишда қандай хато қилганини тушунтириб беринг:

$$\begin{array}{r} + 342 \\ 23 \\ \hline 572 \end{array} \quad \begin{array}{r} - 457 \\ 24 \\ \hline 217 \end{array}$$

2) Ёзма қўшиш ва айиришда сонларни қандай ёзиш керак?

36. Сонларни бирини иккинчисининг остига устун қилиб ёзиб, қуйидаги мисолларни ечинг:

$341 + 236$ $857 - 423$ $631 + 267$ $432 - 232$

$23 + 475$ $238 - 21$ $456 - 32$ $42 + 536$

37. 1) Иккита уч хонали сонни қўшишга доир учта мисол ва уч хонали сондан уч хонали сонни айиришга доир учта мисол тузинг ва ечинг (ўнликдан ўтмасдан).

2) Бажариладиган амаллар қандай қоидага асосланганини айтиб беринг.

38. Жадвални тўлдиришг.

c	600	600	600	600	600	600
d	20	30	50	60	80	90
$c - d$						

Айрилувчи қандай ўзгарди? Камаювчи ўзгардими? Айирма қандай ўзгарди?

39. Ўзингиз жадвал тузинг, унда айрилувчи камайдиган, камаювчи ўзгармайдиган бўлсин. Айирмани топинг.

40. Автобус бекатида 6 киши автобусга чиқди, 10 киши эса автобусдан тушди. Автобусдаги пассажирлар сони камайдими ёки ортдими? Автобусдаги пассажирлар сони нечта ортди (ёки нечта камайди)?


41. Қуйидаги мисолларнинг ечимида тушириб қолдирилган рақамларни ўрнига қўйинг:

$$\begin{array}{r}
 + 3.7 \\
 26. \\
 \hline
 589
 \end{array}
 \quad
 \begin{array}{r}
 + 54. \\
 .23 \\
 \hline
 8.7
 \end{array}
 \quad
 \begin{array}{r}
 - 7.6 \\
 21. \\
 \hline
 .62
 \end{array}
 \quad
 \begin{array}{r}
 - .3. \\
 2.4 \\
 \hline
 713
 \end{array}$$

42. Қуйидаги ифодаларни таққосланг ва нуқталар ўрнига $>$ ёки $<$ ишорасини қўйинг:

а) $287 + 390 \dots 282 + 390$
 $564 + 280 \dots 564 + 294$

б) $930 - 450 \dots 930 - 470$
 $520 - 180 \dots 560 - 180$
 $572 + 125 \dots 572 + 130$
 $645 + 230 \dots 670 + 130$
 $640 - 160 \dots 700 - 160$
 $850 - 390 \dots 850 - 370$




43. Чизмага қараб масала тузинг ва уни ечинг.

44. Дафтарингизга учбурчак чизинг, унинг томонларини ўлчанг ва бу учбурчакнинг периметрини ҳисобланг.



45 (оғзаки).



46. Қуйидаги мисолларни ечинг; ҳар бир жуфт мисолларни таққосланг. Бу мисолларнинг ечилишида қандай фарқ бор?

$$\begin{array}{cccc}
 243 + 156 & 124 + 342 & 724 - 513 & 647 - 425 \\
 487 + 314 & 567 + 238 & 432 - 228 & 831 - 564
 \end{array}$$

47. Уч хонали сонларни ўнликдан ўтиб қўшишга доир учта мисол, айиришга доир учта мисол тузинг ва бу мисолларни ечинг.

48. Жадвални тўлдириг:

K	90	170	230	280	320	390
$K + 120$						

Қўшилувчилар ва йиғиндининг қандай ўзгаришини айтиб беринг.

49. Сонларни таққосланг ва керакли белгиларни қўйинг:

2 сўм 05 тийин . . . 2 сўм 50 тийин

3 м 06 см . . . 3 дм 6 см

2 дм 3 см . . . 24 см

6 м 3 дм . . . 64 см

50. 1) Расмларни кўриб чиқинг, уларнинг қайси бирида бир томонга қараб кетаётган машиналар тасвирланган ва қайси бирида қарама-қарши томонга кетаётган машиналар тасвирланганини айтиб беринг.

№ 1



№ 2



2) Қуйидаги чизмаларда ҳар бир машинанинг ҳаракат йўналиши стрелка билан кўрсатилган. Ҳар бир чизма юқорида кўрсатилган расмларнинг қайси бирига тегишли?



51. Ҳар бир масаланинг шартига қараб чизма чизинг ва шу масалаларни ечинг:

1) А станцияси Тошкентдан 200 км масофада, Б станциясигача эса шу йўлдан ўша томонга Тошкентдан 420 км йўл юриш керак. А ва Б станциялар орасидаги масофа неча километр?

2) К станцияси Тошкентдан 30 км масофада, Р станциясигача эса ўша йўлдан қарама-қарши йўналиш-

да Тошкентдан 40 км йул юриш керак. *K* ва *P* станциялар орасидаги масофа неча километр?

$$52. \begin{array}{r} 846 + 378 \\ 524 - 367 \end{array} \quad \begin{array}{r} 384 - 219 \\ 436 + 273 \end{array} \quad \begin{array}{r} 548 - 239 \\ 417 + 448 \end{array} \quad \begin{array}{r} 365 + 247 \\ 936 - 649 \end{array}$$

53. 1) Буш катакларни тўлдириб, жадвални кўчириб ёзинг:

<i>a</i>	38	75	46	27	55	64	87	62
<i>b</i>	24	13	23	18	25	32	11	27
<i>a + b</i>								

2) Қўшишга доир ҳар бир мисолга айиришга доир иккитадан тескари мисол тузинг (булардан бирида йиғиндидан 1-қўшилувчини айиринг, иккинчисида 2-қўшилувчини айиринг).

3) Йиғиндидан қўшилувчилардан бирини айирганингизда ҳар сафар жавобда нимани ҳосил қилдингиз?

54. 1) Бир бола қўшишга доир мисолни устун шаклида ёзиб ечди, сўнгра ўз ечимини текширмоқчи бўлди. Унда мана бундай ёзув ҳосил бўлди:

Текшириш

	I усул	II усул
$+ \begin{array}{r} 367 \\ 458 \\ \hline 835 \end{array}$	$+ \begin{array}{r} 458 \\ 367 \\ \hline 825 \end{array}$	$- \begin{array}{r} 825 \\ 458 \\ \hline 367 \end{array}$

2) Бола мисолни тўғри ечганми? Бу бола фойдаланган ҳар бир текшириш усули нимага асосланганини айтиб беринг. Ечимнинг тўғрилигини яна бошқача қандай текшириш мумкин эди?

55. Қуйидаги мисолларни ечиб, ечимларини текширинг.

$$\begin{array}{ccc} 356 + 279 & 547 + 258 & 476 + 469 \\ 243 + 582 & 176 + 725 & 534 + 318 \end{array}$$

56. 1) Номаълум сонни топинг:

$$k + 247 = 356 \quad 127 + a = 864 \quad c + 492 = 873$$

2) Бу мисолларнинг ҳар бирида нима номаълум эди? Номаълум қўшилувчини сиз қандай топган эдингиз?

57. a қўшилувчининг тўртта қийматини танлаб жадвалга шундай ёзингки, $79 + a$ йигинди ортадиган бўлсин. Йигиндини ҳисобланг:

a				
$79 + a$				

a қўшилувчи ҳар қандай сон бўла оладими?

58. 1) Қуйидаги масалаларни ечинг:

а) Икки меҳнат дарсида ўқувчилар болалар боғчаси учун ҳаммаси бўлиб 35 та ўйинчоқ ясадилар. Иккинчи дарсда 26 та ўйинчоқ тайёрланди. Биринчи дарсда нечта ўйинчоқ ясалган?

б) Агар ўйланган сонни 27 та орттирсак, 42 ҳосил бўлади. Қандай сон ўйланган?

2) Бу масалалар нимаси билан ўхшаш?

59. Тенг ёнли учбурчакнинг периметри 2 дм 7 см га тенг. Тенг томонларидан бири 8 см га тенг. Учинчи томонининг узунлиги нимага тенг?

60. 1) Буш катакларни тўлдириб, жадвални кучириб ёзинг:

Камаювчи	278	543	847
Айрилувчи	256	256	256
Айрма			

2) Камаювчи айрилувчи ва айирмадан иборат. Шунини текширинг.

61. 1) Айиришга доир мисол ечилишининг тўғрилиги қандай текширилади?

2) Қуйидаги мисолларни ечиб, сўнгра текширинг:
 $832 - 647$ $561 - 243$ $687 - 259$

62. Номаълум сонни топинг (камаювчи айрилувчи ва айирмадан иборат эканини эсда тутинг):

$$\begin{array}{ll} x - 247 = 356 & 924 - a = 546 \\ k - 289 = 175 & 627 - b = 348 \end{array}$$

63. Қуйидаги масалаларни ечинг. Буларнинг ҳар бирида нима номаълум эканини айтиб беринг:

1) Агар ўйланган сонни 48 та камайтурсак, 37 ҳосил бўлади. Қандай сон ўйланган?

2) Агар 28 сонига ўйланган сонни қўшсак, 54 ҳосил бўлади. Қандай сон ўйланган?

3) Бир бола нонуштага 26 тийин сарф қилганидан кейин, унда 4 тийин пул қолди. Болада неча тийин бор эди?

4) Ишчи икки кунда 64 та деталь тайёрлаши керак эди, иккинчи куни у 28 та деталь тайёрлади. Ишчи биринчи куни неча деталь тайёрлаган?

5) Биринчи сентябрь куни синфда 32 ўқувчи бор эди. Ўқув йилининг ўртасида синфга яна бир неча ўқувчи келди, энди бу синфда 36 ўқувчи бўлди. Синфга йил ўртасида неча ўқувчи келган?

64. Қўшилувчи n нинг йиғинди камайдиган тўртта қийматини топинг ва жадвалга ёзинг:

n				
$n + 86$				

Қўшилувчи n ҳар қандай сон бўла оладими?

65. Камаювчи c нинг айирма ортадиган тўртта қийматини топинг ва жадвалга ёзинг:

c				
$c - 16$				

Камаювчи c ҳар қандай сон бўла оладими?

66. Айрилувчи a нинг айирма камайдиган тўртта қийматини топинг ва жадвалга ёзинг:

a				
$92 - a$				

Айрилувчи a ҳар қандай сон бўла оладими?


67. Мисолларни ечинг ва уни текширинг:

$$\begin{array}{r}
 856 \\
 \underline{845}
 \end{array}
 \quad
 \begin{array}{r}
 - 634 \\
 \underline{426}
 \end{array}
 \quad
 \begin{array}{r}
 743 \\
 \underline{546}
 \end{array}
 \quad
 \begin{array}{r}
 + 385 \\
 \underline{274}
 \end{array}
 \quad
 \begin{array}{r}
 + 238 \\
 \underline{675}
 \end{array}
 \quad
 \begin{array}{r}
 + 156 \\
 \underline{267}
 \end{array}$$

Қўшилувчилардан бирининг ўзгаришига қараб йиғиндининг ўзгариши

68 (оғзаки). Куйидаги ифодаларни таққосланг ва $>$ ёки $<$ белгисини қўйинг:

$$\begin{array}{ll}
 8 + 3 \dots 8 + 5 & 843 + 112 \dots 843 + 116 \\
 27 + 46 \dots 37 + 46 & 451 + 278 \dots 546 + 278
 \end{array}$$



69. 1) Жадвални тўлдилинг: биринчи устундаги биринчи қўшилувчи 8, иккинчи қўшилувчи 15. Йигиндини топинг:

I қўшилувчи	8							
II қўшилувчи	15							
Йигинди								

Кейинги устунларда биринчи қўшилувчи (8) ни ўзгаришсиз қолдилинг, иккинчи қўшилувчини 3 та, 5 та, 8 та birlik орттилинг. Йигиндиларни топинг ва уларни биринчи йигинди билан таққосланг. Йигинди ҳар сафар неча birlik ортди?

2) Худди шундай жадвални тўлдилинг, лекин энди иккинчи қўшилувчи (15) ни ўзгаришсиз қолдириб, биринчи қўшилувчи (8) ни 12 та, 20 та, 25 та birlik орттилинг. Ҳар сафар йигинди неча birlik ортди?

3) Қандай хулоса чиқариш мумкин?

70. 1) Худди шундай жадвал тузинг (69- масалага қаранг) ва уни ўзингиз шундай тўлдилингки, олдин биринчи қўшилувчи бир неча birlik камаядиган, иккинчи қўшилувчи эса ўзгаришсиз қоладиган бўлсин, сўнгра иккинчи қўшилувчи бир неча birlik камайиб, биринчи қўшилувчи ўзгаришсиз қоладиган бўлсин. Ҳар сафар йигинди неча birlik камаяди?

2) Қандай хулоса чиқариш мумкин?

Агар қўшилувчилардан бирини бир неча birlik орттириб (ёки камайтириб) иккинчи қўшилувчини ўзгаришсиз қолдирсак, у ҳолда йигинди ҳам шунча birlik ортади (ёки камаяди).

71. Агар:

а) биринчи қўшилувчини 17 бирлик орттириб, иккинчи қўшилувчини ўзгаришсиз қолдирсак, йиғинди қандай ўзгаради?

б) иккинчи қўшилувчини 42 бирлик орттириб, биринчи қўшилувчини ўзгаришсиз қолдирсак-чи?

в) биринчи қўшилувчини 27 бирлик камайтириб, иккинчи қўшилувчини ўзгаришсиз қолдирсак-чи?

г) иккинчи қўшилувчини 50 бирлик камайтириб, биринчи қўшилувчини ўзгаришсиз қолдирсак-чи?

72. 1) Йиғинди 15 бирлик ортди, чунки қўшилувчилардан бири ўзгарди. У қандай ўзгартирилган?


2) Йиғинди 62 бирлик камайиши учун қўшилувчилардан бирини қандай ўзгартириш керак?

73. 1) Мисолларни ҳар бир устунда натижа ортиб борадиган қилиб жойлаштириб, кўчириб ёзинг.

2) Навбатдаги ҳар бир мисолнинг натижасини ўзидан олдинги мисолнинг натижасидан фойдаланиб топинг:

$270 + 90$	$160 + 80$	$340 + 110$	$570 + 170$
$120 + 90$	$140 + 80$	$340 + 165$	$570 + 200$
$360 + 90$	$120 + 80$	$340 + 160$	$570 + 180$
$430 + 90$	$130 + 80$	$340 + 175$	$570 + 150$

74. Қуйидаги чизмага қараб масала тузинг ва ечинг:



75 (огзаки). 1) Бир яшикда 15 кг, иккинчи яшикда 18 кг олма бор. Иккала яшикда неча килограмм олма бор?

2) Биринчи яшикка 6 кг олма қўшилди. Шундан кейин иккала яшикда неча килограмм олма бўлди? Натижани олдинги масаланинг жавобидан фойдаланиб топинг.

76. 1) Библиотекага китоб олиш ва спорт залини ремонт қилиш учун мактабга 250 сўм пул берилди. Зални ремонт қилиш учун 120 сўм кетди. Библиотекага китоб олиш учун қанча пул қолди?

2) Агар мактабга 250 сўм эмас, балки ундан 30 сўм ортиқ пул берилган бўлса, китоб олиш учун қанча пул қолади? (Масалани энг осон йўл билан ечинг.)

77. Василя билан Лолада баравардан пул бор эди. Дафтар олишда Василя ўзи олган дафтарлар учун 8 тийин ортиқ тўлади. Бу қизларнинг қайси бирида пул кам қолди ва қанча кам қолди?

78. 1) Тушириб қолдирилган сонларни ҳар қандай мос сонлар билан тўлдириб ёзинг:

$$а) 250 + 380 > 250 + \dots \quad 305 + 96 > \dots + 96$$

$$160 + 470 < 160 + \dots \quad 150 + 78 < \dots + 79$$

$$б) 480 + \dots < 480 + 36 \quad \dots + 270 > 86 + 270$$

$$73 + \dots > 73 + 140 \quad \dots + 380 < 71 + 380$$

2) Икки соннинг йиғиндиси 340:

а) Агар бу сонлардан бирини 36 та орттирсак йиғинди қандай бўлиб қолади? 74 та орттирсак-чи? 120 та орттирсак-чи?

б) Агар қўшилувчилардан бирини 8 та камайтирсак йиғинди қандай бўлиб қолади? 20 та камайтирсак-чи? 70 та камайтирсак-чи? 64 та камайтирсак-чи?

79. Қуйидаги масалаларнинг шартларини қисқача қилиб ёзинг ва шу масалаларни ечинг:

1) Учта яшикда 38 кг олма бор эди. I яшикда 16 кг, II яшикда ҳам шунча олма бор эди. III яшикда неча килограмм олма бор эди?

2) Учта касални қабул қилиш учун врач 35 минут вақт сарф қилди. Биринчи касални қабул қилишга 15 минут, иккинчи касални қабул қилишга ундан 3 минут кам вақт кетди. Учинчи касални қабул қилиш неча минут давом этган?

80. Номаълум сонни топинг:

1) $k - 236 = 185$

3) $76 + a = 243$

2) $(x + 57) - 34 = 246$

4) $124 + (b - 15) = 137$

81. Амалларни бажаринг ҳамда натижани метр ва сантиметрлар билан ифодаланг:


$3\text{ м } 4\text{ дм} + 8\text{ см}$ $37\text{ см} + 83\text{ см}$ $3\text{ дм } 8\text{ см} + 9\text{ дм } 7\text{ см}$

$2\text{ м } 1\text{ дм} + 2\text{ см}$ $56\text{ см} + 72\text{ см}$ $4\text{ дм } 2\text{ см} + 8\text{ дм}$

$4\text{ м } 2\text{ дм} - 2\text{ м}$ $64\text{ дм} - 35\text{ дм}$ $15\text{ дм } 6\text{ см} - 9\text{ см}$

$8\text{ м } 4\text{ дм} - 8\text{ см}$ $83\text{ дм} - 67\text{ дм}$ $32\text{ дм } 4\text{ см} - 2\text{ дм}$

82. Чизмада сиз қандай таниш фигураларни кўряпсиз? Ҳамма учбурчакларнинг ва тўртбурчакларнинг номини ёзинг. Ҳар бир учбурчакнинг турини аниқланг:



83. $763 + 34$ $832 - 18$ $548 - 23$ $786 + 238$

$237 + 48$ $564 - 25$ $379 - 62$ $452 - 174$

$126 + 65$ $472 - 37$ $412 - 80$ $395 + 546$

$544 + 57$ $637 - 70$ $340 - 67$ $824 - 367$

КАМАЮВЧИНИНГ ЎЗГАРИШИГА ҚАРАБ АЙИРМАНИНГ ЎЗГАРИШИ

84 (оғзаки). Ифодаларни таққосланг ва > ёки < ишорасини қўйинг:

$6 - 2 \dots 7 - 2$ $564 - 126 \dots 626 - 126$

$237 - 3 \dots 247 - 3$ $832 - 521 \dots 960 - 621$

85. Жадвални тўлдириг. 1- устун: камаювчи 80, айрилувчи 20. Айирмани топинг.

Камаювчи								
Айрилувчи								
Айирма								

Кейинги устунларда айрилувчи (20) ни ўзгаришсиз қолдириг, камаювчи (80) ни эса аввал 2 та, 3 та, 5 та орттириг, сўнгра 10 та, 18 та, 23 та камайтириг. Айирмаларни топинг ва уларни биринчи айирма билан таққосланг. Ҳар сафар айирма неча бирлик камаяди ёки ортади?

Агар айрилувчини ўзгаришсиз қолдириб, камаювчини бир неча бирлик орттирсак, (ёки камайтирсак), у ҳолда айирма шунча бирлик ортади (ёки камаяди).

86. 1) Камаювчи 90 та орттирилди, айрилувчи эса ўзгаришсиз қолдирилди. Айирма қандай ўзгарди?

2) Айирмани 30 та камайтириш учун камаювчини қандай ўзгартириш керак? 70 та камайтириш учун-чи?

87. Ҳар бир устундаги иккинчи мисолнинг натижасини ўзидан олдинги мисолнинг жавобидан фойдаланиб ҳисобланг:

$$912 - 586 = 326 \quad 725 - 467 = 258 \quad 817 - 189 = 628$$

$$908 - 586 = \dots \quad 735 - 467 = \dots \quad 820 - 189 = \dots$$

88. Қуйидаги формулаларга асосланиб масалалар тузинг ва уларни турли усуллар билан ечинг:

$$1) x = 86 + (86 - 29); \quad 2) x = 92 + (83 - 47).$$

89. Қуйидаги масалаларнинг шартларига кура номаълум сонни k ҳарфи билан белгилаб утадан мисол тузинг.

1) Агар номаълум сон 46 дан 17 та ортиқ бўлса;

2) агар 53 сони номаълум сондан 24 та ортиқ бўлса;

3) агар номаълум сонни 37 та орттирсак, 72 ҳосил бўлса, номаълум сонни топинг.

90. Тенг томонли учбурчакнинг периметри 3 дм 6 см га тенг. Бу учбурчакнинг бир томонининг узунлиги қанча?

АЙРИЛУВЧИНИНГ ЎЗГАРИШИГА ҚАРАБ АЙИРМАНИНГ ЎЗГАРИШИ

91. Қуйидаги ифодаларни таққосланг:

$$25 - 5 \dots 25 - 8 \quad 30 - 10 \dots 30 - 8$$

$$142 - 36 \dots 142 - 38$$

92.

Камаювчи					
Айрилувчи					
Айирма					

Шундай жадвал чизинг ва уни камаювчи ўзгармай-диган, айрилувчи эса олдин бир неча бирлик ортиб, сўнгра камайиб борадиган қилиб тўлдириш. Айрилувчи неча бирлик ортади ёки камаювчи? Қандай хулоса чиқариш мумкин?

Агар камаювчини ўзгартирмасдан қолдириб, айрилувчини бир неча бирлик орттирсак, у ҳолда айирма шунча бирлик камаювчи; агар-

**да айрилувчини бир неча бирлик камай-
тирсак, у ҳолда айирма шунча бирлик ор-
тади.**

93. Агар камаювчини ўзгаришсиз қолдириб, айри-
лувчини:

1) 10 та, 27 та, 48 та бирлик орттирсак;

2) 15 та, 30 та, 40 та бирлик камайтирсак айирма
қандай ўзгаради?

94. 1) Қуйидаги мисолларни олдингисининг натижа-
сидан фойдаланиб ечинг:

$$421 - 285 = 136 \quad 633 - 456 = 177 \quad 541 - 178 = 363$$

$$421 - 289 = \dots \quad 633 - 454 = \dots \quad 543 - 178 = \dots$$

2) Биринчи мисолни ечишда қандай қоидадан фой-
даландингиз? Иккинчи мисолни ечишда-чи? Учинчи ми-
солни ечишда-чи?

95. Қуйидаги мисолларни ечинг; ҳар бир устундаги
мисолларни натижаси ортиб борадиган қилиб ёзинг.
Натижаларни энг осон усул билан топинг:

$$820 - 240 \quad 365 + 35 \quad 100 + 740 \quad 450 - 70$$

$$820 - 180 \quad 365 + 75 \quad 95 + 740 \quad 480 - 70$$

$$820 - 450 \quad 365 + 55 \quad 60 + 740 \quad 430 - 70$$

$$820 - 190 \quad 365 + 65 \quad 140 + 740 \quad 400 - 70$$

96. Номатълум сонни топинг:

$$456 - k = 321$$

$$b + 847 = 960$$

$$748 - (k + 37) = 468$$

$$(b + 36) - 152 = 467$$

97. 1) Болалар богчасининг ошхонаси сентябрь ойи-
да 50 кг қанд олиб, 46 кг ни сарф қилди. Сентябрь
ойида берилган қанддан неча килограмм қолди?

2) Октябрь ойи учун ҳам шунча қанд берилди, ле-
кин сентябрь ойидагидан 2 кг ортиқ сарф қилинди.


Октябрь ойида берилган қандан неча килограмм қолди? (Масалани ۋнг осон йўл билан ечинг.)

98. Колхознинг икки сут фермасида ҳар куни 850 л сут соғилади. Бир ферманинг сут соғувчи аёллари 45 л ортиқ сут соғадиган бўдилар. Бунинг натижасида колхозда ҳаммаси бўлиб қанча сут соғиладиган бўлди?

99. Бир омборда 256 қоп картошка, иккинчи омборда эса ундан 40 қоп кам картошка бор эди. Бир кунда ҳар бир омбордан 150 қопдан олиб кетишди. Бу омборларнинг қайси бирида кўп картошка қолди ва қанча кўп қолди?

КЎПАЙТИРИШ ВА БЎЛИШ (оғзаки)

100.



101. Қуйида келтирилган сонлардан бўлишга доир мумкин бўлган ҳамма мисолларни тузинг:

7; 64; 56; 49; 8; 80; 32; 24; 6.

102. Қуйидаги ифодаларни таққосланг ва ҳисобла-масдан булардан қайси бири иккинчисидан катта ва қанча катта эканини айтиб беринг:

$8 \cdot 12 \dots 8 \cdot 11$ $7 \cdot 64 \dots 7 \cdot 65$

103. 1) Қуйидаги мисолларни тушунтириб (берилган намунага қараб) ечинг:

$$28 \cdot 3 = (20 + 8) \cdot 3 = 20 \cdot 3 + 8 \cdot 3 = 84$$

$$17 \cdot 5; 21 \cdot 4; 32 \cdot 4; 45 \cdot 2.$$

2) Бу мисолларнинг ечилиши асосланган қондан ифодаланг ва уни ҳарфлар ёрдамида ёзинг.

104. Йиғиндини сонга бўлиш қондасини ҳарфлар ёрдамида ёзинг ва ундан фойдаланиб, қуйидаги мисолларни тушунтириб ечинг:

$$84 : 7 \quad 56 : 4 \quad 85 : 5 \quad 77 : 7$$

105. 35 кг нок ва 29 кг олмани почта орқали жўнатиш учун ҳар бирида 8 кг дан қилиб яшиқларга жойлаш керак. Шу мевани жўнатиш учун нечта яшиқ керак бўлади?

106. Бир болада 36 та чет эл маркаси ва 48 та совет маркаси бор эди. У маркаларни альбомининг ҳар бетига 12 тадан қилиб ёпиштирди. Бу маркалар альбомнинг неча бетини банд қилган? (Бу масалани турли усуллар билан ечинг.)

107. 1) Мисолларни ечинг ва ҳар бир устуннинг мисолларини таққосланг. Буларнинг нимаси қизиқ?

$$\begin{array}{cccc} 13 \cdot 6 & 24 \cdot 4 & 18 \cdot 5 & 14 \cdot 7 \\ 78 : 6 & 96 : 4 & 90 : 5 & 98 : 7 \\ 78 : 13 & 96 : 24 & 90 : 18 & 98 : 14 \end{array}$$

2) Шундай мисоллардан ўзингиз яна тўртта устун тузинг ва уларни ечинг.



108. Ҳар бир жуфт мисолларни таққосланг ва уларни ечинг:

$$\begin{array}{ccccc} 7 \cdot 8 & 9 \cdot 7 & 6 \cdot 6 & 18 \cdot 3 & 16 \cdot 4 \\ 70 \cdot 8 & 90 \cdot 7 & 60 \cdot 6 & 180 \cdot 3 & 160 \cdot 4 \end{array}$$

109. Тикувчилик устахонасида 50 м узунликдаги газламани кўйлақлар тикиш учун 4 м дан қилиб бўлақларга бўлишди. Бундай бўлақлардан нечта чиқди ва бунда қанча қолдиқ қолди?

110. Бўлишга доир қуйидаги мисоллардан фақат қолдиқ қоладиганларини кўчириб ёзинг ва ечинг:

65 : 5 64 : 3 56 : 4 44 : 11 520 : 3
 81 : 5 67 : 4 57 : 3 67 : 11 240 : 7
 92 : 5 84 : 3 82 : 9 93 : 10 720 : 2

111. 1) Бўлишга доир учта мисол тузинг, ҳар сафар қолдиқда 4 сони чиқадиган бўлсин.

2) Бўлишга доир бўлувчиси 4 бўлган бир нечта мисол тузинг, уларнинг ҳар бирида бошқа қолдиқ чиқсин. Шундай мисоллардан нечта тузиш мумкин?

112. Бўш катакларни тўлдириб, жадвални кўчириб ёзинг.

Бўлинувчи	86	75	49	56	67	83	71
Бўлувчи	3	3	2	5	3	4	6
Бўлинма	28	25					
Қолдиқ	2	—					

113. Қуйидаги формулалар бўйича масалалар тузинг ва уларни турли усуллар билан ечинг:

$$x = (120 + 330) : 5 \quad x = (12 + 11) \cdot 3$$

114. Қуйидагиларни ёзинг ва ҳисобланг:

1) 76 ва 18 сонларининг йиғиндисини 9 га бўлинг.

2) 46 ва 18 сонларининг йиғиндисини 8 сонига бўлишдан чиққан бўлинмани топинг.

3) Камаювчи 840, айрилувчи 300 ва 120 сонларининг йиғиндиси билан ифодаланган. Айирмани топинг ва уни 6 марта камайтиринг.

4) Биринчи қўшилувчи 170, иккинчиси 280 га 90 сонларининг айирмаси билан ифодаланган. Йиғиндини топинг ва уни 9 марта камайтиринг.

II. КЎП ХОНАЛИ СОНЛАРНИ НОМЕРЛАШ

115. 1) Ушбу сонларни ўқинг: 123, 213, 321 132.
2) Бу сонларнинг ёзувида 1 рақами, 2 рақами, 3 рақами нимани билдиришини айтиб беринг. Соннинг ёзувидаги рақамнинг қиймати нимага боғлиқ?
3) I хонанинг бирликлари, II хонанинг бирликлари, III хонанинг бирликлари нима деб аталади ва улар (ўнгдан чапга санаганда) қандай ўринга ёзилади?

I хона (бирлар), II хона (ўнлар) ва III хона (юзлар) бирлар синфини ташкил қилади. Бу — биринчи синф. Юзлар — бу синфнинг юқори хонаси, бирлар — қуйи хонасидир.

116. 1) Қуйидаги сонларнинг ҳар бирида I, II, III хонанинг нечта бирлиги бор: 548, 632, 703, 800?
2) Бу сонларнинг ҳар бирида ҳаммаси бўлиб нечта ўнлик бор?


117. II хонанинг 4 бирлигидан;
III хонанинг 7 бирлигидан ва II хонанинг 2 бирлигидан;
III хонанинг 6 бирлигидан;
II хонанинг 5 бирлигидан ва I хонанинг 6 бирлигидан;

I хонанинг 9 бирлигидан;

III хонанинг 8 бирлигидан ва I хонанинг 5 бирлиги-
дан иборат сонларни ёзинг.

118. Қуйидаги сонлар-
нинг ҳар бирини хона қў-
шилувчиларининг йигинди-
си шаклида ифодаланг: 956,
520, 708, 431.

119. Сонларни чўтга
солиш мумкин. Пастдан
биринчи симга — бирлик-
лар, иккинчи симга — ўн-
ликлар, учинчи симга —
юзликлар солинади.



418, 947, 306, 590, 26, 260 сонларини чўтга солинг.

120. Қуйидаги мисолларда фақат огзаки ечиш қи-
йин бўлган ҳолларда амалларни ёзма бажаринг:

$$\begin{array}{cccc}
 786 - 632 & 387 + 534 & 540 + 86 & (360 + 280) : 8 \\
 560 - 340 & 456 + 240 & 720 - 54 & (530 - 370) \cdot 4 \\
 864 - 427 & 817 + 321 & 360 - 90 & (820 - 765) \cdot 3
 \end{array}$$

121. Ораларидаги масофа 750 км булган икки ша-
ҳардан бир-бирига қарши икки поезд йўлга чиқди.
Агар улардан бири соатига 50 км, иккинчиси 40 км
йўл юрса, бир соатдан кейин бу поездлар бир-би-
ридан қанча масофада бўлади? (Чизмасини чизинг ва
масалани турли усуллар билан ечинг.)



122. Чизмага қараб ма-
сала тузинг ва уни ечинг.

123. Сонлар қаторини
давом эттиринг (ҳар бир
қаторда яна тўрттадан сон
ёзинг):

- 1) 297, 298, 299, ... 3) 834, 836, 838, ...
 2) 604, 603, 602, ... 4) 790, 760, 730, ...

124. 1) Сонлар қаторида қуйидаги сонлардан кейин келадиган сонни айтинг: 389, 500, 699.

2) Сонлар қаторида 999 сонидан кейин келадиган сонни қандай ҳосил қилиш мумкин? Бу қандай сон? Бу сон олдинги сондан нечта ортиқ?

3) 1000 сонидан кейин келадиган сонни қандай ҳосил қилиш мумкин? Бу қандай сон?

125. 1) 1000 га биттадан қўшиб боринг ва: бир минг бир, бир минг икки, бир минг уч, ... то бир минг ўнгача сананг.

2) Бир минг бир юз сонидан олдин келган сонни айтинг; сонлар қаторида ундан кейин келадиган сонни айтинг.

3) Сонлар қаторида бир минг етти юз тўқсон тўққиз сонидан кейин келадиган сонни айтинг; бир минг тўққиз юз сонидан кейин келадиган сонни айтинг; бир минг тўққиз юз тўқсон сонидан кейин келадиган сонни айтинг.

4) Бир минг тўққиз юз тўқсон тўққиз сонини 1 та орттирсак қандай сон ҳосил бўлади?

126. Минглар ҳам бирликлар каби саналади: 1 минг, 2 минг, 3 минг ва ҳоказо.

Ма с а л а. Қутида 1000 та қалам бор. 2 та шундай қутида нечта қалам бор? 3 тасида-чи? 4 тасида-чи? 5 тасида-чи? 7 тасида-чи? 8 тасида-чи? 9 тасида-чи?

Ёзинг ва эсда тутинг:

10 та юз 1 минг булади.

10 та минг 1 ўн минг булади.

10 та ўн минг 1 юз минг дўлади.


Шундай қилиб, мингталаб санаганда урта янги хона: бир минглар хонаси, ўн минглар хонаси, юз минглар хонаси ҳосил булади, бу хоналар иккинчи синфни — минглар синфни ташкил қилади.

127. 1) Минг ҳосил бўлгунча юзталаб чўтга солинг ва санаб боринг.

2) Юзталикларни пастдан санаганда чўтнинг қайси симига солдингиз? 1 мингни қайси симга солдингиз? 2 мингни-чи?

3) Бир мингталаб 1 та ўн мингтагача чўтга солинг ва санаб боринг, сўнгра 1 та ўн мингталаб (бешинчи симда) чўтга солинг. Юз мингни қайси симдан соласиз?

4) Расмни кўриб чиқинг ва иккала ҳолда ҳам чўтга бир хил сон солинган эканини исбот қилинг.



Минглар хонасининг бирликлари IV хона бирликлари, ўн минглар — V хона бирликлари, юз минглар VI хона бирликлари дейилади.

IV, V, VI хоналарнинг бирликлари иккинчи синфни — минглар синфни ташкил қилади.

128. 1) Синфлар ва хоналар жадвалини куриб чиқинг:

Иккинчи синф — минглар синфи			Биринчи синф — бирлар синфи		
VI хона юз минг- лар	V хона ўн минг- лар	IV хона минглар	III хона юзлар	II хона ўнлар	I хона бирлар

2) а) V хонанинг 1 бирлигини ўзига олган сонни ёзинг.

б) IV хонанинг 3 бирлигини ўзига олган сонни ёзинг.

в) VI хонанинг 2 бирлигини ўзига олган сонни ёзинг.

129. Қуйидаги сонларни ёзинг (бирор хона birlik-ларининг йўқлиги ёзувда- ноль сони билан белгилани-шини эсда тутинг!): беш юз уттиз; беш юз уч; уч метр йигирма етти сантиметр; беш метр олти сантиметр; икки сум саккиз тийин.

130. Қуйидаги мисолларни ечинг ва ечилишини ик-ки усул билан текширинг:

$$\begin{array}{rcl} 378 + 264 & 723 - 468 & 847 - 395 \\ 586 - 379 & 346 + 476 & 532 + 219 \end{array}$$

131. Қуйидаги мисолларда номаълум сонни топинг:

$$\begin{array}{rcl} 24 \cdot 2 + b \cdot 3 = 72 & 5 \cdot x + 7 \cdot 2 = 29 \\ 9 \cdot a + 9 \cdot 4 = 90 & 12 \cdot 6 - k \cdot 4 = 24 \end{array}$$

132. 1) 10 та расм дафтар 60 тийин туради. 20 та шундай дафтар қанча туради?

Бу масаланинг шартини қисқача ёзинг ва уни ечинг.

2) Бундан олдинги масалага ўхшаш масала тузинг ва уни ечинг.

133. Оддий бирлардан тортиб то юзминггача сизга маълум бўлган ҳамма хоналарни айтинг (сўнгра юз минглардан бошлаб оддий бирларгача хоналарни айтинг).

134. а) Мингга то бир минг йигирма чиққунча битталаб қўшиб боринг;

б) мингга то бир минг ўттиз чиққунча бештадан қўшиб боринг;

в) мингга то бир минг икки юз чиққунча 40 тадан қўшиб боринг;

г) мингга то икки минг чиққунча 100 тадан қўшиб боринг;

д) мингга то ўн икки минг чиққунча 1000 тадан қўшиб боринг.

135. Жадвални кўриб чиқинг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг:

Иккинчи сиф — минглар сифи			Биринчи сиф — бирлар сифи		
Юз минглар	Ўн минглар	Бир минглар	Юзлар	Ўнлар	Бирлар
			4	5	6
			5	6	0
			6	0	5
		4	0	0	0
	7	5	0	0	0
6	0	0	0	0	0
3	9	2	0	0	0
4	0	8	0	0	0

1) Ҳар бир сифда нечта хона бор? Ҳар бир сифга қайси хоналар киради?

2) Жадвалда ёзилган олдинги учта сонни ўқинг. Биринчи сондаги 5 рақами нимани билдиради? Иккинчи сондаги 5 рақами-чи? Учинчи сондаги 5 рақами-чи?

Бу сонларнинг ҳар биридаги 6 рақами нимани билдиради?

560 сондаги 0 рақами нимани билдиради? 605 сондаги 0 рақами-чи?

3) а) Кейинги соннинг ёзувидаги ноллар нимани билдиради?

б) Бу сонда иккинчи синфнинг нечта бирлиги бор? 4000 сони мана бундай ўқилади: тўрт минг.

4) Жадвалда ёзилган навбатдаги сон нима учун етмиш беш минг деб ўқилишини тушунтириб беринг.

5) Жадвалда ёзилган навбатдаги сонларни ўқинг.

136. Қуйидаги сонларни ўқинг ва ҳар бир сонлар жуфтини таққосланг, уларнинг нимаси ўхшаш ва нимаси билан фарқ қилади:

7	15	108	60	900
7 000	15 000	108 000	60 000	900 000

137. 3 та юз минглик, 2 та ўн минглик ва 5 минглик олсак қандай сон ҳосил бўлади? 6 та ўн минглик ва 8 та минглик олсак-чи? 5 та юз минглик ва 9 та минглик олсак-чи? 8 та минглик 7 та юзлик ва 5 та ўнлик олсак-чи? 4 та юзлик 5 та ўнлик 6 та бирлик олсак-чи?

138 (оғзаки).

300 минг + 200 минг	200 минг + 60 минг	12 минг · 8
450 минг + 150 минг	500 минг + 8 минг	46 минг · 2
600 минг — 400 минг	375 минг — 75 минг	85 минг : 5
860 минг — 200 минг	684 минг — 80 минг	100 минг : 20

139. Учта бир хил яшикда 30 мингта қалам бор. 5 та (4 та, 6 та, 9 та) шундай яшикда нечта қалам бўлади?

140. Консерва фабрикасида 6 кунда 18 минг банка консерва тайёрланди. Агар фабрика бир хил иш унуми билан ишласа, 12 кунда нечта банка консерва тайёрлайди?

141. Қуйидагича ечиладиган масалалар тузинг:

$$x = 360 + (360 - 190) \quad x = 84 : 2 + 36 : 3$$



142. Ушбу сонларни ўқинг: 3 000; 9 000; 12 000; 84 000; 375 000; 614 000; 507 000; 500 000.

Бу сонларнинг ҳар бирида иккинчи синфнинг нечта бирлиги бор? Бу сонлардан ҳар бирининг охиридаги учта ноль нимани билдиради? Нима учун 3 рақами 3 мингни билдиради? Нима учун 8 рақами ўн мингни билдиради? Охирги икки сондаги 5 рақами нимани билдиради? Фақат иккинчи синфнинг birlikларидан иборат булган сонларни қандай ўқиймиз?

143 (оғзаки).

$$5\,000 + 3\,000 \quad 15\,000 + 20\,000$$

$$9\,000 - 6\,000 \quad 75\,000 - 35\,000$$

$$4\,000 \cdot 4 : 8 \quad 12\,000 \cdot 5 : 6$$

$$6\,000 : 3 \cdot 9 \quad 96\,000 : 8 \cdot 7$$

144. Синфларнинг ва хоналарнинг жадвалини чизинг (135- масалага қаранг) ва унга:

1) V хонанинг 6 бирлиги ва IV хонанинг 7 бирлигидан иборат сонни ёзинг;

2) VI хонанинг 7 бирлигидан, V, хонанинг 4 бирлигидан ва IV хонанинг 3 бирлигидан иборат сонни ёзинг.

Шу сонларни ўқинг.

145. 1) Синфлар ва хоналар жадвалига IV хонанинг 7 бирлигидан, III хонанинг 8 бирлигидан, II хонанинг 2 бирлигидан, I хонанинг 5 бирлигидан иборат сонни ёзинг.

2) Бу сонда иккинчи синфнинг нечта бирлиги бор? Унда биринчи синфнинг нечта бирлиги бор? Сон мана бундай ўқилади: 7 минг 825.

146.

Кўпхонали сонларни ўқиш учун унда ҳар бир синфнинг нечта бирлиги борлигини билиш муҳимдир. Шу сабабли сонни ўқиш учун уни ўнгдан чапга қараб уртадан рақам ажратиб, синфларга бўлиш керак (ҳар бир синфда уртадан хона бор). Кўпхонали сонларни ёзишда синфларнинг ораликлари бир оз ажратиб ёзилади.

147. 1) Ушбу сонни ўқинг: 4846.

2) 23647 сонини ўқиш учун мана бундай мулоҳаза юритамиз: бу сонда ҳаммаси бўлиб, иккинчи синфнинг 23 бирлиги — 23 минг бор, биринчи синфнинг birlikлари эса 647 та. Мана бундай ўқиймиз: 23 минг 647.

3) Ана шундай мулоҳаза юритиб, қуйидаги сонларни ўқинг: 7832; 75123; 6931; 246751; 12354.

(Шуни эсда тутингки, олдин берилган сонда ҳаммаси бўлиб иккинчи синфнинг нечта бирлиги борлигини кўрсатиш ва синфнинг номини айтиш („минг“), сўнгра биринчи синф birlikларининг умумий сонини кўрсатиш керак.)

148. 1) Юзликлар ўнгдан чапга қараб санаганда нечанчи ўринга ёзилади? birlikлар-чи? мингликлар-чи? ўнликлар-чи? ўн мингликлар-чи? юз мингликлар-чи?

2) Қуйидаги сонларни рақамлар билан ёзинг: олти юз саксон беш минг бир юз етмиш уч; беш юз икки

минг уч юз йигирма; қирқ саккиз минг тўрт юз ўн тўққиз; тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўққиз.

149. 1) 1 см неча миллиметр бўлади? 1 м неча сантиметр бўлади? 1 м неча миллиметр бўлади?

2) Қуйидаги сонларни аввал метрлар билан, сўнгра сантиметрлар билан ифодаланг 803 000 мм; 430 000 мм; 75 000 мм; 920 000 мм; 62 000 мм; 147 000 мм.

Намуна. 3000 мм = 3 м = 300 см.

3) Қуйидаги сонларни миллиметрлар билан ифодаланг:

2 м; 80 см; 3 м 20 см; 4 м 5 см.

150. 1 дм 05 мм узунликда кесма чизинг. Бу кесма ҳаммаси бўлиб неча миллиметр бўлади?

Биринчи кесмадан 5 миллиметр узунроқ кесма чизинг. Бу кесманинг узунлиги қанча бўлади?

Иккинчи кесманинг узунлигини сантиметрлар билан ифодаланг.

151. 4 метр газлама 3 сўм 60 тийин туради. 6 сўм 30 тийинга неча метр газлама олиш мумкин?

Кўрсатма. Бу масалани газламанинг жами пулини тийинлар билан ифодалаб, қисқача ёзиб олинг.

152. Қуйидаги қисқача ёзувга қараб масалалар тузинг ва уларни ечинг:

1) I — 3000 ← ————— | } ←
 II — ? ундан 2 марта ортиқ ————— | } ←
 III — x ————— | } ←

2) I — 8000 ← ————— | } ←
 II — ? — $\frac{1}{4}$ қисмича ————— | } ←
 III — x ————— | } ←

153. Қуйидаги мисолларни ечинг ва уларни текширинг:

756 — 382 637 + 169 843 — 568 700 — 376

154. Қўйидаги сонларни хона birlikлари йигиндиси кўринишида тасвирланг: 672; 520; 603; 987; 304.

155 (оғзаки). Олти хонали сонда энг катта хонаси қайси? Тўрт хонали сонда-чи? Беш хонали сонда-чи?

156. V хонанинг 3 та birlikи қандай сонни ташкил қилади? III хонанинг 6 та birlikи-чи? IV хонанинг 9 та birlikи-чи? VI хонанинг 1 та birlikи-чи?

157. 1) Ушбу сонларни ўқинг: 5 487; 32 812; 422 525; 308 407; 24 500; 300 000; 75 120.

2) Бу сонларнинг ҳар бирида нечта минглик бор? Нечта birlik бор?

158. 1) Ушбу сонларни хона birlikларининг йигиндиси шаклида ёзинг: 375; 406; 580.

2) V хонанинг 7 birlikидан, IV хонанинг 6 birlikидан, III хонанинг 2 birlikидан ва I хонанинг 4 birlikидан иборат сонни ёзинг. Бу сонни ўқинг ва уни хона birlikларининг йигиндиси шаклида ёзинг.

159. Минг чўтнинг қайси симида солинади? Ўн минг-чи? Юз минг-чи?

1) Ушбу сонларни ўқинг ва чўтга солинг: 8 152; 17 380; 91 105; 439 815; 116 780; 245 300; 60 000; 700 000; 608 703.

2) Бу сонларни хона қўшилувчилари йигиндиси шаклида ёзинг.

160. Оғзаки ҳисобланг:

50 000 + 3 000	2 548 - 2 000	21 м + 32 см
62 000 + 500	7 350 - 300	40 м + 20 см
73 840 - 840	29 100 - 9 000	4 м + 75 см
64 520 - 20	53 000 + 820	8 см + 9 мм

161. 40 ва 20 сонларининг йигиндисини 30 та орттиринг.

Кўрсатма. 40 ва 20 сонларининг йигиндисини 30 та орттириш учун йигиндини ҳисоблаб, уни 30 та орттириш ҳам мумкин:

1) $(40 + 20) + 30 = 60 + 30 = 90.$

2) $(40 + 20) + 30 = (40 + 30) + 20 = 90.$

3) $(40 + 20) + 30 = 40 + (20 + 30) = 90.$

Бу ерда қўшишнинг сизга маълум бўлган қайси хоссасидан фойдаланилган?

162. Ҳар бир топшириқни уч усул билан бажаринг, мулоҳазани бундан олдинги машқдагидек олиб боринг:

1) 280 ва 300 сонларининг йигиндисини 50 та орттиринг.

2) 160 ва 80 сонларининг йигиндисини 70 та орттиринг.

3) a ва b сонларининг йигиндисини k та орттиринг.

163. Томони 1 дм 8 см бўлган тенг томонли учбурчакнинг периметрини ҳисобланг.



164. а) IV хонанинг 5 та бирлигидан; б) V хонанинг 7 та бирлигидан; в) VI хонанинг 2 та бирлигидан ва III хонанинг 9 та бирлигидан иборат сонни айтинг ва ёзинг.

165. а) Иккинчи синфнинг 356 бирлигидан иборат сонни; б) биринчи синфнинг 300 бирлигидан; в) иккинчи синфнинг 25 та бирлигидан ва биринчи синфнинг 180 та бирлигидан иборат сонни; г) иккинчи синфнинг 40 та бирлигидан ва биринчи синфнинг 6 та бирлигидан иборат сонни айтинг ва ёзинг.

166. 1) Қуйидаги сонларнинг ҳар биридан олдин келадиган энг яқин сонни ва уларнинг ҳар биридан кейин келадиган энг яқин сонни айтинг ва ёзинг (бутун сонлар қаторида):

100; 1 000; 10 000; 100 000.

300; 800; 30 000; 700 000.

2) Юқоридаги сонларнинг ҳар бирида нечта белги борлигини санаб кўринг ва уларнинг ҳар бирини нима деб аташ мумкинлигини ўйлаб кўринг.

167. Тўрт хонали, беш хонали ва олти хонали сонлар қаторида энг олдинги бештасини ва охириги бештасини ёзинг.

168. Қуйидаги ҳар бир сатрда ёзилган сонлардан энг кичигини ва энг каттасини айтинг ҳамда нима учун бу сонлар энг кичик ва энг катта бўлишини айтиб беринг:

1) 1 000; 1 001; 1 010; 9 998; 9 999.

2) 10 000; 20 000; 30 000; 90 000; 99 998; 99 999.

3) 100 000; 102 000; 200 500; 800 000; 999 999.

169. 1) 6, 8, 2, 1, 0 рақамлари билан бир нечта беш хонали сон ёзинг ва уларни ўқинг.

2) Улардан энг каттасининг ва энг кичигининг тагига чизинг.

170. Оғзаки ҳисобланг:

100 000 — 10 000 199 999 + 1 90 000 + 10 000

100 000 — 1 000 99 999 + 1 90 000 + 1 000

100 000 — 1 38 599 + 1 90 000 + 1

171. Учувчи I куни 2 000 км, II куни — ундан 2 марта ортиқ, III куни эса — II кунидагидан 200 км ортиқ масофага учди. Учувчи шу уч кунда неча километр масофага учган?

172. Оёқ кийим фабрикаси бир йилда 60 000 жуфт аркаклар оёқ кийими, ундан 40 000 жуфт ортиқ аёллар оёқ кийими, аёллар оёқ кийимидан 2 марта ортиқ болалар оёқ кийими тайёрлаб чиқарди. Фабрика бир йилда неча жуфт болалар оёқ кийими тайёрлаб чиқарган?

173. 1) Қуйидаги формулалар билан ёзилган қондаларни ифодаланг:

$$(a + b) + c = a + (b + c); (a + b) \cdot c = a \cdot c + b \cdot c.$$

2) Шу формулалар бўйича сонли мисоллар тузинг ва уларни турли усуллар билан ечинг.

174. 1) Қуйидаги мисолларни тўлдириб ёзинг:

$$(360 + 80) + 40 = (360 + 40) + \dots$$

$$(86 + 25) + 74 = 86 + \dots$$

$$(b + k) + a = (b + a) + \dots$$

$$(30 + 60) \cdot 3 = 30 \cdot 3 + \dots$$

$$(200 + 300) \cdot 2 = 200 \cdot 2 + \dots$$

$$(p + k) \cdot c = p \cdot c + \dots$$

2) Ёнгиндини қандай қилиб **бир неча бирлик** ортириш кераклигини ва ёнгиндини қандай қилиб **бир неча марта** орттириш кераклигини айтиб беринг.

175. Қуйидагиларни мисоллар кўринишида ёзинг ва энг осон йўл билан ечинг:

1) 290 ва 70 сонлари ёнгиндисини 30 та орттиринг;

2) 340 ва 60 сонларининг ёнгиндисини 2 марта орттиринг;

3) 320 ва 90 сонларининг ёнгиндисини 80 та орттиринг;

4) 8 ва 9 сонларининг ёнгиндисини 5 марта орттиринг.

176. Эни 8 см ва бўйи энидан 3 марта ортиқ бўлган тўғри тўртбурчакнинг периметрини турли усуллар билан ҳисобланг.

СОННИ 10, 100, 1000 МАРТА ОРТТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ

177. 1 сонини ёзинг. Унинг ўнг томонига битта ноль ёзинг. Сиз 10 сонини ҳосил қилдингиз. 1 ва 10 сонларини таққосланг: биринчи сонда 1 рақами қандай ўринда турибди ва у нимани билдиради? Иккинчи сонда 1 рақами қандай ўринда турибди? Энди у нимани билдиради. 1 рақамининг ўнг томонига битта ноль қўйилганда у неча марта ортди?

2) Муҳокамани худди юқоридагидек юритиб, агар 1 сонининг ўнг томонига иккита ноль, учта ноль, тўртта ноль қўйсак шу сон неча марта ортишини аниқланг.

3) Устун шаклида ёзилган қуйидаги сонларни кўриб чиқинг. Ҳар бир устундаги сонларни таққосланг; ёзувда нима ўзгарди ва бу ўзгаришлар натижасида сон неча марта ортди:

2	5	70	38	46
20	50	700	380	460
200	500	7000	3800	4600
2000	5000	70000	38000	46000
20000	50000			

4) Шу сон устунларини пастдан юқorigа қараб чиқинг ва 20000, 50000, 70000, 38000, 46000 сонлари ўнг томонларидан битта ноль, иккита ноль, учта ноль ўчириб ташланганда қандай ўзгаришни айтиб беринг.

5) Кўриб чиқилган усуллардан фойдаланиб, 57, 8, 146, 90 сонларини 100 марта орттиринг, 340, 500, 9800, 860 сонларини эса ўн марта камайтиринг. Кўпайтириш ва бўлиш ишораларидан фойдаланиб, тегишли мисолларни ёзинг.

178. Қуйидаги мисолларни ечинг:

54000 : 1000 · 10	(170 + 430) : 100
3800 : 10 · 100	(475 + 525) : 10
60000 : 1000 · 100	(987 - 87) : 100

179. Уч пачка чой 150 г келади. Ун пачка шундай чой қанча келади? 100 пачка чой-чи?

180. Тўқимачилик фабрикасида 10 кунда 80 000 м газлама тўқиб чиқарилди. Бу фабрика 100 кунда (илгаригидек иш унуми билан) неча метр газлама тўқиб чиқара олади?

181 (огзаки). Қуйидаги бирликларни ўнликларда, юзликларда, мингликларда ифодаланг:

50 = 5 ўн	400 = 4 юз	6 000 = 6 минг
420 =	5 800 =	12 000 =
1380 =	9 600 =	75 000 =

182. Йирикроқ ўлчовларга айлантинг:

15 000 м = ... км	18 000 г = ... кг
2 500 см = ... м	20 000 г = ... кг
2 000 см = ... м	10 000 г = ... кг

100 тийин = ... сўм; 300 тийин = ... сўм;

1 000 тийин = ... сўм.

183. Майдароқ бирликларда ифодаланг:

5 юз 6 ўнни — ўнликларда
9 юз 8 ўнни — ўнликларда
8 минг 5 юзни — юзликларда
3 ўн минг 4 мингни — мингликларда
5 км 325 м ни — метрларда
6 м 85 см ни — сантиметрларда
25 кг ни — граммларда
12 сўмни — тийинларда

184. Амалларни бажаринг:

420 · 2 · 10	240 · 4	720 : 10 · 8	450 : 3 · 100
310 · 3 · 10	180 · 5	600 : 10 · 7	600 : 4 · 100
100 · 6 · 10	120 · 6	490 : 10 : 7	700 : 5 · 100

185. Қўйидаги формула бўйича масала тузинг:

$$x = (240 + 170) + 80.$$

Бу масалани турли усуллар билан ечинг.



186 (огзаки). 1) Қўйидаги сонларнинг ҳар бирида ҳаммаси бўлиб нечта birlik бор:

40; 100; 300; 320; 860; 548; 976?

Бу саволга жавоб бериш учун нима қилиш керак?

2) Бу сонларнинг ҳар бирида ҳаммаси бўлиб нечта ўнлик бор? Буни қандай қилиб билиб бўлади?

187. 1) 6541 сонини хона birlikлари йиғиндиси шаклида ёзинг ва нима учун бу сонда ҳаммаси бўлиб 654 та ўнлик, 65 та юзлик борлигини айтиб беринг.

Намуна.

а) $8765 = 8000 + 700 + 60 + 5$

800 ўн 70 ўн 6 ўн — ҳаммаси бўлиб

876 та ўн;

б) $8765 = 8000 + 700 + 60 + 5$

80 юз 7 юз — ҳаммаси бўлиб 87 юз.

2) Қўйидаги ёзуви бадиққат кўриб чиқинг ва сонда ҳаммаси бўлиб нечта birlik, нечта ўнлик, нечта юзлик, нечта минглик, нечта ўн минглик борлигини қандай билиш мумкинлигини тушунтиринг:

58 743 сонда:

923 027 сонда:

58 743 birlik

923 027 birlik

5 874 ўнлик

92 302 ўнлик

587 юзлик

9 230 юзлик

58 минглик

923 минглик

5 та ўн минглик

92 та ўн минглик.

3) Қуйидаги сонларни ёзинг ва буларнинг ҳар бирида ҳаммаси бўлиб нечта ўнлик борлигини тагига чи-зиб кўрсатинг, сўнгра эса уларни яна бир марта ёзинг ва уларнинг ҳар бирида ҳаммаси бўлиб нечта юзлик борлигини кўрсатинг:

856; 9 843; 6 127; 26 329.

188. 1) 3200 сониди ҳаммаси бўлиб нечта юзлик бор? 3200 *см* неча метр булади? (Эсда тутинг: 1 *м* = 100 *см*.)

2) 5846 сониди ҳаммаси бўлиб нечта юзлик бор? 5846 *см* сонини метр ва сантиметрлар билан ифодаланг.

— 5846 тийинни сўмлар ва тийинлар билан ифодаланг (1 сўм = 100 тийин).

189. Қуйидаги сонларни:

а) метр ва сантиметрларда ифодаланг: б) сўм ва тийинларда ифодаланг:

6 380 *см*

725 тийин

54 756 *см*

32 864 тийин

32 483 *см*

5 780 тийин

82 054 *см*

63 078 тийин

190. 2600 дона лимон ҳар бир саватга юзтадан қилиб жойланди. Нечта сават керак бўлган?

191. Магазинга 35 та юзталиқ тухум келтирилди. Магазинга неча дона тухум келтирилган?

192. ТУ — 104 самолёти 12 000 *м* баландликда учди. Бу баландликни километрлар билан ифодаланг.

193. Паррандачилик фермасида бир кунда 2400 дона тухум олинади. Бир кунда нечта юзталиқ тухум олинади?

194. Колхоз боғида *a* туп олма ва *b* туп гилос бор эди. Колхозчилар яна *c* туп олча экишди. Кол-

хоз боғида ҳаммаси бўлиб печа туп мевали дарахт бўлди?

1) Бу масалани турли усуллар билан ечинг.

2) Масалани $a = 430$, $b = 280$, $c = 240$ шартида ба-
жаринг.

195. Номаълум сонни топинг:

$$3420 - x \cdot 2 = 3000 \quad x : 2 + 940 = 964$$

196. Тўғри бурчакли тенг ёнли учбурчак чизинг,
унинг томонларини ўлчанг ва периметрини ҳисобланг.

СОНЛАРНИ ЯХЛИТЛАШ

197. 1) 20, 40, 80, 100, 200, 160, 980, 1320, 2640,
6800 ва ҳоказо сонлар **яхлит сонлар** дейилади.

36, 548, 9763 ва ҳоказо сонлар **яхлитмас сонлар**
дейилади.

2) Қуйидаги сонлардан ҳамма **яхлит сонларни** кў-
чириб ёзинг: 62; 70; 837; 900; 870; 2545; 30; 700; 540;
2356; 8960; 29300; 45780.

3) Санаганда 97 дан олдин ва 97 дан кейин кела-
диган энг яқин **яхлит сонларни** ёзинг. Бу сонлардан
қайси бири сонлар қаторида 97 га яқин туради?

198. Сонлар қаторида 192 га, 87 га, 561 га, 2348
га, 82756 га яқин турган **яхлит сонни** айтинг.

Турмушда кўпинча сонни ўзига яқин **яхлит сон**
билан алмаштиришга тўғри келади. Сонларни бундай
алмаштириш **сонларни яхлитлаш** дейилади. Яхлитлаш-
да **тақрибий сонлар** ҳосил бўлади.

199. Саналадиган буюмларнинг сонини аниқ билиш
қийин бўлиб қолганда ёки буюмлар сонини аниқ са-
нашга зарурат бўлмаганда **яхлитлашдан** фойдаланилади.

Масалаң, Биринчи май байрамида Москва Қизил
майдонидаги намоишда неча киши қатнашганини,

метро станциясида, автобус остановкасида бир кунда неча киши бўлишини ва ҳоказоларни аниқ айтиш қийин. Бироқ буни тақрибан бўлса ҳам билиш муҳимдир ва бундай ҳисоблашлар бажарилади. Агар уч кунлик текшириш натижасида Москва метросининг „Бауманская“ станциясидан I куни 150 084 киши, II куни 149 637 киши, III куни 150 186 киши ўтган бўлса, „Бауманская“ станциясидан ҳар куни 150 000 киши ўтади, дейдилар. Бу ерда сонлар минггача яхлитланган (уларда юзлик, ўнлик, бирликлар ташланган).

Сонларни юзликкача ёки ўнликкача яхлитлаш, умуман, талаб қилинган ихтиёрий хонагача яхлитлаш мумкин. Агар сон ўнликкача яхлитланса, у ҳолда бу сонда ўнлар хонасидан бошлаб, ҳамма юқори хоналари сақланиши керак, бирликлари эса ташланади (тақрибий сон ноль билан тамомланади); агар юзлар хонасигача яхлитланса, қуйи хоналарининг ҳамма бирликлари ташланади (бирликлар ва ўнликлар) ва тақрибий сон иккита ноль билан тамомланади ва ҳоказо.

Масалан, агар синфингизда 32 ўқувчи бўлса, у ҳолда ўнликларгача яхлитлаб, синфда 30 га яқин ўқувчи бор дейиш мумкин; агар мактабда 297 та ўқувчи бўлса, у ҳолда юзгача яхлитлаб, мактабда 300 га яқин ўқувчи бор дейиш мумкин.

200. Мактабингизда тахминан нечта ўқувчи ўқиётганини, мактабингизнинг залига (ёки клубига) тахминан нечта ўқувчи сиғишини, мактабингизда тахминан нечта пионер борлигини, маҳаллангизда (қишлоқингизда ёки шаҳарингизда) тахминан нечта киши яшаётганини билинг ва ёзинг.

Сонларни яхлитлашда қуйидаги қондалардан фойдаланилади: берилган сонга яқин яхлит сон кўрсатилади. Шунинг учун:

1) Агар ташланадиган хоналардан юқори хонасида 5 дан кичик бирлик бўлса, у ҳолда сондаги қолдириладиган охири рақам ўзгаришсиз қолади.

2) Агар ташланадиган хоналардан юқори хонасида 5 дан катта бирлик бўлса, у ҳолда сондаги қолдириладиган охири рақам ўзгаради — қолдириладиган хонанинг бирликлари сони 1 та ортади.

3) Агар ташланадиган хоналардан юқори хонасида 5 та бирлик бўлса, берилган сондан олдин келган ёки кейин келадиган иккала яхлит сон берилган сонга бир хил яқинликда бўлади. Бу ҳолда сақланадиган хона бирлиги сонини 1 та бирлик орттиришга келишилган.

201. Қуйидаги жадвални кўриб чиқинг, унда сонларни яхлитлашга доир мисоллар келтирилган, нима учун бир ҳолда сақланадиган қуйи хонанинг бирликлари сони ўзгаради, иккинчи ҳолда ўзгармайди, шуни айтиб беринг:

Берилган сон	6 124	3 827	248	4 537
10 гача яхлитлаш	6 120	3 830	250	4 540
100 гача яхлитлаш	6 100	3 800	300	4 500
1 000 гача яхлитлаш	6 000	4 000	—	5 000

202. Қуйидаги сонларни яхлитланг:

а) ўнгача: 262; 268; 735; 965; 1 418;

б) юзгача: 315; 392; 1 624; 1 682; 24 096;

в) минггача: 5 364; 5 856; 5 572; 36 015; 36 745.

203. Қуйидаги формулаларга кўра масалалар тузинг ва уларнинг ҳар бирини турли усуллар билан ечинг:

$$x = (240 + 170) + 80 \qquad x = (30 + 40) \cdot 12$$

204. Амалларни бажаринг; қийинроқларини устун

шаклида ёзиб, осонроқларини бир сатрга ёзиб ҳисобланг:

$$\begin{array}{ll} (932 - 752) : (72 : 12) & (286 + 554) : 4 \cdot 3 \\ (952 - 752) : (75 : 15) & (179 + 229) : 2 \cdot 4 \\ (824 - 584) : (96 : 12) & (687 - 583) : 5 : 2 \\ (877 - 793) : (98 : 14) & (877 - 793) : 3 : 2 \end{array}$$

205. 1) Қуйидаги сонларнинг ҳар бирида ҳаммаси бўлиб нечта ўнлик бор:

368; 780; 1841; 6204; 12964; 75105?

2) Шу сонларнинг ҳар бирида ҳаммаси бўлиб нечта юзлик бор?

3) Шу сонларнинг ҳар бирини минггача, юзгача, ўнгача яхлитланг.

206. 1) Улчаш вақтида кўпинча яхлитлашдан фойдаланилади. Масалан, агар ўлчанадиган масофа 986 м бўлса, бу ҳолда яхлитлаб, уни тахминан 1 км деб айтиш мумкин (1 километргача яхлитланди). Бу ҳолда ҳам яхлитлаш ўша қоидаларга асосан бажарилди (200-масалага қаранг).

2) Қуйидаги жадвални кўриб чиқинг ва яхлитлаш ҳар бир ҳолда қайси бирликкача бажарилганини ва нима учун қолдириладиган хоналардан қуйи хонанинг бирликлари баъзи ҳолларда ўзгармайди, баъзиларида эса ўзгаришини айтиб беринг:

Берилган сон	3 км 576 м	2 м 32 см	8 м 76 см	24 сўм 43 тийин	75 сўм 82 тийин
Тақрибий сон	4 км	2 м	9 м	27 сўм	76 сўм

207. 18 км 920 м ни километрларгача; 3915 г ни килограммларгача; 9 сўм 88 тийинни сўмларгача; 5 сўм 16 тийинни сўмларгача; 5 м 8 дм ни метрларгача яхлитланг.

208. Агар амаллар натижасида тахминан қандай сон ҳосил бўлишини „чамалаб“ билмоқчи бўлсак, сонларни яхлитлашдан фойдаланиш қулай бўлади.

Масалан: агар 389 сонига 296 ни қўшиш керак бўлса, у ҳолда бу сонларни юзгача яхлитлаб, йиғинди тахминан 700 га тенг деб дарҳол айтиш мумкин (чунки 389 ни яхлитлаганда 400 ни, 296 ни яхлитлаганда 300 ни ҳосил қиламиз). Турмушда кўпинча шундай тахминий ҳисоблашдан фойдаланиш мумкин; ҳатто яниқ ҳисоблашларда ҳам яхлитлаш ва ўз-ўзини текшириш учун натижани „чамалаш“ усулидан фойдаланиш фойдалидир.

209. 1) Қуйидаги мисолларни яхлитлашдан фойдаланиб (намунага қараб) ечинг:

$$\begin{array}{cccc} 156 + 39 & 321 + 493 & 723 - 486 & 563 + 352 \\ 160 + 40 = 200 & 476 - 384 & 678 + 123 & 831 - 596 \end{array}$$

2) Шу кесмаларнинг



узунликларини ўлчанг ва



уни сантиметрларгача яхлитланг.

210. Қуйидаги масалаларни яхлитлаш усулидан фойдаланиб ечинг:

1) Ҳар бир 100 кг лавлагидан 16 кг қанд олинади. 506 кг лавлагидан неча килограмм қанд олинади? (506 сонини юзликкача яхлитланг.)

2) Гишт терувчи 100 дона гиштни териш учун 18 минут вақт сарф қилади. 497 дона гиштни териш учун у неча минут вақт сарф қилади? Бу масалада қайси сонни яхлитлаш фойдали?

211. Она 36 та кўзиқорин, ўгли эса 28 та кўзиқорин терди. Бу кўзиқоринлардан 6 таси ёмон экан, уларни ташлашга тўғри келди. Она-бола ҳаммаси бўлиб нечта кўзиқорин теришган? (Бу масалани турли усуллар билан ечинг.)

212. Қуйидаги формулаларга доир масалалар тузинг ва уларни турли усуллар билан ечинг:

$$x = 100 - (36 + 18) \quad x = (240 + 370) - 120$$

213. Томони 1 дм 2 см бўлган квадрат чизинг ва унинг периметрини ҳисобланг.

КЎПХОНАЛИ СОНЛАРНИ НОМЕРЛАШ (давоми)

214. 1) Қуйидаги сонларнинг ҳар бирида ҳар бир хонанинг нечта бирлиги бор: 8546; 3024; 50567; 375000 876203?

2) Бу сонларнинг ҳар бирида биринчи ва иккинчи синфнинг нечта бирлиги бор?

215. Шу вақтга қадар биз биринчи ва иккинчи синфларнинг юз мингдан ошмаган сонлари билан иш олиб бордик. Лекин турмушда яна ҳам катта сонлар учрайди; турмушда кўп нарсалар миллионлар, миллиардлар билан ҳисобланади. Москва, Ленинград, Киев, Тошкент ва бошқа катта шаҳарларнинг аҳолиси миллионлар билан ҳисобланади. Мамлакатимизда бир йилда тўқиб чиқариладиган газлама миллиард метрлар билан ифодаланади ва ҳоказолар. Ердан бошқа планеталарга ва юлдузларгача бўлган масофалар кўп миллионлар ҳатто кўп миллиард километрларни ташкил қилади.

Бу улкан сонлар: миллионлар ва миллиардлар нима-лардан иборатлигини, уларнинг қандай ҳосил бўлишини, қандай ёзилишини кўриб чиқамиз.

216. Бир юз минглаб 1000 минггача чўтга солиниг ва санаб боринг. 1000 минг бир миллион булади.

Миллионлар қайси симга солинади? Бир миллионлаб 10 миллионгача чўтга солинг; сўнгра кейинги (саккизинчи симдан) — ўн миллионлаб 100 миллионгача чўтга солинг; тўққизинчи симга ўтинг ва юз миллионлаб 1 000 миллионгача чўтга солинг. Мингта миллион миллиард бўлади.

Қуйидагиларни ёзинг ва эсда тутинг:

1 мингта минг 1 миллион бўлади.

1 мингта миллион 1 миллиард бўлади.

Миллионлар, ўн миллионлар ва юз миллионлар birlikлари учинчи синфни — миллионлар синфини ташкил қилади.

217. Жадвални кўриб чиқинг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг:

Учинчи синф—миллионлар синфи			Иккинчи синф—минглар синфи			Биринчи синф—бирлар синфи		
Юз миллионлар	Ўн миллионлар	Миллионлар бирлиги	Юз минглар	Ўн минглар	Минглар бирлиги	Юзлар	Ўнлар	Бирлар
		6	0	0	0	0	0	0
		5	3	6	4	8	2	4
	6	3	5	0	6	4	5	0
2	5	0	3	5	8	0	6	7

1) Бу жадвалда қайси синфлар келтирилган? Ҳар бир синфга қайси хоналар киради?

2) Ўнгдан чапга қараб санаганда миллионлар бирлиги қайси ўринда туради? Ўн миллионлар бирлиги-чи? Юз миллионлар бирлиги-чи?

3) Агар ўнгдан чапга санаганда 4 рақами еттинчи ўринда турган бўлса, у нимани билдиради? Саккизинчи ўринда турган бўлса-чи? Тўққизинчи ўринда турган бўлса-чи?

4) Сонларни ўқиш учун олдин уларни синфларга ажратиш, ундан кейин эса бу сонда ҳар бир синфнинг (юқори синфдан бошлаб) ҳаммаси бўлиб нечта бирлиги борлигини ўқиш ва ҳар сафар синфнинг номини айтиш (охирги—бирлар синфидан ташқари) кераклигини эсда тутиб, жадвалда ёзилган сонларни ўқинг. Масалан, 386547285 сонидан учинчи синфнинг 386 бирлиги, яъни 386 миллион, иккинчи синфнинг 547 бирлиги, яъни 547 минг, биринчи синфнинг 285 бирлиги — 285 бор.

Сон мана бундай ўқилади: 386 миллион 547 минг 285.

5) 6 000 000 сонининг ёзувидаги, 250 358 067 сонининг ёзувидаги ноллар нимани билдиради?

218. Қуйидаги сонларни ўқинг ва чўтга солинг:

1) 1 000 000; 8 000 000; 32 000 000; 564 000 000; 500 000 000; 40 000 000.

2) 325 800 000; 486 720 000; 513 482 000; 6 126 738; 46 704 834.

3) 5 026 038; 20 105 072; 100 050 030; 3 006 004; 700 007 700; 90 090; 11 001 001.

4) 426 000 318; 360 000 065; 890 050 400; 900 148 000.

219. Қуйидагиларни ёзинг ва турли усуллар билан ҳисобланг:

1) 90 ва 180 сонларининг йиғиндисини 20 та орттиринг.

2) 70 ва 60 сонларининг йиғиндисини 30 та камайтиринг.


3) 60 ва 20 сонларининг йиғиндисини 2 марта орттиринг.

220. 1) Агар номаълум сон 70 дан 30 та ортиқ дейилган бўлса, номаълум сонни x ҳарфи билан белгилаб, шу шартларга кўра учта тенглик тузиш мумкин:

$$x - 30 = 70; \quad x - 70 = 30; \quad x = 70 + 30.$$

2) Қуйидаги шартларга кўра учтадан тенглик тузинг:

- номаълум сон 80 дан 15 та кам;
- номаълум сон 240 дан 30 та кам;
- номаълум сон 450 дан 50 та ортиқ.



221. 1) Чизмага қараб масала тузинг ва уни ечинг.

2) Шу масалага тескари бўлган иккита масала тузинг ва уларни ечинг.

222. 1) Агар сонда бирор синфнинг birlikлари бўлмаса, у ҳолда сонни ўқишда бу синф айtilмайди. Масалан, 5 000 126 мана бундай ўқилади: 5 миллион 126 (минглар синфи айtilмайди, чунки бу сонда минглар, ўн минглар, юз минглар йўқ).

2) Қуйидаги сонларни ўқинг: 7 846 125; 36 000 368; 127 359 000; 10 000 204; 42 003 140; 8 567 002.

223. Дафтарга синфлар ва хоналар жадвалини чизинг ҳамда унга 6 миллион 375 минг 125; 18 миллион 906 минг 384; 235 миллион 58 минг 40 сонларини ёзинг.

224. Қуйидагиларни рақамлар билан ёзинг:

- Уч юз йигирма беш миллион.
- Олтмиш уч миллион.
- Беш юз миллион.

Бу сонларда қайси синфларнинг ва қайси хоналарнинг birlikлари йўқ?

- Тўрт юз икки миллион етти юз минг.
- Эллик миллион саккиз юз тўққиз минг.

Бу сонларда қайси синфларнинг birlikлари йўқ? Буни сиз ёзувда қандай қилиб кўрсатдингиз?

6) Уч юз қирқ бир миллион тўрт юз ўн беш мишг саккиз юз йигирма олти.

7) Йигирма беш миллион етти юз ўттиз олти.

8) Ўттиз миллион қирқ.

225. Учта тўққиз хонали сон топиб ёзинг ва ўқинг биринчисида ҳамма хоналарнинг бирликлари бўлсин, иккинчисида минглар синфининг бирликлари бутунлай бўлмасин, учинчисида III, VI ва VII хоналарининг бирликлари бўлмасин.

226. 1) 999 997 сонидан кейин келадиган бешта сон ёзинг.

2) 1 000 004 сонидан биттадан камайтириб 6 марта сананг ва ҳосил бўлган сонларни ёзинг.

227. 1) Учинчи синфнинг 156 бирлиги ва иккинчи синфнинг 840 бирлиги бўлган сонни айтинг ва рақамлар билан ёзинг.

2) Учинчи синфнинг 5 бирлиги, иккинчи синфнинг 80 бирлиги ва биринчи синфнинг 12 бирлиги бўлган сонни айтинг ва рақамлар билан ёзинг.

228. Номаълум сонни топинг:

$$x \cdot 3 + 240 = 276$$

$$14 \cdot a - 60 = 80$$

229. Қуйидаги жадвалнинг бўш катакларини тўлдириб, кўчириб ёзинг:

a	10	100	1	1000	100	0
b	27	46	346	24	258	846
$(a + b) \cdot a$						

230. Ҳисоблашларни бажаринг:

$$240 : 3 + 150 \cdot 3$$

$$925 - (432 + 162)$$

$$280 : 4 + 160 \cdot 4$$

$$800 - (226 + 495)$$

$$160 \cdot 5 - 420 : 6$$

$$586 - 138 + 354$$

231. 1) Энг катта ва энг кичик тўққиз хонали сонларни ёзинг.

2) Агар ўйланган сонга бир қўшсак, энг кичик етти хонали сон ҳосил бўлади. Қандай сон ўйланган? Шу сонни ёзинг.

3) Бола бир сон ўйлади. Агар шу сондан бирни айирсак, у ҳолда энг катта олти хонали сон чиқади. Бола қандай сон ўйлаган?

232. 1638059 сонини: а) ўнлар хонасигача; б) юзлар хонасигача; в) минглар хонасигача; г) ўн минглар хонасигача; д) юз минглар хонасигача яхлитланг.

233. Қуйидаги сонларни хона қўшилувчиларининг йиғиндиси шаклида тасвирланг: 4835; 10360; 6000704.

234. 1) 62735 сони нечта рақам билан ёзилган? Булар орасида нечта ҳар хил рақам бор?

2) 1000001 сони нечта рақам билан ёзилган? Булар орасида нечта ҳар хил рақам бор?

3) 3 ва 7 рақами ёрдамида бир неча турли етти хонали сонлар ёзинг ва уларни ўқинг.

235. Амалларни бажаринг ва ҳосил бўлган йиғиндиларни ўқинг:

$$1) 8000 + 600 + 20 + 5 \qquad 3) 600000 + 5000 + 90 + 4$$

$$2) 30000 + 400 + 6 \qquad 4) 700 + 200 + 40$$

236. 150 ва 240 сонларининг йиғиндисини 20 та камайтиринг. Мисолни турли усуллар билан ечинг ва йиғиндини бирор сонга қандай қилиб камайтириш мумкинлигини айтиб беринг. (Сиз биринчи ҳолда нимани камайтирдингиз? Иккинчи ҳолда-чи? Учинчи ҳолда-чи?)

237. Қуйидаги топшириқларнинг ҳар бирини уч усул билан бажаринг:

1) 260 ва 120 сонларининг йиғиндисини 19 та камайтиринг.

2) 140 ва 80 сонларининг йиғиндисини 60 та камайтиринг.

3) B ва C сонларининг йиғиндисини K та birlik камайтиринг.

238. Моторли қайиқдаги балиқчилар қирғоқдан денгизга қараб 24 км сузиб бордилар, сўнгра улар 7 км орқага қайтдилар. Улар ҳаммаси бўлиб неча километр жойга сузиб бордилар? Балиқчилар қирғоқдан неча километр узоқда бўладилар? Бу масаланинг чизмасини чизинг ва иккала саволга жавоб беринг.

239. Қисқача ёзув бўйича масалалар тузинг ва уларни ечинг:

- 1) I — 386 кг ← _____
 II — ? — ундан 214 кг ортиқ ← }
 III — x — ундан 2 марта кам ← }

2)

	1 кг нинг баҳоси	Миқдори	Жами пули
I	1 сўм 80 тийин	3 кг	
II	2 сўм 20 тийин	2 кг	
Ҳаммаси			x

Шу масалага тескари масала тузинг ва уни ечинг.



240. 1) 2; 5; 0; 6 рақамлардан фойдаланиб 5 та тўрт хонали сон ёзинг (бир хил рақам битта соннинг ёзувида такрорланмаслиги керак).

2) Бу сонларнинг ёзувларидаги 2 рақами нимани билдиришини айтиб беринг. Сонларнинг ёзувларидаги рақамларнинг қиймати нимага боғлиқ?

241. 1) Қуйидаги сонларни 100 марта орттиринг:
2; 72; 842; 30.

2) Соннинг ўнг томонига битта ноль ёзсак, нима учун шу сон 10 марта ортади?

242. 1) Энг катта туққиз хонали сон ёзинг.

2) Энг катта туққиз хонали сондан кейин келадиган 5 та сон ёзинг.

3) Сиз нечта рақамни биласиз ва улар ёрдамида нечта сон ёзиш мумкин?

РИМ РАҚАМЛАРИ


0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 рақамларидан ташқари баъзан рим рақамлари ҳам ишлатилади: I, II, X ва бошқалар. Улар соатларнинг циферблатларида учрайди, улар китобларда кўпинча томларнинг, бобларнинг номерларини белгилашда ишлатилади, баъзан бетларнинг номерлари ҳам шу рақамлар билан белгиланади. Числоларни ёзишда ҳам доимо шу рақамлардан фойдаланамиз.

243. а) Бу соатлар қайси вақтни кўрсатиб турибди?



б) Бу китобнинг қайси боби очилган?

в) Бу асарлар тўплами тоқчага тўғри жойлаштирилганми? Қайси китобларнинг ўринларини алмаштириб қўйиш керак?



244. Рим рақамлари ёрдамида ёзилган числоларни ўқинг; улар қайси ойни кўрсатишларини ёзинг:

31/XII — 1967 й., 1/I — 1968 й., 25/IV — 1968й.,
8/III — 1968 й.

245. 243 ва 244- масалаларда келтирилган ҳамма ёзувларни диққат билан кўриб чиқинг ва уларда нечта турли рақамлар фойдаланилганини айтиб беринг.

Шу учта рақам: I — бир, V — беш, X — ўн ёрдамида 1 дан 39 гача сонларни ёзиш мумкин, 40 ни ёзиш учун эса янги рақам талаб қилинади. Рим рақамлари билан ёзилган сонларни ўқиш учун фақат қаторга ёзилган рақамларга тегишли сонларни қўшиш керак. Масалан, III ёзуви 3 сонини билдиради, чунки $1 + 1 + 1 = 3$; VII ёзуви 7 ни билдиради, чунки $5 + 1 + 1 = 7$; XVI ёзуви 16 ни билдиради, чунки $10 + 5 + 1 = 16$ ва ҳокказо. IV ёзувида бир сони бешга қўшилмайди, балки бешдан айрилади, IX — 9 сонининг ёзувида ҳам шундай қилинади; ўндан 1 айрилади¹⁾.

246. Қуйидаги сонларни ўқинг:

IV; V; VIII; IX; XII; XIV; XVII; XXI; XXIV; XXIX; XXX.

247. Қуйидаги сонларни рим рақамлари билан ёзинг:

3; 6; 9; 10; 13; 19; 22; 24; 27.

¹⁾ Римча номерлашларда ҳаммаси бўлиб еттига рақам бор: I — 1, V — 5, X — 10, L — 50, C — 100, D — 500, M — 1000. Булардан ҳам худди юқоридегидек фойдаланилади. XL — 40, CD — 400, CM — 900 ёзувлари буидан мустаснодир.


248. Жадвални кўчириб ёзинг, ҳисоблашнинг энг осон усулларидан фойдаланиб, жадвалнинг охири графасини тўлдириг:

a	b	c	$(a + b) - c$
570	40	70	
365	72	42	
420	140	60	

249. Номаълум сонни топинг.

$$360 - x \cdot 24 = 264$$

$$830 - 69 : x = 827$$



250. 1) Чизмага қараб масала тузинг ва уни ечинг.

2) Шу масалага тескари иккита масала тузинг ва уларни ечинг.

251. $356 + 479 - 247$	$846 + 87 : 29$	$548 + 46 \cdot 2$
$583 - 396 + 452$	$942 - 91 : 13$	$437 - 17 \cdot 5$
$248 + 633 - 584$	$321 - 76 : 38$	$843 - 21 \cdot 4$

III. УЗУНЛИК, ОҒИРЛИК, ЖАМИ ПУЛ ЎЛЧОВЛАРИ СИСТЕМАСИ

УЗУНЛИК ЎЛЧОВЛАРИ

252. 1) Энг кичик узунлик ўлчови (миллиметр) дан бошлаб энг каттаси (километр) гача сизга маълум бўлган барча узунлик ўлчовлари бирликларини айтиб беринг.

2) Қуйидаги ёзувларни кўриб чиқинг; навбатдаги ҳар бир йирикроқ узунлик ўлчовлари бирлиги ҳақида нима дейиш мумкин, у олдингисидан қандай келиб чиқади?

$$10 \text{ мм} = 1 \text{ см}; 10 \text{ см} = 1 \text{ дм}; 10 \text{ дм} = 1 \text{ м}.$$

3) Бу ёзувларни мана бундай ёзувлар билан таққосланг:

10 та birlik = 1 та ўнлик; 10 та ўнлик = 1 та юзлик;

10 та юзлик = 1 та минглик.

Кейинги ҳар бир йирикроқ санок бирлиги, юқори хона бирлиги олдингисидан қандай келиб чиқади?

4) Агар $1 \text{ см} = 10 \text{ мм}$ бўлса, $1 \text{ см} = 1$ та ўнлик мм дейиш мумкин; агар $1 \text{ дм} = 10 \text{ см}$ бўлиб, $1 \text{ см} = 10 \text{ мм}$ бўлса, у ҳолда $1 \text{ дм} = 1$ та юз мм дейиш мумкин;

агар $1 \text{ м} = 10 \text{ дм}$, $1 \text{ дм} = 10 \text{ см}$ бўлиб, $1 \text{ см} = 10 \text{ мм}$ бўлса, у ҳолда $1 \text{ м} = 1$ та минг мм дейиш мумкин.

Танланган ўлчов бирлигига кўра биргина кесманинг узунлигини турли сонлар билан ифодалаш мумкин. Масалан, кесманинг узунлиги метр билан ўлчанса 2 сони билан, агар дециметр билан ўлчанса 20 сони билан, агар сантиметр билан ўлчанса 200 сони билан, агар миллиметр билан ўлчанса 2000 сони билан ифодаланиши мумкин.

Йирикроқ ўлчов birlikлари (сантиметр, дециметр, метр) билан ифодаланган сонларни майдароқ ўлчов birlikлари билан, масалан, миллиметр билан ифодалаш ёки, аксинча, майдароқ birlikлар билан ифодаланган сонларни йирикроқ birlikлар билан ифодалашда оддий birlikлардан ўнликларга ёки юзликларга ёки, аксинча, мингликлардан, юзликлардан, ўнликлардан оддий birlikларга ўтгандаги каби ифодаланади.

253. 1) Қуйидаги сонларни майдароқ birlikларда ифодаланг:

а) 5 минг 7 юз 2 ўн 6 birlik = ... birlik

$$5 \text{ м } 7 \text{ дм } 2 \text{ см } 6 \text{ мм} = \dots \text{ мм}$$

б) 8 минг 9 ўн 4 birlik = ... birlik

$$8 \text{ м } 9 \text{ см } 4 \text{ мм} = \dots \text{ мм}$$

в) 10 минг 2 юз 5 birlik = ... birlik

$$10 \text{ м } 2 \text{ дм } 5 \text{ мм} = \dots \text{ мм}$$

2) Қуйидаги сонларни йирикроқ birlikларда ифодаланг:

а) $3846 = \dots$ минг \dots юз \dots ўн \dots бир.

$$3846 = \dots \text{ м } \dots \text{ дм } \dots \text{ см } \dots \text{ мм.}$$

б) $5300 = \dots$ минг \dots юз.

$$5300 \text{ мм} = \dots \text{ м } \dots \text{ дм.}$$

в) $6805 =$ г) $70306 =$

$$6805 \text{ мм} = \quad \quad \quad 70306 \text{ мм} =$$

254. Биз миллиметр, сантиметр, дециметр ва метр орасидаги боғланишни текширдик. Ундан кейинги йи-

рикроқ узунлик ўлчов бирлиги 10 м га, ундан кейингиси эса 100 м га тенг бўлиши керак эди, лекин амалда бу birlikлар қўлланилмай, бирданига йирикроқ ўлчов бирлиги — километр ишлатиладиган бўлди.

255. 1 км = 1000 м экани эсингизда, шунинг учун агар километр ва метрларни ўз ичига олган сонни ёзмақчи бўлсак, бу ҳолда биз минг ва оддий birlikлардан иборат сонни ёзгандагидек ёзишимиз керак.

Масалан:

1 005	2 037	Бу сонларнинг ёзувидаги ноллар қандай қийматга эга эканини айтиб беринг.
1 км 005 м	2 км 037 м	

256. 1) Қуйидаги сонларни йирикроқ birlikларда ифодаланг:

- а) 36 647 = ... минг ... бир в) 78 321 м = ... км ... м
 36 647 м = ... км ... м 60 035 м = ... км ... м
- б) 4025 = ... минг ... бир 7 800 м = ... км ... м
 4025 м = ... км ... м 503 006 м = ... км ... м

2) Қуйидаги сонларни майдароқ birlikларда ифодаланг:

72 км ва 276 м	5 м ва 26 см
8 км ва 75 м	3 м ва 8 см
10 км ва 350 м	6 м ва 5 см
1 км ва 8 м	20 м ва 50 см
2 км ва 5 м	7 м ва 8 дм

257. 1) Бир тахта ойнанинг бўйи 1 м 3 см, эни 6 дм, қалинлиги 2 мм. Ойнанинг бўйини ва энини миллиметрларда ифодаланг.

2) Фишнинг бўйи 2 дм 5 см, эни 1 дм 2 см, қалинлиги 6 см 5 мм. Берилган сонларнинг ҳаммасини

миллиметрларда ифодаланг ва ғиштнинг буйи энидан ва қалинлигидан қанча ортиқлигини билинг.

258. Амалларни бажаринг:

$$\begin{array}{r} 758 + 237 \\ 906 - 346 \end{array} \quad \begin{array}{r} 186 + 814 \\ 800 - 176 \end{array} \quad \begin{array}{r} 705 - 209 \\ 508 + 306 \end{array}$$

259. Қуйидаги формулаларга кўра масалалар тузинг ва уларни турли усуллар билан ечинг:

$$x = 386 + (386 + 124) \quad x = (356 + 244) - 200$$



260. 1) Узунлик ўлчовлари жадвалини тузинг ва ёзинг:

$$\begin{array}{ll} 1 \text{ км} = 1000 \text{ м} & 1 \text{ дм} = 10 \text{ см} \\ 1 \text{ м} = 10 \text{ дм} & 1 \text{ см} = 10 \text{ мм} \end{array}$$

2) Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1 м неча сантиметр бўлади? Неча миллиметр бўлади?

1 дм неча миллиметр бўлади?

1 м 1 мм дан неча марта катта? 1 м 1 см дан неча марта катта?

1 м 1 см дан қанча катта? 1 дм 1 м дан қанча кичик? 1 км 1 м дан қанча катта? 1 мм 1 см дан қанча кичик?


3) 1 мм сантиметрнинг қандай қисмини ташкил қилади? 1 дм 1 метрнинг қандай қисмини ташкил қилади? 1 см-чи? 1 мм-чи? 1 м 1 километрнинг қандай қисмини ташкил қилади?

261. 1) AB ва CD кесмаларнинг узунликларини ўлчанг.




2) Бу кесмаларни ўлчаш учун қандай асбобдан фойдаланиш ҳаммасидан қулайроқ булади? Кесманинг узунлигини чизгич ёрдамида қандай аниқликда ўлчаш мумкин?

3) Расмларни кўриб чиқинг ва ҳар бир кесманинг узунлиги қанча эканини айтиб беринг.



4) Бу кесмалардан ҳар бирининг узунлигини 1 миллиметр гача аниқликда ифодаланг.


262. 1) Фақат биргина ўлчов циркули ёрдамида берилган икки: OK ва PM кесмадан қайси бири катта эканини билинг ва ёзинг.



2) Бу кесмаларни ўлчанг ҳамда уларнинг узунликларини сантиметрлар билан ва миллиметрлар билан ифодаланг.

263. Расмларни кўриб чиқинг ва қандай ҳолларда узунликларни ўлчаш учун қуйидаги асбоблардан фойдаланишни тушунтиринг:





264. 1) Тегишли ўлчаш ишларини бажаринг ва берилган фигураларнинг периметрларини ҳисобланг.

2) Топилган периметрларни дециметрларда, сантиметрларда ва миллиметрларда ифодаланг.

265. Энг осон усул билан ҳисобланг:

$$\begin{array}{lll}
 (865 + 70) - 165 & (456 + 144) - 104 & (28 + 12) \cdot 6 \\
 (164 + 250) + 50 & (94 + 835) + 165 & (34 + 56) \cdot 8 \\
 (270 + 340) - 260 & (546 + 280) - 326 & (200 - 184) \cdot 5
 \end{array}$$



266. 1) Чизгич билан AB ва CD кесмаларнинг узунликларини ўлчанг ва AB

A ————— B кесманинг узунлигини
 C ————— D сантиметрлар билан, CD
 кесманинг узунлигини

сантиметр ва миллиметрлар билан ифодаланг.

2) Сантиметрли лентадан фойдаланиб, столнинг узунлигини ўлчанг ва уни олдин сантиметрларда, сўнг-ра эса дециметр ва сантиметрларда ифодаланг.

3) Дафтар varaгининг бўйини ва энини ўлчанг ҳамда уни сантиметр ва миллиметрларда ифодаланг.

4) Рулеткадан фойдаланиб синфнинг бўйини ўлчанг ва уни олдин метр ва дециметрларда ифодаланг, сўнг-ра ҳосил бўлган сонни дециметрларни ташлаб яхлитланг.

Ўлчаш натижаларини ёзинг ва бир исмли бирлик билан ифодаланган сонларнинг тагига бир чизиқ, икки исмли бирлик билан ифодаланган сонларнинг тагига икки чизиқ чизинг.

267. Ўлчаш натижасида (узунликларни, оғирликни, вақтни ва бошқаларни ўлчаш натижасида) ҳосил бўлган сонлар, санаш натижасида ҳосил бўлган **абстракт** сонлардан фарқли ўлароқ **исмли сонлар** деб аталади. Исмли сонлар икки хил бўлади.

Содда исмли сон бир исмли birlikлардан иборат. Масалан: 5 м; 35 км; 26 сўм; 5 кг.

Мураккаб исмли сон икки ёки бир неча исмли birlikлардан иборат. Масалан: 8 м 25 см; 3 км 200 м; 4 сўм 50 тийин; 2 кг 300 г.

268. Баъзи ҳолларда содда исмли сонларни мураккаб исмли сонлар билан алмаштириш фойдалидир.

Қуйидаги содда исмли сонларни мураккаб исмли сонлар билан алмаштираш. Масалан: $1\,235\text{ см} = 12\text{ м } 35\text{ см}$.

3268 см	5048 м	960 см	10806 м
1025 мм	8020 м	750 мм	2599 см

269. Амаллар бажаришда кўпинча мураккаб исмли сонларни содда исмли сонлар билан алмаштириш фойдалидир.

Қуйидаги мураккаб исмли сонларни содда исмли сонлар билан алмаштираш:

9 км 185 м	8 м 06 см	7 дм 5 см	6 см 9 мм
20 км 200 м	11 м 15 см	4 дм 8 см	1 см 1 мм

270. Қуйидаги масалаларни ечишда мураккаб исмли сонларни содда исмли сонлар билан алмаштираш.

Машҳур спортчи қиз дискни 55 м 68 см га иргитди. У бундай катта муваффақиятга машқ қилиш натижасида эришди. Биринчи марта унинг иргитган диски бори-йўғи 28 м 67 см га бориб тушди. Сўнгра натижалар аста-секин қуйидагича ортиб борди:

38 м 18 см; 40 м 49 см; 53 м 61 см; 55 м 68 см.

Ҳар бир навбатдаги отишда диск олдингисидан неча метр ва сантиметр нарига бориб тушганини ҳисобланг.

271. 6 м узунликдаги бир бўлак симдан ҳар бири 90 см дан 5 бўлак сим қирқиб олинди. Қолган симнинг узунлигини ҳисобланг. (Кўрсатма. 6 м ни сантиметрлар билан ифодаланг, жавобни мураккаб исмли сон кўринишида ифодаланг.)

272. Икки сузувчи бир-бирига қарши сузиб бормоқда. Дастлаб улар орасидаги масофа 1 км га тенг эди. Биринчи сузувчи 360 м, иккинчи сузувчи 400 м сузиб боргандан кейин улар бир-биридан қанча масофада бўладилар?

273. Қуйидаги жадвалнинг бўш катакларини тўлдириб, кўчириб ёзинг (ҳисоблашларни ёзманг):

<i>a</i>	392	587		632	583		219
<i>b</i>		164	348	249		453	756
<i>a + b</i>	846		726		762	864	

ОҒИРЛИК ЎЛЧОВЛАРИ

274. Сизга қандай оғирлик ўлчовлари маълум?

275. Бир килограмм неча грамм бўлади?

276. Оғирлиги килограмм ва граммлар билан ўлчанадиган бир неча буюмларни айтиб беринг.

277. Оғир буюмларнинг оғирлигини ўлчаш учун йирикроқ ўлчов бирликлари — центнер ва тонналардан фойдаланилади.

Сонлар ёнида „центнер“ сўзи қисқача *ц* ҳарфи билан, тонна эса — *т* (нуқтасиз) ҳарфи билан ёзилади. Масалан: 8 *ц*; 4 *т*.

278. $1 \text{ ц} = 100 \text{ кг}$ $1 \text{ т} = 1000 \text{ кг}$.

Икки қоп картошканинг оғирлиги тахминан 1 ц .
 1 қоп шакарнинг оғирлиги тахминан 1 ц келади. Соғлом эркак киши 1 ц оғирликдаги буюмни бир қанча жойга олиб бора олади.

279. 20 қоп картошканинг оғирлиги тахминан қанча келади? 10 қоп шакарнинг оғирлиги-чи?

280. „Уч тоннали“ юк машинасига неча қоп шакар юклаш мумкин? „Беш тоннали“ юк машинасига-чи?

281. Оғирлик ўлчовлари жадвалини кўриб чиқинг ва эсда сақланг:

Тўлиқ номлар ёзилган жадвал	Қисқартирилган номлар ёзилган жадвал
$1 \text{ тонна} = 10 \text{ центнер} = 1000 \text{ килограмм}$	$1 \text{ т} = 10 \text{ ц} = 1000 \text{ кг}$
$1 \text{ центнер} = 100 \text{ килограмм}$	$1 \text{ ц} = 100 \text{ кг}$
$1 \text{ килограмм} = 1000 \text{ грамм}$	$1 \text{ кг} = 1000 \text{ г}$

1 т 1 ц дан неча марта ортиқ? 1 т 1 кг дан неча марта ортиқ? 1 ц 1 кг дан неча марта ортиқ? 1 кг 1 г дан неча марта ортиқ?

282. 1) Қуйидаги сонларни майдароқ birlikларда ёзинг:

- | | |
|---|----------------------------------|
| а) 2 минг 5 юз ва 6 birlik | б) 7 минг ва 8 юз |
| 2 т 5 ц ва 6 кг | 7 т ва 8 ц |
| в) 1 минг 9 birlik | г) 4 минг 2 ўн ва |
| 1 кг ва 9 г | 8 birlik |
| | 4 т ва 28 кг |

2) Нима учун баъзи сонларни ёзишда 0 рақамини ёзиш керак, баъзи сонларни ёзишда эса ёзилмаслигини айтиб беринг.



283. Оғирликни ифодаловчи 3 та содда исмли сон ҳамда 3 та мураккаб исмли сонни айтинг ва ёзинг.

284. Амалларни бажаринг:

$356 + 287 - 546$	$962 - (326 + 187)$	$96 : 4 \cdot 10$
$183 + 218 + 357$	$893 - (432 + 267)$	$72 : 3 \cdot 100$
$527 - 347 + 423$	$900 - (548 + 164)$	$68 : 34 \cdot 1000$

285. Номатълум сон 640 дан 130 та кам. Номатълум сонни топинг. Номатълум сонни K ҳарфи билан белги-ланг ва бу масалани уч усул билан шундай ёзингки, бир ҳолда номатълум сон айирма, иккинчи ҳолда айри-лувчи, учинчи ҳолда қўшилувчи бўлсин (220- масалага қаранг).

286. Тўғри тўртбурчак чизинг, унинг бўйи ва эни сантиметр ва миллиметрларда ифодалансин. Шу тўғри тўртбурчакнинг периметрини ҳисобланг ва бу қиймати-ни 1 сантиметргача яхлитланг.



287 (огзаки). а) 2 т неча килограмм бўлади? 5 т-чи? 8 т-чи? 10 т-чи? 25 т-чи?
б) 3 ц-чи? 6 ц-чи? 9 ц-чи? 10 ц-чи?

3000 кг неча тонна бўлади? 6000 кг-чи? 8000 кг-чи?

200 кг неча центнер бўлади? 7000 кг-чи?

2000 г неча килограмм бўлади? 4000 г-чи? 9000 г-чи?


288. Огирликни ўлчаш учун турли тарозилардан фойдаланилади. Расмларда

тасвирланган тарозиларни кўриб чиқинг ва бундай тарозиларнинг ҳар бири қаерда ишлатилишини; буларда қандай буюмлар (моллар) тортилишини; тахминан буларда қандай оғирликдаги (...кг дан...кг гача) буюмлар тортилиши мумкинлигини айтиб беринг.

289. 1 кг 500 г картошка тортинг. 2 кг бирор озиқ-овқат (гуруч, туз) тортинг.

Бирор буюм, масалан, китоблар солинган портфелни тортиб кўринг.

400 г ҳосил қилиш учун қандай қадоқ тошлар олиш керак. 800 г ҳосил қилиш учун-чи? 1 кг 300 г ҳосил қилиш учун-чи?



290. а) Бир халта гуручнинг оғирлигини тошинг;
б) буш шишанинг оғирлиги 240 г бўлса, ёғ солинган шишанинг оғирлигини топинг.

291. Тарозининг бир палласида 500 г оғирликдаги қадоқ тош, иккинчи палласида 350 г оғирликдаги бир қоғоз халта қанд бор. Тарози паллаларини тенглаштириш учун яна неча грамм қанд солиш керак?

292. Тарозининг бир палласида асал солинган банка, иккинчи палласида 1 кг ли қадоқ тош бор. Тарози паллалари тенглашиб турибди. Агар банка 300 г бўлса, банкада қанча асал бор?

293. Оғирлиги 125 г келадиган банкага 200 г қаймоқ солиш керак. Шу қаймоқ солинган банкани торганда тарози қанча оғирликни кўрсатиши керак?

294. Оғирлиги бир хил бўлган 2 та қопда 1 ц картошка бор. 8 та шундай қопда неча центнер картошка бўлади? 10 та шундай қопда-чи?

295. Оғирлиги бир хил бўлган 4 та қопдаги шакарнинг оғирлиги 400 кг келади. Шундай 6 та қопдаги шакарнинг оғирлиги қанча? Шундай 10 қоп шакарнинг оғирлиги қанча келади?

296. 24 кг мих бор. Агар тарозининг ўзи бўлиб, қадоқ тошлар бўлмаса 12 кг, 6 кг михни қандай қилиб тортиш керак?

297. Кўриниши бир хил бўлиб, бири қолганларидан бир оз енгил булган учта узук бор. Фақат бир марта тортиб, енгилроқ узукни қандай топиш мумкин?

298. Қуйидагиларни ёзинг ва турли усуллар билан ҳисобланг:

1) 380 ва 425 сонлари йиғиндисини 25 та камайтиринг.

2) 264 ва 500 сонлари йиғиндисини 36 та орттиринг.

3) 53 ва 27 сонлари йиғиндисини 5 марта орттиринг.

299.	$28 \cdot 4 \cdot 100$	$81 : 27 \cdot 1000$	$50 \cdot 5 : 10$
	$36 \cdot 2 \cdot 100$	$68 : 17 \cdot 1000$	$70 \cdot 6 : 10$
	$40 \cdot 4 \cdot 100$	$56 : 4 \cdot 1000$	$80 \cdot 7 : 10$



300. Қуйидагилардан иборат сонни ёзинг:

1 т ва 18 кг	5 т ва 26 ц	2 т, 23 ц ва 40 кг
2 т ва 6 ц	5 т ва 26 кг	8 т, 5 ц ва 6 кг
23 т ва 14 кг	6 т ва 17 кг	7 т, 50 ц ва 72 кг

301. Қуйидагиларни килограммлар билан ифодаланг:

18 т 6 ц 58 кг 12 т 396 кг 5 ц 04 кг
35 т 9 ц 60 кг 10 т 720 кг 2 т 009 кг

302. Қуйидагиларни граммлар билан ифодаланг:

32 кг 6 кг 556 г 28 кг 575 г 1 кг 050 г
40 кг 7 кг 900 г 11 кг 095 г 2 кг 080 г

303. Қуйидагиларни йирикроқ ўлчовларда ифодаланг:

7836 г 28940 г 32728 кг 165 ц
6085 г 14070 г 50600 кг 1218 ц

304. Мураккаб исмли сонларни содда исмли сонлар билан алмаштиринг:

15 кг 736 г 10 т 450 кг 8 ц 64 кг

305. Содда исмли сонларни мураккаб исмли сонлар билан алмаштиринг:

325 ц 21200 кг 10460 г 1450 кг
1082 ц 13090 кг 9755 г 1450 г

306. Битта юк машинасига 24 ц картошка, иккинчи юк машинасига ундан 13 ц ортиқ картошка юкланди. Иккала машинага ҳаммаси бўлиб неча центнер картошка юкланган? Натижани тонналар ва центнерлар билан ифодаланг.

307. Магазинда уч кунда 1 т қанд сотилди. Биринчи кун 300 кг, иккинчи кун ундан 2 марта ортиқ қанд сотилди. Учинчи кун неча килограмм қанд сотилган? Икки усул билан ечинг.

308. Учта участкадан 2 т картошка йигиб олинди; биринчи участкадан — 1000 кг, иккинчи участкадан биринчига қараганда 2 марта кам картошка йигиб олин-

ди. Учинчи участкадан қанча картошка йиғиб олинган? Масалани икки усул билан ечинг, ечишнинг ҳар бир усули учун олдин сонли формулалар тузиб олинг.

309. Чизмани кўриб чиқинг ва унда тасвирланган ҳар бир учбурчакнинг турини аниқланг:



310. Номаълум сонни топинг:

$$x + (480 + 160) = 870 \quad x - (560 - 90) = 80$$

ЖАМИ ПУЛ ЎЛЧОВЛАРИ

311 (оғзаки). 1) 2 сўм неча тийин бўлади? 6 сўм-чи? 10 сўм-чи? 15 сўм-чи?

2) 3 сўм 56 тийин неча тийин бўлади? 7 сўм 80 тийин-чи? 12 сўм 18 тийин-чи?

3) 300 тийин неча сўм бўлади? 500 тийинчи? 700 тийинчи? 1000 тийинчи? 1300 тийинчи?

4) 286 тийин неча сўм ва неча тийин бўлади? 450 тийинчи? 608 тийинчи? 1075 тийинчи? 2684 тийинчи? 10240 тийинчи? 28652 тийинчи?

312. 1) Тийинлар билан ифодаланг:

10 сўм	7 сўм 58 тийин	80 сўм 10 тийин
48 сўм	32 сўм 65 тийин	95 сўм 06 тийин

2) Сўм ва тийинлар билан ифодаланг:

643 тийин	1875 тийин	15345 тийин	300708 тийин
972 тийин	2640 тийин	46075 тийин	601004 тийин

313. Нуқталар ўрнига тегишли исмларни қўйиб кўчиринг:

$$96 \text{ см} = 960 \dots 12000 \text{ м} = 12 \dots 5 \text{ дм} = 500 \dots$$

$$58 \text{ м} = 5800 \dots 8000 \text{ мм} = 8 \dots 6 \text{ км} = 6000 \dots$$

314. Нуқталар ўрнига тегишли исмларни қўйиб кўчиринг:

$$900 \text{ кг} = 9 \dots \quad 28 \text{ т} = 2800 \dots$$

$$1600 \text{ кг} = 16 \dots \quad 316 \text{ т} = 316000 \dots$$

$$16000 \text{ г} = 16 \dots$$

$$108000 \text{ г} = 108 \dots$$

315. Бир аёлда 5 сўм пул бор эди. У бир килограми 80 тийиндан 3 кг олма ва шу баҳо билан 2 кг помидор сотиб олди. Бу аёлда қанча пул қолди? Масалани турли усуллар билан ечинг.

316. 1) Жадвалга қараб масала тузинг ва уни ечинг:

	1 м нинг баҳоси	Миқдори	Жами пули
Чит	x тийин	5 м	
Сатин	1 сўм 50 тийин	6 м	
Ҳаммаси			13 сум

2) Бу масалага тескари иккита масала тузинг ва уларни ечинг.

317. Тез оғзаки ҳисоблашни машқ қилинг:

$$20 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 2 \quad 1000 : 2 : 2 : 2 : 5 : 5$$

$$30 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 2 \quad 1200 : 2 : 2 : 2 : 2 : 25$$

$$40 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 3 \quad 10000 : 10 : 10 : 10 : 10$$

IV. МАТЕМАТИК ИФОДАЛАР

СОНЛИ ВА ҲАРФИЙ ИФОДАЛАР. ИФОДАНИНГ ҚИЙМАТИ

318. Қуйидаги сўзлар билан айтиладиган ифодаларни рақамлар ва амал ишоралари (қўшиш, айириш кўпайтириш ва бўлиш) ҳамда қавслар ёрдамида ёзинг:

1) Йигирма ва ўн сонларининг йиғиндиси. Шу сонларнинг айирмаси, уларнинг кўпайтмаси, йигирма сонни ўнга бўлишдан чиқадиган бўлинма.

2) Ҳар бири 12 сонига тенг бўлган учта бир хил қўшилувчининг йиғиндиси.

3) Камаювчи 200, айрилувчи эса 58 ва 32 сонларининг йиғиндиси билан ифодаланган.

4) Биринчиси 46, иккинчиси эса 11 ва 4 сонларининг кўпайтмаси билан ифодаланган икки қўшилувчининг йиғиндиси.

5) 12 ва 3 ҳамда 10 ва 5 сонларидан иборат икки кўпайтманинг йиғиндиси.

6) 7 ва 83 сонларининг йиғиндисини 3 сонига бўлишдан чиққан бўлинма.

Юқорида ёзилган ифодалар ва уларга ўхшаган ифодалар **сонли ифодалар** дейилади.

319. Ҳар бир ифодада кўрсатилган амалларни бажаргандан кейин сиз шу ифоданинг **қиймати** деб аталадиган сонни ҳосил қиласиз. 318- масалада ёзилган ҳар бир ифоданинг қийматини ҳисобланг.

320. Мураккаб сонли ифодани тўғри ўқиш учун ҳаммадан олдин бу ифодада кўрсатилган амаллардан қайси бири энг охирида бажарилишини аниқлаб олиш керак. Масалан,

$$26 \cdot 10 - 40 : 5$$

ифодада энг охирида айириш амали бажарилади, демак ифода айирмадан иборат экан.

Шундан кейин камаювчи нимадан иборат (бу ўринда у 26 ва 10 сонларининг кўпайтмаси) ва айрилувчи нимадан иборат (бу ўринда у 40 сонини 5 сонига бўлишдан чиқадиган бўлинмадан иборат) эканини текшириб аниқлаш керак бўлади. Шундан кейин ёзилган ифода мана бундай ўқилади: 26 ва 10 сонларининг кўпайтмаси билан 40 сонини 5 сонига бўлишдан чиқадиган бўлинма орасидаги айирма.

Ана шундай мулоҳаза юритиб, қуйидаги ифодаларни ўқинг ва уларнинг қийматини ҳисобланг:

$(536 + 278) - 521$	$38 \cdot 10 - 90 : 30$	$23 \cdot 4 + 300$
$800 - (243 + 187)$	$8 \cdot 100 + 15 \cdot 6$	$90 - 17 \cdot 5$
$(700 - 356) + 275$	$(56 + 44) \cdot 9$	$(72 - 53) \cdot 3$

321. Сонли ифодалардан ташқари ҳарфий ифодалар ҳам бор. Вундай ифодаларда $+$, $-$, \cdot , $:$ ишоралари ва қавслар ёрдамида бирор ҳарф билан белгиланган сонлар ёрдамида бажарилиши керак бўлган амаллар ва бу амалларни бажариш тартиби кўрсатилади. Масалан, $a + (b - c)$ ёзуви, дастлаб b ва c сонларининг айирмасини топиш, сўнгра уни a сонига қўшиш кераклигини кўрсатади. Бу ҳарфий ифода мана бундай ўқилади: икки қўшилувчининг йиғиндиси, булардан бири a сонидан, иккинчиси эса b ва c сонларининг айирмасидан иборат.

Агар ифодага кирадиган ҳар бир ҳарфнинг сон қиймати маълум бўлса, у ҳолда бу сонларни ўрнига қў-

йиб, бу сонлар билан ифодада кўрсатилган амалларни бажариб, биз берилган ҳарфий ифоданинг сон қийматини топамиз.

Масалан, юқорида келтирилган ҳарфий ифоданинг $a = 30$, $b = 18$, $c = 8$ бўлгандаги сон қийматини топиш учун ундаги ҳарфларни тегишли сонлар билан алмаштириш ва ҳисоблашларни бажариш керак: $30 + (18 - 8) = 40$. Бундаги 40 -сони $a + (b - c)$ ҳарфий ифоданинг $a = 30$, $b = 18$ ва $c = 8$ бўлгандаги сон қийматидир.

322. Қуйидаги ҳарфий ифодаларни ўқинг ва улардан ҳар бирининг $a = 300$, $b = 500$, $c = 100$ бўлгандаги сон қийматларини топинг:

$$\begin{array}{cccc} (a + b) - c & a \cdot c - b & (a + b) : c & (b - a) : c \\ (b - a) + c & (a + b) \cdot c & a : c + b & (b + c) - a \end{array}$$

323. Қуйидаги топшириқларни ёзинг ва турли усуллар билан ҳисобланг:

- 1) 746 ва 84 сонлари йигиндисини 14 та орттиринг.
- 2) 543 ва 90 сонлари йигиндисини 20 та камайтиринг.

324. 1) Қуйидаги жадвалга қараб масала тузинг ва уни ечинг:

	1 яшигининг огирлиги	Яшиклар сони	Умумий огирлиги
Олма	12 кг	4 дона	
Помидор	6 кг		
Ҳаммаси		9 дона	x кг

2) Шу масалага тескари масала тузинг, уни жадвал кўринишида ёзинг ва ечинг.

325. Икки кесманинг айирмасини чизмада кўрсатинг: биринчисининг узунлиги 8 см 5 мм, иккинчисининг узунлиги 5 см 3 мм. Иккинчи кесма биринчи кесмадан неча миллиметр қисқа?

ИФОДАЛАРНИ ТАҚҚОСЛАШ. ТЕНГЛИК. ТЕНГСИЗЛИК

326. 1) 999 ва 1000, 10001 ва 10010, 1900 ва 1900 сонларини таққосланг. Таққослаш натижасини =, > ёки < ишоралари ёрдамида ёзинг.

2) Қўйидаги ифодаларни таққосланг ва нуқталар ўрнига =, > ёки < ишораларини қўйинг:

$$\begin{array}{lll} 8 + 6 \dots 20 - 6 & 24 + (36 + 36) \dots (24 + 36) + 18 & \\ 22 - 3 \dots 22 - 4 & 38 - (12 + 7) \dots (38 - 12) + 7 & \\ 48 + 10 \dots 48 + 12 & 64 - (23 + 9) \dots 64 - 23 - 9 & \end{array}$$

327. Икки сон ёки ифода = ишораси билан бирлаштирилган ҳолларда улардан тенглик тузиш мумкин. Икки сон ёки икки ифодани = ишораси билан бирлаштириб бўлмаса, уларни > ёки < ишораси билан бирлаштириб биз тенгсизликни ҳосил қиламиз.

328. 1) Қўйидаги жуфт-жуфт ифодалардан тенгликлар тузиш мумкин бўлганларини танлаб олинг ва бу тенгликларни бир устунга ёзинг, қолган жуфтлардан тенгсизликлар тузинг ва уларни иккинчи устунга ёзинг:


$$\begin{array}{lll} \text{а) } (344 + 286) - 63 & \text{в) } (74 + 26) \cdot 6 & \text{д) } (a + b) + c \\ (344 - 63) + 286 & 74 \cdot 6 + 26 \cdot 7 & (a + c) + b \\ \text{б) } (28 + 75) \cdot 3 & \text{г) } 356 + 261 & \text{е) } (x + k) \cdot p \\ 28 \cdot 3 + 75 & 261 + 356 & x \cdot p + k \end{array}$$

2) Тенгликларда чап ва ўнг қисмлар бир-биридан фарқ қилинади. Масалан, $7 + 5 = 10 + 2$ тенгликда чап

қисми $7 + 5$, ўнг қисми $10 + 2$. Сиз ёзган тенгликларнинг чап қисмини ва ўнг қисмини ўқинг.

3) Тенгсизликларда ҳам чап ва ўнг қисмлар биридан фарқ қилинади; уларни таққослаб, масалан, мана бундай дейилади: $6 + 8 > 6 + 5$ тенгсизликда чап қисми ўнг қисмидан 3 та ортиқ, ўнг қисми эса чап қисмидан 3 та кам.

Сиз ёзган тенгсизликларда ҳар бирининг чап ва ўнг қисмини таққосланг.



329. $ABCD$ тўртбурчакнинг томонларини ўлчанг; унинг периметрини ҳисоблаш учун ифода тузинг ва унинг қийматини топинг.

330. Периметри: а) 1 дм 6 см; б) 8 см 4 мм, в) 12 см 8 мм бўлган квадрат чизинг.

331. Магазин октябрь ойида 185 радиоприёмник, ноябрь ойида октябрдагидан 57 та ортиқ радиоприёмник, декабрь ойида эса октябрь билан ноябрда ҳаммаси бўлиб қанча сотган бўлса, шунча радиоприёмник сотди. Магазин декабрь ойида нечта радиоприёмник сотган?

Масаланинг ечиш формуласини тузишдан олдин ноябрда нечта ва декабрда нечта радиоприёмник сотилганини айрим ифодалар кўринишида ёзиб олинг.

332. 1) Ёзувни тамомланг ҳамда ҳосил бўлган тенгликларни ва тенгсизликларни ўқинг:

$$(386 + 184) - 324 = 386 - 324 \dots$$

$$576 - 398 - 123 > 576 - (398 + \dots)$$

$$36 \cdot 2 + 4 \cdot 6 < 36 \cdot 2 - 4 \dots$$

$$851 - 456 - 247 = 851 - (456 + \dots)$$

2) Ёзувингизнинг тўғрилигини ҳисоблаш билан текширинг.

ЭНГ СОДДА ТЕНГЛАМАЛАР

333. Қуйидаги иккита тенгликни солиштиринг: иккинчи тенглик биринчи тенгликдан нимаси билан фарқ қилади?

$$1) 24 + 6 = 30 \quad 2) x + 6 = 30$$

Номаълум сонни ўз ичига олган тенглик тенглама дейилади.

Тенгламаларда ҳам чап ва ўнг қисми бир-биридан фарқ қилинади. Келтирилган тенгламада номаълум сон x чап қисмида бўлиб, биринчи қўшилувчидир. Бу тенглама бундай ўқилади: қандай сонга 6 қўшсак, 30 ҳосил бўлади?

Ҳар қандай тенгламада бирор савол бўлади. Бу саволга жавоб бериш тенгламани ечиш демакдир.

334. 1) Қуйидаги тенгламаларда қандай саволлар бор:

$$18 + x = 60; \quad x - 42 = 54; \quad 75 - x = 28; \quad x \cdot 16 = 80?$$

2) Бу тенгламаларнинг ҳар бирида нима номаълум аканини ўйлаб кўринг ва уларни ечинг.

335. Қуйидаги саволларни тенглама кўринишида ёзинг ва номаълум соннинг тегишли қийматларини топинг:

1) Қандай сонга 120 қўшсак 180 чиқади?

2) Қандай сонга 400 ни қўшсак 560 чиқади?

3) Қандай сондан 28 ни олсак 72 чиқади?

4) 80 дан қандай сонни олсак 47 чиқади?

336. Қуйидаги тенгламаларни ечинг:

$$\begin{array}{l} 2 \cdot x + 128 = 354 \quad (186 + k) - 536 = 294 \quad c \cdot 18 = 90 \\ 376 + a \cdot 4 = 800 \quad 840 - (420 + b) = 206 \quad x \cdot 10 = 100 \end{array}$$

337. Қуйидаги масалаларнинг шартларига кўра тенгламалар тузинг ва уларни ечинг:

1) Аквариумда бир нечта балиқ бор эди. Болалар 12 та балиқни олгандан кейин, аквариумда 25 та балиқ қолди. Аквариумда нечта балиқ бор эди?


2) Мактаб ёнига дарахтлар экилган. Кузда яна ҳар бир қаторда 14 тупдан икки қатор кўчат ўтқазилгандан кейин мактаб ёнидаги дарахтлар сони 55 туп бўлди. Кузги кўчат ўтқазилганга қадар неча туп дарахт бор эди?

3) Магазинда эрталаб 68 дона телевизор бор эди. Кун бўйи бир неча телевизор сотилди; шундан кейин магазинда 36 дона телевизор қолди. Магазинда кун бўйи неча телевизор сотилган?

338. Қуйидаги тенгламаларни ечинг ва жавобларини текширинг:

$$\begin{array}{lll} a + 364 = 906 & (10 \cdot x) - 419 = 581 & 40 \cdot x = 320 \\ 752 + a = 895 & 400 - (800 - x) = 207 & x : 2 = 380 \end{array}$$

339. 1) Шу чизмага қараб учта тенглама тузинг ва уларни ечинг:



2) Квадратнинг периметри 80 мм. Бу фигуранинг томони қанчага тенг? Номаълум сонни ҳарф билан белгиланг, тенглама тузинг ва уни ечинг.

340. Қуйидаги жадвалнинг бўш катакларини тўлдириб кўчиринг (ҳисоблашларни ёзмам).

b	375	862		547	492		983
k	287		563	382		342	
$b - k$		348	124		75	507	983

341. Қуйидаги сонли формулага кўра масала тузинг ва уни турли усуллар билан ечинг $x = 384 + (384 + 126)$.

МАШҚ ҚИЛИШ УЧУН ҚЎШИМЧА МАТЕРИАЛ

342. Қуйидаги сонларни таққосланг ва улар орасига $>$ ёки $<$ ишорасини қўйинг.

649 ва 946; 6 438 ва 6 408; 17 201 ва 17 120; 90 003 ва 89 303; 80 050 ва 800 005.

343. Қуйидагиларни ўз ичига олган сонларни ёзинг ва ўқинг:

а) II синфнинг 316 бирлиги ва I синфнинг 108 бирлиги;

б) III синфнинг 48 бирлиги ва II синфнинг 75 бирлиги;

в) III синфнинг 730 бирлиги ва I синфнинг 40 бирлиги.

344. Қуйидаги сонларни ўқинг ва буларнинг ҳар бирида қайси хоналарнинг ва қайси синфларнинг birlikлари борлигини кўрсатинг:

3 648; 41 006; 302 524; 16 020 014; 30 000 503.

345. Сонларни жуфт-жуфти билан солиштириб кўринг. Уларда нималари ўхшаш ва нималари турлича:

а) 1 ва 9; б) 10 ва 99; в) 100 ва 999; г) 1 000 ва 9 999; д) 10 000 ва 99 999; е) 100 000 ва 999 999.

346. Қуйидаги сонларни хона қўшилувчилари йиғиндиси кўринишида ифодаланг:

3675; 80026; 107318; 37840; 60504; 400160;
510800; 1340020.

347. Хона қўшилувчилари йиғиндиси кўринишида ифодаланган сонларни чўтга солинг ва ёзинг:

$$\begin{aligned}600 + 20 + 5 &= \\10\,000 + 7\,000 + 100 + 10 &= \\300\,000 + 60\,000 + 90 + 4 &= \\3\,000 + 200 + 7 &= \\5\,000\,000 + 300\,000 + 200 + 6 &= \\4\,000 + 7 &= \end{aligned}$$

348. Қуйидаги ифодаларни таққосланг ва нуқталар ўрнига $>$, $<$ ёки $=$ ишорасини қўйинг:

$$\begin{aligned}26\,759 + 2\,400 \dots 400 + 2\,000 + 59 + 26\,700 \\30\,847 + 5\,603 \dots 30\,000 + 800 + 40 + 7 + 5\,000 + 60 + 3 \\41\,360 + 21\,842 \dots 41\,000 + 300 + 60 + 21\,000 + 800 + \\+ 40 + 2\end{aligned}$$

349. 1) Қуйидаги сонларга 1 тадан қўшиб сананг ва ёзинг: 9997 дан 10004 гача; 99998 дан 100005 гача; 347998 дан 348003 гача.

2) Қуйидаги сонларни 1 тадан камайтириб сананг ва ёзинг: 1003 дан 998 гача; 10002 дан 9996 гача; 100000 дан 99996 гача.


350. 1) 100000 дан 5 та кам бўлган сонни ёзинг; 10000 дан 8 та кам бўлган сонни ёзинг.

2) 19997 дан 6 бирлик катта бўлган сонни ёзинг.

351. 1) Қуйидаги сонларни ўқинг ва чўтга солинг: 7984; 10250; 64040; 156825; 900300; 1710504; 900614.

2) Чўтга солинг: 24 ўнлик; 32 юзлик; 75 минглик; 16 ўн минглик.

3) Қуйидаги чўтга солинган сонларни ўқинг:



352. 2, 0, 7 рақамларидан фойдаланиб: а) учта бир бир хонали сон; б) тўртта икки хонали сон; в) битта етти хонали сон ёзинг.

353. 2000010 сони нечта рақам билан ёзилган? Булар орасида нечта ҳар хил рақам бор?

354. Ойга юмшоқ қўнган „Луна-9“ станциясининг оғирлиги 1583 кг. Бу сонни ўн килограммгача; юз килограммгача яхлитланг.

355. Қуйидаги сонларни таққосланг ва нуқталар ўрнига =, > ёки < ишорасини қўйинг:

- а) 3 км 650 м ... 3 км 675 м
 б) 8 м 5 дм ... 8 м 510 см
 8 кг 158 г ... 7 кг 985 г
 85 ц ... 9 т
 7 т 5 ц ... 7 т 500 кг
 13 км ... 13010 м

356. Қуйидагиларни:

- а) тийинларда б) сантиметрларда в) килограммларда
 ифодаланг: ифодаланг: ифодаланг:
- | | | |
|-----------------|------------|-------------|
| 15 сўм 84 тийин | 12 м 45 см | 8 ц 92 кг |
| 20 сўм 05 тийин | 16 м 50 см | 8 т 092 кг |
| 10 сўм 70 тийин | 10 м 08 см | 14 т 090 кг |

357. Тонналарда ва килограммларда ифодаланг
10 026 кг; 102 700 кг; 300 080 кг;

километр ва метрларда ифодаланг: 75 000 м; 20 400 м;
600 098 м;

килограмм ва граммларда ифодаланг: 9 600 г; 12 080 г;
172 050 г.

358. Мисолларни ечинг:

1) 5 сўм 36 тийин + 3 сўм 60 тийин
8 ц 24 кг + 2 ц 76 кг
6 м 48 см + 3 м 48 см

 \quad \quad 603 - 495 \quad 714 - 196 \quad 335 - 87 \quad 426 + 197
 \end{array}$$

517. Қуйидаги мисолларни энг осон усул билан ечинг:

$$\begin{array}{ll}
 1) \quad 18 + 23 + 77 & 46 + 54 + 86 + 14 \\
 \quad 62 + 38 + 57 & 58 + 32 + 53 + 27 \\
 \quad 26 + 47 + 53 & 63 + 74 + 27 + 26 \\
 \quad 15 + 90 + 35 & 18 + 62 + 82 + 38
 \end{array}$$

$$\begin{array}{l}
 48 + 42 + 35 + 35 \\
 11 + 89 + 58 + 22 \\
 39 + 45 + 55 + 11 \\
 12 + 61 + 89 + 48
 \end{array}$$

$$\begin{array}{llll}
 2) \quad (45 + 94) - 35 & 87 + (29 + 13) & 82 - (65 - 28) & \\
 \quad 78 - (18 + 30) & (94 + 35) + 45 & 164 - (38 + 44) & \\
 \quad (90 - 45) - 15 & 148 + (56 - 18) & (95 + 37) - 26 &
 \end{array}$$

518. 1) 3 км 500 м неча метр бўлади? 12 км 450 м-чи? 10 км 200 м-чи? 6 м неча сантиметр бўлади? 6 м 28 см-чи? 4 м 6 дм-чи? 8 дм 5 см-чи?

5000 м неча километр бўлади? 15000 м-чи? 27000 м-чи?

2) 4 т неча килограмм бўлади? 7 т 250 кг-чи? 8 ц-чи? 5 ц 60 кг-чи?

10 кг неча грамм бўлади? 14 кг 300 г-чи? 20 кг-чи?

9000 кг — неча тонна бўлади? 16000 кг-чи? 25000 кг-чи?

519. Қуйидаги сонларни таққосланг ва улар орасига $>$, $<$ ёки $=$ ишорасини қўйинг:

$$\begin{array}{ll}
 9 \text{ км } 720 \text{ м } \dots 972 \text{ м} & 730 \text{ дм } \dots 73 \text{ м} \\
 12 \text{ т } 350 \text{ кг } \dots 12350 \text{ кг} & 150000 \text{ г } \dots 15 \text{ кг} \\
 4 \text{ } 520 \text{ см } \dots 45 \text{ м } 20 \text{ см} & 156 \text{ м } \dots 1560 \text{ см} \\
 8 \text{ } 420 \text{ ц } \dots 84 \text{ т } 2 \text{ ц} & 274 \text{ т } \dots 27400 \text{ ц}
 \end{array}$$

520. Қуйидаги ифодаларни таққосланг ва улар орасига $>$, $<$ ёки $=$ ишорасини қўйинг:

$$\begin{array}{ll} 37 \cdot 9 + 37 \dots 37 \cdot 10 & 457 + 395 \dots 395 + 457 \\ 48 \cdot 6 + 48 \cdot 3 \dots 48 \cdot 18 & 900 - 586 \dots 900 - 596 \\ 57 \cdot 24 + 24 \dots 57 \cdot 25 & 714 - 245 \dots 734 - 245 \end{array}$$

521. Қуйидаги йигиндиларни таққосланг ва ҳисобламасдан туриб, улардан қайси бири катта эканини айтинг:

- 1) $133 + 67 + 56 + 44 + 38$ ёки
 $56 + 38 + 67 + 44 + 133$;
- 2) $121 + 89 + 11 + 19 + 27$ ёки $121 + 100 + 27 + 19$.

522. Қуйидаги ифодаларда тенгсизлик ишораси тўғри ёки нотўғри қўйилганини текшириб кўринг:

$$\begin{array}{ll} 806 - 315 > 800 - 315 & 1400 - 685 > 1400 - 534 \\ 498 - 186 < 500 - 186 & 936 - 260 > 936 - 460 \end{array}$$

523. Қуйидаги айирмалардан қайси бири катта ва қанча катта:

$$\begin{array}{ll} 184 - 75 \text{ ёки } 284 - 75? & 600 - 138 \text{ ёки } 600 - 238? \\ 580 - 116 \text{ ёки } 280 - 116? & 1485 - 700 \text{ ёки } 1485 - 650? \end{array}$$

524. Нуқталар ўрнига $=$, $>$ ёки $<$ ишорасини қўйинг:

$$\begin{array}{ll} 2008 - 1590 \dots 2008 - 1950 \\ 1582 - 536 \dots 1382 - 536 \\ 946 - 285 \dots 694 - 285 \\ 1050 - 704 \dots 1050 - 470 \end{array}$$

525. Амалларни осон ва тез бажариладиган усул билан, ёзма ҳисоблашларни оғзаки ҳисоблашлар билан қўшиб бажаринг:

- 1) $634 + (1850 + 566)$
 $(1158 + 575) + 825$

$$2) \quad 2463 + 445 + 7 + 130 + 115 \\ (2375 + 487) + 537 + 225 + 213$$

$$3) \quad 771 + 2476 + 1329 + 324 + 658 \\ 415 + 1730 + 2585 + (4368 + 370) \\ (1489 + 567) + 1511 + 433 + 2300$$

$$4) \quad 1631 - 388 - 231 \quad (872 - 365) - 472 \\ 2585 - 766 - 296 - 473 \quad (1356 - 214) - 142$$

Ёзма ҳисоблашлар учун

$$526. \quad 4458896 + 750409 + 87540 \\ 167508 + 54657 + 4578 + 386945 \\ 30978 + 937 + 809755 + 6594 + \\ + 39608 + 846 \\ 27648 + 4958 + 19657 + 589 + 7485 + \\ + 40790 \\ 706865 + 908709 + 75846 + 9977 + 8806$$

$$527. \quad 100000 - 94306 \quad 11000 - 9658 \\ 501112 - 395714 \quad 211111 - 84059 \\ 300100 - 80070 \quad 10006 - 9106 \\ 910710 - 315968 \quad 1200300 - 1126203$$

$$50837 + (40305 - 25728) \\ 82075 + (70020 - 36485) \\ 810236 - (156039 + 284085) \\ 910004 - (535080 + 189467)$$

$$528. \quad 5783 + 604547 \quad 1390501 - 872774 + 9357 \\ 107452 - 93607 \quad 1356008 + 5409 - 24389 \\ 724308 + 84985 \quad 820307 - 63245 + 372156 \\ 540421 - 67207 \quad 530048 + 876054 - 954527$$

529. Айириш амалини бажаринг, уни икки усул — қўшиш ва айириш билан текширинг:

10 000 — 4062 364 825 — 260 087 820 000 — 76 598
 401 520 — 295 082 604 020 — 584 635 100 000 — 89 291

530. $>$, $=$, $<$ ишоралари тўғри қўйилганми?

1) $9\,145 - 7\,583 = 1\,544 + 1\,234$

2) $2\,944 + 289 > 2\,056 + 481$

3) $6\,149 + 743 < 7\,843 - 1\,639$

4) $6\,116 - 916 = 1\,476 + 3\,724$

531. Жадвалга ёзилган мисолларни ечинг ва дафтарга фақат натижаларини ёзинг:

1)

a	734 508	547 206	719 048	49 058
b	345 792	64 869	5 637 965	872 392
$a + b$				

2)

a	b	c	d	$a + b + c + d$
38 436	196 750	9 658	46 709	
6 098	9 574	187 069	17 455	
19 579	27 032	26 738	76 884	
208 736	5 786	480 351	15 487	

3)

k	3 706			720 010	
c		4 793	35 663		51 481
$k + c$	5 109		82 407		142 356
$k - c$		6 357		236 045	

$$4) \begin{array}{r} 12 \text{ сўм } 36 \text{ тийин} \\ - 7 \text{ сўм } 52 \text{ тийин} \\ \hline \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 84 \text{ сўм } 21 \text{ тийин} \\ - 29 \text{ сўм } 38 \text{ тийин} \\ \hline \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 94 \text{ сўм } 32 \text{ тийин} \\ - 67 \text{ сўм } 57 \text{ тийин} \\ \hline \end{array}$$

534. Қуйидаги мисолларда нуқталар ўрнига қандай рақамлар қўйиш керак:

$$\begin{array}{r} + 4.7. \\ + 76.3 \\ \hline 1.568 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} + 2.07. \\ + 35..6 \\ \hline 60076 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} - .2.8 \\ - 54. \\ \hline 1.36 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} - 4..57 \\ - .60.. \\ \hline 80057 \end{array}$$

535. Номаълум сонни топинг:

$$1) \begin{array}{l} x + 250 = 800 \\ 380 + x = 760 \\ x + 16 \cdot 10 = 320 \\ 90 \cdot 3 + k = 450 \end{array} \quad \begin{array}{l} a + 80 + 60 = 320 \\ 150 + 420 + x = 900 \end{array}$$

$$2) \begin{array}{l} x + 1785 = 6485 + 5615 \\ a - 1809 = 3278 - 1726 \\ 9715 + 2873 + c = 22000 \\ (16795 + 13274) - a = 6125 \end{array}$$

$$3) \begin{array}{l} x - 6 \cdot 9 = 32 \quad (174 + 126) - b = (176 + 126) : 2 \\ c - 70 : 5 = 12 \cdot 8 \quad 200 \cdot 10 - k = 695 \end{array}$$

$$4) \begin{array}{l} (2470 - x) + 839 = 2185 \quad (580 - b) : 4 = 100 \\ 6548 + (a - 639) = 8316 \quad 40 : a - 70 = 90 \end{array}$$

$$5) \begin{array}{l} 3412 - (x + 763) = 1724 \quad (x + 70) \cdot 4 = 320 \\ (2580 + x) - 1246 = 2603 \quad 900 - k : 5 = 800 \end{array}$$

536. Қуйидаги тенгсизликларда k ҳарфига қандай қийматлар бериш мумкин:

$$1) 18 - k < 12 \quad k - 18 > 15 \quad 0 + k < 6$$

$$2) k - 36 > 10 \quad 52 - k < 25 \quad k - 0 > 5$$

$$3) 8 < k < 12 \quad 198 < k < 205 \quad k - 3 > 0$$

537. Қуйидаги ифодаларнинг қийматларини топинг:

$$\begin{array}{ll} 1) 8476 + a & \text{бунда } a = 19735 \\ & b + 3089 \quad \text{бунда } b = 7604 \\ & c - 8506 \quad \text{бунда } c = 100000 \\ & 200100 - k \quad \text{бунда } k = 25038 \end{array}$$

$$\begin{array}{ll} 2) a + (b - c) & \text{бунда } a = 480, \quad b = 120, \quad c = 90 \\ (a - b) + c & \text{бунда } a = 740, \quad b = 190, \quad c = 150 \\ a - (b - c) & \text{бунда } a = 590, \quad b = 190, \quad c = 96 \end{array}$$

538. Қуйидаги ифодаларни ёзинг ва уларнинг қиймати уч усул билан топинг:

1) 430 ва 70 сонларининг йиғиндисини 30 та орттиринг.

2) 400 ва 80 сонларининг айирмасини 50 та орттиринг.

3) 260 ва 90 сонларининг йиғиндисини 70 та камайтиринг.

4) 540 ва 120 сонларининг айирмасини 60 та камайтиринг.

5) Энг кичик олти хонали сон билан энг катта беш хонали соннинг йиғиндисини 999 та камайтиринг.

6) Энг катта олти хонали сон билан энг катта беш хонали соннинг айирмасини 2 та камайтиринг.

539. Қуйидаги ифодаларни олдинги топшириқда ифода қилингандек ўқинг ва уларнинг қийматини энг қулай усул билан ҳисобланг:

$$\begin{array}{ll} (470 - 180) + 210 & (590 + 130) - 390 \\ (260 + 470) - 170 & (615 - 78) - 115 \\ (410 - 250) - 150 & (820 - 370) + 170 \end{array}$$

540. Қуйидаги масалаларни турли усуллар билан ечинг:

1) Колхоз боғида a туп олма ва b туп ўрик бор. Кузда колхозчилар яна c туп мевали дарахт экишди.

Колхоз богида ҳаммаси бўлиб неча туп мевали дарахт бўлди? (Масалани $a = 430$, $b = 280$ ва $c = 240$ бўлган ҳол учун ечинг.)

2) Магазинда a метр газлама бор эди. Бир ҳафта давомида b метр газлама сотилди, ҳафтанинг охирида эса яна c метр газлама келтирилди. Ҳафта охирида магазиндаги газлама неча метрга етди? (Масалани $a = 540$, $b = 370$, $c = 350$ бўлган ҳол учун ечинг.)

3) Гаражда a литр бензин бор эди. Биринчи куни b литр бензин сарф қилинди, иккинчи куни эса биринчи кунидан қолганидан c литр кам бензин сарф қилинди. Иккинчи куни неча литр бензин сарф қилинди? (Масалани $a = 920$, $b = 330$, $c = 50$ бўлган ҳол учун ечинг.)

541. Қуйидаги ифодаларни таққосланг ва нуқталар ўрнига $>$, $<$ ёки $=$ ишорасини қўйинг:

$$(470 + 80) - 24 \dots 470 - (80 - 24)$$

$$(560 - 91) - 76 \dots (560 - 76) - 91$$

$$(730 - 95) - 75 \dots 730 + (95 - 75)$$

$$(520 - 160) + 80 \dots 520 - (160 - 80)$$

542. k камаювчининг шундай бешта қийматини топиб қўйингки, $(k - 36) + 18$ йиғинди 2 та ортсин. Ёчилишини ёзинг:

k							
$(k - 36) + 18$							

k ҳарфига қандай энг кичик қиймат бериш мумкин?

543. Жадвалнинг бўш катакларини тўлдириг:

n	83	61	57	52	48	41	35	31
$24 + (n - 31)$								

n нинг қандай қийматларида

$$24 + (n - 31) < 54$$

тенгсизлик ўринли бўлади?

$24 + (n - 31)$ йиғинди 24 сонидан кичик бўла оладими?

544. Жадвални тўлдириг:

a	0	8	14	18	20	28
$80 - (52 + a)$						

Нима учун айрма камаяди?

a ҳарфига қандай қийматлар бериш мумкин?

Нима учун a ҳарфига 28 дан катта қийматлар бериб бўлмайди?

545. b ҳарфининг $(63 + b) - 40$ айрмани 7 та birlik камайтирадиган олти қийматини топинг:

b						
$(63 + b) - 40$						

546. Жадвални тўлдириг:

k						
$(70 - k) - 18$	47	42	37	32	27	22

Нима учун айрма камаяди? k ҳарфига қандай энг катта қиймат бериш мумкин? Қандай энг кичик қиймат бериш мумкин? Буларни

$$\dots < k < \dots$$

тенгсизлик кўринишида ёзинг.

Масалалар

547. Парашютчи қиз 14200 м баландликдаги самолётдан сакради ва 600 м баландликда парашютни очди. Парашютчи қиз парашютни очмасдан неча метр тушган?

Тик тўғри чизиқ чизинг ва унда: самолётдан сакраш нуқтасини, парашютнинг очилиш нуқтасини ва ерга тушиш нуқтасини белгиланг.

548. Коммунистик меҳнат бригадаси ҳар куни 16800 м газлама ишлаб чиқаради. Бу нормадан 4016 м ортиқ. Бригада норма бўйича қанча газлама ишлаб чиқариши керак?

549. Лена дарёсининг узунлиги 4264 км. Лена дарёси Днепр дарёсидан 1979 км узун. Днепр дарёси Волга дарёсидан 1403 км қисқа. Днепр дарёсининг ва Волга дарёсининг узунлигини топинг. Масалага доир чизма чизинг.

550. Станцияда бир вагондан кумир туширилмоқда. 235 ц кумир туширилгандан кейин вагонда туширилганидан 68 ц кам кумир қолди. Кумир туширишга қадар вагонда неча центнер кумир бор эди?

551. 1) Бир саватда 126 та олма, иккинчи саватда 140 та олма бор. Иккала саватда неча олма бор?

2) Биринчи саватга яна 30 та олма солинди. Олдинги масаланинг жавобидан фойдаланиб, иккала саватда неча олма бўлганини топинг.

552. Узунликлари бир хил бўлган икки бўлак сим бор. Бир бўлакдан 75 см, иккинчисидан 96 см сим қирқиб олинди. Қайси бўлакда узун сим қолди?

553. 1) Китоб 136 бетлик. Бир қиз 80 бетини ўқиди. У китобнинг яна неча бетини ўқиши керак?

2) Агар бу қиз 20 бет ортиқ ўқиганда, неча бет қолар эди? 20 бет кам ўқиганда-чи?

Олдинги масаланинг жавобига асосланиб, жавоб беринг.

554. Раъно Лоладан 15 минут илгари сайр қилишга чиқди ва 18 минут кейин қайтиб келди. Ким ортиқроқ сайр қилган? Неча минут ортиқ?

555. Икки яшикда 24 кг олма бор. Бир яшикдан 4 кг олма олиб иккинчи яшикка қўйилди. Иккала яшикда қанча олма бўлди?

556. Бир қопда 72 кг ун, иккинчи қопда биринчи қопдагидан 14 кг ортиқ ун бор эди. Иккала қопдан баравардан ун олинди. Қайси қопда ун кам қолди?

557. Мактабни жиҳозлаш учун бир мактабга 300 сўм, иккинчи мактабга ундан 50 сўм кам берилди. Ҳар бир мактаб мебель учун 180 сўмдан сарфлади, қолган пулга кутубхона учун китоблар олинди. Китоб олиш учун қайси мактабнинг кўп пули қолди?

558. Новвойхона уч кунда 3775 кг ун ишлатди: биринчи куни 1215 кг; иккинчи куни 1275 кг ун ишлатилди. Новвойхона учинчи куни неча килограмм ун ишлатган?

559. Кассада 2700 сўм пул бор эди. Кассир олдин 486 сўм берди, сўнгра 596 сўм, сўнгра яна 895 сўм пул берди. Кассада қанча пул қолди?

560. Поезд тайинланган жойгача уч сутка йўл юрди. Биринчи суткада у 908 км, иккинчи суткада ундан 59 км ортиқ йўл юрди, шундан кейин унинг тайинланган жойгача юрадиган 896 км йўли қолди. Поезд уч суткада ҳаммаси бўлиб неча километр йўл юрган?

561. Ўқувчилар ўз полизларидан 176 кг сабзи, ундан 468 кг ортиқ карам, сабзи билан карам биргаликда қанча бўлса, шундан 750 кг ортиқ картошка ҳосили олишди. Ўқувчилар ўз полизларидан қанча картошка ҳосили олишган?

562. Мактаб йилнинг бошида устахона учун икки марта картон олди: биричи марта 1046 тахта, иккинчи марта 954 тахта картон олди. Ярим йилликнинг охирига келиб олинган ҳамма картоннинг ярми қолди. Ярим йил ичида қанча картон сарф қилинган?

563. Совхоз сабзавотчиликдан 25 000 сум фойда олди. Бу фойда совхознинг чорвачиликдан олган фойдасининг $\frac{1}{3}$ қисмини ташкил қилади. Совхоз чорвачилик билан сабзавотчиликдан биргаликда қанча фойда олган?

564. Курилишга ғишт олиб келинди. 12 500 дона ғишт ишлатилгандан кейин ишлатилганидан 3 480 та ортиқ ғишт қолди. Курилишга қанча ғишт олиб келинган?

565. Ўқувчилар 89 кг 750 г доривор ўсимлик тўплаб тайёрлов пунктига топширди. Бу доривор ўсимликни қуритгандан кейин фақат 10 кг 500 г бўлиб қолди. Доривор ўсимлик қуритилгандан кейин қанча оғирлигини йўқотган?

566. Магазинда 10 000 та бир чизиқли ва 8 200 дона катак дафтар бор эди. Ҳамма дафтарнинг бир қисми сотилгандан кейин магазинда 6 450 та бир чизиқли ва 5 800 та катак дафтар қолди. Қайси дафтардан кам сотилган ва қанча кам сотилган?

567. Бир участкадан 9 578 кг, иккинчи участкадан биринчи участкага қараганда 1 320 кг кам картошка ҳосили олинди. Ҳар қайси участкадан картошканинг бир қисми олиб кетилгандан кейин, биринчи участкада 2 300 кг, иккинчи участкада 2 100 кг картошка қолди. Қайси участкадан кўп картошка олиб кетилган ва қанча кўп олиб кетилган?

568. Бир харидорнинг 30 сўм 15 тийин пули бор эди. Универмагда у 12 сўм 75 тийин, гастрономда ун-

дан 3 сўм 90 тийин кам сарф қилди. Харидорнинг қанча пули қолди? (Масалани турли усуллар билан ечинг.)

569. Ракета Ердан кўтарилиб олам фазосига (космосга) чиқиши учун секундига 11 км 200 м тезлик билан учиши керак. Ойнинг тортиш кучини енгиш учун эса тезликни секундига фақат 2 км 400 м га етказиш kifоя. Ойнинг тортиш кучини енгувчи тезлик Ернинг тортиш кучини енгувчи тезликдан қанча кам?

570. Мактабда бир неча жуфт коньки бор эди. Оталикдаги ташкилот яна шунча жуфт коньки олиб берганларидан ва ўқувчиларнинг ўзлари 15 жуфт сотиб олганларидан кейин ҳамма конькилар 67 жуфт бўлди. Дастлаб мактабда неча жуфт коньки бор эди?

571. Боғда 586 туп олма дарахти бор эди. Олма дарахти олча дарахтидан 138 туп кам. Боғда ҳаммаси бўлиб неча туб мевали дарахт бор?

572. Колхоз 8 400 ц лавлаги ҳосили олди; бу ўтган йилги ҳосилдан 900 ц ортиқ ва келаси йилга планлаштирилганидан 70 ц кам. Ўтган йили неча центнер ҳосил олинган? Келаси йилга қанча ҳосил олиш планлаштирилган?

573. Ўқувчилар мактаб боғига 350 туп кўчат ўтқазишлари керак эди. Биринчи ҳафтада улар 180 туп кўчат ўтқазишмоқчи бўлишди, лекин 30 туп кам кўчат экишди. Улар яна неча туп кўчат ўтқазишлари керак? (Турли усуллар билан ечинг.)

574. Темир йўл станциясида 8 320 т кўмир бор эди. Яна икки состав кўмир келтирилди: бирида 840 т, иккинчисида 980 т кўмир бор. Станциядаги ҳамма кўмир қанча бўлди? (Турли усуллар билан ечинг.)

575. Совхозда эрталаб 2 100 л сут соғилди; 1 800 л сут ёғ заводига юборилди, тушда яна 1 960 л сут со-

гилди. Совхозда неча литр сут бўлди? (Турли усуллар билан ечинг.)

576. Колхоз икки жойда асалари боқади. Бир жойдан a кг асал, иккинчи жойдан эса b кг асал олиш мўлжалланган. Биринчи жойдан мўлжалдаги асал олинди, иккинчи жойдан эса мўлжалдагидан c кг ортиқ асал олинди. Колхоз иккала жойдан неча килограмм асал олган?

1) Масалани турли усуллар билан ечинг.

2) Масалани $a = 1250$, $b = 970$, $c = 80$ бўлган ҳол учун ечинг.

577. Қуйидаги сонли формулалар бўйича масалалар тузинг:

1) $x = 190 + (250 + 320)$ 4) $x = 490 - (260 - 70)$

2) $x = 640 - (150 + 370)$ 5) $x = (90 - 15) + 12$

3) $x = 430 + (320 - 70)$ 6) $x = (24 - 16) - 5$

Бу масалаларни бошқача қандай ечиш мумкин?

578. Қуйидаги қисқача ёзувга кўра масалалар тузинг ва уларни ечинг:

1)

Баҳоси	Миқдори	Жами пули
Бир хил	5 кг 8 кг	50 тийин x тийин

2)


8 сўм 2 сўм	12 м 12 м	x сўм
----------------	--------------	---------

3)

v	t	s
Соатига 15 км Соатига 15 км	3 соат 2 соат	x км

4)

Соатига 60 км Соатига 70 км	3 соат 3 соат	x км
--------------------------------	------------------	--------



579. KDE учбурчакнинг энг кичик томони энг катта томонидан неча миллиметр кичик эканини ҳисоблаб топинг.

580. 1) Тўғри тўртбурчакнинг периметри 22 см; унинг эни 4 см. Тўғри тўртбурчакнинг бўйи қанчага тенг?

2) Иккита тескари масала тузинг ва уларни ечинг.

581. Чизғич ва гўниядан фойдаланиб, чизиқсиз оқ қоғозга тўғри тўртбурчак чизинг, унинг периметри 17 см га, бўйи 5 см 5 мм га тенг бўлсин.

582. Тўғри тўртбурчакнинг бўйи 80 мм; бу унинг энидан 20 мм ортиқ. Шу тўғри тўртбурчакнинг периметрини ҳисобланг.

583. Томони 6 см бўлган квадрат ва бўйи 10 см, эни 2 см бўлган тўғри тўртбурчак чизинг. Уларнинг периметрларини таққосланг.

VI. КЎПХОНАЛИ СОНЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ ВА БЎЛИШ

КЎПАЙТУВЧИЛАРДАН БИРИНИНГ ЎЗГАРИШИГА ҚАРАБ КЎПАЙТМАНИНГ ЎЗГАРИШИ

584. Қуйидаги расмни кўриб чиқинг. Олдин кўпаювчиларни, сўнгра кўпайтмаларни таққосланг: иккинчи кўпаювчи биринчи кўпаювчидан неча марта катта? Ик-



5 · 2




10 · 2

кинчи кўпайтма биринчи кўпайтмадан неча марта катта? Биринчи кўпаювчи иккинчи кўпаювчидан неча марта кичик? Биринчи кўпайтма иккинчи кўпайтмадан неча марта кичик? Кўпайтувчи ўзгарадими?

585. Қуйидаги расмни кўриб чиқинг. Бундан олдинги масаладагидек олдин кўпайтувчиларни, сўнгра кўпайтмаларни таққосланг.



4 · 2



4 · 6

586. Натижаларни ҳисобланг:

18 · 2	7 · 10	4 · 3	15 · 6
18 · 4	7 · 2	16 · 3	5 · 6

Мисолларнинг ҳар қайси жуфтида олдин кўпайтувчиларни, сўнгра кўпайтмаларни таққосланг: кўпайтувчилардан бири неча марта катта ёки кичик? кўпайтма

неча марта катта ёки кичик? Бунда иккинчи кўпайтувчи ўзгарадими?

587.

a	10						
b	8						
$a \cdot b$							

Кўпайтмани топинг ва жадвални тўлдиришни қуйидагича давом эттиринг:

1) Кўпайтувчи (8) ни ўзгаришсиз қолдириб, кўпайювчи (10) ни эса олдин 2 марта, 3 марта, 6 марта орттириб, сўнгра 2 марта, 5 марта, 10 марта камайтириб. Кўпайтмаларни топинг. Кўпайтма қандай ўзгаради?

2) Кўпайювчи (10) ни ўзгаришсиз қолдириб, кўпайтувчи (8) ни эса олдин 3 марта, 5 марта, 7 марта орттириб, сўнгра 2 марта, 4 марта, 8 марта камайтириб. Кўпайтмаларни топинг. Кўпайтма қандай ўзгаради?

Агар кўпайтувчилардан бирини бир неча марта орттириб ёки камайтириб, иккинчисини ўзгаришсиз қолдирсак, кўпайтма шунча марта ортади ёки камаяди.


588. Икки соннинг кўпайтмаси 120 га тенг. Агар кўпайтувчилардан бирини 2 марта орттурсак, янги кўпайтма нимага тенг бўлади? 5 марта орттурсак-чи? 3 марта камайтурсак-чи? 6 марта камайтурсак-чи?

589. Икки соннинг йиғиндиси 180. Агар қўшилувчилардан бирини 5 та орттурсак, янги йиғинди нечага тенг бўлади? 30 та орттурсак-чи? 4 та камайтурсак-чи? 12 та камайтурсак-чи?

590. Қуйидаги мисолларнинг ҳар бир жуфтini таққосланг ва уларни энг осон усул билан ечинг:

$$\begin{array}{llll}
 1) & 12 \cdot 8 & 28 + 32 & 15 \cdot 6 & 64 + 18 \\
 & (12 \cdot 2) \cdot 8 & (28 + 7) + 32 & 15 \cdot (6 \cdot 3) & 64 + (18 + 5) \\
 2) & 20 \cdot 8 & 43 + 56 & 40 \cdot 6 & 15 + 63 \\
 & (20 : 4) \cdot 8 & (43 - 8) + 56 & 40 \cdot (6 : 3) & 15 + (63 - 7)
 \end{array}$$

591. Ҳар бир чизмага доир масала тузинг ва уни ечинг.



592. 1) Купайтмани энг осон усул билан топиб, жадвални тўлдиринг:

a	15	15	15	5	3	6
b	4	8	16	16	16	16
$a \cdot b$						

2) Мисолларнинг ҳар бир жуфтini таққосланг. Улардан бирини ечинг ва ҳосил бўлган натижадан фойдаланиб, иккинчи мисолни ечинг:

$$\begin{array}{llll}
 65 \cdot 6 & 82 \cdot 5 & 35 \cdot 2 & 25 \cdot 4 \\
 65 \cdot 2 & 164 \cdot 5 & 35 \cdot 8 & 25 \cdot 16
 \end{array}$$

593. Қуйидаги мисоллардан ҳар бирининг натижасини олдингисининг натижасидан фойдаланиб топинг:

$$\begin{array}{lll} 25 \cdot 6 = 150 & 5 \cdot 14 = 70 & 15 \cdot 6 = 90 \\ 25 \cdot 24 = & 45 \cdot 14 = & 45 \cdot 6 = \\ 25 \cdot 36 = & 9 \cdot 14 = & 45 \cdot 12 = \\ 25 \cdot 18 = & 54 \cdot 14 = & 15 \cdot 12 = \end{array}$$

594. Кўпайтма 10 марта ортиши учун кўпайтувчилардан бирини қандай ўзгартириш керак? 40 марта ортиши учун-чи? 5 марта камайиши учун-чи? 12 марта камайиши учун-чи?

595. Ҳар хил усуллар билан ечинг:

1) 12 ва 5 сонларининг кўпайтмасини 2 марта ортиринг.

2) 40 ва 8 сонларининг кўпайтмасини 4 марта камайтиринг.

596. Бир метри 4 сўмлик газламанинг 6 метрига қанча тўлаш керак?

Масалани қисқача қилиб жадвалга ёзинг:

Баҳоси (кўпайтувчи)	Миқдори (кўпайтувчи)	Жами пули (кўпайтма)

1) Агар шу газламадан 2 марта ортиқ олинса қанча тўланади? 3 марта кам олинса-чи?

2) Агар газламанинг баҳоси 3 марта ортиқ бўлса, шунча миқдордаги газламага қанча тўланади? 2 марта кам бўлса-чи?

597. Мактабни ремонт қилиш учун ҳар бирида 8 кг дан 10 яшик мих олиб келинди.

1) Ҳамма михнинг оғирлиги қанча?

2) Агар шундай яшиклардаги михдан 3 марта ор-

тиқ олиб келинса, шу миҳнинг оғирлиги қанча бўлади?
2 марта кам олиб келинса-чи?

3) Агар аввалгичалик миқдордаги яшиқларда миҳ олиб келинган бўлиб, ҳар бир яшиқнинг оғирлиги аввалгисидан 3 марта оғир бўлса, ҳамма миҳнинг оғирлиги қанча бўлади? 2 марта енгил бўлса-чи? (Масалаларни бундан илгариги масалага ўхшатиб, қисқача жадвалга ёзинг.)

598. Пароход дарё оқими бўйича соатига 30 км тезлик билан юриб, икки пристань орасидаги масофани 4 соатда ўтди. Қайтишда у шу йўлни 5 соатда ўтди. Пароход сувнинг оқимига қарши қандай тезлик билан юриди?

Бу масалани ечиш учун тенглама тузинг: номаълум сон учун пароходнинг оқимга қарши тезлигини олинг, сўнгра пароходнинг оқим бўйича юрган масофасини ва оқимга қарши юрган масофасини ифодаланг ва уларни тенглаштиринг.

599. Номаълум сонни топинг:

$$12 \cdot (50 - x) = 96 \qquad 6 \cdot n - 70 = 170$$

$$k : 16 + 38 = 44 \qquad 59 + 72 : a = 62$$

БИР ХОНАЛИ СОНГА КЎПАЙТИРИШ

600. Мумкин бўлган жойда қўшишни кўпайтириш билан алмаштиринг:

$$1) 42 + 42 + 42 + 42 \qquad 2) 126 + 126 + 126$$

$$2) 14 + 17 + 12 + 21 \qquad 4) k + k + k + k + k$$

Қайси ҳолларда қўшишни кўпайтириш билан алмаштириш мумкин?

601. Кўпайтиришни қўшиш билан алмаштиринг:

$$18 \cdot 3 \qquad a \cdot 2 \qquad a \cdot 5$$

18 ни 3 га кўпайтириш — 18 ни 3 марта қўшилувчи қилиб олиш деган сўздир:

$$18 \cdot 3 = 18 + 18 + 18$$

а сонини b сонига кўпайтириш — а сонини қўшилувчи қилиб b марта олиш деган сўздир.

Қўшилувчи қилиб олинган сон кўпаяувчи деб аталади. Бир хил қўшилувчилардан нечта олинганини кўрсатувчи сон кўпайтувчи деб аталади.

Кўпаяувчи ва кўпайтувчи кўпайтувчилар дейилади.

602. Қуйидаги ифодаларни таққосланг ва улар ўртасига $>$, $<$ ёки $=$ ишорасини қўйинг:

$$18 \cdot 5 \dots 18 + 18 + 12 + 18 + 18$$

$$12 + 12 + 12 + 11 \dots 12 \cdot 4$$

$$45 \cdot 6 \dots 45 + 45 + 45 + 45 + 45$$

$$c + c + c + c + c + c + c \dots c \cdot 8$$

Ҳосил бўлган тенгсизликларга тенглик ишорасини қўйиш мумкин бўлиши учун ҳар бирининг чап қисминини қандай ўзгартириш керак?

603. Натижаларни ҳисобланг:

$$1 \cdot 7 \quad 7 \cdot 1 \quad 0 \cdot 3 \quad 8 \cdot 0 \quad 0 \cdot 1$$

$$1 \cdot 45 \quad 19 \cdot 1 \quad 0 \cdot 27 \quad 42 \cdot 0 \quad 1 \cdot 0$$

$$1 \cdot a \quad b \cdot 1 \quad 0 \cdot k \quad b \cdot 0 \quad 0 \cdot 0$$

Агар кўпайтувчилардан бири бирга тенг бўлса, кўпайтма нимага тенг бўлади? Нолга тенг бўлса-чи?

604. Ҳар бир устуннинг мисолларини таққосланг ва уларни энг осон усул билан ечинг:

$$16 \cdot 4 \quad 23 \cdot 8 \quad 12 \cdot 5 \quad 10 \cdot 12$$

$$32 \cdot 4 \quad 23 \cdot 4 \quad 6 \cdot 5 \quad 10 \cdot 2$$

$$48 \cdot 4 \quad 23 \cdot 2 \quad 2 \cdot 5 \quad 10 \cdot 8$$

605. 8 бош сигирдан бир кунда ўрта ҳисобда 12 л дан сут соғиб олинди.

1) Ҳаммаси бўлиб неча литр сут соғиб олинди?

2) Агар сигирлар 3 марта кўп бўлиб, ҳар бир сигирдан олдингидек сут соғилса, ҳаммаси бўлиб неча литр сут соғилади? 4 марта кам бўлса-чи?

3) Агар ҳар бир сигирдан икки марта ортиқ сут соғиладиган бўлса, ўша сигирлардан қанча сут соғилар эди? Икки марта кам соғиладиган бўлса-чи? (Масалани 596- масалага ўхшатиб жадвалга ёзинг.)

606. Туристлар соатига 5 км тезлик билан йўл юриб, 8 соат йўлда бўлдилар.

1) Туристлар қанча йўл босдилар?

2) Агар туристлар шу тезлик билан юриб, йўл юрган вақти 2 марта ортиқ бўлса, улар қанча йўл юрадилар? 4 марта кам бўлса-чи?

3) Агар туристлар тезлиги пиёда тезлигидан 4 марта ортиқ бўлган катерда юрадиган бўлишса, улар 8 соатда қанча масофани ўтишади? (596- масаладагидек жадвалдан фойдаланинг.)



607. Ёзувни тугалланг:

$$(100 + 80 + 6) \cdot 4 = 100 \cdot 4 + \dots$$

$$(2000 + 300 + 50 + 7) \cdot 6 = 2000 \cdot 6 + \dots$$

$$(60\,000 + 7\,000 + 100 + 30 + 9) \cdot 5 = 60\,000 \cdot 5 + \dots$$

608. Учта, тўртта ва бешта қўшилувчининг йиғиндисини сонга қандай қилиб кўпайтириш кераклигини ҳарфлар ёрдамида ёзинг.

609. Мисолларни изоҳлаб ечинг:

$$\begin{array}{cccc} 92 \cdot 3 & 34 \cdot 5 & 340 \cdot 2 & 132 \cdot 3 \\ 27 \cdot 4 & 76 \cdot 4 & 280 \cdot 5 & 341 \cdot 2 \end{array}$$

610. Мисолларни биринчи сатрдаги мисолга ўхшатиб ечинг:

$$\begin{array}{l} 4 \text{ ўн} \cdot 6 = 24 \text{ ўн} = 2 \text{ юз ва } 4 \text{ ўн} \\ 7 \text{ юз} \cdot 3 = 21 \text{ юз} = 2 \text{ минг ва } 1 \text{ юз} \\ 6 \text{ минг} \cdot 6 = \\ 9 \text{ ўн минг} \cdot 5 = \\ 5 \text{ юз минг} \cdot 9 = \\ 8 \text{ миллион} \cdot 7 = \end{array}$$

611. 3246 ни 3 га кўпайтириш керак бўлсин. Кўпаяувчини хона бирликларининг йигиндиси шаклида тасвирлаймиз ва йигиндини 3 сонига кўпайтирамиз:

$$(3000 + 200 + 40 + 6) \cdot 3 = 3000 \cdot 3 + 200 \cdot 3 + 40 \cdot 3 + 6 \cdot 3 = 9000 + 600 + 120 + 18 = 9738$$

Бошқа тартибда кўпайтириш мумкин:

$$6 \cdot 3 + 40 \cdot 3 + 200 \cdot 3 + 3000 \cdot 3 = 18 + 120 + 600 + 9000 = 9738$$

Бу ёзувни анча қисқа ёзув билан алмаштириш мумкин:

$$\begin{array}{r} \times 3246 \\ \quad 3 \\ \hline 9738 \end{array}$$

Изоҳ. Кўпайтувчини кўпаяувчининг бирликлар хонасининг тагига ёзамиз, чап томонига эса \times ишорасини қўямиз, у ҳам нуқта сингари кўпайтириш амалини билдиради. 6 бирликни 3 га кўпайтирамиз, 18 бирлик ҳосил бўлади, у 1 ўнлик ва 8 та бирликдан иборат. Бирлар хонасининг остига 8 бирликни ёзамиз, бир ўнликни дилда сақлаймиз; 4 ўнликни 3 га кўпайтирамиз,

12 ўн ҳосил бўлади ва унга дилдаги бир ўнни қўшиш керак. Ҳаммаси бўлиб 13 ўн чиқади. Бу — 1 юз ва 3 ўн. Ўнлар хонасининг тагига 3 ёзамиз.

Изоҳни давом эттиринг.


612. Кўпайтириш амалларини изоҳлаб бажаринг:

$$\begin{array}{r} 1) \quad 312 \cdot 8 \quad 2315 \cdot 4 \quad 23486 \cdot 2 \quad 862562 \cdot 4 \\ \quad \quad 215 \cdot 6 \quad 1683 \cdot 2 \quad 31697 \cdot 3 \quad 187295 \cdot 7 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} 2) \quad 284 \cdot 2 \quad 2924 \cdot 6 \quad 18751 \cdot 6 \quad 534867 \cdot 9 \\ \quad \quad 512 \cdot 4 \quad 7428 \cdot 7 \quad 19347 \cdot 8 \quad 697584 \cdot 8 \end{array}$$

613. Самолёт тайинланган жойгача 5000 км масофани учиб ўтиши керак эди. Дастлабки 4 соатда у соатига 658 км тезлик билан учди, кейинги 3 соатда соатига 595 км тезлик билан учди. Тайинланган жойга у яна неча километр учиши керак?

614. Циркуль ва чизғич

ёрдамида AB кесмадан уч A  B марта узун кесма чизинг.

615. Кўпайтмаларни ҳисобланг:

$$\begin{array}{r} 4876 \cdot 6 \quad 24923 \cdot 9 \quad 486129 \cdot 5 \\ 3918 \cdot 7 \quad 76395 \cdot 8 \quad 998798 \cdot 4 \\ 8724 \cdot 5 \quad 38417 \cdot 6 \quad 817356 \cdot 3 \end{array}$$

616. Жадвалдан фойдаланиб, учта кўпайтувчи учун кўпайтманинг ўрин алмаштириш хоссасини текширинг:

a	b	c	$a \cdot b \cdot c$	$a \cdot c \cdot b$	$b \cdot a \cdot c$	$b \cdot c \cdot a$	$c \cdot a \cdot b$	$c \cdot b \cdot a$
5	2	3						
4	10	5						
6	5	2						

Бу хоссани тўртта кўпайтувчи учун ўзингиз текширинг.

617. Кўпайтманинг ўрин алмаштириш хоссасидан фойдаланиб, қуйидаги мисолларни ечинг:

$$\begin{array}{ccc} 9 \cdot 2 \cdot 7 \cdot 5 & 2 \cdot 2 \cdot 5 \cdot 5 \cdot 5 & 10 \cdot 5 \cdot 5 \cdot 2 \cdot 2 \\ 6 \cdot 4 \cdot 8 \cdot 5 & 5 \cdot 5 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 2 & 4 \cdot 3 \cdot 25 \cdot 7 \cdot 2 \end{array}$$

618. Қисқа ёзуви бўйича учта масала тузинг ва масалаларни ечинг.

Тартиб номери	Бир соатда ишлаб чиқарилгани	Иш вақти	Ҳамма ишлаб чиқарилгани
1	Бир хил	3 соат 5 соат	6 та ёстиқ жилди x та ёстиқ жилди
2	2 та ёстиқ жилди 4 та чойшаб	Бир хил	10 та ёстиқ жилди x та чойшаб
3	2 та ёстиқ жилди 4 та чойшаб	10 соат x соат	Бир хил

Бу масалаларнинг нимаси ўхшаш ва нимаси билан фарқ қилишини аниқланг.

619. Натижани оғзаки ҳисобланг:

$$\begin{array}{cccc} 0 \cdot 12 & 130 \cdot 0 + 36 & 458 \cdot 1 - 356 \cdot 0 & 0 \cdot 7 \\ 59 \cdot 0 & 520 - 69 \cdot 0 & 985 \cdot 0 + 472 \cdot 0 & 0 \cdot 4 \end{array}$$

620. Қуйидаги ифодаларнинг қийматини топинг:

$$\begin{array}{cccc} 408 \cdot 7 & 5006 \cdot 7 & 40016 \cdot 5 & 900048 \cdot 7 \\ 306 \cdot 9 & 60088 \cdot 4 & 10089 \cdot 6 & 304006 \cdot 8 \\ 706 \cdot 8 & 9003 \cdot 6 & 80509 \cdot 7 & 720035 \cdot 6 \end{array}$$

621. Ноллари бўлган олти хонали сонни бир хонали кўпайтувчига кўпайтиришга доир учта мисол тузинг ва уларни ечинг.

622. Қуйидаги масалаларни ечинг. Масалаларни ва уларнинг ечилишларини таққосланг:

1) 1 метри 80 тийиндан 6 м чит сотиб олинди. Қанча пул тўланган?

2) Октябрлар арча учун 36 та ўйинчоқ ясашди, пионерлар эса унлан 2 марта ортиқ ўйинчоқ ясашди. Пионерлар нечта ўйинчоқ ясаган?

3) Москвадан Минсккача темир йўл билети 11 сўм туради, бу эса Москвадан Тбилисигача бўлган билет баҳосидан икки марта кам. Москвадан Тбилисигача билет қанча туради?


4) Дурадгор тахтани тўрт бўлакка бўлди, ҳар бир бўлакнинг узунлиги 90 см. Бутун тахтанинг узунлиги қанчага тенг?

623. $x = a \cdot b$ формулага кўра ҳар хил содда масалалар тузинг.

624. Тикувчилик фабрикаси дастлабки 6 кунда ҳар куни 485 тадан кўйлак тикиб чиқарди, кейинги 9 кунда эса ҳар куни 508 тадан кўйлак тикиб чиқарди. Фабрика шу кунлар ичида ҳаммаси бўлиб нечта кўйлак тикиб чиқарган?

625. Янги боғда комсомол бригадалари 2 кун 258 тупдан, 3 кун 306 тупдан кўчат ўтқазишди. Шундан кейин ўтқазилиши керак бўлган 125 туп кўчат қолди. Комсомол бригадалари ҳаммаси бўлиб неча туп кўчат ўтқазишлари керак эди?

626. Тенг томонли ABC учбурчакнинг томонини ўлчанг ва унинг периметрини ҳисобланг:



627. Қуйидаги намунага қараб мисолларни ечинг

$$\begin{array}{r}
 900 \cdot 6 = 9 \text{ юз} \cdot 6 = 54 \text{ юз} = 5400 \\
 \hline
 800 \cdot 6 = \\
 150 \cdot 4 = \\
 8000 \cdot 9 = \\
 12000 \cdot 5 = \\
 7200 \cdot 6 =
 \end{array}$$

$$\begin{array}{r}
 7200 \cdot 6 \\
 \times \begin{array}{l} 72 \text{ юз} \\ 6 \end{array} \\
 \hline
 432 \text{ юз} = 43200
 \end{array}$$

Изоҳ. 72 юзни 6 га кўпайтириб, 432 юз ҳосил қиламиз. Юзликларни бирликлар билан ифодалаймиз, бунинг учун ҳосил бўлган кўпайтманинг ўнг томонига иккита ноль қўямиз; 43200 ҳосил қиламиз. Ёзувнинг мана бундай шаклдан фойдаланиш қабул қилинган:

$$\begin{array}{r}
 \times 7200 \\
 \quad 6 \\
 \hline
 43200
 \end{array}$$

628. Қуйидаги кўпайтириш амалларини изоҳлаб бажаринг:

$$\begin{array}{cccc}
 760 \cdot 9 & 6700 \cdot 6 & 408000 \cdot 7 & 960000 \cdot 9 \\
 580 \cdot 7 & 28900 \cdot 5 & 512000 \cdot 8 & 700400 \cdot 6 \\
 860 \cdot 5 & 80300 \cdot 4 & 607200 \cdot 6 & 807000 \cdot 3
 \end{array}$$

629. 75004 ва 8; 90067 ва 4 сонлари кўпайтмасининг йигиндисини топинг.

630. 708000 ва 6; 200587 ва 4 сонлари кўпайтмасининг айирмасини топинг.


631. 1) Колхоз элеваторга 170 ц арпа олиб келди, бу келтирилган бугдойдан 5 марта кам, жавдардан эса 138 ц кам. Колхоз элеваторга ҳаммаси бўлиб неча центнер галла олиб келган?

2) Тескари масала тузинг, унда колхоз элеваторга жавдардан неча центнер кам арпа олиб келинганини билиш керак бўлсин ва уни ечинг.

632. 1) Пойабзал фабрикаси бир ой ичида 10000 жуфт эркаклар, аёллар ва болалар оёқ кийими ишлаб чиқарди. Эркаклар оёқ кийими 2600 жуфт, бу эса аёллар оёқ кийимидан 2 марта кам. Фабрика неча жуфт болалар оёқ кийими ишлаб чиқарган?

2) Тескари масала тузинг, унда фабриканинг бир ойда ишлаб чиқарган оёқ кийими миқдори изланаётган сон бўлсин ва уни ечинг.

633. 1) ABC тенг ёнли учбурчакнинг периметри 106 мм. Унинг AC томонининг узунлиги 50 мм. Учбурчак ҳар бир ён томонининг узунлиги қанчага тенг? Уни ўлчаб текширинг.



2) Иккита тескари масала тузинг ва уни ечинг.



634. Қуйидагилардан тенглик тузиш мумкин бўладиган сонлар жуфттини кўчириб ёзинг, мана бу намунага қаранг: $8 м = 800 см$.

8 м	14 т	140 000 кг	80 ц
6 ц	800 см	2000 мм	8 т
2 кг	5 сўм 70 тийин	600 кг	570 тийин
2 м	19 км 600 м	2000 г	19 600 м

635. Исмли сонларни кўпайтириш абстракт сонларни кўпайтириш қоидаларига асосан бажарилади:

$$8 \text{ кг } 364 \text{ г} \cdot 6 = 50 \text{ кг } 184 \text{ г}$$

$\begin{array}{r} \times 8364 \text{ г} \\ 6 \\ \hline 50184 \text{ г} \end{array}$	ёки:	$\begin{array}{r} \times 8 \text{ кг } 364 \text{ г} \\ 6 \\ \hline 50 \text{ кг } 184 \text{ г} \end{array}$
---	------	---

636. Кўпайтиришни икки усул билан бажаринг:
 1) кўпаювчини майдароқ ўлчов бирликларида ифодаланг ва уни кўпайтувчига кўпайтиринг;

2) ҳар бир исмли сонни кўпайтувчига кўпайтиринг.

$4 \text{ кг } 286 \text{ г} \cdot 3$	$5 \text{ км } 250 \text{ м} \cdot 4$	$8 \text{ ц } 78 \text{ кг} \cdot 6$
$5 \text{ т } 435 \text{ кг} \cdot 2$	$2 \text{ км } 125 \text{ м} \cdot 8$	$6 \text{ м } 85 \text{ см} \cdot 7$

$27 \text{ сўм } 09 \text{ тийин} \cdot 8$

$19 \text{ сўм } 25 \text{ тийин} \cdot 6$

637. Қуйидаги масалаларни ечишда исмли сонларни бир хил, майдароқ ўлчов бирликлари (тийинлар, сантиметрлар) билан ифодалаб, формула тузинг.


1) Болалар боғчаси учун ҳар бири 18 сўм 25 тийиндан 3 та велосипед ва 1 сўм 75 тийиндан 6 та қурилиш материаллари тўплами сотиб олинди. Ҳамма сотиб олинган нарса учун қанча тўланган?

2) Бир тўп газлама 30 м. Бундан ҳар бири 3 м 15 см дан 8 та болалар чойшаби тикилди. Қанча газлама қолган?


638. 1) Ҳар бири олдингисидан икки марта узун бўлган учта кесма чизинг. Биринчи кесманинг узунлиги 2 см 6 мм.

2) Учта кесма чизинг: биринчиси иккинчисидан 3 марта узун, иккинчиси учинчисидан 2 марта узун, учинчисининг узунлиги 1 см 8 мм бўлсин.

639. Расмда тасвирланган шаклларни яшаш учун нечта квадрат керак булди?



640. Расмда тасвирланган шаклларни яшаш учун нечта тенг квадрат керак булган?



641. Расмда тасвирланган шаклларнинг бўш жойларини қоплаш учун нечта квадрат плитка керак бўлади?



642. Машинага ҳар бири 4 килограмдан 968 та гишт юкланди. Бутун юкнинг оғирлигини ҳисобланг.

Кўпайтувчиларнинг ўринларини алмаштиришдан фойдаланиб, мана бундай ҳисоблаймиз:

$$\begin{array}{r} \times 968 \\ 4 \\ \hline 3872 \end{array}$$

643. Кўпайтувчиларнинг ўринларини алмаштиришдан фойдаланиб, кўпайтиришни бажаринг:

4 · 9 687	6 · 57 360	7 · 600 100
9 · 1 084	8 · 40 058	5 · 906 000

644. Қуйидаги мисолларнинг ҳар бир жуфтида биринчисини ёзма ечинг, иккинчисини биринчисининг жавобидан фойдаланиб оғзаки ечинг:

- 1) 4·875 2) 5·1941 3) 7·698
 875·4 + 500 1948·5 — 1000 698·7 — 7·698

645. Тикувчилик фабрикасида 1240 та кўйлак тикилди, бунда ҳар бир кўйлакка 4 м дан газлама кетди ва ҳар бири 3 м дан 968 та кўйлак тикилди. Ҳамма кўйлақларга неча метр газлама кетган?

646. Колхозда ҳар бир меҳнат кунига 3 кг ғалла, 4 кг картошка ва 10 кг сабзавот берилди. 960 меҳнат кунини ишлаган оила ҳар бир озиқ-овқатдан қанчадан олган?

647. Паррандачилик совхозида 5645 товуқ, 3870 ўрдак ва 3400 ғоз бор. Бир ойда 1 товуққа — 3 кг, 1 ўрдакка — 5 кг ва 1 ғозга 4 кг дон керак. Совхознинг ҳамма паррандаси учун бир ойга қанча дон керак бўлади?

648. Қуйидаги счёт бўйича ҳар бир озиқ-овқатнинг жами пулини оғзаки, умумий пулини эса чўтда ёки ёзма ҳисобланг:

Молнинг номи:	Миқдори	1 кг нинг баҳоси		Жами пули
		сўм	тийин	
Конфет	4 кг	1	60	?
Пишлоқ	3 кг	2	80	?
Ёғ	2 кг	3	60	?
Ҳаммаси				

649. Жун тўр кўйлакка 450 г жун ип кетади. 2, 3, 4, 6, 8, 10 та шундай тур кўйлакка қанча жун кетади?

Ечилишини жадвалга ёзинг:


a	2	3	4	6	8	10
$450 \cdot a$						

ШАКЛНИНГ ЮЗИ

650. Томони 1 см булган квадрат квадрат сантиметр дейлади. Сонлар ёнига „квадрат сантиметр“ сўзи қис-
қача мана бундай ёзилади: 5 кв. см, 8 кв. см.

Дафтарга 1 кв. см чизинг. 1 кв. см да нечта катак бор? Битта катак квадрат сантиметрнинг қандай қис-
мини ташкил қилади? иккита катак-чи? учта катак-чи?

651. Расмдаги ҳар бир шакл 6 кв. см дан. Ҳар бир шаклнинг периметрини (чегарасининг узунлигини) то-
пинг:



652. Расмда тас-
вирланган шаклда неч-
та квадрат сантиметр
бор?

653. Бўйи 5 см ва эни 1 см бўлган тўғри тўртбурчак чизинг. Уни квадрат сантиметрларга бўлинг. Нечта



1 кв. см



5 кв. см

квадрат сантиметр ҳосил бўлди? Бу тўғри тўртбурчакнинг юзи 5 кв. см

га тенг, дейишади.

654. Расмда тасвирланган шаклнинг юзини квадрат сантиметрларда топинг.



655. Қуйидаги ифодаларнинг қийматини топинг:

$$100\,000 - 6\,048 \cdot 7$$

$$168\,709 + 34\,800 \cdot 9$$

$$8\,075\,км \cdot 6$$


$$9\,км\,704\,м \cdot 4$$



656. Шаклларнинг юзини квадрат сантиметрларда аниқлаш учун палеткадан фойдаланилади. Палетка шаффоф пластинкадан иборат бўлиб, унинг устига ингичка чизиқлар билан квадрат сантиметрли тўр чизилади. Агар

бу пластинкани (палеткани) шакл устига қўйсақ, шу шаклни қопловчи квадрат сантиметрлар сонини тақрибан топиш, яъни шаклнинг юзини квадрат сантиметрларда топиш мумкин. Бир тахта чизмачилик калькаси (шаффоф қоғоз) дан палетка тайёрлаш мумкин. Кальканинг тагига катак дафтарнинг варагини қўйиб, қалам ёки перо билан калькага квадрат тўр чизиш мумкин.

657. Расмда палетка шаклнинг устига қўйилган. Шу шаклнинг юзини топамиз. Бунинг учун шакл контури ичида тўла жойлашган квадрат сантиметрлар сонини санаймиз. Улар 12 та. Сўнгра шакл контури ўтган квадратчалар сонини санаймиз. Улар 16 та; булар тўлиқ бўлмаган квадрат сантиметрлардир; буларнинг баъзилари квадрат сантиметрнинг ярмидан катта, баъзилари кичик. Улар нечта тўла квадрат сантиметр бўлишини билиш учун 16 ни тенг иккига бўламиз, 8 ҳосил бўлади. Энди бутун шаклнинг юзини ҳисоблаймиз. Натижани жадвалга ёзамиз:




Тўла квадрат сантиметрлар сони	12
Тулиқсиз квадратлар	16
Тулиқсиз квадратлар юзи	8 кв.см
Шаклнинг юзи	$12 + 8 = 20$ (кв.см)

658. Томонлари 5 см 5 мм ва 3 см бўлган тўғри тўртбурчак ясанг. Унинг устига палеткани қўйинг ва бу тўғри тўртбурчакда неча квадрат сантиметр борлигини санаб билинг. Тўғри тўртбурчакда тўла жойлашадиган квадрат сантиметрлар сонини қандай қилиб тез санаш мумкин? Тўлиқсиз квадратлар банд қилган юзи қандай санаш мумкин? Жадвал тузинг.

659. Радиуси 2 см бўлган доира чизинг ва унинг юзини палетка ёрдамида ўлчанг.



660. Ихтиёрий бешбурчак ясанг. Унинг устига палеткани қўйинг ва унда бўлган квадрат сантиметрлар сонини санаб чиқинг. Жадвал тузинг.

661. Олма баргининг юзи қанчага тенг? Расмдаги шаклнинг юзи-чи?



662. Квадрат сантиметрлардан тузилган шаклларнинг юзини топинг. Квадрат сантиметрлар сонини қандай қилиб осон санаб бўлади?

Ҳар бир шаклнинг юзини ҳисоблаш учун формула тузинг.



663. Ифодаларни таққисланг ва нуқталар ўрнига $>$, $<$ ёки $=$ ишорасини қўйинг:

$$198 \cdot 6 \dots 198 \cdot (6 \cdot 8)$$

$$206 \cdot (72 : 8) \dots 206 \cdot 9$$

$$175 \cdot 4 \dots 175 \cdot (81 : 27)$$



664. Расмда тўғри тўртбурчаклар тасвирланган, улардан ҳар бирининг юзи 8 кв. см га тенг. Ҳар бир тўғри тўртбурчак томонларининг узунлигини топинг.





8 кв. см



8 кв. см

665. Ҳар қайси тўғри тўртбурчакнинг томонлари узунликларини топинг. Ҳар бир тўғри тўртбурчак юзи-




ни ҳисоблаш учун формула тузинг. Берилган масштаб-
да юзларини ҳисобланг.

666. Ҳар бир тўғри тўртбурчакнинг томонлари узун-
лигини топинг. Уларнинг юзини ҳисобланг.



1 кв см



Тўғри тўртбурчакнинг
юзини қандай топиб бў-
лади?

**Тўғри тўртбурчакнинг юзини квадрат
сантиметрларда ҳисоблаш учун:**

**а) тўғри тўртбурчакнинг бўйини санти-
метр билан ўлчаш,**

б) унинг энини сантиметр билан ўлчаш,

**в) ҳосил бўлган сонларни бир-бирига кў-
пайтириши керак.**

667. Бўйи 9 см, эни 6 см бўлган тўғри тўртбур-
чакнинг юзини топинг.

**БЎЛИНУВЧИНИНГ ЎЗГАРИШИГА ҚАРАБ
БЎЛИНМАНИНГ ЎЗГАРИШИ**

668. Қуйидаги амалларнинг натижаларини топинг:

$$\begin{array}{cccc} 32 : 4 & 96 : 8 & 36 : 9 & 56 : 7 \\ 64 : 4 & 24 : 8 & 72 : 9 & 14 : 7 \end{array}$$

Мисолларнинг ҳар бир жуфтида, олдин бўлинувчиларни, сўнгра бўлинмаларни таққосланг: бир бўлинувчи иккинчи бўлинувчидан неча марта катта ёки неча марта кичик? Бир бўлинма иккинчи бўлинмадан неча марта катта ёки неча марта кичик? Бунда бўлувчи ўзгардими?

669. Узунлиги 12 см ва 6 см бўлган кесмалар чизинг. Уларнинг ҳар бирини 3 та тенг бўлакка бўлинг.

Биринчи кесма иккинчи кесмадан неча марта катта? Биринчи кесма бўлагининг узунлиги иккинчи кесма бўлагининг узунлигидан неча марта катта?

670.

k	24						
b	4						
$k : b$							

Бўлинмани топинг ва жадвални тўлдиришни давом эттиринг:

1) Бўлувчи (4) ни ўзгаришсиз қолдириб, бўлинувчи (24) ни олдин 2 марта, сўнгра 3 марта, 4 марта ортиринг. Бўлинмаларни топинг. Бўлинма қандай ўзгаради?

2) Бўлувчини ўзгаришсиз қолдириб, бўлинувчи (24) ни олдин 2 марта, сўнгра 3 марта, 6 марта камайтиринг. Бўлинмаларни топинг. Бўлинма қандай ўзгаради?

Агар бўлувчини ўзгаришсиз қолдириб, бўлинувчини бир неча марта орттирсак ёки камайтирсак, у ҳолда бўлинма шунча марта ортади ёки камаяди.

671. Бир сонни иккинчи сонга бўлишдан чиққан бўлинма 70 га тенг. Агар бўлувчини ўзгаришсиз қолдириб, бўлинувчини 2 марта орттирсак, янги бўлинма нимага тенг бўлади? 7 марта орттирсак-чи? 5 марта камайтирсак-чи? 14 марта камайтирсак-чи?

672. Икки соннинг айирмаси 70 га тенг. Агар айрилувчини ўзгаришсиз қолдириб, камаювчини 2 та орттирсак, янги айирма нимага тенг бўлади? 7 та орттирсак-чи? 5 та камайтирсак-чи? 14 та камайтирсак-чи?

673. Биринчи мисолнинг натижасидан фойдаланиб, иккинчи мисолнинг натижасини ҳисобланг:

- 1) $240 : 6 = 720 : 9 = 320 : 8 = 420 : 7$
 $(240 : 2) : 6 = (720 : 4) : 9 = (320 : 3) : 8 = (420 : 4) : 7$
- 2) $a : b = 120 \quad k : c = 75 \quad b : c = 200 \quad a : k = 90$
 $(a : 4) : b = (k : 2) : c = (b : 5) : c = (a : 8) : k =$

674. 18 км ва 9 км 350 м сонларининг айирмасини 7 марта орттиринг.

675. 7382 ва 6542 сонларининг айирмасини 4 марта камайтиринг.

676. Қуйидаги қисқа ёзувга қараб масала тузинг ва уни ечинг:

Тезлик	Вақт	Масофа
Соатига 12 км	5 соат	x км
Соатига 15 км	4 соат	

Тескари масалалар тузинг ва уларни ечинг.

**БЎЛУВЧИНИНГ ЎЗГАРИШИГА ҚАРАБ
БЎЛИНМАНИНГ ЎЗГАРИШИ**

677. Натижаларни ҳисобланг:

$$\begin{array}{cccc} 48 : 16 & 72 : 3 & 56 : 4 & 96 : 6 \\ 48 : 8 & 72 : 9 & 56 : 2 & 96 : 24 \end{array}$$

Мисолларнинг ҳар бир жуфтида олдин бўлувчиларни, сўнгра эса бўлинмаларни 670-топшириққа ўхшатиб таққосланг.

678. Узунлиги 12 см дан бўлган иккита кесма чизинг. Биринчи кесмани иккита тенг бўлакка, иккинчи кесмани 6 та тенг бўлакка бўлинг. Қайси ҳолда ҳар бир бўлакнинг узунлиги ортиқ? Неча марта ортиқ?

679. Узунлиги 18 см дан бўлган икки кесма чизинг. Биринчи кесмани 6 см ли бўлақларга, иккинчи кесмани 3 см ли бўлақларга бўлинг. Қайси ҳолда бўлақлар сони кўп бўлади? Неча марта кўп бўлади?

680.

a	48						
b							
$a : b$							

Бўлинмани топинг ва жадвални тўлдиришни давом эттиринг:

1) Бўлинувчи (48) ни ўзгаришсиз қолдилинг, (6) ни эса олдин 2 марта, сўнгра 4 марта, 8 марта орттиринг. Бўлинмаларни топинг. Бўлинма қандай ўзгаради?

2) Бўлинувчи (48) ни ўзгаришсиз қолдилинг, бўлувчи (6) ни эса 2 марта, 3 марта, 6 марта камайтиринг. Бўлинмаларни топинг. Бўлинма қандай ўзгаради?

Агар бўлинувчини ўзгаришсиз қолдириб, бўлувчини бир неча марта орттирсак, у ҳолда бўлинма шунча марта камайди; агар бўлувчини бир неча марта камайтирсак, бўлинма шунча марта ортади.

681. Бир сонни иккинчи сонга бўлишдан чиққан бўлинма 40 га тенг. Агар бўлинувчини ўзгаришсиз қолдириб, бўлувчини 4 марта орттирсак янги бўлинма қанчага тенг бўлади? 8 марта орттирсак-чи? 2 марта камайтирсак-чи? 10 марта камайтирсак-чи?

682. Икки соннинг айирмаси 80 га тенг. Агар камайувчини ўзгаришсиз қолдириб, айрилувчини 4 та орттирсак янги айирма қанчага тенг бўлади? 18 та орттирсак-чи? 6 та камайтирсак-чи? 15 та камайтирсак-чи?

683. Турли усуллар билан ечинг:

1) 36 ва 12 сонларининг бўлинмасини 3 марта орттиринг.

2) 72 ва 18 сонларининг бўлинмасини 2 марта камайтиринг.

3) 84 ва 14 сонларининг айирмасини 7 та камайтиринг.

4) 91 ва 26 сонларининг айирмасини 13 та орттиринг.

684. Бўлинмани ҳисобламасдан, биринчи бўлинманиннг иккинчи бўлинмадан неча марта катта ёки кичик эканини айтинг:

$$450 : 50 \quad 240 : 2 \quad 160 : 20 \quad 100 : 25$$

$$450 : 5 \quad 240 : 12 \quad 80 : 20 \quad 300 : 25$$

685. Магазин 10 та бир хил гилам сотди ва шу сотилган гиламлар учун 720 сўм пул тушди.

1) Гиламлар қандай баҳо билан сотилган?

2) Агар шу гиламлар учун икки марта ортиқ пул тушганда гиламлар қандай баҳо билан сотилган булар эди? Уч марта ортиқ пул тушганда-чи?

3) Агар гиламлар учун аввалгидек пул тушган бўлиб, гиламлар икки марта ортиқ сотилган булса, гиламлар қандай баҳо билан сотилган булар эди? Икки марта кам сотилган булса-чи? (Масалани 680- масалага ўхшатиб қисқача жадвалга ёзинг.)

686. Қуйидагича ечиладиган масала тузинг:

$$x = 95 : 5 + 45 : 9$$

Тескари масалалар тузинг ва уларни ечинг.

БИР ХОНАЛИ СОНГА БЎЛИШ

687. Қуйидаги намунага қараб, мисоллар тузинг ва уларни ечинг:

$$\begin{array}{r} 24 \cdot 3 = 72 \\ 72 : 24 = 3 \\ 72 : 3 = 24 \end{array} \quad \begin{array}{r} 17 \cdot 5 \\ 28 \cdot 4 \\ 42 \cdot 6 \end{array}$$

Бўлиш амали билан ҳар бир ҳолда нима топилди?

Берилган кўпайтма ва кўпайтувчилардан бири воситаси билан иккинчи кўпайтувчи топиладиган арифметик амал бўлиш амали деб аталади.

Бўлиш — кўпайтиришга тескари амалдир.

688. Ҳисоблашларни бажармасдан, қуйидаги амалларнинг натижасини топинг:

$$(450 \cdot 3) : 450 \quad (270 \cdot 52) : 52 \quad (310 \cdot 19) : 310$$

689. Ҳисоблашларни бажармасдан, номаълум сонни топинг:

$$(15 \cdot x) : 15 = 7 \quad (k \cdot 46) : 46 = 21 \quad (56 \cdot a) : 56 = 8$$

690. Жадвални тўлдилинг:

a	58	46	84		1	0	
b	58		1	35	1	12	28
$a : b$		46		1			0

Агар бўлинувчи бўлувчига тенг бўлса, бўлинма қанчага тенг бўлади? Агар бўлувчи бирга тенг бўлса-чи? Агар бўлинувчи нолга тенг бўлса-чи?

Номаълум бўлинувчи қандай топилади? Номаълум бўлувчи-чи?

691. Номаълум сонни топинг:

$$(x \cdot 9) : 24 = 3 \quad 300 : (x - 6) = 100 \quad (91 : x) : 13 = 1$$

692. Биринчи мисолнинг натижасидан фойдаланиб, иккинчи мисолнинг натижасини ҳисобланг:

$$\begin{array}{l} 1) \quad 420 : 6 \quad 320 : 8 \quad 540 : 6 \quad 360 : 6 \\ \quad 420 : (6 \cdot 2) \quad 320 : (8 : 4) \quad 540 : (6 \cdot 5) \quad 360 : (6 : 3) \\ 2) \quad c : k = 50 \quad b : n = 30 \quad a : c = 16 \quad k : b = 48 \\ \quad c : (k \cdot 2) = \quad b : (n : 3) = \quad a : (c \cdot 8) = \quad k : (b : 2) = \end{array}$$

693. Бўлимани энг осон йўл билан топиб, жадвални тўлдилинг:

c	140	140	280	280	300	600	600	600
k	2	4	4	40	5	5	15	30
$c : k$								

694. Юк машинаси 6 соатда 270 км йўл босди.

1) Машина қандай ўртача тезлик билан юрган?

2) Юк машинаси юрган вақт ичида мотоциклчи ундан икки марта кўп йўл юриши учун қандай тезлик билан юриши керак?

3) Скорий поезд шу йўлга машина юрганидан 2 марта кам вақт ичида бориши учун қандай ўртача тезлик билан юриши керак? (Масалани 689- масалага ўхшатиб жадвалга қисқача қилиб ёзинг.)

695. Тикувчи 6 кунда 96 та ёстиқ жилди тикди; ҳар куни у баравардан ёстиқ жилди тикди. У кундалик нормани шу хилда бажариб, 64 та ёстиқ жилдини неча кунда тика олади?

Масалани ечиш учун тенглама тузинг: тикувчининг бир кунда тикадиган ёстиқ жилдлари сонини икки марта ифодаланг ва шу сонларни тенглаштиринг.

696. Қуйидагиларни ҳисобланг:

$$350700 \cdot 8 \quad 5 \cdot 72800 \quad 15 \text{ км } 800 \text{ м} \cdot 8$$

$$409050 \cdot 7 \quad 6 \cdot 309600 \quad 24 \text{ кг } 900 \text{ г} \cdot 7$$



697. Ёзувни тугалланг:

$$(800 + 40 + 6) : 2 = 800 : 2 \dots$$

$$(9000 + 600 + 30 + 6) : 3 = 9000 : 3 \dots$$

$$(a + b + c) : d = a : d \dots$$

$$(a + b + c + d + e) : k = a : k \dots$$

Йиғиндини қандай қилиб сонга бўлиш мумкин?

698. Бўлинувчини хона қўшилувчиларининг йиғиндиси кўринишида ифодаланг ва йиғиндини бўлувчига бўлинг:

$$262 : 2 \quad 8484 : 4 \quad 36963 : 3 \quad 428046 : 2$$

$$639 : 3 \quad 7707 : 7 \quad 82480 : 2 \quad 603090 : 3$$

699. Бўлинувчини „осон“ қўшилувчиларининг йигиндиси кўринишида тасвирланг ва йигиндини бўлувчига бўлинг.

$$\text{Намуна. } 680 : 4 = (400 + 280) : 4 = 400 : 4 + 280 : 4 = 100 + 70 = 170.$$

$$\begin{array}{cccc} 91 : 7 & 620 : 2 & 5100 : 3 & 168 : 3 \\ 85 : 5 & 780 : 6 & 8400 : 7 & 180 : 5 \end{array}$$

Бу мисолларнинг ечилишини 698- мисолларнинг ечилиши билан таққосланг. Қандай ҳолда бўлинувчи хона бирликлари йигиндиси кўринишида тасвирланади ва қайси ҳолда бошқача тасвирланади?

Ҳар бир мисолда қандай қўшилувчилар бўлиши қулай?

700. Қуйидаги мисолларни изоҳлаб ечинг:

$$\begin{array}{cccc} 87 : 3 & 130 : 2 & 906 : 3 & 6060 : 6 \\ 48 : 2 & 840 : 4 & 108 : 9 & 4800 : 3 \\ 95 : 5 & 270 : 2 & 810 : 3 & 1500 : 2 \end{array}$$

701. Қуйидаги масалаларни ечинг. Масалаларни ва уларнинг ечимларини таққосланг.

1) Поезд бир хил тезлик билан юриб, 5 соатда 250 км йўл босди. Поезд бир соатда неча километр йўл босган?

2) Ойда ҳар бир буюм Ердагига қараганда 6 марта енгил келади. Ерда оғирлиги 72 кг келадиган космонавт Ойда неча килограмм келади?

3) 100 кг помидорни ҳар бирида 20 кг дан қилиб яшиқларга жойлаш керак. Бунинг учун неча яшиқ керак бўлади?

4) Поезд 1 соатда 50 км, пиёда эса 5 км йўл юради. Поезднинг тезлиги пиёданнинг тезлигидан неча мар-

та ортиқ? Пиёданнинг тезлиги поезднинг тезлигидан неча марта кам?

5) Совхоз рекордчи-сигирдан бир ойда 900 кг сут соғди. Бу сут оддий сигирнинг ўртача соғимидан 3 марта кўп. Оддий сигирнинг бир ойлик ўртача соғими қанчага тенг?

6) Бирор сон ўйланган. Агар уни 5 марта орттирсак, 80 чиқади. Қандай сон ўйланган?

702. Қуйидаги формулага қараб турлича содда масалалар тузинг:


$$x = a : b$$

793. Масалаларни тенгламалар ёрдамида ечинг:

1) 3 та қалам ва 1 та китоб учун бола 40 тийин тўлади. Китоб 28 тийин туради. Битта қалам қанча туради?

2) Пионерлар лагерига 3 та автобусда 81 пионер келди. Биринчи автобусда 25 пионер бор эди. Агар қолган икки автобусдаги пионерлар сони тенг булса, қолган икки автобуснинг ҳар бирида неча пионер келган?

704. Қуйидаги ҳар бир тўғри тўртбурчакнинг юзини ҳисобланг:



ЁЗМА БЎЛИШ

705. Агар бўлишни оғзаки бажариш қийин бўлса, у ёзма бажарилади.

376 ни 4 га бўлиш керак бўлсин:

$$\begin{array}{r} 376 \overline{) 4} \\ \underline{36} \\ 16 \\ \underline{16} \\ 0 \end{array}$$

Изоҳ. Бўлинувчининг юқори хонаси юзлар хонасидир; 3 юзни ҳар бир қисмида ҳеч бўлмаганда битта юз бўладиган қилиб 4 та тенг бўлакка бўлиш мумкин эмас. 3 юзни ўнликларга майдалаймиз ва 7 ўнликни қўшамиз, 37 ўнлик ҳосил қиламиз (биринчи тўлиқсиз бўлинувчи); 37 ўнни 4 га бўлиб ўнликлар ҳосил қиламиз. Демак, бўлинманинг юқори хонаси — ўнликдир.

Ўнликлар иккинчи ўринда турибди, демак, бўлинмада иккита рақам бўлади (бу рақамларнинг ўрнини нуқталар билан белгилаш мумкин).

37 ўнлик (биринчи тўлиқсиз бўлинувчи) ни 4 га бўлиб, бўлинмада 9 ўнлик ҳосил қиламиз.

Нечта ўнликни бўлганимизни аниқлаймиз; бунинг учун 9 ўнликни 4 га кўпайтирамиз, 36 ўнлик ҳосил бўлади.

Яна нечта ўнликни бўлишимиз кераклигини аниқлаймиз; бунинг учун 37 ўнликдан 36 ўнликни айиримиз, 1 ўнлик ҳосил бўлади.

1 ўнлик қолдиқни ўнлик ҳосил бўладиган қилиб 4 га бўлиш мумкин эмас, демак, 9 рақами тўғри танланган.

1 ўнликни birlikларга майдалаймиз, 10 ҳосил қиламиз, бўлинувчидаги 6 birlikни қўшамиз, 16 birlik (иккинчи тўлиқсиз бўлинувчи) ҳосил бўлади.

16 бирликни 4 га бўламиз, 4 ҳосил бўлади. Нечта бирликни бўлганимизни аниқлаймиз; бунинг учун 4 ни 4 га кўпайтирамиз, 16 ҳосил бўлади. Ҳамма бирликларни бўлдик.

Бўлинма — 94.

Бўлишни текширамыз: $94 \cdot 4 = 376$.

Бу мисолни оғзаки ечишда биз бўлинувчини осон қўшилувчилар йиғиндиси шаклида тасвирлар эдик: $376 = 360 + 16$ — ва ҳар бир қўшилувчини алоҳида алоҳида 4 га бўлар эдик.

706. Қуйидаги мисолларни изоҳлаб ечинг (бунда мисоллар остига ёзилган топшириқлардан фойдаланинг).

586 : 2 678 : 3 378 : 6 688 : 8

346 : 2 892 : 4 272 : 4 580 : 5

- 1) Мисолни ўқиб чиқинг ва ёзинг.
- 2) Биринчи тўлиқсиз бўлинувчини ажратинг.
- 3) Юқори хонани ва бўлинманинг рақамлари сонини аниқланг.

4) Бўлинманинг юқори хонаси рақамини топинг.

5) Бу хонанинг нечта бирлиги бўлинганини билинг.

6) Бу хонанинг нечта бирлиги бўлинмай қолганини билинг.

7) Бўлинманинг рақамлари тўғри ёки нотўғри танланганини текширинг.

8) Агар қолдиқ чиқса, уни ўзидан кейин келадиган қуйи хонанинг бирликларига майдаланг ва унга бўлинувчининг ўша хонасининг бирликларини қўшинг.

9) Мисолни охиригача ечгунча бўлишни шундай давом эттиринг.

10) Бўлинмани айтинг ва текширинг.

707. Полизни суғориш учун челақларда 480 л сув келтирилди. Ҳар бир челақка 8 л сув кетади.

1) Неча челақ сув келтирилган?

2) Агар суғориш учун олдингидан 2 марта ортиқ сув керак бўлса, шундай челақда неча марта сув олиб келиш керак? 3 марта кам сув керак бўлса-чи?

3) Агар бир бидонга челақдагидан 4 марта ортиқ сув кетса, полизни суғориш учун неча бидон сув кетар эди? Агар бидонга 2 марта кам сув кетса-чи? (Масалаларни қисқача қилиб жадвалга ёзинг.)



708. Бир хонали сонга бўлишни қисқача қилиб ёзиш мумкин: кўпайтириш ва айириш оғзаки бажарилади, фақат айириш натижасигина ёзилади. Масалан:

$$\begin{array}{r} 3912 \overline{) 4} \\ \underline{31} \quad 978 \\ \underline{\quad 32} \\ 0 \end{array}$$

Қисқача ёзишдан фойдаланиб, бўлиш амалини бажаринг:

$$\begin{array}{cccc} 3672 : 4 & 15\,834 : 7 & 865\,298 : 7 & 142\,386 : 6 \\ 5\,820 : 6 & 41\,728 : 8 & 795\,845 : 5 & 261\,456 : 8 \end{array}$$

709. Иккинчи мисолнинг натижасини биринчи мисолнинг натижасидан фойдаланиб топинг:

$$\begin{array}{lll} 1) \quad 287 + 395 = 682 & 621 - 387 = 234 \\ \quad 257 + 395 = & 621 - 397 = \\ 2) \quad 25 \cdot 18 = 450 & 720 : 36 = 20 \\ \quad 25 \cdot 36 = & 720 : 12 = \\ 3) \quad 826 - 588 = 238 & 800 : 16 = 50 & 18 \cdot 45 = 810 \\ \quad 826 - 592 = & 800 : 32 = & 18 \cdot 15 = \\ 4) \quad a \cdot b = 30 & m \cdot n = 100 & a - b = 120 \\ \quad (a \cdot 4) \cdot b = & m \cdot (n : 5) = & a - (b + 10) = \end{array}$$


$$5) \quad k : n = 12 \quad a : b = 32 \quad a : b = 20$$

$$(k \cdot 4) : n = \quad a : (b \cdot 4) = \quad a : (b : 4) =$$

710. „Волга“ автомашинаси 288 км масофани 3 соатда, „Москвич“ автомашинаси эса 4 соатда босиб ўтди. Қайси машинанинг бир соатлик тезлиги ортиқ ва неча километр ортиқ?

711. Шофёр соатига 56 км тезлик билан юриб, тайинланган жойга 6 соатда борди. Шу масофани 4 соатда босиш учун, у қайтишда қандай тезлик билан юриши керак?

712. Қуйидаги расмларнинг сон маълумотларидан фойдаланиб, тўғри тўртбурчакларнинг юзини топинг:



713.

Баҳоси (a)	Миқдори (b)	Жами пули (c)
2 тийин	12 та дафтар	

12 та дафтарнинг жами пулини топинг ва жадвални тўлдиришни давом эттиринг:

1) Дафтарлар сони (12) ни олдин 2 марта, сўнгра 4 марта, 5 марта орттиринг. Уларнинг жами пулини ўша баҳода аниқланг. Агар миқдорни бир неча марта орттириб, баҳони ўзгаришсиз қолдирсак, жами пули қандай ўзгаради?

2) Дафтарлар сони (12) ни олдин 3 марта, сўнгра 4 марта, 6 марта камайтиринг. Уларнинг жами пулини ўша баҳода топинг. Агар баҳо ўзгаришсиз қолиб, миқдор бир неча марта камайса, жами пули қандай ўзгаради?

3) Жами пули (24) ни 2 марта, 3 марта, 4 марта орттиринг. Дафтарлар сонини ўша баҳода аниқланг. Агар баҳо ўзгаришсиз қолиб, уларнинг жами пули бир неча марта орттирилса, дафтарлар сони қандай ўзгаради?

4) Жами пули (24) ни 2 марта, 4 марта, 6 марта камайтиринг. Дафтарлар сонини ўша баҳода аниқланг. Агар баҳо ўзгаришсиз қолиб, жами пули бир неча марта камайтирилса, дафтарлар сони қандай ўзгаради?

Бу хулосаларни қисқача мана бундай ифодалаш мумкин:

1) Агар миқдорни бир неча марта орттирсак ёки камайтирсак, у ҳолда баҳо ўзгаришсиз қолганда жами пули шунча марта ортади ёки камаяди.

2) Агар жами пулини бир неча марта орттирсак ёки камайтирсак, у ҳолда баҳо ўзгаришсиз қолганда миқдор шунча марта ортади ёки камаяди.

714. Баҳони a ҳарфи билан, миқдорни b ҳарфи билан, жами пулини эса c ҳарфи билан белгиланг. Жами пулини баҳо ва миқдор орқали, миқдорни эса жами пули ва баҳо орқали ифодаланг.

Жами пули баҳо билан миқдорнинг k ўпайтмаси эканини, миқдор эса жами пули билан баҳонинг b ўлинмаси эканини билган ҳолда, бундан олдинги топ-

ширикда ифодаланган хулосаларга қандай келиб бўлади?

715. Магазин бир хил баҳо билан икки тўп шойи сотди, лекин биринчи тўпда иккинчи тўпдагидан 2 марта кам шойи бор эди. Қайси тўп учун кам пул тушди ва неча марта кам тушди?

716. Икки яшикда бир хил баҳода помидор бор. Биринчи яшикдаги помидор учун иккинчи яшикдаги помидорга қараганда 4 марта ортиқ пул тушди. Бу яшиклардаги помидорларнинг оғирлиги ҳақида нима дейиш мумкин?

717. Қуйидаги масалаларни турли усуллар билан ечинг. Масалаларни ечишда 713-машқдаги хулосалардан фойдаланинг.

1) 10 дона тугма 20 тийин туради. 30 та шундай тугма қанча туради?

2) 15 м газлама учун 45 сўм тўланди. 9 сўмга шундай газламадан неча метр олиш мумкин?

718. Амалларни бажаринг:

$$\begin{array}{l} 7296 : 4 \cdot 8 \quad (895819 + 96218) : 3 \quad (1000 - 55) : 7 \\ 5832 \cdot 8 : 6 \quad (20000 - 10886) : 6 \quad (2000 - 1185) : 5 \end{array}$$



$$\begin{array}{l} \mathbf{719.} \quad 36000 : 9 \quad 780000 : 2 \quad 350042 : 7 \\ \quad 64000 : 8 \quad 450000 : 5 \quad 540720 : 9 \end{array}$$

Бўлинмаларга нима учун ноллар қўйилганини айтиб беринг.

720. Қуйидаги мисолларни ечинг. Ҳар бир мисолни ечишдан олдин бўлинмада нечта рақам бўлиши кераклигини аниқланг:

$$\begin{array}{lll} 8436 : 4 & 83216 : 4 & 985600 : 7 \\ 2515 : 5 & 35442 : 6 & 624024 : 8 \\ 9236 : 4 & 56522 : 6 & 666072 : 9 \end{array}$$

721. Қисқача ёзуви бўйича масалалар тузинг ва уларни турли усуллар билан ечинг:

Тартиб номери	Баҳоси	Миқдори	Жами пули
1	Бир хил	5 дона x дона	30 сўм 150 сўм
2	Бир хил	12 м 3 м	72 сўм x сўм

1- масалага иккита тескари масала тузинг ва уларни ечинг.


722. Жадвални тўлдилинг:

a	0	1	2	3	4	5
$(16 \cdot a) \cdot 5$						

Нима учун биринчи кўпайтма нолга тенг? Нима учун учинчи кўпайтмадан бошлаб, кейинги ҳар бир кўпайтма иккинчи кўпайтмага қараганда 2 марта, 3 марта, 4 марта, 5 марта ортади?

a ҳарфининг олиши мумкин бўлган энг катта қийматни айтиш мумкинми?

723. Расмда тасвирланган шаклларнинг юзини то-
нинг:



724. Жадвалнинг бўш жойларини тўлдириб, кўчириб
ёзинг:

Тартиб номери	Баҳоси (a)	Миқдори (b)	Жами пули (c)
1	2 сўм	3 м	
2	4 сўм	3 м	
3	5 сўм	3 м	
4		3 м	24 сўм
5		3 м	30 сўм
6		3 м	36 сўм

1) Миқдор ўзгармасдан қолиб, баҳонинг бир неча марта ортиши ёки камайишига қараб жами пулнинг қандай ўзгаришини; миқдорни ўзгартирмасдан жами пулнинг бир неча марта ортиши ёки камайишига қараб баҳонинг қандай ўзгаришини жадвалдан кузатиб боринг. Хулосаларни ифодаланг.

2) Ҳарфлар ёрдамида жами пулни баҳо ва миқдор орқали, баҳони эса жами пул ва миқдор орқали ифодаланг. Нима учун миқдор ўзгармаганда баҳонинг бир

неча марта ортиши ёки камайиши билан жами пулнинг шунча марта ортиши ёки камайишини, жами пулнинг бир неча марта ортиши ёки камайиши билан баҳонинг шунча марта ортиши ёки камайишини айтиб беринг.

3) Бу жадвал ва хулосаларни 713- масалада берилган жадвал ва хулосалар билан таққосланг.

725. Қуйидаги масалаларни оғзаки ечинг:

1) Бир отряднинг пионерлари шаҳардан ташқарига экскурсияга жўнашди. Боришда улар электр поездга, қайтишда эса теплоходга тушидилар. Электр поездга қанча билет олишган бўлса, теплоходга ҳам шунча билет олишди, лекин теплоход билетларига электр поезд билетларига қараганда 2 марта ортиқ пул тўланди. Билетларнинг баҳоси ҳақида нима дейиш мумкин?

2) Расм тўгарагига бир хил миқдорда альбом ва бўёқ сотиб олинди. Битта альбом бир қути бўёқдан 3 марта арзон. Ҳамма альбомнинг ва ҳамма бўёқнинг жами пули ҳақида нима дейиш мумкин?

3) Мактаб-интернат учун қанча чит олинган бўлса, шунча сатин олинди. Сатиннинг баҳоси читнинг баҳосидан 4 марта ортиқ. Агар чит учун 36 сўм тўланган бўлса, сатин учун қанча тўланган?

4) Дўконга бир хил оғирликда олма ва мандарин олиб келинди. Ҳамма олма ҳамма мандариндан 2 марта арзон. Агар бир килограмм мандарин 1 сўм 40 тийиндан сотилгани маълум бўлса, олманинг баҳосини аниқланг.

726. Қуйидаги қисқача ёзув бўйича масала тузинг ва уни турли усуллар билан ечинг:

Баҳоси	Миқдори	Жами пули
16 сўм x сўм	Бир хил	48 сўм 96 сўм

Тескари масалалар тузинг ва уларни ечинг.

727. Магазинда бир хил миқдорда ботинка ва калиш сотилди. Бир жуфт ботинканинг баҳоси 6 сўм, бир жуфт калишнинг баҳоси эса 2 сўм. Агар ботинкалар учун 90 сўм тушган бўлса, ҳамма калишлар учун қанча пул тушган?

Масалани турли усуллар билан ечинг. Тескари масалалар тузинг ва уларни ҳам турли усуллар билан ечинг.

728. Ҳисобланг:

$$336\,372 : 7 \quad 483\,042 : 6 \cdot 8 \quad 500\,000 : 8$$

$$576\,063 : 9 \quad 372\,184 : 4 \cdot 7 \quad 154\,000 : 4$$



729. Исмли сонларни бўлиш қандай бажарилишини куриб чиқинг.

Масала

1. 5 та бир хил фартук тикиш учун 6 м 75 см газлама кетди. 1 та фартукка қанча газлама кетади?

2. Спортчи 2 км масофани 5 минутда югуриб ўтди. Спортчи 1 минутда неча метр югуриб ўтади?

3. Мактаб буфетида донаси 5 тийиндан булочка сотилди ва улар учун 6 сўм 50 тийин пул тушди. Неча дона булочка сотилган?

Ечилиши

$$1. \quad 6 \text{ м } 75 \text{ см} : 5 = 1 \text{ м } 36 \text{ см}$$

$$\hline 675 : 5 = 135$$

Жавоб. 1 та фартукка 1 м 35 см газлама кетади.

$$2. \quad 2 \text{ км} : 5 = 400 \text{ м}$$

$$\hline 2000 : 5 = 400 \text{ м}$$

Жавоб. 1 минутда 400 м.

3. 6 сўм 50 тийин :

$$: 5 \text{ тийин} = 130$$

$$\hline 650 : 5 = 130$$

Жавоб. 130 та булочка сотилган.

Бу масалаларнинг счилишидаги бўлинувчиларни, бўлувчиларни, бўлинмаларни таққосланг: улар қандай сонлар билан ифодаланган?

Исмли сонларни исмли сонларга бўлишда ҳамма вақт бўлинувчи ва бўлувчилар бир хил исмли бирликларда ифодаланади, шундан кейин бўлиш амали бажарилади; бунда бўлинмада абстракт сон ҳосил бўлади.

730. Бўлиш амалини бажаринг:

$$\begin{array}{l} 1) \quad 9 \text{ м } 52 \text{ см} : 8 \quad 13 \text{ т} : 2 \quad 2 \text{ км} : 8 \\ \quad \quad 4 \text{ м } 68 \text{ см} : 6 \quad 22 \text{ км} : 5 \quad 7 \text{ км} : 4 \end{array}$$

$$6 \text{ сўм } 75 \text{ тийин} : 9$$

$$98 \text{ сўм} : 8$$

$$\begin{array}{l} 2) \quad 15 \text{ м } 6 \text{ дм} : 4 \text{ дм} \quad 8 \text{ т} : 5 \text{ ц} \\ \quad \quad 8 \text{ м } 64 \text{ см} : 9 \text{ см} \quad 2 \text{ км} : 8 \text{ м} \end{array}$$

$$44 \text{ сўм } 22 \text{ тийин} : 6$$

$$6 \text{ сўм } 86 \text{ тийин} : 7$$

731. Икки колхоз қанд заводига лавлаги олиб келди: биринчиси— $633 \text{ т } 600 \text{ кг}$, иккинчиси ундан 2 марта кам. Агар қанд лавлаги оғирлигининг $\frac{1}{5}$ қисмини ташкил қилса, олиб келинган лавлагидан завод қанча қанд олган? (Формула тузишда сонларни килограммларда ифодаланг.)

732. Ёш табиатшунослар $1 \text{ кг } 200 \text{ г}$ бодринг уруғи ва яна шунча ошқовоқ уруғи олишди. Бодринг уруғини улар ҳар бири 5 г дан қилиб, ошқовоқ уруғини эса 10 г дан қилиб қоғоз халтачаларга солишди.

1) Улар ҳаммаси бўлиб нечта қоғоз халтачага уруғ солишган?

2) Қайси уруғ солинган қоғоз халтачалар сони кўп ва неча марта кўп?

733. Чангичи 45 км масофани босиб ўтиши керак. У йўлнинг биринчи ярмини 2 соатда, иккинчи ярмини эса 3 соатда босиб ўтди. Унинг уртача тезлиги йўлнинг иккинчи ярмида биринчи ярмидагидан неча километр камайган? (Масалага чизма чизинг.)

734. Баҳо, миқдор ва жами пули каби маълумотлардан фойдаланиб, ечимларига кўра масалалар тузинг ва ечилишларини тушунтиринг:

$$1) x = (36 : 12) \cdot 4 \qquad 2) x = 20 : (15 : 3)$$

$$x = 36 : (12 : 4) \qquad x = 15 \cdot (20 : 5)$$

735. Жадвални тўлдиринг:

Тартиб номери	Баҳоси	Миқдори	Жами пули
1	2 сўм		96 сўм
2	3 сўм		96 сўм
3	4 сўм		96 сўм
4		16 м	96 сўм
5		8 м	96 сўм
6		4 м	96 сўм

1) Жадвалдан фойдаланиб, агар жами пули ўзгармаганда, баҳонинг бир неча марта ортиши ёки камайиши билан миқдорнинг қандай ўзгаришини аниқланг; жами пули ўзгармаганда миқдорнинг ортиши ёки камайиши билан баҳонинг қандай ўзгаришини аниқланг. Хулосаларни ифодаланг.

2) Ҳарфлар ёрдамида миқдори жами пули ва баҳо орқали ифодаланг.

Нима учун жами пули бир хил бўлганда баҳонинг бир неча марта ортиши билан миқдор шунча марта камайишини, баҳонинг бир неча марта камайиши билан миқдорнинг шунча марта ортишини; нима учун миқдорнинг бир неча марта ортиши ёки камайиши билан баҳонинг шунча марта ортиши ёки камайишини айтиб беринг.

3) Бу жадвални ва хулосаларни 724- масалада берилган жадвал ва хулосалар билан таққосланг.

736. Оғзаки ечинг:

Магазинда сотилган ҳамма плашларга қанча пул тушган бўлса, сотилган пальтолар учун ҳам шунча пул тушди. Ҳар бир пальто плашдан 3 марта қиммат. Сотилган пальтолар ҳамда плашларнинг миқдори ҳақида нима дейиш мумкин?

737. Бир яшик олма учун қанча тушган бўлса, бир яшик узум учун ҳам шунча пул тушган, лекин бир яшик узум бир яшик олмадан 2 марта енгил. Олма билан узумнинг баҳоси ҳақида нима дейиш мумкин?

738. Икки тўп газлама учун баравардан пул тўланди, лекин биринчи тўп газламанинг баҳоси иккинчи тўп газламанинг баҳосидан 4 марта кам. Агар иккинчи тўпда 36 м газлама бўлса, биринчи тўпда неча метр газлама бўлган?

739. Колхоз бозорда гўшт билан ёғ сотди. Сотилган ёғдан қанча пул тушган бўлса, гўшт учун ҳам шунча пул тушган, лекин колхоз ёғдан 2 марта ортиқ гўшт сотган. Агар колхоз ёғнинг бир килограммини 3 сўм 80 тийиндан сотган бўлса, гўштнинг бир килограммини қанчадан сотган?

740. Қуйидаги қисқача ёзув бўйича масала тузинг ва уни турли усуллар билан ечинг.

Баҳоси	Миқдори	Жами пули
x тийин	2 қути	Бир хил
10 тийин	6 қути	

Тескари масалалар тузинг ва уларни ечинг.

741. Бир аёл тарвуз билан қовунга баравардан пул тўлади. Тарвузнинг 1 килограми 10 тийин, қовуннинг 1 килограми 30 тийин. Агар тарвуз 6 кг келган бўлса, қовун неча килограмм келган?

Масалани турли усуллар билан ечинг.

Тескари масалалар тузинг ва уларни ечинг.

742. Баҳо, миқдор ва жами пули каби маълумотлардан фойдаланиб, турли ечимлари бўйича масала тузинг ва ечилишларини тушунтиринг:

$$x = (8 \cdot 10) : 5$$

$$x + 8 \cdot (10 : 5)$$


743. Ҳисобланг:

$$17 \text{ км } 250 \text{ м} : 6 \qquad 9 \text{ км} : 6 \qquad 82 \text{ м } 35 \text{ см} : 9 \text{ см}$$


$$32 \text{ т } 256 \text{ кг} : 7 \qquad 32 \text{ ц} : 5 \qquad 26 \text{ т } 6 \text{ ц} : 7 \text{ ц}$$



744. 1) Тўғри тўртбурчакнинг берилган юзи ва бўйига кўра унинг эини топинг.



2) Расмда тасвирланган тўғри тўртбурчакнинг маълум юзи ва энига кўра унинг бўйини топинг.



745. Қуйидаги масалаларни ечинг:

1) Тўғри тўртбурчакнинг бўйи — 6 см, эни — 4 см. Шу тўғри тўртбурчакнинг юзини ҳисобланг.

2) Тўғри тўртбурчакнинг юзи — 24 кв. см. Унинг бўйи — 6 см. Шу тўғри тўртбурчакнинг эни қанчага тенг?

3) Тўғри тўртбурчакнинг юзи — 24 кв. см; унинг эни — 4 см. Шу тўғри тўртбурчакнинг бўйи қанчага тенг?

Шу масалаларнинг шартларини ва ечилишларини солиштиринг. Тўғри тўртбурчакнинг берилган юзи ва бир томонига кўра иккинчи томони қандай топилади?

746. 1) Тўғри тўртбурчакнинг бўйи — 9 см, эни — 7 см. Шу тўғри тўртбурчакнинг юзини ҳисобланг.

2) Иккита тескари масала тузинг.

747. Тўғри бурчакли шаклларнинг баъзи ўлчамлари берилган қуйидаги жадвални кўчиринг ва тўлдиринг:

Бўйи см ҳисобида	25		33	50	35	
Эни см ҳисобида	9	7		10	8	10
Юзи кв. см ҳисобида		84	99			160

748. Юзи 36 кв. см га тенг бўлган тўғри тўртбурчак яшаш керак. Шундай тўғри тўртбурчакнинг ўлчамлари қандай бўлиши мумкин? Жадвал тузинг.

749. Ҳисобланг:

8 км 124 м : 3 15 км : 6 6 м 39 см : 9 см
 30 т 247 кг : 7 92 ц : 5 33 т 6 ц : 7 ц



750.

Тартиб номери	Баҳоси	Миқдори	Жами пули
1	10 тийин а тийин	Бир хил	80 тийин 16 тийин
2	Бир хил	5 м 15 м	10 сўм b сўм
3	9 сўм 3 сўм	6 дона x дона	Бир хил

Жадвалда учта масала қисқача ёзилган. Масалалар тузинг, уларни турли усуллар билан ечинг, масалаларни ва уларнинг ечимларини таққосланг.

751. Қуйидаги масалани турли усуллар билан ечинг.

Бир аёл ўз болаларига жун тўр кўйлак тўқиш учун 15 сўмга 3 калава оқ жун ип ва шу баҳо билан 6 калава кўк жун ип олди. Кўк жун ип қанча туради?

Бу масалани тенглама тузиб, номаълум сонни топиб ечиш ҳам мумкин. Бунинг учун кўк жун ипнинг жами пулини x билан белгилаймиз ва бир неча тенглама тузамиз.

1) Баҳони мана бундай ифодалаймиз:

15 : 3 (сўм) — оқ жун ипнинг баҳоси,
 x : 6 (сўм) — кўк жун ипнинг баҳоси.

Оқ ва кўк жун ипнинг баҳоси бир хил бўлгани учун, қуйидаги тенгламани тузиш мумкин:

$$15 : 3 = x : 6.$$

Тенгламани соддалаштирамиз: $5 = x : 6$.

Номаълум бўлинувчини топамиз:

$$x = 5 \cdot 6,$$

$$x = 30.$$

Жавоб. Кўк жун ипнинг жами пули — 30 сўм.

2) Оқ жун ипнинг жами пулини қуйидагича ифодалаймиз:

$x : 6$ (сўм) — жун ипнинг баҳоси,

$(x : 6) \cdot 3$ (сўм) — оқ жун ипнинг жами пули.

Оқ жун ипнинг жами пули маълум (15 сўм) бўлгани учун, қуйидагича тенглама тузиш мумкин:

$$(x : 6) \cdot 3 = 15.$$

Номаълум сонни топинг.

Масалани яна мана бундай усуллар билан ечиш ҳам мумкин:

3) Оқ жун ипнинг калавалари миқдорини қуйидагича ифодалаймиз:

$x : 6$ (сўм) — жун ипнинг баҳоси,

$15 : (x : 6)$ (калава) — оқ жун ип калаваларининг миқдори.

Оқ жун ипнинг калавалари миқдори маълум (3 калава); шунинг учун мана бундай тенглама тузиш мумкин:

$$15 : (x : 6) = 3.$$

Номаълум сонни топинг.

4) Кўк жун ипнинг калавалари миқдорини ўзингиз ифодаланг ва бу ифодани кўк жун ипнинг калавалари-

нинг маълум сони (6) га тенглаштиринг. Номмаълум сонни топинг.

5) Олдин калавалар миқдорини, сўнгра калаваларнинг жами пулини таққослаймиз:

6 : 3 — кўк жун ипга оқ жун ипга қараганда шунча марта ортиқ туланган.

Баҳолар тенг булгани учун, мана бундай тенглама тузамиз:

$$6 : 3 = x : 15.$$

Номмаълум сонни топинг.

752. Оғзаки ҳисобланг:

$$\begin{array}{lll} 35\,042 : 7 & 720\,018 : 9 & 270\,009 : 3 \\ 48\,064 : 8 & 540\,024 : 6 & 560\,042 : 7 \end{array}$$

753. Ёзма ҳисобланг:

$$\begin{array}{ll} 64 \text{ м } 53 \text{ см} : 9 \text{ см} & 15 \text{ км } 345 \text{ м} : 9 \cdot 6 \\ 9 \text{ кг } 376 \text{ г} : 8 \text{ г} & 25 \text{ т } 800 \text{ кг} : 3 \cdot 8 \\ & 18 \text{ ц} : 5 \cdot 9 \\ & 12 \text{ сўм} : 8 \cdot 7 \end{array}$$



754. Колхоз бозорда бир кунда қанча бодринг сотган бўлса, шунча помидор сотган. Колхоз бир центнер бодрингни 60 сўмдан сотиб, 480 сўм пул тўплади. Помидорнинг бир центнерини 120 сўмдан сотди. Колхоз помидордан қанча пул тўлаган?

Бу масалани ечиш учун помидорнинг жами пулини номмаълум сон деб олиб, турли тенгламалар тузинг. Ҳар бир тенгламадаги номмаълум сонни топинг.

Курсатма. 1) Олдин бодринг миқдорини, сўнгра помидорнинг миқдорини ифодаланг ва ҳосил бўлган ифодаларни тенглаштиринг.

2) Бодрингнинг баҳосини ифодаланг ва ҳосил бўлган ифодани маълум сон (60) га тенглаштиринг.

3) Бодрингнинг жами пулини ифодаланг ва ҳосил бўлган ифодани маълум сон (480) га тенглаштиринг.

4) Помидорнинг баҳосини ифодаланг ва ҳосил бўлган ифодани маълум сон (120) га тенглаштиринг.



5) Олдин помидор билан бодрингнинг баҳосини, сўнгра уларнинг жами пулини таққосланг ва тенглама тузинг (751- машқнинг хулосаларидан фойдаланинг).

755. Қуйидаги ифодаларни ёзинг ва уларнинг қийматини топинг:

1) 18 *t* 400 *кг* ва 5 сонларининг бўлинмасини 7 марта орттиринг ва ҳосил бўлган натижани 12 *t* 800 *кг* камайтиринг.

2) 180000 сонини 260 *км* 550 *м* ва 9 *м* сонларининг бўлинмаси қадар камайтиринг.

756. Расмдаги маълумотлардан фойдаланиб, шаклларнинг юзини ҳисобланг:



757. 15 м сатин учун қанча тўланган бўлса, 3 м духоба учун ҳам шунча пул тўланган. Агар духобанинг бир метрига 10 сўм тўланган бўлса, сатиннинг бир метрига қанча тўланган?

Бу масалани ечиш учун сатиннинг баҳосини номаълум учун қабул қилиб, турли тенгламалар тузинг. Ҳар бир тенгламада номаълум сонни топинг.

Кўрсатма. 1) Жами пулларни ифодаланг ва уларни тенглаштиринг.

2) Духобанинг миқдорини ифодаланг ва ҳосил бўлган ифодани маълум сон (3) га тенглаштиринг.

3) Сатиннинг миқдорини ифодаланг ва ҳосил бўлган ифодани маълум сон (15) га тенглаштиринг.

4) Духобанинг баҳосини ифодаланг ва ҳосил бўлган ифодани маълум сон (10) га тенглаштиринг.

5) Олдин сатин билан духобанинг миқдорини, сўнгра духоба билан сатиннинг баҳосини солиштиринг ва тенглама тузинг (751- машқнинг хулосаларидан фойдаланинг).

758. Қуйидаги масаладарни турли усуллар билан ечинг:

1) 5400 ва 4 сонларининг бўлинмасини 2 марта камайтиринг.

2) 7560 ва 6 сонларининг бўлинмасини 3 марта орттиринг.

759. Икки ишчи машина ёрдамида бир кунда 1680 кг доривор ўсимлик теришди. Бу шу вақт ичида 10 кишининг қўлда терганидан 6 марта ортиқ. Машинада ишлаган бир ишчига қўлда ишлаган ишчидан неча килограмм ортиқ доривор ўсимлик тўғри келади?

760. Мисолларни ечинг:

$$1965 \cdot 3 + 7280 \cdot 6 - 16495$$

$$29728 - 1207 \cdot 9 + 8074$$

$$9640 : 10 - 6400 : 100 - 471$$

$$1628 + 768 : 8 - 707 : 7$$

МАШҚ ҚИЛИШ УЧУН ҚЎШИМЧА МАТЕРИАЛ

761. Оғзаки ҳисобланг:

1) $18 \cdot 6$ $6 \cdot 18$ $120 \cdot 4$ $7 \cdot 110$

$55 \cdot 8$ $8 \cdot 25$ $280 \cdot 3$ $9 \cdot 111$

$68 \cdot 4$ $9 \cdot 22$ $150 \cdot 6$ $8 \cdot 105$

$96 \cdot 3$ $5 \cdot 96$ $140 \cdot 8$ $4 \cdot 220$

2) $1200 : 2 : 2 : 2 : 2 : 25$ $6 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 2$

$1500 : 3 : 2 : 2 : 5 : 25$ $8 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 2$

$1700 : 2 : 2 : 5 : 5 : 17$ $3 \cdot 3 \cdot 3 \cdot 3 \cdot 3 \cdot 3$

3) $156 : 3$ $168 : 8$ $140 : 14$ 236

$+ 48$ $\cdot 6$ $\cdot 36$ $+ 164$

$\cdot 7$ $: 2$ $+ 640$ $: 8$

$- 250$ $\cdot 5$ $- 10$ $\cdot 9$

$: 3$ $- 115$ $: 3$ $- 250$

4) $7 \text{ м } 25 \text{ см} \cdot 8$ $3 \text{ т } 150 \text{ кг} \cdot 6$

$4 \text{ ц } 50 \text{ кг} \cdot 6$ $5 \text{ кг } 400 \text{ г} \cdot 5$

$15 \text{ м } 75 \text{ см} \cdot 4$ $7 \text{ км } 250 \text{ м} \cdot 8$

$8 \text{ сўм } 15 \text{ тийин} \cdot 9$ $4 \text{ т } 250 \text{ кг} \cdot 8$

$4 \text{ соат } 30 \text{ минут} \cdot 2$

$2 \text{ соат } 15 \text{ минут} \cdot 4$

$3 \text{ сутка } 12 \text{ соат} \cdot 2$

$5 \text{ сутка } 06 \text{ соат} \cdot 3$

5) $2 \text{ м} : 5$ $5 \text{ ц} : 2 \text{ кг}$ $8 \text{ сўм } 10 \text{ тийин} : 9$

$3 \text{ кг} : 6$ $4 \text{ м} : 5 \text{ дм}$ $5 \text{ км } 400 \text{ м} : 6$

$5 \text{ т} : 4$ $3 \text{ км} : 10 \text{ м}$ $4 \text{ ц } 20 \text{ кг} : 7 \text{ кг}$

$2 \text{ соат} : 3$ $8 \text{ т} : 5 \text{ ц}$ $7 \text{ м } 2 \text{ дм} : 8 \text{ дм}$

$$\begin{array}{rcl}
 6) & 1000 - 250 : 5 & 60 \cdot 8 - 350 : 5 + 90 \\
 & 1200 - 40 \cdot 6 & 90 \cdot 9 : 3 - 320 : 8 \\
 & 560 + 35 \cdot 4 & 370 - 180 + 60 \cdot 5 \\
 & 790 + 280 : 7 & 800 - 540 : 9 \cdot 7
 \end{array}$$

$$\begin{array}{r}
 25 \cdot 3 + 25 \cdot 7 \\
 57 \cdot 8 - 57 \cdot 7 \\
 3 \cdot 60 + 7 \cdot 60 \\
 24 \cdot 9 - 4 \cdot 9
 \end{array}$$

7) 86; 180; 250; 460; 500; 700 сонларининг $\frac{1}{2}$ қисми-ни топинг.

96; 150; 330; 375; 450; 750 сонларининг $\frac{1}{3}$ қисми-ни топинг.

88; 160; 320; 400; 560; 808 сонларининг $\frac{1}{8}$ қисми-ни топинг.

8) $\frac{1}{6}$ қисми 42 га тенг бўлган сонни топинг.

$\frac{1}{5}$ қисми 30 га тенг бўлган сонни топинг.

$\frac{1}{3}$ қисми 120 га тенг бўлган сонни топинг.

762. Қуйидаги ифодаларни ёзинг ва улардан ҳар бирининг қийматини уч усул билан топинг:

1) 10 ва 8 сонларининг кўпайтмасини 2 марта орттиринг.

2) 10 ва 6 сонларининг кўпайтмасини 3 марта камайтиринг.

3) 24 ва 6 сонларининг бўлинмасини 3 марта орттиринг.

4) 72 ва 4 сонларининг бўлинмасини 2 марта камайтиринг.

763. Қуйидаги ифодаларни юқоридаги топшириқда

ифодалангандек қилиб ўқинг ва уларнинг қийматини энг осон усул билан ҳисобланг:

$$\begin{array}{lll} (15 \cdot 9) \cdot 4 & (75 \cdot 5) \cdot 2 & (20 : 5) \cdot 2 \\ (6 \cdot 51) : 17 & (24 \cdot 9) : 8 & (45 \cdot 3) \cdot 2 \\ (300 : 12) \cdot 4 & (560 : 2) : 7 & (720 : 9) \cdot 8 \\ (810 : 9) : 15 & (7 \cdot 14) \cdot 5 & (42 \cdot 9) : 14 \end{array}$$

764. Тенгликларнинг қандай ҳосил қилинганини айтиб беринг:

$$\begin{aligned} (a : b) \cdot c &= (a \cdot c) : b = a : (b : c) \\ (a \cdot b) \cdot c &= (a \cdot c) \cdot b = a \cdot (b \cdot c) \\ (a : b) : c &= (a : c) : b = a : (b \cdot c) \\ (a \cdot b) : c &= (a : c) \cdot b = a \cdot (b : c) \end{aligned}$$

765 (оғзаки). Қуйидаги ифодалар орасидаги ишоралар тўғри қўйилганми-йўқми, текшириб кўринг. Қандай ишоралар қўйиш керак?

$$\begin{aligned} (350 : 14) \cdot 2 &= 350 : (14 \cdot 2) \\ (15 \cdot 9) \cdot 5 &> (15 \cdot 5) \cdot 9 \\ (170 : 35) : 2 &= (170 \cdot 2) : 35 \\ (36 \cdot 12) : 9 &> (36 : 9) \cdot 12 \end{aligned}$$

766. Қуйидаги масалаларни турли усуллар билан ечинг:

1) 1 метр шойи a сўм туради. Бир тўпда b м шойи бор. Шундай шойининг c метри қанча туради? (Масалани $a = 6$, $b = 24$, $c = 5$ бўлган ҳол учун ечинг.)

2) Фабрика k иш куни давомида ҳар куни c м дан газлама ишлаб чиқаради. Агар ҳар тўпда b м дан газлама бўлса, фабрика шу вақтда неча тўп газлама ишлаб чиқарган? (Масалани $k = 50$, $c = 900$, $b = 25$ бўлган ҳол учун ечинг.)

3) a та от учун бир кунга b кг пичан керак бўлади. Қўй отдан бир кунда c кг кам пичан ейди. Қўй

бир кунда қанча пичан ейди? (Масалани $a = 8$, $b = 64$, $c = 2$ бўлган ҳол учун ечинг.)

4) Бир комбайнчи n кунда k ц ғалла йиғди. Агар иккинчи комбайнчи бир кунда биринчи комбайнчидан c марта кам ғалла йиғган бўлса, шу вақт ичида у қанча ғалла йиғади? (Масалани $n = 6$, $k = 2640$, $c = 2$ бўлган ҳол учун ечинг.)

767. Қуйидаги ифодаларнинг ҳар бир жуфттини ўзаро таққосланг, ҳисобламасдан туриб иккинчи ифоданинг қиймати биринчи ифоданинг қийматидан қанча бирлик ортиқ ёки кам эканини билинг:

$$1) \begin{array}{lll} 140 + 96 & 42 + 190 & 370 + 150 \\ 140 + (96 - 30) & 42 + (190 + 20) & 370 + (150 - 60) \end{array}$$

$$2) \begin{array}{lll} c + k & a + b & m + n \\ c + (k + n) & a + (b - c) & m + (n + b) \end{array}$$

$$3) \begin{array}{ll} 530 - 220 & 870 - 380 \\ 530 - (200 - 98) & 870 - (380 + 140) \end{array}$$

$$\begin{array}{l} 940 - 560 \\ 940 - (560 - 270) \end{array}$$

$$4) \begin{array}{lll} a - b & k - n & c - b \\ a - b + c & k - (n - m) & c - (b + k) \end{array}$$

768. Қуйидаги ифодаларнинг ҳар бир жуфттини ўзаро таққосланг ва ҳисобламасдан туриб, иккинчи ифоданинг қиймати биринчи ифоданинг қийматидан қанча ортиқ ёки кам эканини билинг:

$$1) \begin{array}{lll} 27 \cdot 12 & 18 \cdot 20 & 32 \cdot 24 \\ 27 \cdot (12 : 3) & 18 \cdot (20 \cdot 4) & 32 \cdot (24 : 8) \end{array}$$

$$2) \begin{array}{lll} a \cdot b & k \cdot n & c \cdot b \\ a \cdot (b \cdot c) & k \cdot (n : m) & c \cdot (b \cdot k) \end{array}$$

$$3) \begin{array}{lll} 560 : 8 & 360 : 6 & 720 : 12 \\ 560 : (8 : 2) & 360 : (6 \cdot 3) & 720 : (12 : 6) \end{array}$$

$$4) \begin{array}{lll} a : b & k : n & c : k \\ a : (b \cdot c) & k : (n : m) & c : (k \cdot b) \end{array}$$

769. Ҳар бир сатрдаги ифодаларни таққосланг ва нуқталар ўрнига $>$, $<$ ёки $=$ ишорасини қўйинг:

- 1) $240 + 180 \dots 240 + (180 + 60)$
 $802 - (350 + 170) \dots 802 - 350$
 $580 + 250 \dots 580 + (250 - 160)$
 $730 - (560 - 96) \dots 730 - 560$
- 2) $36 \cdot 8 \dots 36 \cdot (8 \cdot 17)$
 $21 \cdot (45 : 9) \dots 21 \cdot 45$
 $240 : 15 \dots 240 : (15 \cdot 3)$
 $720 : (24 : 2) \dots 720 : 24$

$>$ ёки $<$ ишора ўрнига $=$ ишорасини қўйиш мумкин бўлиши учун ифодалардан бирини қандай ўзгартириш керак?

770. Ёзма ҳисоблашлар учун:

- 1) $357 \cdot 8$ $4827 \cdot 5$ $2078 \cdot 6$ $28700 \cdot 9$
 $429 \cdot 7$ $72394 \cdot 7$ $19007 \cdot 5$ $708000 \cdot 8$
 $588 \cdot 9$ $586428 \cdot 4$ $400806 \cdot 7$ $504000 \cdot 6$
- 2) $5 \text{ т } 240 \text{ кг} \cdot 3$ $7 \text{ т } 082 \text{ кг} \cdot 6$
 $4 \text{ м } 75 \text{ см} \cdot 8$ $5 \text{ км } 045 \text{ м} \cdot 8$
 $9 \text{ км } 450 \text{ м} \cdot 5$ $18 \text{ ц } 05 \text{ кг} \cdot 8$

$$\begin{array}{ll} 14 \text{ м } 35 \text{ см} \cdot 9 \\ 1 \text{ т } 008 \text{ кг} \cdot 7 \\ 3 \text{ км } 089 \text{ м} \cdot 5 \end{array}$$

- 3) $249 : 3$ $261 : 3$ $903 : 3$ $804 : 4$ $582 : 6$
 $368 : 4$ $356 : 4$ $505 : 5$ $560 : 8$ $679 : 7$
 $637 : 7$ $475 : 5$ $804 : 4$ $350 : 7$ $784 : 8$
- 4) $2352 : 3$ $4825 : 5$ $5229 : 7$ $9033 : 3 \cdot 5$
 $1592 : 4$ $5874 : 6$ $5742 : 9$ $8040 : 4 : 6$

$$\begin{array}{llll}
 5) & 67\,809 : 7 & 23\,064 : 6 & 12\,114 : 6 & 24\,056 : 8 \\
 & 61\,376 : 8 & 11\,215 : 5 & 46\,949 : 7 & 48\,042 : 6 \\
 & 63\,008 : 9 & 35\,008 : 4 & 68\,072 : 8 & 64\,072 : 8
 \end{array}$$

$$\begin{array}{l}
 6) \quad 2\,232 : 8 + 920 - 499 \\
 \quad 1\,576 \cdot 7 - 8\,340 : 4 \\
 \quad 30\,040 - 6\,008 \cdot 5 + 21\,042 : 6 \\
 \quad 10\,000 - 10\,240 : 4 + 796 \cdot 8 \\
 \quad 10\,860 \cdot 5 : 3 - 18\,081 : 9 \cdot 7 \\
 \quad 500\,206 - 450\,360 : 9 \cdot 2 + 974 \\
 \quad 21\,042 : 6 \cdot 8 + 944 - 29\,000 \\
 \quad (12\,026 - 48\,104 : 4) \cdot 10
 \end{array}$$

$$\begin{array}{l}
 7) \quad (12 \text{ м } 96 \text{ см} + 8 \text{ м } 45 \text{ см}) \cdot 5 \\
 \quad (9 \text{ км } 758 \text{ м} - 2 \text{ км } 864 \text{ м}) : 6 \\
 \quad 3 \text{ кг } 158 \text{ г} \cdot 2 + 16 \text{ кг } 752 \text{ г} : 8 \\
 \quad 9 \text{ сўм } 52 \text{ тийин} + 6 \text{ сўм } 84 \text{ тийин} : 4
 \end{array}$$

771. Жадвални тўлдириг:

b	100	50	25	5	1	0
$8 \cdot (b \cdot 5)$						

Нима учун кўпайтма камаяди?

b ҳарфининг $8 \cdot (b \cdot 5) < 200$ тенгсизлик ўринли бўладиган қийматларини айтиг. Жавобини $b \dots$ тенгсизлик кўринишида ёзинг.

772. c ҳарфининг $(400 : c) \cdot 2$ кўпайтма ортадиган қийматларидан олтитасини топинг ва жадвалга ёзинг:

c						
$(400 : c) \cdot 2$						

c ҳарфига қандай энг катта ва энг кичик қиймат бериш мумкин? Жавобини ... c ... қўш тенгсизлик кўринишида ёзинг.

773. Жадвални тўлдилинг:

a	1	2	4	5	10
$(200 : a) : 2$					

Нима учун бўлинма камаяди?

a ҳарфига яна қандай қийматлар бериш мумкин?

774. Жадвални тўлдилинг:

k	1	2	3	4	6	8
$96 : (24 : k)$						

Нима учун бўлинма ортади?

k ҳарфига яна қандай қийматлар бериш мумкин?

k ҳарфига қандай энг катта қиймат бериш мумкин?

775. Қуйидаги тенгсизликларда a ҳарфи ўрнига қандай сон қўйиш керак:

1) $798 \cdot 4 + 342 = 342 + a \cdot 4$

2) $575 + 8 \cdot a = 8 \cdot 263 + 575$

776. Номаълум сонни топинг:

$(x - 420) \cdot 5 = 400$

$90 \cdot 4 + x \cdot 9 = 540$

$120 : (35 - x) = 10$

$140 : x + 60 : 5 = 40$

$70 + 8 \cdot x = 150$

$80 - x : 3 = 100 - 38$

$(x + 24) : 5 = 30$

$320 : x - 24 = 96 : 6$

777. Қуйидаги тенгсизликларнинг ҳар биридаги ҳарфларга қандай қийматлар бериш мумкин:

$x + 25 < 40$

$x - 30 < 24$

$b : 4 > 8$

$40 : a > 8$

$36 + a > 70$

$90 - k > 36$

$c \cdot 5 < 35$

$9 \cdot k > 18$

778. Лолада 20 тийин пул бор эди. Агар у бир қути қалам олса, у ҳолда унинг 6 тийиндан кам пули қолади. Бир қути қалам қанча туриши мумкин? (Жавобни тенгсизлик кўринишида ёзинг.)

779. Валида бир неча тийин пул бор эди. У дафтарлар сотиб олиши учун 10 тийин сарф қилганидан кейин, унда 12 тийинлик китоб олиш учун пули етмай қолди. Дафтар олганга қадар Валида қанча пул булган эди? Жавобини қўш тенгсизлик шаклида ёзинг.

780. Қуйидаги формулаларга кўра масалалар тузинг:

- 1) $x = 15 \cdot 8$ 3) $x = (54 : 9) \cdot 5$ 5) $x = (80 - 9 \cdot 4) : 11$
 2) $x = 42 : 7$ 4) $x = 48 : (36 : 3)$ 6) $x = 63 : 7 - 27 : 9$

781. Баҳо, миқдор, жами пули каби маълумотлардан фойдаланиб, турли ечимларига кўра масалалар тузинг ва шу ечимларни изоҳлаб беринг:

- 1) $x = (60 : 6) \cdot 2$ 2) $x = 80 : (16 : 2)$
 $x = 60 : (6 : 2)$ $x = 2 \cdot (80 : 16)$

782. Қуйидаги қисқача ёзувга қараб масалалар тузинг ва уларни турли усуллар билан ечинг:

1)

Миқдори	Баҳоси	Жами пули
Бир хил	10 тийин 30 тийин	20 тийин x тийин

2)

Баҳоси	Миқдори	Жами пули
15 тийин	4 дона	Бир хил
5 тийин	x дона	

Тескари масалалар тузинг ва уларни ечинг.

783. Жадвални тўлдилинг:

k						
$(7 \cdot k) : 5$	42	35	28	21	14	7

Жадвалдан фойдаланиб баҳо, миқдор ва жами пулини билдирувчи сонлар иштирок этган масалалар тузинг.

784. 80 сўмга k м газлама сотиб олинди. Шундай газламанинг 10 метри неча пул туради?

Ечилишини қуйидаги жадвалга ёзинг (k нинг қийматлари жадвалда берилган):

k	4	5	8	10	16	20
$(80 : k) \cdot 10$						

Масалалар

785. Тўқувчи 9 та рўмол тўқиди, ҳар бир рўмолга 65 г жун кетди. Шундан кейин унда ишлатганидан уч марта кўп жун қолди. Тўқувчида неча грамм жун бор эди?

786. Турист поездда соатига 56 км тезлик билан 6 соат йўл юрди. Шундан кейин у яна ўтганидан 4 марта ортиқ йўл юриши керак. Турист ҳаммаси бўлиб неча километр йўл юриши керак эди?

787. Самолёт Москвадан Владивостоккача соатига 750 км тезлик билан учди. Москвадан Владивостоккача 9160 км. Самолёт осмонга кўтарилиб, 8 соат учгандан кейин Владивостокдан қанча масофада бўлади?

788. Тўғри тўртбурчакнинг эни 36 м. Эни бўйдан икки марта кичик. Шу ўлчамлар билан тўғри тўртбурчак чизинг ва унинг периметрини ҳисобланг.

789. Мамлакатимизда дунёда биринчи бўлиб „Ленин“ атом муз ёрари қурилди. Агар унинг бўйининг $\frac{1}{8}$ қисми 16 м 75 см, энининг $\frac{1}{5}$ қисми 5 м 52 см ни ташкил қилиши маълум бўлса, шу муз ёрарнинг бўйи ва эни қанчага тенг?

790. Боғда 245 туп ўрик ва 186 туп шафтоли бор. Ўрик билан шафтоли биргаликда боғдаги барча дарахтларнинг $\frac{1}{6}$ қисмини ташкил қилади. Боғда ҳаммаси бўлиб неча туп мевали дарахт бор?

791. Бир чангичи 8 минутда 1200 м масофани босиб ўтди, иккинчи чангичи шу йўлни босиб ўтиши учун 2 минут кам вақт керак бўлди. Қайси чангичининг тезлиги катта ва неча метр ортиқ?

792. Болалар уйи учун 90 сўмдан 9 та тикув машинаси ва 2 та холодильник сотиб олинди. Агар сотиб олинган ҳамма нарсалар учун 1190 сўм тўланган бўлса, ҳар бир холодильник қанчадан туради?

793. 100 дона товуққа 7 кунда 31 кг 500 г дон берилди. Бир товуққа бир кунда қанча дон берилган? 5 та товуққа бир кунда қанча дон берилган? 5 та товуққа 3 кунда-чи?

794. 10 та сигирга бир ҳафтада 8 ц 40 кг пичан берилди. 6 та сигирга 3 кунда қанча пичан берилган?

795. Поезд 8 соатда 416 км йўл босди. Шундан кейин у тезлигини соатига 4 км оширди ва қолган йўлни 6 соатда босиб ўтди. Поезд ҳаммаси бўлиб неча километр йўл босган?

796. Поезд соатига 50 км тезлик билан юриб, икки шаҳар орасидаги масофани 3 соатда босиб ўтди. Агар велосипедчи соатига 15 км дан юрса, шу йўлнинг ярмини неча соатда босиб ўтар эди?

797. 1) 9 та сигир ва 80 та қўй учун бир кунга 348 кг пичан берилди. Агар бир кунда бир қўй 3 кг пичан еса, бир сигир бир кунда қанча пичан ейди?

2) Қуйидаги шартларга кўра тескари масалалар тузинг ва ечинг:

$$\begin{array}{l|l} 1) \quad 9 \text{ та сигир } 12 \text{ кг дан} & \text{Хаммаси } x \text{ кг} \\ \quad \quad 80 \text{ та қўй } 3 \text{ кг дан} & \end{array}$$

$$\begin{array}{l|l} 2) \quad 9 \text{ та сигир } 12 \text{ кг дан} & \\ \quad \quad x \text{ та қўй } 3 \text{ кг дан} & 348 \text{ кг} \end{array}$$

798. Бир шаҳарнинг аҳолиси кейинги беш йилликда 4 марта ортиб, 96 200 кишига етди. Беш йилликнинг бошида шу шаҳарда қанча аҳоли бор эди?

799. Оддий самолётнинг тезлиги соатига 480 км, бу эса электропоезднинг тезлигидан 6 марта ортиқ ва реактив самолётнинг тезлигидан 2 марта кам. Электропоезднинг ва реактив самолётнинг тезликларини топинг.

800. Тикувчилик фабрикасида 1 040 м газламадан аёллар кўйлаги ва 1 260 м газламадан эркаклар кўйлаги тикилди. Ҳар бир аёллар кўйлагига 5 м дан, ҳар бир эркаклар кўйлагига 3 м дан газлама кетди. Қайси кўйлақдан кўп ва неча кўп тикилган?

801. Ошхона 4 ойда 3 672 кг сабзавот ишлатди биринчи ойда ҳамма сабзавотнинг учдан бири, иккинчи ойда биринчи ойдагидан икки марта кам ишлатилди, қолган сабзавот учинчи ва тўртинчи ойлarda баравардан ишлатилди. Ошхона учинчи ва тўртинчи ойлarda неча килограммдан сабзавот ишлатган?


802. 1320 кг ундан нон ёпилди. Ҳамма ун учдан бирича оби қилди (кўпайди). Ҳаммаси бўлиб қанча нон ёпилган?

803. Нон заводида 1980 кг ундан нон ёпилди. Ҳамма ун учдан бирича оби қилди. Агар ҳар бир буханка нон 2 кг келса, неча буханка нон ёпилган?


804. Ўқувчилар бир участкадан 504 кг картошка, иккинчи участкадан эса биринчидан 3 марта кам картошка йиғиб олишди. Йиғиб олинган ҳамма картошканинг ярми иссиқ овқатга ишлатилди. Иссиқ овқатга неча килограмм картошка ишлатилган?

805. Эман дарахти 1000 йилгача яшай олади. Қарағай эмандан 600 йил кам, қайин эса қарағайдан 4 марта кам яшай олади. Қайин дарахти неча йил яшай олади?

806. A ва B шаҳарлар орасидаги масофа 360 км га тенг. B ва V шаҳарлар орасидаги масофа A дан B гача бўлган масофанинг бешдан бир қисмини, V ва Γ шаҳарлар орасидаги масофа эса учдан бирини ташкил қилади. B дан Γ гача бўлган масофани топинг.



807. A дан B гача 13 мм. B дан V гача ундан 3 марта ортиқ. A дан V гача бўлган масофа қанча бўлса, V дан Γ гача ҳам шунча. AG кесма қанчага тенг?



808. Қуйидаги масалаларнинг ечилишини жадвалга ёзинг:

1) Битта кўйлакка 2 м 80 см газлама кетади? 2 та шундай кўйлакка неча метр газлама кетади? 5 та кўйлакка-чи? 8 та кўйлакка-чи?

2) Битта фартукка 1 м 30 см газлама кетади. 2 та шундай фартукка қанча газлама кетади? 4 тасига-чи? 10 тасига-чи?

3) 1 м сатин 1 сўм 50 тийин туради. 3 м сатинга қанча тўлаш керак? 6 метрга-чи? 5 метрга-чи? 10 метрга-чи?

4) 1 кг сариёғ 3 сўм 60 тийин туради. 2 кг сариёғ қанча туради? 4 кг-чи? 7 кг-чи? 10 кг-чи?

809. Дўконга ҳар бирида a кг дан 15 яшик олма келтирилди. Бу олмани баравардан қилиб 3 саватга солишди. Ҳар бир саватга неча килограммдан олма солинган?

Масаланинг ечимини a нинг берилган қийматларида жадвалга ёзинг:

a	6	7	8	9	10
$(a \cdot 15) : 3$					

810. Қуйидаги масалаларни тенгламалар ёрдамида ечинг:

1) Бирор сон ўйланган. Агар уни 3 марта орттирсак, 120 ҳосил бўлади. Қандай сон ўйланган?

2) Поезд соатига 60 км тезлик билан 420 км масофани босиб ўтди. Поезд йўлда неча соат бўлган?

3) Омборда 340 ц картошка бор эди. Омбордан ҳар бирига баравардан юклар, 9 машинада картошка олиб кетилганидан кейин омборда 160 ц картошка қолди. Ҳар бир машинада қанчадан картошка олиб кетилган?

4) Бирор сон ўйланган. Агар бу сонга 26 сонини қўшиб, ҳосил бўлган йигиндини уч марта ортирсак, 240 сони ҳосил бўлади. Қандай сон ўйланган?

5) Бирор сон ўйланган. Агар уни 4 марта камайтириб, ҳосил бўлган сондан 180 ни айирсак, 720 ҳосил бўлади. Қандай сон ўйланган?

6) 10 та чой қошиққа қанча тўланган бўлса, 6 та ош қошиққа шунча пул тўланган. Бир чой қошиқ 30 тийин туради. Битта ош қошиқ қанча туради?

811. Бир хил читга бир харидор иккинчи харидордан 3 марта ортиқ пул тўлади. Бу харидорлардан қайси бири кўп ва неча марта кўп чит олган?

812. Магазинда тушга қадар тушдан кейингига қараганда 4 марта ортиқ сут сотилди. Тушгача ва тушдан кейинги сотилган сутдан тушган пул ҳақида нима дейиш мумкин?

813. Акаси 15 дона бир хил дафтар олиб, 30 тийин тўлади, синглиси эса шундай дафтардан акасига қараганда 3 марта кам олди. Синглиси қанча пул тўлаган?

Масалани турли усуллар билан ечинг. Қайси усул осон?

814. Қуйидаги масалаларни турли усуллар билан ечинг. Тескари масалалар тузинг ва уларни ечинг.

1) Мактаб-интернат тарбияланувчилари учун бир хил миқдорда телпак ва шарфлар олинди. Ҳамма шарфлар учун 40 сўм, ҳамма телпаклар учун эса 80 сўм тўланди. Агар битта шарф 2 сўм турса, битта телпак қанча туради?

2) Колхоз сотган картошка билан сабзига баравардан пул тушди. Колхоз 32 ц картошка ва 16 ц сабзи сотди. Агар картошканинг бир килограми 10 тийиндан бўлса, сабзининг баҳосини топинг,

10 ГА, 100 ГА, 1000 ГА КЎПАЙТИРИШ ВА БЎЛИШ

815. Ҳар қандай сонни 10 га, 100 га, 1000 га ва ҳоказоларга қандай қилиб тез кўпайтириш мумкинлиги ҳақидаги қонидани эсга туширинг.

816. Қуйидаги кўпайтмаларни эсда сақланг:

$$10 \cdot 10 = 100$$

$$100 \cdot 100 = 10\,000$$

$$1000 \cdot 1000 = 1\,000\,000$$

817. Оғзаки ечинг:

1) $10 \cdot 10 \cdot 10 \cdot 10 \cdot 10 \cdot 10$ 3) $100 \cdot 100 \cdot 100$

2) $5 \cdot 10 \cdot 10 \cdot 10 \cdot 10 \cdot 10$ 4) $8 \cdot 10 \cdot 100 \cdot 1000$

818. Ўрин алмаштириш хоссасидан фойдаланиб, қуйидаги кўпайтиришларни бажаринг:

$$10 \cdot 76 \quad 100 \cdot 60 \quad 100 \cdot 815 \quad 1000 \cdot 46$$

819. Қуйидаги сонларнинг кўпайтмасини топинг:

$$76 \text{ ва } 10 \quad 90 \text{ ва } 100 \quad 8 \text{ ва } 1000$$

$$800 \text{ ва } 10 \quad 706 \text{ ва } 100 \quad 20 \text{ ва } 1000$$

$$2040 \text{ ва } 10 \quad 4000 \text{ ва } 100 \quad 815 \text{ ва } 1000$$

820. Юзни юзга кўпайтириб, ҳосил бўлган кўпайтмани яна юзга кўпайтирсак, қанча чиқади?

821. 40; 100; 670; 3200; 15620 сонларида ҳаммаси бўлиб қанча ўнлик бор?

600; 1000; 4200; 6000; 10000 сонларида ҳаммаси бўлиб нечта юзлик бор?

822. 320 ни 10 га бўлсак қанча чиқади? 850 ни 10 га бўлсак-чи? 356000 ни 100 га бўлсак-чи?

823. Оғзаки ечинг:

$$100\,000 : 10 : 10 : 10 : 10 : 10$$

$$600\,000 : 10 : 10 : 10 : 100$$

$$1\,000\,000 : 1\,000 : 100 : 10$$

$$4\,000\,000 : 1\,000 : 10 : 100$$

824. 1) 730; 1 000; 980; 2 000; 34 000 сонларининг ўндан бирини топинг;

2) 3 600; 1 000; 10 600; 50 100 сонларининг юздан бирини топинг.

825. 170; 3 000; 40 060 сонларини 10 марта камайтиринг.

7 400; 10 000; 43 000; 500 800 сонларини 100 марта камайтиринг.

826. Агар 754 сонига ўнг томондан битта ноль қўйсак, бу сон қандай ўзгаради? Иккита ноль қўйсак-чи? Учта ноль қўйсак-чи?

Агар 100 000 сонининг ўнг томонидан битта нолини ўчирсак, бу сон қандай ўзгаради? Иккита нолини ўчирсак-чи? Учта нолини ўчирсак-чи? Тўртта нолини ўчирсак-чи?

827. Ҳисобланг:

$$\begin{array}{ll} 4\,000\,000 - 702 \cdot 1\,000 : 10 & 245\,967 + 54 \cdot 1\,000 \\ 5\,630 \cdot 100 + 457\,000 : 10 & 87 \cdot 1\,000 - 930\,000 : 100 \end{array}$$

828. Қуйидаги мисолларнй энг қулай усул билан ҳисобланг:

$$\begin{array}{ll} 42 \cdot 100 + 54 \cdot 100 & 456 + 456 \cdot 99 \\ 348 \cdot 10 - 48 \cdot 10 & 702 \cdot 1\,001 - 702 \end{array}$$

829. c нинг 90 : ($c : 2$) бўлинма камъядиган олтига қийматини топинг. Ечилишини жадвалга ёзинг.

c				
90 : ($c : 2$)				

c га қандай энг катта ва энг кичик қийматлар бериш мумкин? Жавобни $\dots < c < \dots$ тенгсизлик шаклида ёзинг.

830. Бир тўп читдан 32 та болалар кўйлаги ёки 16 та катталар кўйлаги тикиш мумкин. Ҳар бир болалар кўйлагига 2 м дан чит кетади. Ҳар бир катталар кўйлагига қанча чит кетади?

Чизмасини чизинг ва тенглама тузиб масалани ечинг.

831. Нон заводи ҳар бирида 485 ц дан 10 вагон жавдар уни ва ҳар бирида 500 ц дан 10 вагон буғдой уни олди. Буғдой уни жавдар унидан неча центнер ортиқ?

832. „Москвич“ автомобили 100 км йўлга 9 л бензин сарф қилади. Бу машина 400 км йўлга неча литр бензин сарф қилади? 1200 км йўлга-чи?

833. 86 ни 10 га бўлиш керак бўлсин. Бўлинувчида 10 га қолдиқсиз бўлинадиган энг катта сонни ажратамиз, бу сон 80 бўлади; уни 10 га бўламиз, 8 ҳосил бўлади, 6 бирлик эса қолдиқ бўлади.

Ёзилиши. $86 : 10 = 8$ (6 қолдиқ).

834. Қуйидаги мисолларни изоҳлаб ечинг:

$$148 : 10 \quad 356 : 10 \quad 1425 : 10 \quad 24876 : 10$$

835. 935 ни 100 га бўлиш керак бўлсин. 100 га қолдиқсиз бўлинадиган энг катта сонни ажратамиз; бу сон 900 бўлади. Уни 100 га бўламиз, 9 ҳосил бўлади, 35 бирлик эса қолдиқ бўлади.

Ёзилиши. $935 : 100 = 9$ (35 қолдиқ).

836. Худди шундай мулоҳаза қилиб, бўлишни бажаринг:

$$\begin{array}{lll} 4768 : 100 & 26943 : 1000 & 36840 : 1000 \\ 8060 : 100 & 40807 : 1000 & 215046 : 1000 \end{array}$$

Ҳар қайси бўлинувчининг бўлинмада ёзиладиган рақамлари тагига бир чизиқ, қолдиқда қоладиган рақамлари тагига икки чизиқ чизинг. Бунда сиз қандай қизиқ нарсани кўрдингиз?

837. Бўлинмаларни ҳисоблаб топинг:

$$\begin{array}{lll} 625 : 10 & 45\,008 : 100 & 350\,046 : 9 \\ 24\,310 : 100 & 84\,617 : 10 & 123\,041 : 5 \\ 410\,208 : 1\,000 & 29\,016 : 1\,000 & 569\,009 : 7 \end{array}$$

838. Номаълум сонни топинг:

$$\begin{array}{ll} 18 \cdot x = 15 \cdot 6 & 24 \cdot x + 8 \cdot 4 = 104 \\ 35 : a = 54 : 6 & 35 \cdot b - 10 \cdot 5 = 90 \end{array}$$

Охирги тенгламага кўра масала тузинг.

839. Бир хил вақт ичида мотоциклчи 180 км, велосипедчи эса 45 км йўл юрди. Велосипедчининг тезлиги соатига 15 км. Мотоциклчининг тезлигини топинг.

Чизма чизинг ва тенглама тузиб, масалани ечинг (мотоциклчи билан велосипедчининг ҳаракат вақтини ифодаланг ва ифодаларни тенглаштиринг).

840. 1) Машиналарга 100 қоп кепак ва 10 қоп ун ортилди. Кепакнинг оғирлиги 4200 кг, ун эса 5 марта енгил. Бир қоп ун бир қоп кепакдан неча килограмм оғир келади?

Қуйидаги формулани ёзинг:

$$x = (a : b) : c - a : e$$

ҳарфлар ўрнига шундай сонлар қўйингки, бу сонлар масаланинг шартига мос келсин ва ҳисоблашларни бажаринг.

Шу масалани „Бир қоп уннинг оғирлиги бир қоп кепакнинг оғирлигидан неча марта ортиқ?“ деган савол қўйиб ечинг.

СОНИ КЎПАЙТМАГА КЎПАЙТИРИШ

841. Натижаларни ҳисобланг ва ҳар бир устундаги ифодаларнинг қийматларини таққосланг:

$$\begin{array}{lll} 18 \cdot (2 \cdot 5) & 15 \cdot (3 \cdot 4) & 25 \cdot (2 \cdot 3) \\ 18 \cdot 2 \cdot 5 & 15 \cdot 3 \cdot 4 & 25 \cdot 2 \cdot 3 \\ 18 \cdot 5 \cdot 2 & 15 \cdot 4 \cdot 3 & 25 \cdot 3 \cdot 2 \end{array}$$

Сонни кўпайтмага қандай кўпайтириш мумкин?

842. Қуйидаги жадвалдан фойдаланиб, ушбу қондани текширинг:

Сонни кўпайтмага кўпайтириш учун кўпайтмани топиб, сўнгра сонни топилган натижага кўпайтириш мумкин ёки сонни кўпайтувчилардан бирига кўпайтириб, ҳосил бўлган натижани иккинчи кўпайтувчига кўпайтириш ҳам мумкин.

a	b	c	$a \cdot (b \cdot c)$	$(a \cdot b) \cdot c$	$(a \cdot c) \cdot b$
10	4	2			
18	2	5			
16	5	4			
20	3	2			

843. Бу қондани кўпайтмада учта кўпайтувчи бўлган ҳол учун текширинг. Бу қондани ҳарфлар ёрдамида ёзинг.

844. Натижани учта усул билан топинг:

$$8 \cdot (5 \cdot 3) \quad 5 \cdot (4 \cdot 9) \quad 12 \cdot (6 \cdot 2)$$

845. Ҳар бир ифоданинг қийматини энг қулай усул билан топинг:

$$\begin{array}{ccc} 18 \cdot (5 \cdot 7) & 29 \cdot (2 \cdot 5) & 35 \cdot (2 \cdot 7) \\ 25 \cdot (9 \cdot 4) & 15 \cdot (3 \cdot 6) & 16 \cdot (9 \cdot 5) \end{array}$$

846. Агар кўпайтувчилардан бирини кўпайтма кўринишида ифодалаш мумкин бўлса, сонни кўпайтмага кўпайтириш қондасидан ҳисоблашларда фойдаланилади.

Масалан:

$$12 \cdot 30 = 12 \cdot (3 \cdot 10) = 12 \cdot 3 \cdot 10 = 36 \cdot 10 = 360$$

$$15 \cdot 12 = 15 \cdot (4 \cdot 3) = 15 \cdot 4 \cdot 3 = 60 \cdot 3 = 180$$

Бу ерда кўпайтувчи осон кўпайтувчилар шаклида ифодаланди.

Қуйидаги мисолларни ҳам худди шундай ечинг:

$$23 \cdot 30 \quad 25 \cdot 12 \quad 32 \cdot 40 \quad 64 \cdot 50$$

$$54 \cdot 20 \quad 35 \cdot 18 \quad 45 \cdot 20 \quad 14 \cdot 15$$

$$12 \cdot 40 \quad 45 \cdot 14 \quad 15 \cdot 30 \quad 75 \cdot 20$$

847. Қуйидаги масалаларни турли усуллар билан ечинг:

1) Магазинга ҳар сафар 8 яшиқдан 3 марта олма олиб келинди. Ҳар бир яшиқда 15 кг дан олма бор эди. Магазинга ҳаммаси бўлиб неча килограмм олма олиб келинган?

2) Битта сигирдан ҳар куни ўрта ҳисобда 14 кг сут соғилади. 10 та шундай сигирдан 7 кунда қанча сут соғиш мумкин?

3) Битта автомашинада бир қатнашда 25 ц юк олиб келиш мумкин. 10 та шундай машинада 4 марта қатнашда қанча юк олиб келиш мумкин?



848. Қуйидаги жадвалнинг бўш катакларини тўлдириб, кўчириг:

Тартиб номери	Тезлик	Вақт	Масофа
1	Соатига 5 км	2 соат	
2	Соатига 5 км	4 соат	
3	Соатига 5 км	6 соат	
4	Соатига 5 км		60 км
5	Соатига 5 км		90 км
6	Соатига 5 км		120 км

1) Жадвалда қандай миқдорлар ифодаланган? Қандай миқдор ўзгармайди? Қандай миқдорлар ўзгаради?

2) Агар ҳаракат вақтини бир неча марта орттириб ёки камайтириб, тезликни ўзгаришсиз қолдирсак, масофа неча марта ортишини ёки камайтишини жадвалдан фойдаланиб топинг. Хулосаларни ифодаланг.


3) Агар масофани бир неча марта орттириб ёки камайтириб, тезликни ўзгаришсиз қолдирсак, ҳаракат вақти неча марта ортишини ёки камайтишини ўша жадвалдан топинг. Хулосаларни ифодаланг.

4) Ҳарфлар ёрдамида масофани тезлик ва ҳаракат вақти орқали, вақтни эса масофа ва тезлик орқали ифодаланг. Шу хулосаларни бошқача қандай ҳосил қилиш мумкинлигини айтиб беринг.


849. Қуйидаги масалаларни оғзаки ечинг ва ечилишини тушунтириб беринг.

1) Икки велосипедчи бир хил тезлик билан юрди. Улардан бири иккинчисидан 3 марта ортиқ масофани босиб ўтди. Велосипедчиларнинг ҳаракат вақти тўғрисида нима дейиш мумкин?

2) Қуйидаги расмда икки пионер отрядининг ҳаракати кўрсатилган. Бу отрядлар „Калинин“ номли колхоздан „Партсъезд“ колхозига қараб бир хил тезлик билан йўлга чиқишди. Биринчи отряд иккинчи отрядга қараганда 2 марта кам вақт сарф қилди. Отрядлар босиб ўтган масофа ҳақида нима дейиш мумкин?



3) Икки самолёт бир хил тезлик билан учишиди. Биринчи самолёт 2 соат йўлда бўлди. Агар иккинчи самолёт биринчи самолётдан 3 марта ортиқ масофага учган бўлса, иккинчи самолёт неча соат йўлда бўлган?



4) Расмни кўриб чиқинг. Агар иккала югурувчи бир хил тезлик билан югурганлиги маълум бўлса, бу югурувчилардан қайси бири учрашгунча кам вақт сарф қилган ва неча марта кам вақт сарф қилган?

850. Ушбу тенгликларни кўриб чиқинг:

$$a \cdot (b \cdot c) = a \cdot b \cdot c = a \cdot c \cdot b.$$

Улар қандай қондани ифодалайди? Шу қондадан фойдаланиб, қуйидаги мисолларни энг қулай усул билан ечинг:

$$\begin{array}{ccc} 45 \cdot (7 \cdot 2) & 24 \cdot (2 \cdot 10) & 51 \cdot (3 \cdot 100) \\ 62 \cdot (5 \cdot 3) & 35 \cdot (100 \cdot 4) & 18 \cdot (7 \cdot 5) \end{array}$$

851. Қуйидагиларни ҳисобланг:

$$\begin{array}{ll} 557 \cdot 1000 - 20952 & 4350 \cdot 100 : 1000 \\ 6010007 - 124800 : 100 & 8206 \cdot 100 : 1000 \\ 500102 - 2100135 : 5 & 3075 \cdot 8 : 3 \end{array}$$



852. Қуйидаги масалаларни турли усуллар билан ечинг:

1) Велосипедчилар бир хил тезлик билан юришиб, икки кунлик походда бўлдилар. Улар биринчи кун 48 км йўлни 4 соатда, иккинчи кун қолган йўлни 8 соатда

босиб ўтдилар. Велосипедчилар иккинчи куни қанча масофани босиб ўтишди?

2) Чангичиларнинг икки командаси бир-бирига қарши бир хил тезлик билан юришди. Биринчи команда учрашгунча 36 км масофани 4 соатда, иккинчи команда эса учрашгунча 18 км масофани босиб ўтди. Иккинчи команда қанча вақт йўлда бўлган?

853. Қуйидаги қисқача ёзувларга қараб масалалар тузинг ва уларни турли усуллар билан ечинг:

Тезлик	Вақт	Масофа	Тезлик	Вақт	Масофа
Бир хил	30 минут	300 км	Бир хил	5 соат	200 км
	10 минут	х км		х соат	800 км

854. Қуйидаги мисолларнинг ечилишини тугалланг:
 $15 \cdot 40 = 15 \cdot (4 \cdot 10) = \dots$ $12 \cdot 17 = 12 \cdot (10 + 7) = \dots$
 $15 \cdot 14 = 15 \cdot (10 + 4) = \dots$ $12 \cdot 70 = 12 \cdot (7 \cdot 10) = \dots$

855. 1) 15 ни 4 га кўпайтириб, сўнгра ҳосил бўлган кўпайтма 2 га кўпайтирилди. Натижада 15 қандай сонга кўпайтирилган?

2) 15 ни олдин 4 га кўпайтириб, сўнгра 2 га кўпайтирилди ва ҳосил бўлган кўпайтмалар қўшилди. Натижада 15 қандай сонга кўпайтирилган?

3) Берилган сонни 12 га кўпайтириш керак эди, лекин у 4 га кўпайтирилди. Берилган сон 12 га кўпайтирилган бўлиши учун ҳосил бўлган кўпайтмани қандай сонга кўпайтириш керак?

856. Турли усуллар билан ҳисобланг:

$$24 \cdot 15 \quad 25 \cdot 12 \quad 18 \cdot 20 \quad 50 \cdot 12$$


857. Мисолларни ечинг:

$$735 \cdot 100 + 8675000 : 1000 \qquad 307 \cdot 100 : 1000$$

$$1000000 - 4856 \cdot 1000 : 100 \qquad 4509 \cdot 10 : 100$$

$$7000000 - 2028 \cdot 100 : 8 \qquad 6008 \cdot 7 : 4$$

858. Чизмани кўриб чи-
қинг ва бу шаклда нечта
тўғри тўртбурчак ва нечта
учбурчак борлигини кўр-
сатинг. KD кесма қайси
шаклларга киради?



ЯХЛИТ СОНЛАРГА КЎПАЙТИРИШ ВА БЎЛИШ

859. Яхлит сонни ҳамма вақт бирор сон билан
10 нинг ёки 100 нинг, ёки 1000 ва ҳоказоларнинг кў-
пайтмаси шаклида тасвирлаш мумкин. Масалан:

$$40 = 4 \cdot 10 \quad 700 = 7 \cdot 100 \quad 3200 = 32 \cdot 100$$

Қуйидаги сонларни шундай кўпайтмалар шаклида
тасвирланг:

$$\begin{array}{cccccc} 80 & 400 & 6000 & 340 & 4300 & 72000 \\ 50 & 900 & 2000 & 850 & 1500 & 124000 \end{array}$$

Қуйидаги мисолларда кўпайтувчини шундай кўпайт-
ма шаклида тасвирланг ва кўпайтиришни сонни кў-
пайтмага кўпайтириш қондасига асосан бажаринг.

$$\text{Масалан: } 24 \cdot 300 = 24 \cdot (3 \cdot 100) = 24 \cdot 3 \cdot 100 = 7200$$

$$38 \cdot 20 \quad 12 \cdot 400 \quad 18 \cdot 500 \quad 45 \cdot 2000$$

860. Агар кўпаювчи кўпхонали сон бўлиб, кўпай-
тувчи яхлит сон бўлса, у ҳолда устун шаклида ёзиб
кўпайтириш ўнғай:

$$1) \begin{array}{r} \times 624 \\ \quad 30 \\ \hline 18720 \end{array}$$

Олдин 624 ни 3 га кўпайтириб, қосил бўлган на-
тижани 10 га кўпайтирамиз, бунинг учун эса унинг
ўнг ёнига ноль ёзиб қўямиз.

$$2) \begin{array}{r} \times 357 \\ \quad 800 \\ \hline 285600 \end{array}$$

Олдин 357 ни 8 га кўпайтирамиз ва ҳосил бўлган кўпайтмани 100 га кўпайтирамиз, бунинг учун эсанинг ўнг ёнига иккита ноль ёзиб қўямиз.

861. Кўпайтиришни устун шаклида ёзинг ва изоҳлаб бажаринг.

548·70	46·300	2 804·8 000
306·90	175·900	1 095·7 000
879·60	307·800	3 007·6 000

862. 1) 245 ни 30 га қандай кўпайтириш керак?

2) Ҳар қандай сонни 500 га қандай кўпайтириш керак?

3) 415 сони 6 га кўпайтирилди ва ҳосил бўлган кўпайтманинг ўнг томонига икки ноль ёзилди. 415 сони неча марта ортди?

863. 1) Қишлоқни кўкаламзорлаштириш учун кўчатлар сотиб олинди: 300 туп терак ва 200 туп қайрағоч. Терак кўчати 36 тийин, қайрағоч кўчати эса ундан икки марта қиммат туради. Ҳамма кўчатлар учун қанча пул тўланган? Масаланинг ечилиш формуласини тузинг.

2) Қуйидаги формулани ёзинг: $x = a \cdot b + (a \cdot c) \cdot d$.

Бу формулани ўзингиз тузган формула билан таққосланг. Бу формула ўзингиз тузган масаланинг ечилиш формуласига мос келиши учун ҳарфлар ўрнига қандай сонлар қўйиш керак?

3) Худди шундай формула билан ечиладиган масала тузинг.

864. Заводда ҳар куни 175 ц торф ва ундан 5 марта кам кўмир ёқилади. Завод 300 кунга қанча торф ва қанча кўмир ғамлаши керак? (Натижани тонналарда ва центнерларда ифодаланг.)

865. Қуйидагиларни изоҳлаб ечинг:

$$700 \cdot 3 \quad 2500 \cdot 2 \quad 347\,000 \cdot 8 \quad 503\,700 \cdot 9$$

866. Кўпаювчи билан кўпайтувчи ноллар билан тугалланса, кўпайтириш мана бундай бажарилади:

$$1) 800 \cdot 60 = 8 \text{ юз} \cdot 6 \cdot 10 = 480 \text{ юз} = 48\,000$$

$$2) 1\,600 \cdot 500 = 16 \text{ юз} \cdot 5 \cdot 100 = 8\,000 \text{ юз} = 800\,000$$

Қуйидаги мисолларни ана шундай изоҳлаб ечинг:

$$70 \cdot 50 \quad 120 \cdot 800 \quad 4\,000 \cdot 80 \quad 300 \cdot 900$$

867. Натижани оғзаки топиш қийин бўлса, устун шаклида ёзиб ечилади. Қуйидаги мисолларнинг ечилишини қараб чиқинг ва натижалар қандай ҳосил қилинганини айтинг:

$$\begin{array}{r} \times 8400 \\ 70 \\ \hline 588\,000 \end{array} \quad \begin{array}{r} \times 1370 \\ 500 \\ \hline 685\,000 \end{array} \quad \begin{array}{r} \times 48200 \\ 700 \\ \hline 33740000 \end{array}$$

Ҳар бир ҳолда кўпаювчининг охирида, кўпайтувчининг охирида, кўпайтманинг охирида нечта ноль борлигини кузатинг.

Яхлит сонлар қандай кўпайтирилади?

Қандай қоида чиқара олар эдингиз?

868. Кўпайтиришни устун шаклида ёзинг ва бажаринг:

$$\begin{array}{r} 2\,600 \cdot 80 \\ 1\,720 \cdot 400 \end{array} \quad \begin{array}{r} 4\,250 \cdot 70 \\ 1\,860 \cdot 300 \end{array} \quad \begin{array}{r} 1\,970 \cdot 6\,000 \\ 54\,200 \cdot 900 \end{array}$$

869. Кўпайтиришни бажаринг, дафтарга фақат жавобларини ёзинг (кўпайтмада нечта рақам бўлиши кераклигини олдиндан чамалаб кўринг):

$$\begin{array}{r} 300 \cdot 50 \\ 600 \cdot 40 \end{array} \quad \begin{array}{r} 150 \cdot 400 \\ 140 \cdot 500 \end{array} \quad \begin{array}{r} 60 \cdot 800 \\ 700 \cdot 60 \end{array} \quad \begin{array}{r} 25\,000 \cdot 30 \\ 18\,000 \cdot 400 \end{array}$$

870. Яхлит сонларни кўпайтиришга доир тўртта мисол тузинг ва ечинг.

871. Қуйидаги ифодаларни таққосланг ва улар ўр-тасига тегишли белги қўйинг:

$$480 \cdot 5 \cdot 100 \dots 480 \cdot 500$$

$$270 \cdot 40 \dots 270 \cdot 4 + 270 \cdot 10$$

$$310 \cdot 12 \dots 310 \cdot 10 + 310 \cdot 2$$

$$720 \cdot 16 \dots 720 \cdot 10 \cdot 6$$

872. Бир вагонга 30 қоп ун ва 200 қоп гуруч юк-ланди. Бир қоп ун 80 кг келади, бир қоп гуруч эса бир қоп ундан 20 кг енгил. Ҳамма юк неча килограмм келади?

873. Қуйидаги ечилишларига кўра тезлик, вақт, ма-софа каби миқдорлардан фойдаланиб масалалар тузинг:

$$1) x = 180 : 3 \cdot 2 \quad 2) x = 120 : (60 : 2)$$


Бу масалаларни бошқа усул билан ечинг.

СОННИ КЎПАЙТМАГА БЎЛИШ


674. Қуйидаги чизмаларни ва уларнинг тагидаги ёзувларини қараб чиқинг. Бу ерда 12 см узунликдаги кесмани бўлиш ёрдамида 12 сонини 3 ва 2 сонлари-нинг кўпайтмасига уч усул билан қандай бўлиш мум-кинлиги кўрсатилган.

1 

$$12 : (3 \cdot 2) = 12 : 6 = 2$$

2 

$$12 : (3 \cdot 2) = 12 : 3 \cdot 2 = 2$$

3 

$$12 : (3 \cdot 2) = 12 : 2 \cdot 3 = 2$$

12 сонини 3 ва 2 сонининг кўпайтмасига, яъни 6 га бўлиш мумкин.

12 сонини олдин биринчи кўпайтувчи (3) га бўлиш, сунгра натижани иккинчи кўпайтувчи (2) га бўлиш мумкин.

12 сонини олдин иккинчи кўпайтувчи (2) га бўлиб, сунгра чиққан натижани биринчи кўпайтувчи (3) га бўлиш мумкин.

Учта кесманинг ҳар бири нечта тенг бўлакка бўлинган? Тенг бўлаklarнинг ҳар бири қанчага тенг? 12 ни 3 ва 2 сонларининг кўпайтмасига қандай қилиб бўлиш мумкин?

875. Қоғоздан учта тасма қийинг, ҳар бирининг узунлиги 32 см бўлсин. Бу тасмаларни 2 ва 4 сонларининг кўпайтмасига тенг сонга қуйидаги уч усул билан бўлинг:

$$1) 32 : (2 \cdot 4) = 32 : 8$$

$$2) 32 : (2 \cdot 4) = 32 : 2 : 4$$

$$3) 32 : (2 \cdot 4) = 32 : 4 : 2$$

Учта тасманинг ҳар бири нечта тенг бўлакка бўлинди? Тенг бўлаklarдан ҳар бирининг узунлиги қанчага тенг? 32 сонини 4 ва 2 сонларининг кўпайтмасига қандай қилиб бўлиш мумкин?

876. Қуйидаги жадвал ёрдамида ушбу қондани текширинг:

Сонни кўпайтмага бўлиш учун кўпайтмани ҳисоблаб, сонни ҳосил қилинган натижага бўлиш мумкин ёки сонни кўпайтувчилардан бирига бўлиб, чиққан натижани иккинчи кўпайтувчига бўлиш ҳам мумкин.

a	b	c	$a : (b : c)$	$(a : b) : c$	$(a : c) : b$
48	3	2			
80	4	5			
120	5	2			
90	6	3			

877. Натижани уч усул билан ҳисобланг:

$$72 : (4 \cdot 3) \quad 81 : (3 \cdot 9) \quad 96 : (8 \cdot 3)$$

878. Натижани энг осон усул билан ҳисобланг:

$$\begin{array}{lll} 90 : (5 \cdot 2) & 640 : (8 \cdot 16) & 630 : (7 \cdot 5) \\ 84 : (2 \cdot 6) & 720 : (9 \cdot 5) & 560 : (35 \cdot 8) \\ 150 : (15 \cdot 3) & 360 : (15 \cdot 6) & 540 : (9 \cdot 12) \end{array}$$

879. Натижани ҳисобланг:

$$\begin{array}{ll} 1\,000\,000 - 1\,590 \cdot 400 & 59\,100 \cdot 80 : 1\,000 \\ 678\,097 + 370 \cdot 500 & 2\,360 \cdot 900 : 100 \\ 425 \cdot 700 - 240 \cdot 30 & 4\,780 \cdot 60 : 1\,000 \end{array}$$

880. Колхозчи велосипедда шаҳарга 4 соатда соатига 15 км тезлик билан борди, қайтишда эса шу йўл билан соатига 12 км тезлик билан юрди. Колхозчи қайтишда неча соат йўл юрган?

Тескари масалалар тузинг ва уларни ечинг.

881. Тугри тўртбурчакнинг томонлари 40 см ва 20 см га тенг, унинг юзини ҳисобланг. Иккита тескари масала тузинг ва уларни ечинг.

882. Жадвални кўчиринг ва уни тўлдириг:

Тезлик	Вақт	Масофа
Соатига 4 км	2 соат	
Соатига 5 км	2 соат	
Соатига 10 км	2 соат	
	2 соат	24 км
	2 соат	30 км
	2 соат	120 км

Жадвалдан қуйидагиларни аниқланг:

1) Агар ҳаракат вақтини ўзгаришсиз қолдириб, тезликни бир неча марта орттирсак ёки камайтирсак, масофа неча марта ортади ёки камаяди?

2) Агар вақтни ўзгаришсиз қолдириб, масофани бир неча марта орттирсак ёки камайтирсак тезлик неча марта ортиши ёки камайиши керак?

3) Ҳарфлар ёрдамида масофани тезлик ва вақт орқали, тезликни эса масофа ва ҳаракат вақти орқали ифодаланг. Шу хулосаларнинг узини бошқача қандай ифодалаш мумкин?

883. Қуйидаги масалаларни изоҳлаб, оғзаки ечинг:

1) Икки қишлоқдан бир вақтда бир-бирига қараб велосипедчи билан мотоциклчи йўлга чиқди. Велосипедчи учрашгунча мотоциклчидан уч марта кам йўл

юрди. Велосипедчи билан мотоциклчининг тезликлари ҳақида нима дейиш мумкин?

2) Пионерлар темир йўл станциясигача 6 км пиёда юришди, сунгра яна шунча вақт ичида поездда 60 км йўл юришди. Пионерларнинг пиёда юргандаги ва поездда юргандаги тезликлари ҳақида нима дейиш мумкин?

3) Туристлар олдин қайиқларда соатига 5 км ўртача тезлик билан, сунгра соатига 50 км тезлик билан юрадиган теплоходда саёҳат қилишди. Агар қайиқда ва теплоходда юрган вақт бир хил бўлса, туристларнинг қайиқда юрган ва теплоходда юрган масофалари ҳақида нима дейиш мумкин?

4) Юк поезда билан скорий поезд учрашгандан кейин ўз йўлларини давом эттиришди ва бир вақтда тўхташди. Юк поездининг тезлиги скорий поезднинг тезлигидан 2 марта кам. Агар учрашгандан кейин тўхтагунча скорий поезд 240 км йўл юрган бўлса, юк поезда шу вақт ичида қанча масофани босиб ўтган?

$$884. 1) a : (b \cdot c) = a : b : c = a : c : b.$$

Бу ерда қандай қоида ёзилган?

2) Нуқталар ўрнига $>$, $<$ ёки $=$ ишорасини қўйинг:

$$560 : (7 \cdot 4) \dots 560 : 7 : 4$$

$$120 : 10 : 2 \dots 120 : 12$$

$$240 : (3 \cdot 5) \dots 240 : 3 \cdot 5$$

$$32 \cdot (10 \cdot 2) \dots 32 \cdot 10 + 32 \cdot 2$$

885. Агар бўлувчини кўпайтма шаклида ифодалаш мумкин бўлса, сонни кўпайтмага бўлиш қондасидан ҳисоблашларда фойдаланиш мумкин. Масалан:

$$420 : 14 = 420 : (7 \cdot 2) = 420 : 7 : 2 = 60 : 2 = 30$$

$$570 : 30 = 570 : (10 \cdot 3) = 570 : 10 : 3 = 57 : 3 = 19$$

Қуйидаги мисолларни ҳам худди шундай ечинг:

$$\begin{array}{cccc} 600 : 20 & 300 : 15 & 740 : 20 & 360 : 45 \\ 780 : 30 & 600 : 24 & 600 : 30 & 700 : 28 \\ 910 : 70 & 280 : 35 & 950 : 50 & 630 : 42 \end{array}$$

886. Қуйидаги ифодаларнинг қийматларини топинг:

$$\begin{array}{ccc} 34000 : 100 \cdot 90 & 472 \cdot 400 & - 3170000 : 100 \\ 570 \cdot 600 : 1000 & 8359 \cdot 30 & - 450 \cdot 70 \\ 30180 \cdot 6 : 9 & 24506 \cdot 8 & - 320802 \cdot 6 \end{array}$$




887. Қуйидаги масалаларни турли усуллар билан ечинг:

1) Пристандан қарама-қарши томонга қараб қайиқ билан катер сузиб кетди. Қайиқ соатига 6 км тезлик билан ҳаракат қилди. Қайиқ пристандан 24 км узоқлашганда катер шу вақт ичида 120 км йўл босди. Катер қандай тезлик билан сузган?

2) Икки шаҳардан бир вақтда бир-бирига қараб мотоциклчи билан юк машинаси йўлга чиқди. Мотоциклчи соатига 90 км тезлик билан юриб, учрашгунча 180 км йўл босди. Агар юк машинаси соатига 45 км тезлик билан юрган бўлса, учрашгунча қанча масофани босиб ўтган?

888. Қуйидаги чизмаларга қараб масалалар тузинг ва уларни турли усуллар билан ечинг.



889. Ёзувни тугалланг:

$$a \cdot (b \cdot c) = \dots \quad a \cdot (b + c) = \dots$$

$$a : (b \cdot c) = \dots \quad (a + b) : c = \dots$$

Бу ерда қандай қоидалар ёзилган?

890. Ифодаларни ёзинг ва уларнинг қийматини энг осон усул билан топинг:

1) 480 сонини 3 ва 10 сонларининг кўпайтмасига бўлишдан чиққан бўлинма.

2) 15 сони билан 4 ва 100 сонлари кўпайтмасининг кўпайтмаси.

3) 400 ва 150 сонлари йиғиндисини 10 га бўлишдан чиққан бўлинма.

4) 52 сони билан 10 ва 4 сонлари йиғиндисининг кўпайтмаси.

891. Номаълум сонни топинг:

$$x \cdot 100 + 5 \cdot 100 = 1500 \quad 3800 : 100 + a = 14 \cdot 30$$

$$210 \cdot 20 - k : 10 = 400 \quad b - 80 \cdot 40 = 4100$$

892. Бўлиш амалларини бажаринг:

$$7245 : 5 \quad 4635 : 9 \quad 27932 : 4$$

Сиз бўлинувчида ажратган осон қўшилувчиларни айтиб беринг.



893. Қуйидаги мисолларнинг ечилишини изоҳланг:

$$360 : 40 = 360 : (4 \cdot 10) = 360 : 10 : 4 = 36 : 4 = 9$$

$$7200 : 900 = 7200 : (9 \cdot 100) = 7200 : 100 : 9 = 72 : 9 = 8$$

Бу ерда бўлувчи қандай ифодаланган?

Бўлишда қайси қоидадан фойдаланилган?

36 : 4 ва 72 : 9 бўлинмалар қандай тошилган?

Уларни $360 : 40$ ва $7200 : 900$ бўлинмалар билан таққосланг.

Қуйидаги мисолларни ечинг:

$$630 : 70 \quad 1200 : 200 \quad 27000 : 3000$$

$$320 : 40 \quad 4800 : 800 \quad 81000 : 9000$$

894. Бўлишни оғзаки бажаринг; фақат натижаларини ёзинг:

$$560 : 70 \quad 45000 : 5000 \quad 640 : 80$$

$$4200 : 600 \quad 5400 : 900 \quad 18000 : 3000$$

895. Қолдиқли бўлишда ҳам бўлинма худди шундай усул билан топилади. 148 ни 20 га бўлиш керак бўлсин.

Бўлинмани топиш учун 148 ни 10 га бўламиз ва ҳосил бўлган натижани 2 га бўламиз. Бўлинманинг рақами 7 бўлади. Энди қолдиқни топамиз. Бунинг учун 20 га бўлинган сонни аниқлаймиз: 20 ни 7 га кўпайтирамиз, 140 ҳосил бўлади; бу кўпайтмани бўлинувчидан айирамиз:

$$148 - 140 = 8, \text{ қолдиқ } 8 \text{ бўлади.}$$

$$\text{Ёзилиши. } 148 : 20 = 7 \text{ (қолдиқ } 8).$$

$$\text{Текшириш. } 20 \cdot 7 = 140; 140 + 8 = 148.$$

896. Мисолларни изоҳлаб ечинг:

$$185 : 30 \quad 1100 : 200 \quad 8500 : 4000$$

$$185 : 40 \quad 5700 : 2000 \quad 721 : 300$$

897. Қисқа ёзувга кўра масала тузинг ва уни турли усуллар билан ечинг. Тескари масалалар тузинг ва уларни ечинг.

Тезлик	Масофа	Вақт
Соатига 80 км	240 км	Бир хил
Соатига 20 км	x км	

898. Қуйидаги ифодаларнинг қийматларини топинг:

$$2800 : 700 \quad - \quad 821 : 90 \quad \quad 1600 : 400 \cdot 6082$$

$$720 : 90 \quad 4756 : 600 \quad 56000 : 7000 \cdot 3900$$

899. Бўлиш амалини бажаринг:

$$259 : 30 \quad 654 : 70 \quad 675 : 80 \quad 806 : 90$$

$$175 : 20 \quad 594 : 60 \quad 308 : 40 \quad 460 : 50$$

900. Бўлиш қийинроқ ҳолларда ёзма равишда бажарилади. 27 680 ни 80 га бўлиш керак бўлсин.

$$\begin{array}{r|l} 27680 & 80 \\ \hline 240 & 346 \\ \hline 368 & \\ 320 & \\ \hline 480 & \\ 480 & \\ \hline 0 & \end{array}$$

Изоҳ. Бўлувчи — икки хонали сон, демак, биринчи тўлиқсиз бўлинувчида камида 2 та рақам бўлиши керак; лекин 27 минг ҳеч бўлмаганда битта минг чиқадиган бўлиб, 80 га бўлинмайди, шунинг учун 276 юз ни 80 га бўламиз; бўлинманинг юқори хонаси — юзлик, демак, бўлинмада уч хонали сон бўлади; 276 ни 80 га бўламиз: олдин 10 га, сўнгра 8 га бўлиб, 3 ни ҳосил қиламиз; юзлар хонаси ўрнига 3 ёзамиз; 80 ни 3 га кўпайтирамиз ва ҳосил бўлган сон (240) ни 276 дан айирамиз; қолдиқда 36 юз ҳосил бўлди. Уларни ўнликларга майдалаймиз ва 360 ўнликка 8 ўнликни қўшамиз; 368 ни 80 га бўламиз... Бўлишни изоҳлаб охиригача давом эттиринг.

901. Амалларни бажаринг:

$$\begin{array}{ccc} 2160 : 40 & 4550 : 70 & 31280 : 80 \\ 3180 : 60 & 2720 : 40 & 48870 : 90 \end{array}$$

902. Автомобиль 6 соатда 348 км масофани босиб ўтди. Агар автомобилнинг тезлиги соатига 12 км ортса, у 490 км масофани неча соатда босиб ўтади?


903. Шахтадан 2100 т кумирни ҳар бир вагонга 60 т дан юклаб жўнатилди, яна шунча кумирни ҳар бир вагонга 50 т дан юклаб жўнатилди. Қайси вагондан кўп керак бўлди ва неча ортиқ вагон керак бўлди?

904. Ишчи 60 та деталь тайёрлашга топшириқ олди. Ҳар бир детални тайёрлаш учун норма бўйича 30 минут вақт белгиланган. Лекин ишчи битта деталь тайёрлаш учун фақат 20 минут вақт сарф қилди. Ишчи 60 та деталь тайёрлашда тежаган вақтда топшириқдагидан неча ортиқ деталь тайёрлаган?

905. Мисолларни ечинг:

$$\begin{array}{l} 55140 : 60 \cdot 30 + 560 \cdot 400 : 80 \\ 4860 \cdot 900 : 40 - 6750 : 50 \cdot 70 \end{array}$$

906. Чизмаларни кўриб чиқинг ва қандай қилиб 2 та тенг квадратдан: а) битта квадрат; б) битта тўғри бурчакли учбурчак ҳосил бўлганини айтиб беринг.



907 (оғзаки). Амалларни бажаринг:

- | | | |
|----------------|----------------|----------------|
| 1) 864 : 100 | 1 568 : 100 | 30 802 : 1 000 |
| 26 750 : 1 000 | 6 543 : 1 000 | 35 07 : 100 |
| 2) 1 800 : 200 | 5 400 : 900 | 3 500 : 500 |
| 16 000 : 8 000 | 21 000 : 7 000 | 49 000 : 7 000 |

908. Қуйидаги мисолларнинг ечилишини 900-ми-солга ўхшатиб изоҳланг:

$\begin{array}{r l} 37600 & 400 \\ 3600 & 94 \\ \hline 1600 \\ 1600 \\ \hline 0 \end{array}$	$\begin{array}{r l} 42000 & 3000 \\ 3000 & 14 \\ \hline 12000 \\ 12000 \\ \hline 0 \end{array}$
--	---

Ечилишини текширинг (бўлинмани бўлувчига кў-пайтиринг)..

909. Бўлишни бажариб, уни текширинг. Мисолни ечишдан олдин бўлинмада нечта рақам бўлишини аниқ-лаб олинг:

13 400 : 200	24 600 : 300	175 000 : 7 000
32 700 : 300	19 800 : 600	945 000 : 5 000
	138 000 : 3 000	
	76 000 : 2 000	

910. Мамлакатимиз ғарбдан шарққа 11 000 км га чўзилган. Агар пиёда ҳар куни 40 км дан юрилса, бу масофани босиб ўтиш учун қанча вақт керак бўлар эди? Поезда соатига 50 км тезлик билан юрилса-чи? Самолётда соатига 500 км тезлик билан училса-чи?

911. Бир самолёт 7 200 км масофани соатига 600 км тезлик билан учиб ўтди, иккинчи самолёт шу масофа-ни соатига 300 км тезлик билан учиб ўтди. Қайси са-

молёт ҳавода кўп вақт булган ва неча марта куп булган?

Масалани ечишдан олдин, ҳисобламасдан туриб, қайси самолёт узоқ вақт учганини ва нима учун узоқ учганини айтиб беринг.

912. Бўлиш амалини бажаринг ва текширинг:

$$\begin{array}{lll} 79\,200 : 800 & 552\,000 : 3\,000 & 96\,000 : 4\,000 \\ 9\,600 : 400 & 104\,000 : 6\,000 & 909\,000 : 9\,000 \end{array}$$

913. Жадвалдан фойдаланиб, олтита ифода тузинг ва улардан ҳар бирининг қийматини топинг:

a	200	100	80	50	40	30
$24 \div 400 : a$						

Намуна. $24 \div 400 : 200 =$

Нима учун ифодаларнинг қийматлари ўсиб боради? a ҳарфига яна қандай қийматлар бериш мумкин?



914. Икки шаҳардан бир-бирига қарши икки поезд йўлга чиқди. Поездлардан бири учрашгунча соатига 48 км тезлик билан 3 соат йўл юрди, иккинчиси 55 км тезлик билан 4 соат йўл юрди. Бу шаҳарлар орасидаги масофа қанча? Ҳар бир поезд учрашгунча неча соат йўлда бўлган? Агар биринчи поезд кундуз соат 12 да йўлга чиққан бўлса, иккинчи поезд қачон йўлга чиққан бўлади? Бу ҳолда поездлар бир вақтда йўлга чиққанми?

915. Ораларидаги масофа 1000 км бўлган икки шаҳардан бир вақтда бир-бирига қараб икки поезд

йўлга чиқди. Бир поезднинг тезлиги соатига 45 км, иккинчи поезднинг тезлиги соатига 55 км. Бу поездлар 1 соатдан кейин қандай масофада бўлишади? 2 соатдан кейин-чи? 5 соатдан кейин-чи? 10 соатдан кейин-чи? 20 соатдан кейин-чи? (Масаланинг чизмасини чизинг.)

916. 1) Икки киши икки қишлоқдан бир вақтда бир-бирига қарши пиёда йўлга чиқиб, 3 соатдан кейин учрашишди. Биринчи пиёда соатига 4 км, иккинчиси соатига 5 км йўл босди. Шу қишлоқлар орасидаги масофани топинг.

2) Иккита тескари масала тузинг ва уларни ечинг; биринчисида икки қишлоқ орасидаги масофа, биринчи ва иккинчи пиёда кишининг тезлиги маълум бўлиб, пиёдаларнинг неча соатдан кейин учрашганларини билиш керак бўлсин; иккинчисида қишлоқлар орасидаги масофа, учрашиш вақти, бир пиёданинг тезлиги маълум бўлиб, иккинчи пиёданинг тезлигини топиш керак бўлсин.

917. Қуйидаги формулалар бўйича ҳаракатга доир учта масала тузинг:

$$1) x = (12 + 15) \cdot 4$$

$$2) x = 108 : (12 + 15)$$

$$3) x = (108 - 12 \cdot 4) : 4$$

918. Мисолларни ечинг:

$$4756 : 10$$

$$368 \cdot 40$$

$$25800 : 60$$

$$2847 \cdot 10$$

$$726 \cdot 500$$

$$67500 : 300$$

$$3452 : 100$$

$$450 \cdot 9000$$

$$105000 : 7000$$

$$18073 : 1000$$

$$873 \cdot 6000$$

$$105000 : 5000$$

919. Қуйидаги жадвални кўчиринг ва тўлдириг.

Тартиб номери	Тезлик (v)	Вақт (t)	Масофа (S)
1	Соатига 5 км		180 км
2	Соатига 10 км		180 км
3	Соатига 20 км		180 км
4		6 соат	180 км
5		4 соат	180 км
6		2 соат	180 км

Жадвалдан фойдаланиб, қуйидагиларни аниқланг.

1) Агар масофани ўзгаришсиз қолдириб, тезликни бир неча марта орттирсак ёки камайтирсак, ҳаракат вақти қандай ўзгаради?

2) Агар масофани ўзгаришсиз қолдириб, ҳаракат вақтини бир неча марта орттирсак ёки камайтирсак, тезлик қандай ўзгаради? Хулосаларни ифодаланг.

3) Ҳарфлар ёрдамида ҳаракат вақтини масофа ва тезлик билан, тезликни эса масофа ва ҳаракат вақти билан ифодаланг. Бу хулосаларни бошқача қандай ҳосил қилиш мумкинлигини изоҳлаб беринг.

Бу хулосаларни сиз 848 ва 842- машқлардаги жадваллардан чиқарган хулосалар билан таққослаб кўринг.

920. Қуйидаги масалаларни огзаки ечинг:

1) Электрпоезд ва автомашина бир хил масофани босиб ўтди, лекин электрпоезднинг тезлиги машина-

нинг тезлигидан 2 марта ортиқ. Электропоезд ва машинанинг ҳаракат вақти ҳақида нима дейиш мумкин?

2) Икки самолёт бир хил масофани учиб ўтди, лекин булардан бири учушга 2 соат, иккинчиси 6 соат вақт сарф қилди. Қайси самолётнинг тезлиги кам ва неча марта кам?

921. Қуйидаги масалаларни турли усуллар билан ечинг (олдин чизмасини чизиб олинг):

1) Автобус икки шаҳар орасидаги масофани соатига 30 км тезлик билан юриб 4 соатда босиб ўтди. Агар мотоциклчи соатига 60 км тезлик билан юрса, бу масофани неча соатда босиб ўтади?

2) Бир группа туристлар походга чиқишди. Боришда улар соатига 4 км тезлик билан 18 соат пиёда юришди, қайтишда автобусга тушишди, у бу йўлни 2 соатда босиб ўтди. Автобуснинг тезлигини топинг.



922. Қуйидаги мисолларни ечиб, текширинг:

728 · 60	45 800 : 400	819 · 2 000
267 · 500	260 100 : 900	738 000 : 3 000

ДИАГРАММАЛАРНИ ЧИЗИШ ВА ЎҚИШ

923. Ҳаётда кўпинча турли миқдорларни таққослашга тўғри келади. Бунинг учун буларни ўлчайдилар, ўлчаш натижасида сонлар ҳосил бўлади, сўнгра ҳосил бўлган сонларни таққослайдилар. Лекин агар биз таққослаган миқдорларни аён қилиб кўрсатиш керак бўлса, у ҳолда чизмада сонлар турли шакллар — кесмалар, тўғри тўртбурчаклар, доиралар ва шу кабилар билан тасвирланади. Бундай чизмалар диаграммалар деб аталади.

Қуйидаги диаграммани ўқиймиз: „Учта боланинг бўйини таққослаш“.



Чап томондаги диаграммада урта бола тасвирланган. Уларнинг бўйлари таққосланади. Диаграммада биз иккита чизиқни кўрмоқдамиз — булардан горизонтал чизиқнинг тагига болаларнинг исмлари ёзилган, вертикал чизиқда сантиметрлар кўрсатилган (у болаларнинг бўйини сантиметрларда ифодалайди). Болаларнинг бўйлари ҳақида нима дейиш мумкин: булардан кимнинг бўйи баланд, кимнинг бўйи паст?


Вертикал чизиқдаги майда бўлақларни ҳам ҳисобга олиб болаларнинг бўйларини аниқроқ билиш мумкин: бу бўлақнинг ярми — 10 см, чорак қисми — 5 см ва ҳоказо.

Ҳар бир боланинг бўйини ёзинг. Бир бола иккинчисидан неча сантиметр баланд?

Чап томонидаги диаграммада нима тасвирланган бўлса, ўнг томондаги диаграммада ҳам шу нарса фақат расмлар билан эмас, балки тўғри тўртбурчаклар (устунлар) билан тасвирланган. Валининг бўйи қанчага тенг? Олимнинг бўйи-чи? Комилнинг бўйи-чи?

Шу диаграмманинг ўзида ўз бўйингизни тасвирланг.

924. Ушбу „Эски қоғозларни йиғиш“ диаграммасини ўқиймиз. Бу диаграммада турли синф ўқувчилари йиққан эски қоғозларнинг оғирлиги таққосланади. Горизонтал чизиқда — III, IV, V синфлар белгиланган. Вертикал чизиқда килограммларда ифодаланган оғирлик белгиланган; ҳар бир бўлақ 10 кг ни билдиради. Кес-



малар турли синфлар йиққан эски қоғознинг оғирлигини билдиради.

III синф ўқувчилари неча килограмм эски қоғоз йиққан? IV синф ўқувчилари-чи? V синф ўқувчилари-чи? Қайси синф ҳаммадан кўп эски қоғоз йиққан? Қайси синф ҳаммадан кам йиққан? Қанча кам йиққан?

Биринчи диаграммага ўхшаган диаграммалар устун шаклидаги диаграмма дейилади, иккинчи диаграммага ўхшаган

диаграммалар — чизиқли диаграмма дейилади.

925. Ушбу „Эски қоғозларни йиғиш“ диаграммасини ўқинг; ҳар бир синф неча килограмм эски қоғоз йиққанини аниқланг.

926. Қуйидаги жадвалга кўра масалалар тузинг ва уларни турли усуллар билан ечинг:

Тезлик	Вақт	Масофа	Тезлик	Вақт	Масофа
Соатига 24 км	6 соат	Бир хил	Соатига 90 км	1 соат	Бир хил
Соатига 48 км	x соат		Соатига x км	2 соат	


927. Қуйидаги ифодаларни ўқинг ва уларнинг қийматларини топинг:

$$6082 + 12008 : 4$$


$$10000 - 84102 : 6$$

$$752000 \cdot 400 + 856 \cdot 70$$

$$2507 \cdot 80 - 451800 : 90$$



928. Ушбу „Турли автомашиналарнинг тезликлари“ диаграммасини ўқиймиз. Шу диаграммада тўрт хил автомашина — „Москвич“, „Победа“, „Волга“ ва „Чай-




ка" нинг ўртача тезликлари тасвирланган. Тезликлар горизонтал полоскалар билан белгиланган. Пастдаги горизонтал чизиқ бўлакларга бўлинган: 1 см — 20 км ни билдиради, 1 сантиметрнинг ярми — 10 км.

Машинанинг, масалан „Москвич“нинг тезлигини топиш учун тегишли кесманинг узунлигини ўлчаймиз: 4 см ва 1 сантиметрнинг ярми ҳосил бўлади. 1 см чизиқ 20 км ни билдиргани учун, бу кесманинг узунлиги ёки „Москвич“нинг тезлиги $20 \cdot 4 + 10 = 90$ формула билан ифодаланади. Шундай қилиб, „Москвич“ автомашинасининг тезлиги 90 км га тенг. Бошқа машиналарнинг тезлиги ҳам худди шундай топилади.

Машиналарнинг тезликларини бошқа усул билан ҳам топиш мумкин. Бунинг учун ҳар бир кесманинг охириги нуқтасидан тўғри бурчак остида, пастки чизиқ билан кесишгунча тўғри чизиқлар ўтказилади. Кесишиш нуқтаси автомашинанинг изланаётган тезлигини кўрсатади.

929. „Каналларимизнинг нисбий узунликлари“ диаграммасини кўриб чиқинг.



Бу диаграммада каналларнинг узунликлари нима билан ифодаланган? Улар қандай чизиқлар кўринишида тасвирланган? Остки чизиқдаги ҳар бир бўлинма нима билдиради? Бу чизиқда 85 км, 130 км, 225 км сонларига мос келадиган нуқталарни қандай топиш мумкин?

Бўлинмалардан фойдаланиб, Волга-Дон, Оқ денгиз-Болтиқ ҳамда Москва номли каналларнинг узунликларини тахминан топинг.

Бу диаграммани қандай диаграммалар қаторига киритиш мумкин?

930. Чизиқли диаграмма чизинг, унда тўртта ўқувчининг бўйини тасвирланг.

931. Устун шаклида диаграмма чизинг, у мактабнинг турли синф ўқувчилари йиққан эски қоғоз ёки темир-терсаkning оғирлигини ифодалайдиган бўлсин.

932. Волга, Днепр, Дон дарёларининг узунликларини тасвирловчи сонларни юзгача яхлитланг. Дарёларнинг узунликларини кесмалар билан белгилаб, 1 см ни 200 км учун қабул қилинг.

933. Яқин орадаги колхоз (совхоз, фабрика, завод) нинг бирор маҳсулотининг йиллар бўйича ўсишини тасвирловчи устун шаклидаги диаграмма чизинг.

934. Тезлик, ҳаракат вақти, масофа каби миқдорлар билан қуйида берилган ечилишга кўра масалалар тузинг:

а) $x = (8 \cdot 12) : 16$; б) $x = (600 \cdot 5) : 200$.

МАШҚ ҚИЛИШ УЧУН ҚЎШИМЧА МАТЕРИАЛ

935. Оғзаки ҳисобланг:

1) 107·7	125·4	326·2	180·2
109·5	125·8	182·3	360·2
208·4	75·4	356·2	260·3

- | | | | | |
|----|---------------|--------------------|------------|-------------|
| 2) | 36·10 | 20·20 | 30·30 | 15·20 |
| | 44·10 | 30·20 | 40·40 | 22·30 |
| | 60·10 | 40·20 | 50·50 | 24·40 |
| 3) | 8·100 | 24·100 | 16·200 | 40·25 |
| | 4·100 | 36·100 | 25·400 | 50·16 |
| | 6·100 | 84·100 | 18·500 | 80·12 |
| 4) | 400 : 10 | 200 : 100 | 200 : 20 | 600 : 30 |
| | 800 : 10 | 700 : 100 | 600 : 60 | 800 : 20 |
| | 340 : 10 | 532 : 100 | 800 : 80 | 900 : 30 |
| 5) | 160 : 40 | 320 : 20 | 800 : 200 | 1 200 : 300 |
| | 150 : 30 | 720 : 80 | 900 : 300 | 1 600 : 400 |
| | 240 : 80 | 560 : 70 | 800 : 400 | 2 500 : 500 |
| 6) | 2 кг 100 г·10 | 4 сўм 18 тийин·10 | | |
| | 3 м 20 см·10 | 8 сўм 50 тийин·10 | | |
| | 4 ц 25 кг·10 | 10 сўм 06 тийин·10 | | |
| | | 5 км 200 м·10 | | |
| | | 4 т 080 кг·10 | | |
| | | 3 кг 100 г·10 | | |
| 7) | 3 м : 10 | 6 сўм : 10 | 5 т : 100 | |
| | 8 м : 10 | 9 сўм : 10 | 7 кг : 100 | |
| | 5 ц : 10 | 6 ц : 10 | 3 т : 300 | |
| | | 2 кг : 100 г | | |
| | | 4 км : 500 м | | |
| | | 3 т : 300 кг | | |

Ёзма ҳисоблашлар учун

- | | | | | |
|---------|--------|--------|---------|-----------|
| 936. 1) | 246·90 | 96·400 | 562·800 | 1 400·700 |
| | 458·70 | 75·600 | 754·600 | 2 500·600 |
| | 976·60 | 54·700 | 893·400 | 4 900·500 |
| | 189·70 | 47·900 | 956·300 | 9 780·400 |

2) Бўлинма ва қолдиқни топинг:

358 : 10	1 605 : 10	15 872 : 10	36 704 : 10
615 : 100	730 : 100	34 518 : 100	55 480 : 100
1 920 : 200	4 356 : 600	35 820 : 600	62 400 : 900

3) Бўлинмани топинг:

46 800 : 600	28 800 : 400	34 500 : 300
23 200 : 400	52 200 : 600	16 800 : 700
46 400 : 800	32 500 : 500	60 300 : 900
	395 000 : 500	
	176 000 : 800	
	954 000 : 300	

937. Амалларни бажаринг:

$$100\,520 - 470 \cdot 50 + 13\,980 \qquad 40\,000 - 860 \cdot 40$$
$$14\,110 + 801\,000 : 900 - 7\,604 \qquad 9\,805 + 84\,000 : 70$$

938. Номаълум сонни топинг:

$$(x - 380) \cdot 50 = 25\,000 \qquad 20 \cdot 20 + 30 \cdot x = 1\,000$$
$$640 : (25 - x) = 200 : 5 \qquad 800 : x - 56 = 240 : 10$$

939. Ҳар бир тенгсизликдаги ҳарфларга қандай қий-
матлар бериш мумкин?

$$x \cdot 8 < 120 \qquad 10 \cdot b < 60 \qquad a + 75 < 100$$
$$k : 4 > 18 \qquad 300 : c > 30 \qquad m - 16 > 24$$

Намуна. Биринчи мисолнинг ечилиши. Агар $x \cdot 8 = 120$ бўлганда эди, у ҳолда $x = 120 : 8 = 15$ бўлар эди. Лекин $x \cdot 8 < 120$, демак, $x < 15$.

940. Бир сон ўйланган. Агар уни 3 марта орттирсак, 120 дан кичик сон ҳосил бўлади. Қандай сон ўйланган?

941. Мактаб буфетига сут олиб келинди. 35 л сарф қилингандан кейин 15 л дан кам сут қолди. Буфетга қанча сут олиб келинган?

942. Қуйидаги тенгсизликларга кура масалалар тузинг ва уларни ечинг:

а) $x \cdot 6 < 96$; б) $48 : a > 6$.

Масалалар

943. Поезд икки шаҳар орасидаги масофани 50 соатда босиб ўтиши керак эди. Йўлни қор босиб қолгани сабабли у 10 соат мобайнида соатига фақат 32 км дан юрди, шундан кейин унинг босиб ўтиши керак бўлган 1920 км йўли қолди. Белгиланган жойга жадвал бўйича ўз вақтида келиши учун қолган йўлни соатига қандай тезлик билан юриши керак ҳамда шаҳарлар орасидаги масофа қанча?

944. Орасидаги масофа 800 км бўлган икки шаҳардан бир вақтда бир-бирига қараб икки поезд йўлга чиқди. Булардан бири соатига 48 км тезлик билан, иккинчиси эса соатига 52 км тезлик билан юрди. Улар йўлга чиққандан 10 соат ўтгач, бир-биридан қанча масофада бўлишади?

945. Колхоз шаҳарга жўнатиш учун 3240 кг помидор тайёрлаб қўйди. Бу помидорнинг $\frac{1}{3}$ қисмини 20 кг дан қилиб яшикларга жойланди, қолганини эса 30 кг дан қилиб бошқа яшикларга жойланди. Шу помидорларни жойлаш учун ҳаммаси бўлиб қанча яшик керак бўлган?

946. Ҳар 100 кг лавлагидан 16 кг қанд тушади. 500 кг лавлагидан қанча қанд тушади? 1 т лавлагидан-чи? 2 т дан-чи? 5 т дан-чи?

Масаланинг ечимини 913- масаладагига ўхшатиб жадвалга ёзинг.

947. Юк машинаси икки кунда 1050 км масофани босиб ўтди. Агар машина ҳар 50 км йўлга 16 л дан

бензин сарф қилса, бутун йўлга қанча бензин сарф қилган?

948. Фермадаги сигир бир суткада ўрта ҳисобда 14 кг сут беради. Шундай соғимда 200 бош сигирдан бир йил (300 сутка) да неча тонна сут соғиш мумкин?

949. Биринчи сон a , иккинчи сон b , учинчи сон эса олдинги икки соннинг бўлинмасидан m марта ортиқ. Учинчи сонни топинг.

Масалани $a = 1000$, $b = 50$, $m = 30$ бўлган ҳол учун ечинг.

950. Тўғри тўртбурчакнинг бўйи 20 см, бу эса унинг энидан 2 марта ортиқ. Тўғри тўртбурчакнинг периметрини ва юзини ҳисобланг.

951. Квадратнинг томони 9 см. Унинг периметрини ва юзини ҳисобланг.

952. 1) Болаларга янги йил арча байрамида совға қилиш учун мактаб бир килограми 3 сўмдан 9 кг конфет ва бир килограми 2 сўмдан 6 кг печений сотиб олди. Бу нарсаларнинг ҳаммасига қанча пул тўланган? Бу масалада қандай миқдорлар берилган? Қайси миқдор изланаётир? Берилган баҳо ва миқдор бўйича жами пули қандай топилади?

Масаланинг ечилиш формуласини тузинг ва керакли ҳисоблашларни бажаринг.

2) Тескари масалалар тузинг. Бу масалага нечта тескари масала тузиш мумкин? Ҳар бир тескари масаланинг ечилиш формуласини тузинг.

953. 1) Мактаб буфетига 8 яшик олма ва 7 яшик узум олиб келинди. Бир яшик олма 10 кг, бир яшик узум эса 9 кг келади. Олиб келинган ҳамма меванинг оғирлиги қанча?

Бу масалада қандай миқдорлар берилган? Қайси миқдор изланаётир? Битта яшикнинг оғирлиги ва яшик-

ларнинг миқдорига кўра умумий оғирлик қандай топилади?


2) Бу масалага тескари масалалар тузинг. Шундай масалалардан нечасини тузиш мумкин? Ҳар бир масаланинг шартини ва унинг ечилиш формуласини қисқа қилиб ёзинг.

954. Бир ишчига 10 соатда 30 та деталь тайёрлаш топширилди. Лекин ишчи, вақтни тежаб бир детални 15 минутда ясаб тугатишга улгурарди. Ишчи тежалган вақт ҳисобига топшириқдан неча ортиқ деталь ясаган?

955. Квадрат чизинг. Уни тўртта тенг бўлакка шундай бўлингки:

- а) ҳар бир бўлаги квадрат бўлсин;
- б) ҳар бир бўлаги учбурчак бўлсин;
- в) ҳар бир бўлаги квадрат бўлмасдан, тўғри тўртбурчак бўлсин.

956. Қуйидаги диаграммада тўртта қиз: Лола, Мо-



ҳира, Ноила, Раънонинг бўйи тасвирланган. Чизмачилик учбурчаги ёрдамида ҳар қайси қизнинг бўйини топинг. Имкони бор жойда бўйини метрлар ва сантиметрларда ифодаланг.

957. Ушбу миқдорлар: баҳо, миқдор, жами пул билан қуйидаги формулаларга кўра масалалар тузинг:

$$1) x = a \cdot b + c \cdot d; \quad 2) x = a \cdot b - c \cdot d.$$

958. Икки поезд Москва билан Ленинграддан бири-бирига қарши йўлга чиқди. Биринчи поезднинг тезлиги соатига 60 км, иккинчисининг тезлиги соатига 75 км. Учрашиш пайтида қайси поезд Ленинградга яқинроқ бўлади?

ИККИ ХОНАЛИ СОНГА КЎПАЙТИРИШ

959 (оғзаки). 1) Кўпайтиришни бажаринг:

$$6 \cdot 14; \quad 8 \cdot 15; \quad 5 \cdot 25; \quad 5 \cdot 36.$$

Сон йиғиндига қандай кўпайтирилади? Қоидасини ҳарфлар ёрдамида ёзинг.

2) Кўпайтиришни бажаринг:

$$15 \cdot 30; \quad 18 \cdot 40; \quad 26 \cdot 20; \quad 32 \cdot 50.$$

Сонни қандай қилиб кўпайтмага кўпайтириш керак? Қоидани ҳарфлар ёрдамида ёзинг.

960. 46 ни 38 га кўпайтириш керак бўлсин:

$$46 \cdot 38 = 46 \cdot (30 + 8) = 46 \cdot 30 + 46 \cdot 8.$$

Бу ерда натижани оғзаки топиш қийин. Бундай ҳолларда кўпайтириш ёзма равишда бажарилади:

$$\begin{array}{r} \times 46 \\ 30 \\ \hline 1380 \end{array} \quad \begin{array}{r} \times 46 \\ 8 \\ \hline 368 \end{array} \quad + \begin{array}{r} 1380 \\ 368 \\ \hline 1748 \end{array}$$

46 ни 38 га кўпайтиришни қисқача бир устун шаклида ёзиш мумкин:

$$\begin{array}{r} \times 46 \\ 38 \\ \hline \end{array}$$

368 биринчи тўлиқсиз кўпайтма — 368 бирлик,
138 иккинчи тўлиқсиз кўпайтма — 138 ўнлик ёки
1748 1380; 1748 сони 46 ва 38 сонларининг кўпайтмаси.

Изоҳ. Олдин 46 ни 8 га кўпайтириб, биринчи тўлиқсиз кўпайтма 368 ни ҳосил қиламиз. Сўнгра 46 ни 30 га кўпайтирамиз; бунинг учун 46 ни 3 га кўпайтириш ва ҳосил бўлган соннинг ёнига ноль ёзиш кифоя; лекин бу нолни ёзмаймиз, унинг ўрнини бўш қолдириб, 46 нинг 3 га кўпайтмасини эса ўнлар хонасининг тагидан ёза бошлаймиз. Иккинчи тўлиқсиз кўпайтма — 138 ўнлик ёки 1380. Тўлиқсиз кўпайтмаларни қўшамиз ва узил-кесил натижа 1748 ни ҳосил қиламиз.

961. Библиотекага 24 сўмдан 16 та стол сотиб олинди. Ҳамма стол қанча туради? Ечиш.

$$\begin{array}{r} \times 24 \\ 16 \\ \hline 144 \\ 24 \\ \hline 384 \text{ (сўм)} \end{array}$$

Бу ёзувда қуйидаги саволларга жавоб топинг: 6 та стол неча пул туради? 10 та стол-чи? 16 та стол-чи? Биринчи ва иккинчи тўлиқсиз кўпайтмани ўқинг. Нима учун 24 сони 240 ни билдиради?

962. Ушбу кўпайтиришни изоҳлаб бажаринг.

$$28 \cdot 34; 52 \cdot 18; 68 \cdot 74; 96 \cdot 77; 55 \cdot 61.$$

963. Икки хонали сонни икки хонали сонга кўпайтиришга доир тўртта мисол тузинг ва уларни ечинг.

964. Прейскурантдан фойдаланиб, қуйидаги масалаларни ечинг:

1) Магазинда 68 та эркаклар плаши ва 62 та аёллар плаши бор эди. Бу плашлар қанча туради?

2) Магазинда бир кунда 56 та ўғил болалар костюми ва 90 та қизлар кўйлаги сотилди. Магазинга костюмлардан кўра кўйлақларга неча сўм ортиқ пул тушган?

Прейскурант

Молнинг номи	Баҳоси	Молнинг номи	Баҳоси
Эркаклар плаши	27 сўм	Болалар костюми	18 сўм
Аёллар плаши	32 сўм	Қизлар кўйлаги	14 сўм
Эркаклар пальтоси	45 сўм		
Аёллар пальтоси	38 сўм		

965. Прейскурантдан фойдаланиб, қуйидаги формулалар билан ечиладиган масалалар тузинг:

$$x = a \cdot b + c \cdot d; \quad x = a \cdot b - c \cdot d.$$

966. Қуйидаги сонларнинг кўпайтмасини топинг:

68 ва 94; 49 ва 78; 86 ва 33; 88 ва 15.



967. Қуйидаги масалаларнинг ечимини формула кўринишида ёзинг:

1) Агар a сонини 8 га кўпайтириб, сўнгра уни 10 га кўпайтирсак ва ҳосил қилинган кўпайтмаларни кўшсак, a сонини ҳаммаси бўлиб қанчага кўпайтирган бўламиз?

2) Агар a сонини 8 га кўпайтириб, ҳосил бўлган натижани 10 га кўпайтирсак, a сонини ҳаммаси бўлиб қанчага кўпайтирган бўламиз?

968. Кўпайтиришни бажаринг:

874 · 68; 796 · 84; 480 · 96; 906 · 67.

969. Уч хонали сонни икки хонали сонга кўпайтиришга доир учта мисол тузинг ва уларни ечинг.

970. Кўпаювчи — 6238, кўпайтувчи — 74. Кўпайтма-ни топинг.

971. Кўпайтиришни бажаринг:

$$1) \begin{array}{r} 1452 \cdot 16 \\ 6345 \cdot 44 \\ 4127 \cdot 68 \\ 54879 \cdot 68 \end{array}$$

$$2) \begin{array}{r} 1708 \cdot 24 \\ 2006 \cdot 38 \\ 7009 \cdot 46 \\ 60070 \cdot 50 \end{array}$$

972. Тўрт хонали (ноллари бўлган) сонни икки хонали (ноллари бўлмаган) сонга кўпайтиришга доир иккита мисол тузинг ва ечинг.

973. Кўпайтмаларни топинг:

$$700 \cdot 30; 698 \cdot 75; 4290 \cdot 60; 19876 \cdot 79.$$

974. Совхоз 300 гектар ерга баҳори буғдой, ундан 2 марта кўп ерга кузги буғдой экиди. Ҳар гектардан 32 ц дан кузги буғдой, ҳар гектардан 24 ц дан баҳори буғдой ҳосили олинди. Баҳори буғдойга қараганда қанча ортиқ кузги буғдой ҳосили олинди?

975. Бир участкага 304 ц, иккинчи участкага эса ундан 29 ц ортиқ буғдой экилди. Биринчи участкадан экилганидан 21 марта ортиқ, иккинчи участкадан экилганидан 24 марта ортиқ ҳосил олинди. Иккала участкадан ҳаммаси бўлиб қанча буғдой ҳосили олинган?

976. Магазинда 340 м чит бор эди ва яна ҳар бирида 40 м дан C түп чит олиб келинди. Магазинда ҳаммаси бўлиб неча метр чит бўлди?

Масаланинг ечимини мана бундай жадвалга ёзинг:

C	5	6	7	10	12	15
$40 \cdot C + 340$						

977 (оғзаки). 5 т 250 кг неча килограмм бўлади?
8 ц 6 кг-чи?

14 кг неча грамм бўлади? 9 кг-чи? 25 кг-чи?
10 кг-чи?

12 м 80 см неча сантиметр бўлади? 5 м неча мил-
лиметр бўлади? 3 дм-чи?

978. Мисолларнинг қуйидаги ечимларини тушунти-
ринг:

$$8 \text{ м } 76 \text{ см} \cdot 48 = 420 \text{ м } 48 \text{ см}$$

$\begin{array}{r} \times 876 \text{ см} \\ 48 \\ \hline 7008 \\ 3504 \\ \hline 42048 \text{ см} \end{array}$	$\begin{array}{r} \times 876 \\ 48 \\ \hline 7008 \\ 3504 \\ \hline 42048 \end{array}$
--	--

8 м 76 см ни 48 га кўпайтиришдан олдин қандай ўзгартириб олинди?

Кўпайтмада оддий исмли сон ҳосил бўлганда, уни қандай ўзгартириб олинди?

Мураккаб исмли сонни кўпайтиришнинг абстракт сонларни кўпайтиришдан қандай фарқи ва қандай ўх-
шашлиги бор?

979. Қуйидаги мисолларни 978- масалага ўхшатиб
ечинг:

7 м 85 см · 18	4 ц 90 кг · 26
8 м 9 дм · 56	8 ц 56 кг · 60
2 сўм 08 тийин · 70	9 дм 04 м · 90
5 км 685 м · 76	
8 т 426 кг · 98	
10 кг 095 г · 800	

980. 1) Агар кўпаювчи — 15 сўм 60 тийин, кўпай-
тувчи — 45 бўлса, кўпайтмани топинг.

2) Кўпаяувчи — 8 см 5 мм, кўпайтувчи — 80 бўлса, кўпайтмани топинг.

981. 40 кг сутдан 1 кг 800 г ёғ олинади. 80 кг сутдан қанча ёғ олинади? 120 кг сутдан-чи? 160 кг сутдан-чи? 200 кг сутдан-чи? 400 кг сутдан-чи?

Ечилишини жадвалга ёзинг:

Сут	40 кг	80 кг	120 кг	160 кг	200 кг	400 кг
Ёғ	1800 г					

Агар сутдан икки баравар ортиқ олинса ёғ неча марта ортиқ бўлади? 5 марта ортиқ олинса-чи? Сут миқдорини бир неча марта орттириш ёки камайиши билан ёғнинг миқдори қандай ўзгаради?

982. 40 кг сутдан 1 кг 800 г ёғ олинади. 85 кг сутдан қанча ёғ олинади? 150 кг сутдан-чи?

Масалани бундан олдинги масалани ечишдаги усул билан ечиб бўладими? Нима учун ечиш мумкин эмас?

983. Амалларни бажаринг:

- 1) 8 сўм 38 тийин · 52 10 кг 510 г · 64
 6 сўм 08 тийин · 75 8 км 095 м · 16
 1 км 008 м · 48
 1 т 090 кг · 57

- 2) (15 м 45 см + 18 м 88 см) · 38
 (20 кг 750 г — 18 кг 900 г) · 94

984. Кўйлакка энли газламадан 2 м 80 см кетади, энсиз газламадан эса 3 м 50 см кетади. Энли газламадан 36 та кўйлак тикилди, энсиз газламадан ҳам шунча кўйлак тикилди. Энли газламага қараганда неча метр ортиқ энсиз газлама ишлатилган? Масалани икки усул билан ечинг.

985. Расмларнинг ҳар бир жуфтдаги шаклларни таққосланг: уларнинг ўхшашлиги нимада ва нималари билан фарқ қилади? Қандай қилиб иккинчи шакллардан биринчи жуфтда квадрат, иккинчи жуфтда тўғри тўртбурчак келтириб чиқарилади?



986. 1) Тезлик, вақт, масофа миқдорлари иштирок этган учта масала тузинг ва уларни турли усуллар билан ечинг.

2) Масалаларни ва уларнинг ечилишини таққосланг.

3) Юқоридаги 2) масалага нисбатан тескари учта масала тузинг ва уларни турли усуллар билан ечинг.

Тартиб номери	Тезлик	Вақт	Масофа
1	Соатига 15 км Соатига 60 км	Бир хил	45 км x км
2	Соатига 20 км Соатига 5 км	4 соат x соат	Бир хил
3	Бир хил	6 соат 3 соат	180 км x км

987. Ҳар бир жуфтдаги биринчи мисолнинг натижасидан фойдаланиб, иккинчи мисолнинг натижасини ҳисобланг:

$$15 \cdot 10 \quad 23 \cdot 10 \quad 45 \cdot 10 \quad 58 \cdot 10 \quad 32 \cdot 10$$

$$15 \cdot 9 \quad 23 \cdot 9 \quad 45 \cdot 9 \quad 58 \cdot 9 \quad 32 \cdot 9$$

Сонни қандай қилиб 9 га кўпайтирилди?

988. Қуйидаги тенгнамалар қандай ҳосил қилинганини айтиб беринг:

$$68 \cdot 9 = 68 \cdot 10 - 63 \quad 210 \cdot 9 = 2100 - 210$$

$$73 \cdot 9 = 73 \cdot 10 - 73 \quad 340 \cdot 9 = 3400 - 340$$

Сонни 9 га кўпайтириш қондасини ифодаланг.

$$\mathbf{989.} \quad 54 \cdot 9 \quad 81 \cdot 9 \quad 25 \cdot 9 \quad 39 \cdot 9 \quad 78 \cdot 9$$

$$16 \cdot 9 \quad 46 \cdot 9 \quad 52 \cdot 9 \quad 67 \cdot 9 \quad 91 \cdot 9$$

990. Натижани ҳисобланг:

$$378 \cdot 46 \quad 48 \text{ сўм } 15 \text{ тийин} \cdot 18 \quad 64200 : 30$$

$$5094 \cdot 53 \quad 2 \text{ т } 350 \text{ кг} \cdot 29 \quad 57600 : 90$$

$$3108 \cdot 24 \quad 4 \text{ км } 750 \text{ м} \cdot 36 \quad 31920 : 700$$

ЮЗНИ ҲИСОБЛАШ (квадрат дециметрларда)

Унча катта бўлмаган юзлар квадрат сантиметрларда ўлчанади. Лекин ундан каттароқ юзларни, масалан, бир варақ қоғознинг, синф доскасининг, дераза ойнасининг ва ҳоказоларнинг юзларини ўлчаш учун каттароқ ўлчов бирлиги талаб қилинади.

Бундай ўлчов бирлиги сифатида **квадрат дециметр**, яъни томони 1 *дм* га тенг бўлган квадрат ишлатилади.

991. Чизиқли дециметр чизинг. Квадрат дециметр чизинг.

992. Квадрат дециметрни квадрат сантиметрларга бўлиб чизинг. 1 квадрат дециметр неча квадрат сантиметр бўлади? Қуйидагича ёзинг:

$$1 \text{ кв} \cdot \text{дм} = 100 \text{ кв} \cdot \text{см}.$$

993. Квадрат дециметрларга бўлинган палетка ёрдамида бир варақ қоғознинг, парта қопқоғининг, синф журнали муқовасининг юзини ўлчанг.

994. Тўғри тўртбурчакнинг бўйи — 5 *дм*, эни — ундан 2 *дм* кам. Тўғри тўртбурчакнинг юзини квадрат дециметрларда ҳисобланг.

995. Синфимиздаги досканинг бўйи — . . . *дм*, эни — . . . *дм*. Синф доскасининг юзи қанчага тенг?

996. Стол қопқоғининг юзини (квадрат дециметрларда) ўлчанг ва ҳисобланг.

997. 1) 2 *кв. дм* неча квадрат сантиметр бўлади? 5 *кв. дм*-чи? 10 *кв. дм*-чи? 12 *кв. дм*-чи?

2) 300 *кв. см* неча квадрат дециметр бўлади? 600 *кв. см*-чи? 800 *кв. см*-чи? 2000 *кв. см*-чи?

3) 360 *кв. см* неча квадрат дециметр ва квадрат сантиметр бўлади? 975 *кв. см*-чи? 1280 *кв. см*-чи?

998. Тўғри тўртбурчакнинг бўйи — 3 *дм*, эни — 15 *см*. Тўғри тўртбурчакнинг юзини ҳисобланг (уни квадрат дециметр ва квадрат сантиметрларда ифодаланг).

999. Тўғри тўртбурчакнинг бўйи 4 *дм*: бу унинг энидан 1 *дм* 5 *см* катта. Тўғри тўртбурчакнинг юзи нимага тенг? Унинг периметри-чи?

1000. Тўғри тўртбурчакнинг бўйи *a дм*, эни *b дм*. Тўғри тўртбурчакнинг юзи қанчага тенг? Унинг периметри-чи? Агар $a = 8$ *дм*; $b = 7$ *дм* бўлса, юзининг сон қийматини топинг. Тўғри тўртбурчакнинг периметрини *a* ва *b* нинг шу қийматларида ҳисобланг:

1001. Оғзаки ҳисобланг:

59·9	120·9	46·200	700 : 50
31·9	270·9	50·300	3000 : 60

1002. Ёзма ҳисобланг:

689·74	4052·48	5 км 420 м·26
356·27	5109·16	8 т 550 кг·14

1003. Томони 6 см бўлган квадратнинг юзи қанчага тенг? 4 см, 9 см, 7 см бўлган квадратларнинг юзлари-чи? Ҳар бирининг периметри қанчага тенг?

1004. Квадратнинг томони a дм.

а) Бу квадрат юзининг; б) унинг периметрининг формулаларини ёзинг. Агар $a=9$ дм; $a=7$ дм; $a=1$ дм 2 см; $a=1$ дм 6 см бўлса, квадратнинг юзини топинг. Квадратнинг периметрини a нинг ўша қийматларида ҳисобланг.

1005. Квадрат дециметрларни квадрат сантиметрларга майдаланг:

$$4 \text{ кв. дм} = \dots \text{ кв. см} \quad 12 \text{ кв. дм} = \dots \text{ кв. см}$$

$$8 \text{ кв. дм} = \dots \text{ кв. см} \quad 16 \text{ кв. дм} = \dots \text{ кв. см}$$

$$5 \text{ кв. дм} \quad 75 \text{ кв. см} = \dots \text{ кв. см}$$

$$7 \text{ кв. дм} \quad 90 \text{ кв. см} = \dots \text{ кв. см}$$

1006. 1) Тўғри тўртбурчакнинг юзи — 84 кв. дм; унинг эни — 12 дм. Тўғри тўртбурчакнинг бўйини топинг.

2) Бу масалага тесқари иккита масала тузинг ва уларни ечинг.

1007. Квадрат сантиметрларни квадрат дециметрлар билан алмаштиринг:

$$500 \text{ кв. см} = \dots \text{ кв. дм}$$

$$1300 \text{ кв. см} = \dots \text{ кв. дм}$$

$$4900 \text{ кв. см} = \dots \text{ кв. дм}$$

$$1245 \text{ кв. см} = \dots \text{ кв. дм} \quad \dots \text{ кв. см}$$

$$2780 \text{ кв. см} = \dots \text{ кв. дм} \quad \dots \text{ кв. см}$$

$$5862 \text{ кв. см} = \dots \text{ кв. дм} \quad \dots \text{ кв. см}$$

1008. Мисолларнинг ҳар бир жуфтида биринчи мисолнинг натижасидан фойдаланиб иккинчисининг натижасини ҳисобланг:

$$18 \cdot 10 \quad 34 \cdot 10 \quad 27 \cdot 10 \quad 46 \cdot 10 \quad 53 \cdot 10$$

$$18 \cdot 11 \quad 34 \cdot 11 \quad 27 \cdot 11 \quad 46 \cdot 11 \quad 53 \cdot 11$$

Ҳар бир сон қандай қилиб 11 га кўпайтирилган?

1009. Ёзувни тугалланг:

$$96 \cdot 11 = 96 \cdot 10 \dots \quad 84 \cdot 10 + 84 = 84 \dots$$

$$51 \cdot 11 = 51 \cdot 10 \dots \quad 39 \cdot 10 + 39 = 39 \dots$$

1010. Кўпайтиришни бажаринг:

$$86 \cdot 11 \quad 35 \cdot 11 \quad 17 \cdot 11 \quad 97 \cdot 11 \quad 28 \cdot 11$$

$$64 \cdot 11 \quad 24 \cdot 11 \quad 68 \cdot 11 \quad 56 \cdot 11 \quad 99 \cdot 11$$

Сонни 11 га кўпайтириш қондасини ифодаланг.

1011. Фақат оралиқ натижаларни ёзиб, оғзаки ҳисобланг:

1) $45 \cdot 2 \cdot 25 \cdot 5 \cdot 11 \cdot 4$ 4) $25 \cdot 8 \cdot 5 \cdot 7 \cdot 11 \cdot 9$

2) $2 \cdot 25 \cdot 37 \cdot 5 \cdot 11 \cdot 4$ 5) $7 \cdot 8 \cdot 9 \cdot 11 \cdot 10$


3) $50 \cdot 9 \cdot 2 \cdot 2 \cdot 33 \cdot 5$

1012. Жадвални тўлдиринг:

a	425	425	426	426	427	427	428
b	32	33	33	34	34	35	36
$a \cdot b$							

ЎРТА АРИФМЕТИК ҚИЙМАТНИ ҲИСОБЛАШГА ДОИР МАСАЛАЛАР

1013. Учта олмани тортганда бири — 70 г, иккинчиси — 78 г, учинчиси — 92 г келди. Агар олмалар бир хил оғирликда бўлиб, ҳаммаси биргаликда оғирлиги



олдингидек бўлса, ҳар бир олма қанчадан келар эди?

Бу масалани ечиш учун ҳамма олманинг оғирлигини топамиз ва уни олмалар сони нечта бўлса, шунча бўлакка бўламиз:

$$(70 + 78 + 92) : 3 = 80.$$


80 г — битта олманинг ўртача оғирлиги. У 70 г лик олма оғирлигидан катта ва 92 г лик олма оғирлигидан кичик.

1014. Саватда 40 та олма бор. Агар ўрта ҳисобда битта олма 80 г келса, бу олмаларнинг умумий оғирлиги қанча?

Нима учун ҳар бир олмани тортиб ўтирмасдан, саватдаги ҳамма олманинг оғирлигини билиш мумкин?

1015. 4 кг олма сотиб олинди. Агар битта олма ўрта ҳисобда 80 г келиши маълум бўлса, шу 4 кг да нечта олма бўлади?

1016. Юк автомашинаси биринчи соатда 45 км, иккинчи соатда 64 км, учинчи соатда 50 км, тўртинчи соатда 61 км йўл юрди. Автомашина ҳамма йўлни



4 соатда бир текисда (бир хил тезликда) босиб ўтиши учун соатига қандай тезлик билан юриши керак?

Бу масаланинг ечилиш формуласини тузинг ва ҳисоблашларни бажаринг.

Автомобилнинг ўртача тезлиги соатига 55 км. Бу тезлик энг кичик тезлик (50 км) дан катта ва энг катта тезлик (64 км) дан кичик.

1017. Реактив самолёт 5 соатда 4500 км масофани учиб ўтди. Бу самолётнинг ўртача тезлиги қанча?

Бу самолёт беш соатнинг ҳар бирида 900 км дан учиб ўтганини билдирадими?

1018. Поезд бир соатда 49 км, иккинчи соатда 53 км йўл юрди. Поезднинг ўртача тезлиги қанча?

Ҳисобламасдан туриб, масала жавобини қайси сонлар орасида туриши кераклигини айтинг. Поезднинг ўртача тезлигини ҳисобланг.

1019. Учта тухум тортиб кўрилди: биттаси 60 г, иккинчиси 64 г, учинчиси 65 г келди. Битта тухум ўрта ҳисобда неча грамм бўлади? Масаланинг ечилиш формуласини тузинг ва ҳисоблашларни бажаринг.

Бир марта тортиб, тухумнинг ўртача оғирлигини топиб бўладими?

1020. Тухумнинг ўртача оғирлигини билган ҳолда ечиладиган масала тузинг.

1021. Жадвалларни тўлдириг, ҳисоблашларни оғзаки бажаринг:

a	37	74	16	32	18	90
$a \cdot 9$						

b	16	48	12	24	76	19
$b \cdot 11$						

1022. Ҳисобланг:

$$357 \cdot 84$$

$$15840 : 90$$

$$6 \text{ сўм } 84 \text{ тийин} \cdot 52$$

$$508 \cdot 26$$

$$44730 : 70$$

$$7 \text{ т } 260 \text{ кг} \cdot 46$$

$$471 \cdot 38$$

$$102080 : 80$$

$$9 \text{ км } 480 \text{ м} \cdot 53$$

1023. Бир ишчи январда 86 сўм, февралда 80 сўм, мартда 95 сўм ойлик олди. Ишчи шу вақт ичида ўрта ҳисобда бир ойда неча сўм пул ишлаган?

87 сонини бошқача 86, 80 ва 95 сонларининг ўртача арифметик қиймати дейилади.

Сиз учта соннинг ўрта арифметик қийматини қандай ҳисобладингиз?

1024. Чанғичи биринчи соатда 13 км, иккинчи соатда 10 км, учинчи соатда 9 км, тўртинчи соатда 8 км йўл юрди. Чанғичи ўрта ҳисобда бир соатда неча километр йўл юрган?

13, 10, 9, 8 сонларининг ўрта арифметик қиймати қанчага тенг?

Сиз тўртта соннинг ўрта арифметик қийматини қандай ҳисобладингиз?

Бир неча соннинг ўрта арифметик қийматини ҳисоблаш учун шу сонларнинг йиғиндисини топиш ва уни қўшилувчилар сонига бўлиш керак.

1025. Қуйидаги сонларнинг ўрта арифметик қийматини топинг:

а) 3769 ва 3791;

б) 1026, 994 ва 980;

в) 1060, 1001, 986 ва 1015.

1026. Қуйидаги формулалар бўйича масалалар тузинг:

$$x = (42 + 45 + 51) : 3$$

$$x = (a + b + c + k) : 4$$

1027. Ҳавонинг температурасини кузатиб бориб, ўқувчи об-ҳаво календарига мана бундай ёзди: эрталаб

9°, кундузи 16°, кечқурун 11° иссиқ. Шу маълумотларга асосланиб у бир кунлик температура ўрта ҳисоб билан 12° эканини топди. Ўқувчи шу кун ҳавосининг ўртача температурасини тўғри топдими? Ўқувчи ҳисоблашларни қандай формулага асосланиб бажарган?

1028. Ўз кузатишларингиз бўйича бирор ойдаги ҳавонинг ўртача температурасини топинг.

1029. Нуқталар ўрнига $>$, $<$ ёки $=$ ишорасини қўйинг:

$$89 \cdot 10 + 89 \dots 89 \cdot 11 \quad 47 \cdot 10 - 47 \dots 47 \cdot 9$$

$$63 \cdot 10 + 10 \dots 53 \cdot 11 \quad 62 \cdot 10 - 10 \dots 62 \cdot 9$$

1030. Номаълум сонни топинг:

$$(370 - x) \cdot 4 = 1400 \quad 4200 : (x - 5) = 70$$


1031. Қуйидагиларни ҳисобланг:

$$420 \cdot 15 : 90 \quad 8 \text{ т } 366 \text{ кг} \cdot 27$$

$$725 \cdot 60 : 50 \quad 9 \text{ км } 515 \text{ м} \cdot 18$$

$$14975 : 9 \cdot 7 \quad 7 \text{ сўм } 26 \text{ тийин} \cdot 34$$

1032. Расмда AK ва CD кесмалар кесишганда қандай бурчаклар ҳосил қилган? 1, 2, 3, 4 бурчакларни таққосланг. Қайси бурчак катта — биринчи бурчакми ёки иккинчи бурчакми? Учинчи бурчакми ёки тўртинчи бурчакми?



ИККИ ХОНАЛИ СОНГА БЎЛИШ

1033. 488 ни 61 га бўлиш керак бўлсин.

$$\begin{array}{r} 488 \overline{) 61} \\ 488 \overline{) 8} \\ \hline 0 \end{array}$$

Изоҳ. Бўлувчи — икки хонали сон, демак, биринчи тўлиқсиз бўлинувчида камида иккита рақам бўлиши керак; лекин 48 ўнлик бўлинмада ҳеч бўлмаганда биттадан ўнлик чиқадиган бўлиб 61 га бўлинмайди, шунинг учун 488 бирликни 61 га бўламиз. Бўлинманинг рақамларини танлаб олиш учун бўлувчини яқин яхлит сон (60) билан алмаштирамиз ва яхлит ўнликларга бўлгандагидек бўламиз: 488 ни 10 га бўлиб 48 ҳосил қиламиз, энди 48 ни 6 га бўламиз, 8 ҳосил бўлади. 8 рақами охирги натижа эмас, у фақат sinalаётган рақам, чунки 488 ни 60 га эмас, балки 61 га бўлиш керак эди. Шу рақамни текшириш керак: 61 ни 8 га кўпайтирамиз, 488 ҳосил бўлади, демак, 8 рақами тўғри.

1034. Қуйидаги мисолларни тушунтириб ечинг:

$$\begin{array}{cccc} 128 : 32 & 129 : 43 & 212 : 53 & 230 : 46 \\ 147 : 21 & 168 : 84 & 378 : 63 & 504 : 84 \end{array}$$

1035. Бўлинма ва қолдиқни топинг:

$$\begin{array}{cccc} 270 : 52 & 330 : 63 & 358 : 44 & 520 : 64 \\ 190 : 46 & 360 : 32 & 462 : 84 & 675 : 9 \end{array}$$

1036. Бўлинувчи — 752, бўлувчи — 94. Бўлинмани топинг.

1037. Бўлинмани топинг:

$$\begin{array}{cccc} 136 : 4 & 476 : 68 & 14 \cdot 32 : 56 & 6351 - 5379 : 54 \\ 287 : 7 & 532 : 76 & 46 \cdot 18 : 92 & 10000 - 9335 : 95 \end{array}$$

1038. 28, 32, 31, 29 сонларининг ўрта арифметик қийматини топишга доир масала тузинг ва ечинг.

1039. Колхоз давлатга 364 *m* бугдой, ундан 76 *m* кам жавдар ва жавдардан 32 марта кам тариқ сотди. Колхоз давлатга неча тонна тариқ сотган?



$$\begin{array}{r} 1040. \quad 4316 \overline{)52} \\ \underline{416} \\ 156 \\ \underline{156} \\ 0 \end{array}$$

Қуйидаги план бўйича бўлишни бажаринг:

1. Бўлинувчи ва бўлинмани ўқинг ва ёзинг.
2. Биринчи тўлиқсиз бўлинувчини айтинг.
3. Бўлинманинг рақамлари сонини аниқланг.
4. Бўлинманинг рақамлари тўғри танланганми-йўқми, текшириб кўринг.
5. Бўлинмани айтинг.
6. Ечилишини текширинг.

1041. Юқоридагидек план бўйича қуйидаги мисолларни ечинг:

$$\begin{array}{cccc} 1428 : 42 & 2924 : 68 & 29736 : 561 & 136576 : 64 \\ 2376 : 33 & 3456 : 54 & 38232 : 72 & 773075 : 85 \end{array}$$

1042. 229 620 ни 43 га бўлгандаги бўлинма 62 664 ни 84 га бўлишда чиққан бўлинмадан қанча катта?

1043. Қуйидаги ҳар бир мисолнинг натижасини, ўзидан олдинги мисолнинг натижасидан фойдаланиб ечинг:

$$\begin{array}{cccc} 78 \cdot 35 & 56 \cdot 16 & 400 : 25 & 162 : 9 \\ 78 \cdot 36 & 55 \cdot 16 & 425 \cdot 25 & 153 : 9 \\ 78 \cdot 37 & 54 \cdot 16 & 450 : 25 & 144 : 9 \end{array}$$

1044. 1) Поезд 5 соат йўлда бўлиб, биринчи соатда — 45 км, иккинчи соатда — 50 км, учинчи соатда — 45 км, тўртинчи соатда — 50 км ва бешинчи соатда ҳам 50 км йўл юрди. Поезд бутун масофани қандай ўртача тезлик билан босиб ўтган?

Бу масалада тезликларни билдирувчи неча сон бор? Бу тезликлар орасида бир хиллари борми? Поезд 45 км тезлик билан неча соат ва 50 км тезлик билан неча соат юрган? Бу масалани қисқача қандай ифодалаш мумкин?

2) Сиз тузган масалани қуйидаги масала билан таққосланг: Поезд соатига 45 км тезлик билан 2 соат ва соатига 50 км тезлик билан 3 соат юрган. Поезд ўрта ҳисоб билан бир соатда неча километр йўл юрган? Бу масаланинг ечилиш формуласини тузинг. Уни

$$x = (45 \cdot 2 + 50 \cdot 3) : (2 + 3)$$

формула билан таққосланг.

1045. Пароходга 176 т ун, ундан 22 марта кам гуруч, гуручдан 2 т 5 ц кам қанд юкланди. Пароходга юкланган ҳамма озиқ-овқатнинг умумий оғирлигини топинг.

Масаланинг шартини математик ифодалар ёрдамида қисқа қилиб ёзинг ва унинг ечилиш формуласини тузинг.



1046. Икки хонали сонга бўлишда, кўпинча, бўлинманинг синаб кўриладиган рақами тўғри келмай қоладиган ва уни ўзгартириш керак бўлган ҳол юз беради. Масалан, 168 ни 28 га бўлиш керак.

$$\begin{array}{r} 168 \overline{) 28} \\ 168 \overline{) 6} \\ \hline 0 \end{array}$$

Бўлинма бир хонали сон бўлади. Бу сонни топиш учун 16 ни 2 га бўламиз. 8 ҳосил бўлади. 8 рақами тўғри келмаслиги дарров билинади: 20 ни 8 га кўпайтирсак 160 чиқади, ахир яна 8 ни 8 га кўпайтиришимиз ҳам керак-да. 7 рақамини синаб кўрамиз. Лекин етти ҳам тўғри келмайди. 6 ни оламиз. 6 рақами тўғри келади. Бу ҳолда биз икки марта синаб кўргандан кейин бўлинмада тўғри рақамни ҳосил қилдик. Текширишдан кейин уни бўлинувчининг тагига ёзиб қўямиз.

1047. Бўлинмаларни ҳисобланг:

296 : 37 282 : 47 216 : 36 162 : 27

1048. Бўлинмани ва қолдиқни топинг:

186 : 23 272 : 98 385 : 65 318 : 36

457 : 58 321 : 47 266 : 47 428 : 88

1049. Бўлиш амалини бажаринг:

3212 : 44 4503 : 57 7081 : 73 23832 : 36

1254 : 38 2520 : 35 6141 : 69 11475 : 27

1188 : 18 7332 : 94 1634 : 19 10560 : 15

1050. Икки шаҳар орасидаги масофани поезд 15 соатда босиб ўтди. Дастлабки 9 соатда у соатига 40 км тезлик билан, қолган вақтда соатига 45 км тезлик билан юрди. Поезд бутун масофани қандай ўртача тезлик билан босиб ўтган?

1051. 1) Қўйидаги маълумотлар бўйича бир ишчининг бир ойлик ўртача иш ҳақини топишга доир масала тузинг: „Ишчи турли ойларда турлича иш ҳақи олди: 95 сўм, 95 сўм, 99 сўм, 107 сўм, 99 сўм, 99 сўм“.

2) Ўзингиз тузган масалани қўйидаги масала билан солиштириб кўринг: „Ишчи 2 ой 95 сўмдан, бир ой 107 сўм ва 3 ой 99 сўмдан иш ҳақи олди. Ишчининг ярим йилдаги ўртача ойлик иш ҳақини ҳисобланг“. Шу масалани ечинг.

1052 (оғзаки).

96 : 16	60 : 15	42 : 14	69 : 15	98 : 16
70 : 14	65 : 13	46 : 23	75 : 14	80 : 24

1053. Бўлиш амалини бажаринг:

490 : 14	9760 : 16	3791 : 17	98592 : 16
689 : 13	7980 : 19	6688 : 19	63576 : 18

1054. Қуйидаги ифодаларнинг қийматларини топинг:

- 1) $5950 : a$ $a = 17$ бўлганда;
- 2) $1040 : b$ $b = 13$ бўлганда;
- 3) $a : 19$ $a = 6517$ бўлганда.


1055. Бўлишга доир масалалар тузинг ва ечинг, уларда:

- 1) бўлувчи 18, бўлинма 5214;
- 2) бўлувчи 23, бўлинма 921;
- 3) бўлинувчи 3185, бўлинма 65 бўлсин.

1056. c нинг шундай қийматларини топингки, унда $96 : c < 48$

бўлсин.

1057. Ораларидаги масофа 175 км бўлган икки шаҳардан бир вақтда қарама-қарши томонга қараб икки поезд йўлга чиқди. Булардан бири соатига 60 км



тезлик билан, иккинчиси соатига 60 км тезлик билан юрди. Бу поездлар йўлга чиққанларидан 6 соат кейин бир-биридан қандай масофада бўлади?

1058. Москва билан Свердловскдан бир-бирига қарши икки поезд бир вақтда йўлга чиқди. Биринчи поезд соатига 48 км, иккинчи поезд соатига 54 км тезлик билан юрди. Агар Москвадан Свердловсккача 1822 км бўлса, поездлар йўлга чиққанидан 12 соат кейин улар орасидаги масофа қанча бўлади?



1059. Ушбу мисолни ечинг: $4824 : 24$. Булинмада нечта рақам бўлиши керак? Булинмада нима учун ўнлар хонасида ноль ҳосил бўлди?

1060. Қуйидаги мисолларни — ечганда булинмада нечта рақам бўлиши керак:

а) $48024 : 24$; б) $480024 : 24$?

Бу мисолларда булинмаларни топинг. Нима учун биринчи мисолнинг булинмасида юзлар ва ўнлар хонасида ноллар ҳосил бўлди? Нима учун иккинчи мисолнинг булинмасида минглар, юзлар ва ўнлар хонасида ноллар ҳосил бўлди?

1061. Қуйидаги мисолларни ечишдан олдин, булинмада нечта рақам бўлиши кераклигини аниқланг; ечиб бўлгандан кейин текширинг:

$3744 : 18$ $57288 : 44$ $780702 : 78$ $78280 : 38$
 $80730 : 26$ $162072 : 18$ $970582 : 97$ $105300 : 15$


1062. Оғзаки ҳисобланг:

$9648 : 16$ $5075 : 25$ $32080 : 16$
 $3045 : 15$ $6496 : 32$ $68068 : 68$

1063. Нуқталар ўрнига ҳар қандай тўғри келган сонни ёзинг:

$425 \cdot 17 - 425 < 425 \dots$ $148 \cdot 16 > 148 \dots$
 $540 \cdot 42 + 540 \cdot 8 > 540 \dots$ $375 \cdot 10 + 375 \cdot 3 < 375 \dots$

1064. B шаҳар A ва C шаҳарларнинг ўртасига жойлашган. Поезд A ва B шаҳарлар орасидаги масофани соатига 50 км тезлик билан 8 соатда босиб ўтди. Агар поезд соатига 40 км тезлик билан юрса, B дан C гача бўлган масофани неча соатда босиб ўтади?



1065. Самолёт A шаҳардан B шаҳарга қараб учди. Самолёт йўлнинг ярмини 5 соатда соатига 480 км тезлик билан учиб, ерга қўнди. Қолган масофани самолёт 4 соатда учиб ўтди. Қолган масофани у қандай тезлик билан учган? (Чизма чизинг.)



1066. Қуйидаги қисқача ёзувга кўра масала тузинг ва уни ечинг:

1)

Баҳоси	Миқдори	Жами пули
Бир хил	I — 6 стул II — 4 стул	30 сўм x сўм

Стулларнинг жами пулини билдирувчи сонларни қўшинг. 50 сони нимани билдиради?

Янги масали тузинг ва ечинг:

2)

Баҳоси	Миқдори	Жами пули
Бир хил	I — 6 стул II — 4 стул	x_1 } x_2 } 50 сўм

1- масаладан фойдаланиб, ҳар бир харидорнинг неч-та стул сотиб олганини кўрсатувчи сонларни қўшинг. Янги масала тузинг ва уни ечинг:

3)

Баҳоси	Миқдори	Жами пули
Бир хил	$\left. \begin{matrix} x_1 \\ x_2 \end{matrix} \right\} 10$ стул	30 сўм 20 сўм

2 ва 3- масалаларнинг 1- масаладан қандай келиб чиққанини айтиб беринг.

1067. Қуйидаги қисқача ёзувларига кўра учта масала тузинг, чизмасини чизинг ва уларни ечинг:

1)

Тезлик	Вақт	Масофа
Бир хил	7 соат 9 соат	420 км x км

2)

Тезлик	Вақт	Масофа
Бир хил	7 соат 9 соат	$\left. \begin{matrix} x_1 \\ x_2 \end{matrix} \right\} 960$ км

3)

Тезлик	Вақт	Масофа
Бир хил	$\left. \begin{matrix} x_1 \\ x_2 \end{matrix} \right\} 16$ соат	420 км 540 км

Бу учта масала нимаси билан ўхшаш ва нимаси билан фарқ қилади? 2 ва 3- масаланинг ечиш усуллари билан 1- масаланинг ечиш усулининг нимаси ўхшаш?

1068. Ҳисобланг:

$$\begin{array}{ll} 547\,200 : 72 : 25 \cdot 36 & 182\,400 : 24 : 50 \cdot 68 \\ 84\,560 : 28 \cdot 35 \cdot 10 & 35\,750 : 13 \cdot 65 \cdot 10 \end{array}$$

1069. Бўлиш амалини бажаринг ва нима учун сиз бўлишнинг охирига ноллар қўйганингизни айтиб бering.

$$190\,400 : 34 \quad 331\,800 : 42 \quad 12\,040 : 43$$

1070. Бўлишни оғзаки бажаринг:

$$\begin{array}{llll} 11 : 11 & 22 : 11 & 99 : 33 & 66 : 22 \\ 1\,111 : 11 & 222 : 11 & 999 : 33 & 666 : 22 \\ 1\,111 : 11 & 2\,222 : 11 & 9\,999 : 33 & 6\,666 : 22 \end{array}$$

1071. Бўлинма ва қолдиқни топинг:

$$\begin{array}{lll} 12\,925 : 76 & 81\,041 : 45 & 10\,927 : 26 \\ 29\,402 : 84 & 116\,825 : 73 & 155\,816 : 41 \end{array}$$

1072. 207 200 ва 56, 14 050 ва 65 сонлари бўлинмаларининг айирмасини топинг.

1073. 872 ва 35, 907 ва 42 сонлари кўпайтмаларининг йиғиндисини топинг.

1074. Қуйидаги масалаларни ечинг. Уларнинг шартларини ва ечимларини таққосланг:

1) Биринчи отряд бир хил оғирликдаги 3 қоп ёнғоқ терди, учинчи отряд эса 5 та шундай қопда ёнғоқ терди. Улар ҳаммаси бўлиб 144 кг ёнғоқ теришди. Ҳар бир отряд неча килограмм ёнғоқ терган?

2) Биринчи отряд 54 кг, иккинчи отряд эса 90 кг ёнгоқ терди. Ҳаммаси бўлиб 8 қоп ёнгоқ терилди. Ҳар бир отряд неча қоп ёнгоқ терган?

1075. Орасидаги масофа 280 км бўлган икки пристандан бир вақтда бир-бирига қараб иккита моторли қайиқ йўлга чиқди. Қайиқлар 4 соатдан кейин учрашишди. Бир қайиқнинг тезлиги соатига 33 км. Иккинчи қайиқнинг тезлигини топинг.



1076. Содда исмли сонни абстракт сонга қандай қилиб бўлинишини текширинг.

Масала. 24 та болалар кўйлагига 42 м газлама кетди. Битта кўйлакка қанча газлама кетган?

Ечиш.

$$42 \text{ м} : 24 = 1 \text{ м } 75 \text{ см}$$

$$\begin{array}{r} 4200 \text{ см} \mid 24 \\ \underline{180} \\ 120 \\ \underline{0} \end{array} \quad \begin{array}{r} 24 \\ \underline{175 \text{ см}} \end{array}$$

Жавоб. Битта кўйлакка 1 м 75 см газлама кетган.

Масала. 45 м газлама учун 36 сўм тўланди. 1 м газлама қанча туради?

Ечиш.

$$36 \text{ сўм} : 45 = 80 \text{ тийин}$$

$$\begin{array}{r} 3600 \text{ тийин} \mid 45 \\ \underline{80 \text{ тийин}} \end{array}$$

Жавоб. 1 м газлама 80 тийин туради.

1077. Мураккаб исмли сонни абстракт сонга қандай бўлинишини текшириб кўринг.

Масала. 16 жуфт коньки учун мактаб 51 сўм 84 тийин тўлади. Бир жуфт коньки қанча туради?

Ечиш.

51 сўм 84 тийин	16
<u>3 сўм</u>	3 сўм
384 тийин	24 тийин
<u>64</u>	
0	

Жавоб. Бир жуфт коньки 3 сўм 24 тийин туради.

Масала. Чанғичи 35 минутда 8 км 750 м йўл юрди. Чанғичи 1 минутда ўрта ҳисобда қанча масофани босиб ўтган?

Ечиш.

$$8 \text{ км } 750 \text{ м} : 35 = 250 \text{ м}$$

8750 м	35
<u>175</u>	250
0	

Жавоб. Чанғичи 1 минутда 250 м босиб ўтган.

1078. Бўлишни тушунтириб бажаринг:

1) 72 сўм : 16; 350 м : 28; 15 кг : 60; 36 км : 48.

2) 55 т 072 кг : 32; 2 км 325 м : 75;

11 м 700 см : 36; 36 сўм 90 тийин : 18.

3) 248 сўм : 32; 152 км : 32; 14 ц : 35; 18 т : 72.

4) 41 кг 745 г : 15; 9 ц 65 кг : 40;

51 сўм 84 тийин : 16.

5) 15 сўм : 100; 45 сўм : 300; 64 сўм : 800; 25 м : 100.

1079. Пионерлар лагерида 50 пионернинг овқатланишига бир кунда 25 кг нон, 10 кг гўшт, 2 кг ёғ кетади. Битта пионерга қанча нон, қанча гўшт ва қанча ёғ ишлатилади?

1080. Библиотекада 3000 китоб бор эди. Ўқув йилининг охирига бориб китоблар сони 600 та ортди, янги ўқув йилининг бошида эса яна 400 та китоб олинди. Бир катакни 200 та китоб учун олиб, устун шаклида диаграмма чизинг.

1081. Ушбу масаланинг ечилишини кўриб чиқинг: „Совхоз шаҳарга жўнатиш учун 1 т 5 ц олмани ҳар бирига 25 кг дан қилиб яшиқларга жойлади. Нечта яшиқ керак бўлди?“

$$\begin{array}{l} \text{Ечиш. } 1 \text{ т } 5 \text{ ц} : 25 \text{ кг} = 60 \\ \hline 1 \text{ т } 5 \text{ ц} = 15 \text{ ц} = 1500 \text{ кг} \end{array}$$

$$\begin{array}{r|l} 1500 & 25 \\ \hline 155 & 60 \\ \hline & 0 \end{array} \quad \text{Нима учун бўлинувчи (1 т 5 ц) килограммларга майдаланди?}$$

Жавоб. 60 та яшиқ керак бўлди.

1082. Бўлишни бажаринг:

$$\begin{array}{ll} 36 \text{ сўм} : 75 \text{ тийин} & 26 \text{ сўм } 24 \text{ тийин} : 32 \text{ тийин} \\ 72 \text{ м} : 96 \text{ см} & 48 \text{ м } 24 \text{ см} : 36 \text{ см} \\ 18 \text{ кг} : 400 \text{ г} & 7 \text{ ц } 68 \text{ кг} : 48 \text{ кг} \end{array}$$

$$\begin{array}{l} 64 \text{ т} : 3 \text{ т } 2 \text{ ц} \\ 54 \text{ см} : 3 \text{ см } 6 \text{ мм} \\ 12 \text{ м} : 1 \text{ м } 50 \text{ см} \end{array}$$

Биринчи устуннинг учта мисолига содда масалалар тузинг.

1083. Ўқувчилар дўстларига совға қилиш учун 1 килограми 1 сўм 25 тийиндан 8 кг ёнғоқ, 1 килограми 27 тийиндан 12 кг олма ва 1 килограми 74 тийиндан бир неча килограмм майиз олишди. Олинган ҳамма мева учун 19 сўм 90 тийин пул тўлашди. Ўқувчилар неча килограмм майиз олишган?

Олинган майизнинг килограммлар сонини x билан белгилаб, тенглама тузинг ва масалани ечинг.

1084. Пишлоқ пишириш заводида 6 кунда 3 т 240 кг пишлоқ тайёрланади. 1 кг сутдан 90 г пишлоқ чиқади. Бу завод ҳар куни қанча сутни қайта ишлайди?

1085. Булишни бажаринг ва биринчи устундаги мисолларнинг ечилишини текширинг:

57 сўм 80 тийин : 48 тийин	16 т 9 ц : 50 кг
8 дм 16 мм : 6 см 8 мм	36 м : 7 м 2 дм
173 т 6 ц : 2 т 8 ц	10 км 200 м : 600 м
2 м 68 мм : 4 см 7 мм	23 т 800 кг : 800 кг

Ҳар бир устуннинг биринчи мисолига содда масалалар тузинг.

МАШҚ ҚИЛИШ УЧУН ҚЎШИМЧА МАТЕРИАЛ

Оғзаки ҳисоблашга

1086. 1)	14·12	19·12	11·11	15·15	25·12
	16·13	13·15	12·12	16·16	35·13
	15·14	17·11	13·13	17·17	42·12
	12·11	18·12	14·14	18·18	24·14
2)	27·7	50·12	79·8	34·9	120·11
	68·5	40·18	99·7	46·9	140·11
	88·6	30·24	89·6	65·9	150·11
3)	45 : 15	60 : 14	91 : 13	73 : 25	67 : 15
	51 : 17	75 : 15	37 : 12	86 : 34	59 : 23
	72 : 18	98 : 16	85 : 17	92 : 27	76 : 32
	74 : 37	57 : 19	90 : 23	47 : 25	93 : 28
4)	220 : 11	810 : 27	660 : 15	121 : 11	
	360 : 18	450 : 15	880 : 16	144 : 12	
	480 : 24	600 : 12	264 : 12	169 : 13	
	500 : 25	800 : 16	396 : 18	196 : 14	
5)	180 : 13	120 : 8	240 : 24	102 : 6	
	180 : 10	120 : 5	288 : 24	119 : 7	
	870 : 87	129 : 3	320 : 32	114 : 6	
	870 : 10	144 : 8	384 : 32	128 : 8	

6) 3700 · 2	300 · 40	42070 : 7	81081 : 81
5200 · 7	500 : 20	48060 : 6	48024 : 12
4000 · 7	40 · 8000	35005 : 5	75500 : 25
2300 · 4	90 · 700	36012 : 4	24072 : 24

7) а) 660 : 66	540 : 54	280 : 14	16 · 12
· 14	· 26	· 15	+ 3
+ 140	+ 140	- 120	: 25
: 10	: 20	: 15	: 52

6) 12 · 12	15 · 15	401 + 199	800 - 320
+ 156	+ 175	: 12	: 24
: 15	: 20	· 18	· 50
· 9	· 30	: 30	- 630
- 180	- 600	- 28	· 10

1087. Ифодаларнинг ҳар бир жуфтини таққосланг ва аввал ҳисобламасдан, иккинчи ифоданинг қиймати биринчининг қийматидан неча марта кўп ёки кам эканлигини аниқланг. Сўнгра жавобингизни ҳисоблаб, текшириб кўринг.

а) 15 · 6	14 · 5	18 · 4
15 · (6 · 3)	14 · (5 · 4)	18 · (4 · 10)
б) 120 : 8	192 : 16	126 : 6
120 : (8 : 2)	192 : (16 · 2)	126 : (6 : 3)

1088. Биринчи мисолнинг натижасидан фойдаланиб иккинчи мисолнинг натижасини ҳисобланг.

1) $a : b = 120$	$k \cdot n = 900$	$c : k = 300$	$b \cdot c = 450$
$a : (b \cdot 4) =$	$(k : 5) \cdot n =$	$(c \cdot 4) : k =$	$b \cdot (c \cdot 2) =$
2) $k : c = 48$	$a : b = 380$	$c \cdot n = 400$	$b : k = 96$
$(k : 3) : c =$	$a : (b : 2) =$	$c \cdot (n : 8) =$	$(b \cdot 2) : k =$

1089. Тенгликлар қандай ҳосил қилинганлигини тушунтиринг:

$$a \cdot (b \cdot c) = a \cdot b \cdot c$$

$$a : (b \cdot c) = a : b : c$$

1090. Мисолларни энг осон усул билан ечинг:

40·(5·3)	700 : (25·7)	15·(3·6)	560 : (35·8)
9·(12·5)	900 : (50·2)	720 : (9·16)	16·(5·9)
15·(7·4)	640 : (8·16)	35·(2·7)	360 : (15·6)
18·(9·5)	540 : (27·4)	630 : (7·5)	25·(9·4)

1091. Нуқталар ўрнига $>$, $<$ ёки $=$ белгисини қўйинг:

380 : (19·2) ...	380 : 2 : 19	12·(14·5) ...	12·14·5
450 : (15·3) ...	450 : 15·3	15·(4·10) ...	15·4 : 10

Ёзма ҳисоблаш учун

1092.	78·56	458·94	6728·86	27608·96
	59·67	695·87	4507·97	30060·74
	46·61	728·95	1080·76	50700·39

1093.	8988 : 28	5168 : 68	12350 : 19	11951 : 17
	9864 : 35	2772 : 21	22320 : 36	43290 : 18
	9500 : 76	2392 : 46	30100 : 35	14382 : 47

1094. 1) Энг катта беш хонали сон билан энг катта икки хонали соннинг кўпайтмаси қанчага тенг?

2) Энг катта олти хонали сонни энг катта икки хонали сонга бўлишдан чиқадиган бўлинма қанчага тенг?

3) Энг кичик тўрт хонали сонни энг кичик икки хонали сонга бўлишдан чиқадиган бўлинма қанчага тенг?

1095. „Айланма“ мисолларни ечинг:

898982 : 14	64213 + 333595
4324 · 89	384836 + 514146
397808 · 92	

1096.	4 сўм 38 тийин·19	7 кг 305 г · 56
	15 сўм 10 тийин·38	6 км 750 м · 60
	5 м 87 см · 24	
	4 ц 68 кг · 12	

1097. а) 9 м 88 см : 26 9 ц : 15 5 т 576 кг : 68
8 ц 75 кг : 25 4 м : 16 4 км 662 м : 74

б) 80 сўм 50 тийин : 14 1 м 53 см : 4 см 5 мм
77 сўм 40 тийин : 36 38 м 70 см : 8 дм 6 см

8 т : 500 кг

4 км : 200 м

в) 73 м 80 см : 36 + 58 м 56 см : 24

8 т 090 кг : 48 — 6 ц 78 кг : 54

1098. $85 < x < 93$ тенгсизлигида 9 рақами билан тугайдиган номаълум x сонини топинг.

1099. 582 сони ўзига энг яқин қайси сонлар орасида бўлади? Жавобингизни қўш тенгсизлик кўринишида ёзинг.

1100. 125 сони қандай яхлит ўнликлар билан ифодаланган энг яқин сонлар орасида бўлади? Жавобингизни қўш тенгсизлик кўринишида ёзинг.

1101. 1) Тўртбурчакнинг юзи 275 кв. см. Бу юзни квадрат дециметр ва сантиметрларда ифодаланг.

2) Квадратнинг юзи 400 кв. см. Бу юзни квадрат дециметр билан ифодалаганда қанчага тенг бўлади?

1102. Тўғри тўртбурчакни шундай икки тенг қисмга бўлингки, унда:

а) бу қисмларнинг ҳар бири учбурчак бўлсин;

б) бу қисмларнинг ҳар бири тўғри тўртбурчак бўлсин.

1103. Номаълум сонни топинг:

$$24 \cdot x + 36 \cdot 5 = 276 \quad (164 - x) : 8 = 20$$

$$560 : (x - 9) = 56 \quad 540 : x + 37 = 57$$

1104. 100 ни бешта бир ва амал белгисидан фойдаланиб ёзинг.

1105. 3 ни тўртта икки ва амал белгиларидан фойдаланиб ёзинг.

1106. Мактаб боғига экиш учун 18 туп олма ниҳоли, 26 туп олча ниҳоли ва 16 туп нок ниҳоли сотиб олинди. Ҳар бир олма ниҳоли 65 тийин, ҳар бир олча ниҳоли 48 тийиндан. Агар мактаб олинган ҳамма ниҳолларга 29 сўм 30 тийин тўлаган бўлса, бир нок ниҳоли неча тийин турган?

1107. Колхоз бир участкадан 62 ц буғдой ҳосили олди, иккинчи участкадан биринчига қараганда икки баравар кўп ҳосил олди, учинчи участкадан эса биринчи ва иккинчи участкалардан олинган умумий ҳосилга қараганда 4 марта кам ҳосил олди. Олинган ҳамма буғдой қопларга 75 кг дан қилиб солинди. Ҳамма қопларнинг йигирмадан бир қисми тегирмонга жўнатилди. Тегирмонга неча қоп буғдой жўнатилган?

1108. Бир-биридан 148 км масофада бўлган икки темир йўл станциясидан икки поезд бир вақтда бири-бирига қарама-қарши йўналишда жўнаб кетди. Улардан бири соатига 58 км, иккинчиси эса соатига 64 км тезлик билан юрди. Бу поездлар йўлга чиққандан 6 соат кейин бир-биридан қандай масофада бўлади? Масалага чизма ясанг.

1109. А станциясидан соатига 70 км тезлик билан юрадиган скорий поезд йўлга чиқди. Орадан 3 соат ўтгандан кейин шу станциядан қарама-қарши йўналишда соатига 47 км тезлик билан пассажир поезда жўнади. Пассажир поезда жўнагандан 5 соат кейин бу поездлар бир-биридан қандай масофада бўлади? Масалага чизма ясанг.

1110. Мактаб меҳнат дарси учун 40 та қайчи ва 15 та пичоқ сотиб олди. Бир қайчи 70 тийин туради; 2 та қайчи қанча турса, 5 та пичоқ шунча туради. Мактаб қайчи ва пичоқларнинг ҳаммасига қанча пул тўлаган?

1111. 1) Икки пионер отряди қўшни парктаги

498 та дарахтни кўриқлаш мажбуриятини олишди. Агар бир отрядда 43 пионер, иккинчи отрядда 40 пионер бўлиб, дарахтлар пионерлар сонига қараб тақсимланса, ҳар қайси отрядга қанча дарахт тўғри келади?

2) Бу масалага тескари масала тузинг.

1112. 1) Ўқувчиларнинг икки бригадаси 96 қоп картошка ковлашди, бунда бир бригада 2400 кг, иккинчи бригада 2208 кг картошка ковлади. Ҳар қайси бригада неча қоп картошка ковлаган?

2) Бу масалага тескари масалалар тузинг ва уларни ечинг.

1113. Ўқувчилар маккажўхори сўтасининг ўртача огирлигини топиш учун бир нечта сўтани тарозида тортишди. Сўталардан бири 850 г, 3 таси 640 г дан ва 2 таси 460 г дан келди. Битта сўтанинг ўртача огирлиги қанчага тенг?

1114. Маҳмуд ўз қадамининг узунлигини аниқлаш учун ерда 50 м масофани белгилаб олди ва бу масофани 3 марта қадамлаб чиқди. Биринчи марта у 81 қадам, иккинчи марта 79 қадам, учинчи марта 80 қадам чиқарди. 50 м масофа Маҳмуднинг ўртача неча қадамига тўғри келади? Маҳмуднинг бир қадамининг узунлиги қанчага тенг?

Ўз қадамингизнинг ўртача узунлигини шу усул билан аниқланг.

1115. Формулаларга кўра масалалар тузинг:

$$x = (80 \cdot 3 + 75 \cdot 2) : (3 + 2)$$

$$x = (b \cdot a + c \cdot e) : (a + e)$$

1116. Мактабдан станциягача бўлган масофани 4 марта ўлчаб, қуйидаги натижалар ҳосил қилинди: 2648 м, 2656 м, 2662 м, 2678 м. Мактабдан станциягача ўртача масофани топинг.

1117. Шофёр икки жойга бориш учун 1 км йўлга 360 г ҳисобидан бензин олди. У 12 км лик биринчи жойга борганда, ҳар 1 км га 350 г дан, 18 км лик иккинчи жойга борганда, ҳар 1 км га 330 г дан бензин сарфлади. Унинг иккала йўлга боришига 1 км га ўртача қанча бензин сарфланган? Шофёр қанча бензин тежаб қолган?

1118. А пунктдан В пунктигача бўлган масофани велосипедчи соатига ўртача 15 км тезлик билан 4 соатда босиб ўтди. У қайтишда соатига ўртача 12 км дан босди. Велосипедчи қайтишда неча соат йўл юрган?

Масалани турли усуллар билан ечинг. Изланган сонни x ҳарфи билан белгиланг ва бир неча тенглама тузинг.

1119. Қисқа ёзувларига кўра масалалар тузинг ва уларни ечинг:

1)

1 яшигининг оғирлиги	Яшиклар сони	Ҳаммасининг оғирлиги
Бир хилда	10 яшик 6 яшик	x_1 x_2 } 192 кг

2)


1 яшигининг оғирлиги	Яшиклар сони	Ҳаммасининг оғирлиги
Бир хилда	x_1 } x_2 } 16 яшик	120 кг 72 кг

1120. Тенгламалар тузинг ва уларни ечинг:

1) Агар номаълум сонга 10 қўшиб, чиққан натижа 12 га кўпайтирилса, 216 ҳосил бўлади. Номаълум сонни топинг.


2) Агар номаълум сонни 24 га кўпайтириб, чиққан кўпайтмадан 120 олинса, 600 ҳосил бўлади. Номаълум сонни топинг.

1121. Чизмада берилган шаклларнинг юзларини ҳисобланг:



Бунинг учун аввал шаклларни тўғри тўртбурчакларга ажратинг ва керакли ўлчашларни ўтказинг. Шакллардаги ҳамма бурчаклар тўғри бурчаклардир.

1122. Чизмада берилган квадратларнинг юзларини топинг:



УЧ ХОНАЛИ СОНГА КЎПАЙТИРИШ

1123. Кўпайтувчини хона қўшилувчилари йиғиндиси шаклида тасвирланг ва кўпайтиришни оғзаки бажаринг:

$$2 \cdot 324 \quad 3 \cdot 213 \quad 4 \cdot 122$$

Сон йиғиндига қандай кўпайтирилади?

Қондани ҳарфлар ёрдамида ёзинг.

1124. 256 ни 324 га кўпайтириш керак бўлсин дейлик. Кўпайтувчи 324 ни хона қўшилувчилари йиғинди-

си шаклида $(300 + 20 + 4)$ тасвирлаймиз ва берилган сонни шу йнғиндига кўпайтирамиз:

$$256 \cdot 324 = 256 \cdot (300 + 20 + 4) = \\ = 256 \cdot 300 + 256 \cdot 20 + 256 \cdot 4$$

$$\begin{array}{r} \times 256 \\ 300 \\ \hline 76800 \end{array} \quad \begin{array}{r} \times 256 \\ 20 \\ \hline 5120 \end{array} \quad \begin{array}{r} \times 256 \\ 4 \\ \hline 1024 \end{array} \quad \begin{array}{r} 76800 \\ \times 5120 \\ 1024 \\ \hline 82944 \end{array}$$

Бу кўпайтиришни қисқача ёзамиз: тўртала ёзувни битта ёзувга бирлаштирамиз:

$$\begin{array}{r} \times 256 \\ 324 \\ \hline 1024 \\ + 512 \\ 768 \\ \hline 82944 \end{array}$$

Тушунтириш. Аввал 256 ни 4 га кўпайтирамиз. Биринчи тўлиқсиз кўпайтма 1024 ҳосил бўлади. Кейин 256 ни 20 га кўпайтирамиз. Бунинг учун 256 ни 2 га кўпайтириб, ҳосил бўлган кўпайтманинг ўнг томонига бир ноль қўйиш керак, лекин бу нолни ёзмаймиз, унинг ўрнини бўш қолдирамиз, иккинчи тўлиқсиз кўпайтмани эса ўнлар остидан ёза бошлаймиз. Иккинчи тўлиқсиз кўпайтма 512 та ўн ёки 5120. Энди 256 ни 300 га кўпайтирамиз. Бунинг учун 256 ни 3 га кўпайтириб, ҳосил бўлган кўпайтманинг ўнг томонига икки ноль ёзиш кифоя. Нолларни ёзмаймиз, икки ўринни бўш қолдирамиз. Учинчи тўлиқсиз кўпайтмани (768 та юзни) юзлар остидан ёза бошлаймиз. Учала тўлиқсиз кўпайтмани қўшиб, тўлиқ кўпайтмани — 82944 ни ҳосил қиламиз.

1125. Кўпайтиришни тушунтириб бажаринг:

$$243 \cdot 427 \quad 524 \cdot 168 \quad 634 \cdot 216$$

1126. Магазин ҳар бири 236 сўмдан 127 та телевизор сотди. Магазин қанча пуллик телевизор сотган?

Ечилиши.

$$\begin{array}{r}
 \times 236 \\
 126 \\
 \hline
 1416 \\
 472 \\
 236 \\
 \hline
 29736 \text{ (сўм)}
 \end{array}$$

Бу ечилишни кўриб чиқиб, ундан қуйидаги саволларга жавоб топинг: 100 та телевизор қанча туради? 20 та телевизор-чи? 6 та телевизор-чи? 126 та телевизор-чи?


1127. Кўпайтмаларни ҳисоблаб чиқинг.

$$\begin{array}{cccc}
 463 \cdot 241 & 673 \cdot 586 & 604 \cdot 978 & 1609 \cdot 786 \\
 634 \cdot 423 & 895 \cdot 764 & 596 \cdot 397 & 6008 \cdot 378
 \end{array}$$

1128. Вагон қурилиши заводи йилнинг олдинги 6 ойи давомида ойига 395 тадан вагон чиқарди, шундан кейин 4 ой давомида ойига 420 тадан вагон чиқарди. Завод шу вақт давомида ойига ўртача қанчадан вагон чиқарган?

1129. Чизмани дафтарингизга чизинг ва масалаларни оғзаки ечинг:

1) Велосипедчи ва пиёда киши бир-бирига қараб йўлга чиқишди. Велосипедчининг тезлиги соатига 15 км, пиёда юрувчининг тезлиги соатига 5 км. Велосипедчи билан пиёда 1 соатда бир-бирига қанча яқинлашади? 2 соатда-чи? 8 соатда-чи?



2) Велосипедчи ва пиёда юрувчи ўша тезликлари билан қарама-қарши томонга қараб ҳаракат қилишиди. Улар 1 соатда бир-биридан қанча узоқлашади? 2 соатда-чи? 3 соатда-чи? *a* соатда-чи?

1130 (оғзаки). 1) Баҳодир 5 та дафтар олди, Мурод эса шундай дафтардан 3 та олди. Улардан қайси бири дафтар учун кўп пул тўлаган. Баҳодир нечта дафтар учун Мурод тўлаганча пул тўлаган?

2) Баҳодир Муродга қараганда 2 та ортиқ дафтар олди ва Мурод тўлаганидан 8 тийин ортиқ тўлади. Битта дафтар қанча туради?

1131. Уч хонали сонни уч хонали сонга кўпайтиришга доир иккита мисол тузинг ва ечинг.

1132. Мисолларни ечинг: 4 874·6; 385·49; 450·697; 1086·1378. Бу мисолларнинг ечилишида нималар умумий ва нималар фарқ қилади? Иккинчи мисолнинг ечилишида нечта тўлиқсиз кўпайтма бор? Учтинчи мисолнинг ечилишида-чи? Тўрттинчи мисолнинг ечилишида-чи? 10 314·59 682 мисолнинг ечилишида нечта тўлиқсиз кўпайтма бўлади. Тўлиқсиз кўпайтмалар бир-бирининг остига қандай ёзилади?

1133. Масалаларга чизма ясанг ва уларни оғзаки ечинг.

1) Икки велосипедчи бир хил тезлик билан юришли. Биринчиси йўлда 2 соат, иккинчиси 1 соат бўлди. Булардан қайси бири кўп йўл босган? Иккинчи велосипедчи босган йўлни биринчи велосипедчи неча соатда босган?


2) Икки велосипедчи бир хил тезлик билан юришли. Биринчи велосипедчи йўлда 2 соат ортиқ бўлди ва иккинчига қараганда 30 км ортиқ йўл босди. Велосипедчилар қандай тезлик билан юрган?

1134 (оғзаки). Бир станциядан бир вақтда икки

поезд қарама-қарши томонга қараб йўлга чиқди. Бир поезд соатига 50 км тезлик билан, иккинчиси соатига 40 км тезлик билан юрди. Поездлар йўлга чиққандан 4 соат кейин, бир-биридан қандай масофада бўлади?



1135. А станциядан соатига 65 км тезлик билан юрадиган курьер поезда жўнади. Орадан икки соат ўтгач, бу поезд С станцияга келганда, А станциядан соатига 45 км тезлик билан пассажир поезда қарама-қарши томонга қараб жўнади. Пассажир поезда йўлга чиққандан 5 соат кейин поездлар оралиғидаги масофа қанча бўлган?



1136. Ифодаларнинг қийматларини топинг:

1) $a = 375$ бўлса, $684 \cdot a$; 2) $b = 4006$ бўлса, $b \cdot 725$.

1137. Мисолларни ечинг:

476 · 684	482 · 165	73760 : 40	1008 : 18
336 · 745	790 · 389	684000 : 300	2765 : 35

1138. Мисолларнинг ечилишини тушунтиринг:

$$456 \cdot 308 = 456 \cdot (300 + 8)$$

$$\begin{array}{r} \times 456 \\ 308 \\ \hline 3648 \\ 1368 \\ \hline 140448 \end{array}$$

$$279 \cdot 604 = 279 \cdot (600 + 4)$$

$$\begin{array}{r} \times 279 \\ 604 \\ \hline 1116 \\ 1674 \\ \hline 168516 \end{array}$$

Ҳар бир тўлиқсиз кўпайтмани айтинг. Нима учун иккинчи тўлиқсиз кўпайтма биринчи тўлиқсиз кўпайтманинг юзлари остидан бошлаб ёзилган?

Тўлиқ кўпайтмани айтинг.

1139. Тушунтириб (изоҳлаб) ечинг:

$$719 \cdot 506 \quad 948 \cdot 707 \quad 876 \cdot 609$$

1140. Натижаларни ҳисобланг:

$$\begin{array}{llll} 809 \cdot 703 & 724 \cdot 316 & 2\,436 \cdot 8\,004 & 1\,981 : 28 \\ 506 \cdot 908 & 430 \cdot 540 & 1\,209 \cdot 4\,503 & 2\,294 : 36 \\ 108 \cdot 601 & 504 \cdot 480 & 9\,006 \cdot 3\,080 & 3\,728 : 74 \end{array}$$

1141 (оғзаки). 483 сони ҳар қайси ҳолда қандай сонга кўпайтирилганини айтинг.

- 1) $483 \cdot 500 + 483 \cdot 20 + 483 \cdot 4$ 3) $483 \cdot 300 + 483 \cdot 70$
 2) $483 \cdot 700 + 483 \cdot 50 + 483$ 4) $483 \cdot 400 + 483 \cdot 9$

1142. *A* пристандан *B* пристангача бўлган масофа 256 км. *B* пристандан *K* пристангача эса 192 км. Па-



роход бир хил тезликда юриб, *A* пристандан *K* пристангача бўлган йўлни

14 соатда ўтди. Пароход *A* пристандан *B* пристанга неча соатда ва *B* пристандан *K* пристанга неча соатда келган?

1143. Илгарилари завод кунига 196 тадан автомобиль чиқарар эди, ҳозир эса завод 8 кунда илгарилари 12 кунда чиқарадиганича автомобиль чиқаради. Агар бир йилда 308 иш кунни бор деб ҳисобласак, завод йилига қанча автомобиль чиқаради?

1144 (оғзаки). Икки магазинга баравар оғирликда бир неча қоп шакар келтирилди. Биринчи магазинга иккинчисига қараганда 3 қоп ортиқ, яъни 270 кг ортиқ шакар келтирилди. Бир қоп шакарнинг оғирлиги қанча?



1145. 1) Қисқа ёзувига кўра масала тузинг ва уни ечинг:

Баҳоси	Миқдори	Тўланган пули
Бир хилда	I — 5 м II — 9 м	30 сўм x сўм

9 м газмол қанча туради? Жадвалга 54 сонини қўйинг ва ҳар бир тўп газмолнинг умумий пулини билдирадиган сонлар айирмасини топинг.

24 сони нимани билдиради?

2) Қисқа ёзувига кўра янги масала тузинг ва уни ечинг:

Баҳоси	Миқдори	Пули
Бир хилда	I — 5 м II — 9 м	x_1 $x_2 - 24$ сўм ортиқ

1- масаладан фойдаланиб, ҳар бир тўпдаги газмол миқдорини кўрсатувчи сонлар айирмасини топинг. 4 сонни нимани билдиради?

3) Қисқа ёзувига кўра янги масала тузинг ва уни ечинг:

Баҳоси	Миқдори	Тўланган пули
Бир хилда	x_1 $x_2 - 4$ м ортиқ	I — 30 сўм II — 54 сўм

2 ва 3- масалалар 1- масаладан қандай қилиб ҳосил қилинганлигини айтинг. Бу масалалар бир-бирларига нималари билан ўхшайди?

1146. Натижаларни энг осон усул билан топиб, жадвалнинг бўш катакларини тўлдириг.

a	300	301	302	303	304	305
$251 \cdot a$						

1147. Натижаларини ҳисоблаб чиқаринг:

$$\begin{array}{cccc}
 397 \cdot 106 & 481 \cdot 206 & 726 \cdot 5002 & 175\,200 : 300 \\
 236 \cdot 402 & 574 \cdot 309 & 175 \cdot 3005 & 251\,400 : 700
 \end{array}$$

1148. Завод планга кўра кунига 84 тадан тикув машинаси чиқариши керак. Лекин ишчилар меҳнат унумдорлигини ошириб, планга кўра 10 кунда чиқариши керак бўлган машиналарни бир ҳафтада (6 иш кунида) чиқаришди. Агар бир йилда 307 иш кунни бор десак, завод бир йилда қанча тикув машинаси тайёрлаб чиқаради?

1149. Қисқа ёзувларига кўра учта масала тузинг ва уларни ечинг:

1)

Бир яшигининг оғирлиги	Яшиklar сони	Ҳаммасининг оғирлиги
Бир хилда	I — 15 яшиk II — 10 яшиk	120 кг x кг

2)

Бир яшигининг оғирлиги	Яшиklar сони	Ҳаммасининг оғирлиги
Бир хилда	I — 15 яшиk II — 10 яшиk	x_1 — 40 кг ортиқ x_2

3)

Бир яшигининг оғирлиги	Яшиklar сони	Ҳаммасининг оғирлиги
Бир хилда	x_1 — 5 яшиk ортиқ x_2	I — 120 кг II — 80 кг

2 ва 3- масалаларнинг ечилишларини таққосланг.

1 ва 2- масалаларнинг ечилишларини таққосланг.

2 ва 3- масалалар 1- масаладан қандай ҳосил қилинган?

1150. Фабрика магазинга ҳар бирининг баҳоси 16 сўму 48 тийиндан 2008 та кўйлак етказиб берди. Фабрика магазинга қанча пуллик кўйлак етказиб берган?

Ечилиши. \times 1648 тийин

2008

13184

3226

33091 84 тийин = 33091 сўму 84 тийин.

Иккинчи тўлиқсиз кўпайтмадаги 6 рақами нима учун биринчи тўлиқсиз кўпайтманинг ўнлари остига ва юз-

лари остига ёзилмасдан, балки минглари остига ёзилганлигини тушунтиринг.

Биринчи тўлиқсиз кўпайтмани ўқинг. Иккинчи тўлиқсиз кўпайтмани ўқинг.

1151. Ҳисобланг:

$$18 \text{ сўм } 35 \text{ тийин} \cdot 724 \quad 2 \text{ т } 450 \text{ кг} \cdot 508$$

$$27 \text{ сўм } 06 \text{ тийин} \cdot 325 \quad 4 \text{ км } 375 \text{ м} \cdot 203$$

1152. Ҳарфларнинг берилган қийматларида ифодаларнинг қийматларини топинг:

1) $128 \cdot a + 306 \cdot b$, $a = 400$, $b = 326$,

2) $6708 \cdot a - 719 \cdot b$, $a = 508$, $b = 240$.

1153. Масалани тенглама тузиб ечинг.

1 км 850 м узунликдаги йўлни икки бригада асфальтлади. Улар ишни бир вақтда йўлнинг икки бошидан бошлаб, бир-бирларига қараб асфальт ётқизиб келишди ва 10 кундан кейин учрашишди. Биринчи бригада кунига 85 м дан асфальт ётқизди. Иккинчи бригада кунига неча метр йўлга асфальт ётқизган?



1154. Ҳар бир олдинги мисолнинг натижасидан фойдаланиб, кейинги мисолнинг натижасини топинг:

$$46 \cdot 10 \quad 62 \cdot 10 \quad 76 \cdot 10 \quad 90 \cdot 10 \quad 23 \cdot 10$$

$$46 \cdot 5 \quad 62 \cdot 5 \quad 76 \cdot 5 \quad 90 \cdot 5 \quad 23 \cdot 5$$

Сиз 5 га қандай қилиб кўпайтирдингиз?

1155. Ёзувларни тугалланг:

$$24 \cdot 5 = 24 \cdot 10 \dots \quad 44 \cdot 10 : 2 = 44 \dots \quad 52 \cdot 5 = 52 \cdot 10 \dots$$

$$32 \cdot 5 = 32 \cdot 10 \dots \quad 68 \cdot 10 : 2 = 44 \dots \quad 86 \cdot 10 : 2 = 86 \dots$$

1156. Кўпайтиришни оғзаки бажаринг:

$$14 \cdot 5 \quad 48 \cdot 5 \quad 31 \cdot 5 \quad 39 \cdot 5$$

$$27 \cdot 5 \quad 92 \cdot 5 \quad 41 \cdot 5 \quad 41 \cdot 5$$

1157. Ўқувчиларнинг бир бригадаси 50 қоп, иккинчи бригадаси эса 40 қоп картошка ковлади; шунда биринчи бригада иккинчига қараганда 192 кг кўп картошка ковлади. Ҳар қайси бригада неча килограмм картошка ковлаган?

1158. Кондитер фабрикаси бир куни 800 кг печений тайёрлади, иккинчи куни эса 900 кг печений тайёрлади. Бу печенийлар яшикларга жойлаганда, биринчи куни иккинчи кунга қараганда 10 яшик кам печений тайёрланганлиги маълум бўлди. Фабрика ҳар қайси куни неча яшик печений тайёрлаган?

1159. Расмда бир-биридан маълум бир масофада кетаётган икки автомашина тасвирланган. Кейинги машина олдингисини қувиб етадими? Нима учун?



Соатига 75 км



Соатига 60 км

1160. Расмда олдинда автомашина, кейинда велосипедчи тасвирланган. Велосипедчи 1 соатда автомашинадан неча километр орқада қолади?



Соатига 20 км



Соатига 65 км


1161. Икки отлиқ шаҳардан бир вақтда чиқиб, иккаласи ҳам бир йўлдан кетишди. Биринчи отлиқнинг тезлиги соатига 13 км 500 м, иккинчи отлиқнинг тезлиги соатига 11 км. Иккинчи отлиқ 1 соатда биринчи отлиқдан неча километр орқада қолади? Биринчи от-

лик 2 соатда иккинчи отлиқдан қанча ўтиб кетади?
3 соатдан кейин улар орасидаги масофа қанча бўлади?

1162. Натижаларни ҳисобланг:

5 400 · 305 201 000 — 24 · 509 67 сўм 20 тийин : 70
2 700 · 470 600 100 — 80 · 490 46 сўм 80 тийин : 51

1163. Тўғри бурчак ташкил қилувчи томонлари 3 см ва 4 см бўлган тўғри бурчакли учбурчак чизинг. Тўғри бурчакли учбурчакнинг ҳар бир томонига квадрат чизинг. Ҳар бир квадратнинг юзини ҳисобланг. Иккита кичик квадрат юзларининг йиғиндисини топинг ва уни катта квадратнинг юзи билан таққослаб кўринг.



Бу ерда кичрайтириб берилган чизма намуна-сига қараб чиқинг.

1164. Масалаларга чизма ясанг ва уларни ечинг:

1) Ит қуёнини қувмоқда. Қуёнинг тезлиги секундига 12 м, итнинг тезлиги эса секундига 15 м. Ит 1 секундда қуёнга қанча яқинлашади?

2) Ит билан қуён орасидаги масофа 360 метр бўлганда, ит қуёнини қува бошлади. Неча секунддан кейин ит қуёнини қувиб етади?

1165. Ораларидаги масофа 48 км бўлган икки пристандан бир вақтда дарё оқимиغا қараб ўзи юрар баржа ва „Ракета“ теплоходи жўнади. Баржанинг тезлиги соатига 20 км, „Ракета“нинг тезлиги соатига 60 км. Неча соатдан кейин теплоход баржани қувиб етади?

1166. Чизмага кўра масала тузинг ва уни ечинг.

Соатига 15 км

Соатига 12 км



1167. Биринчи мисолнинг натижасидан фойдаланиб, иккинчи мисолнинг жавобини топинг:

12 · 100 16 · 100 27 · 100 31 · 100

12 · 50 16 · 50 27 · 50 31 · 50

50 га қандай кўпайтирдиз?

1168. Оғзаки ҳисобланг:

18 · 50 28 · 50 42 · 50 23 · 5 38 · 5

32 · 50 34 · 5 54 · 5 46 · 50 28 · 50

1169. Мисолларни ечинг:

3700 · 504 428 · 5090 572 · 4070 45386 : 54

7800 · 302 767 · 6010 394 · 8020 25042 : 32

ЮЗНИ ҲИСОБЛАШ (квадрат метр билан)

1170. Турар жойлар, томорқалар ва шу кабилар юзларини ўлчаш учун квадрат метрдан фойдаланилади.

Квадрат метр — томони 1 метрга тенг бўлган квадратдир.

1171. Синф доскасига 1 метрни ва 1 квадрат метрни чизинг. Чизиқли метр билан нима ўлчанади ва квадрат метр билан нима ўлчанади?

1172. Ҳисоблаб чиқинг: а) 1 кв. метрда неча квадрат дециметр бор? б) 1 кв.м да неча квадрат сантиметр бор?

1173. Жадвални тузинг ва уни ёзиб олинг:

1 кв. м = 100 кв. дм

1 кв. дм = 100 кв. см

1 кв. м = 10000 кв. см

1174. 1) 6 кв. м да неча квадрат дециметр бор? 8 кв. м да-чи? 10 кв. м да-чи? 15 кв. м да-чи? 5 кв. м 75 кв. дм да-чи?

2) 3 кв. м да неча квадрат сантиметр бор? 7 кв. м да-чи? 9 кв. м да-чи? 18 кв. м да-чи?

1175. Масалаларни ечинг: 1) Залнинг узунлиги 15 м, эни 9 м. Залнинг юзини ҳисобланг. 2) Залнинг юзи 135 кв. м, узунлиги 15 м. Залнинг кенглиги қанчага тенг? 3) Залнинг юзи 135 кв. м, унинг кенглиги 9 м. Залнинг узунлиги қанчага тенг?

Иккинчи ва учинчи масалани биринчи масалага нисбатан қандай аташ мумкин?

1176. Жадвалга кўра масалалар тузинг ва уларни ечинг:

Узунлиги (a)	Кенглиги (b)	Юзи (S)
12 м	3 м	36 кв. м
a м	3 м	36 кв. м
12 м	b м	36 кв. м

Юзни ҳисоблаш формуласини ёзинг.

1177. $840 \cdot 406 : 24$ $4024 \cdot 350$ $524702 : 48$
 $702 \cdot 280 : 90$ $7005 \cdot 207$ $845380 : 73$

1178. Мотоциклчи ўздан 30 км масофада кетаётган юк машинаси орқасидан бормоқда. Автомашинанинг тезлиги соатига 45 км, мотоциклнинг тезлиги эса соатига 50 км. Мотоциклчи неча соатдан кейин автомашинага етиб олади?



1179. а) квадрат дециметрларга айлантинг: 8 кв.м; 14 кв.м; 26 кв.м; 40 кв.м; 6 кв.м; 35 кв.дм; 18 кв.м; 70 кв.дм;

б) квадрат сантиметрларга айлантинг: 5 кв. дм; 10 кв. дм; 13 кв. дм; 22 кв. дм; 68 кв. см; 30 кв. дм; 80 кв. см; 7 кв. м; 3 кв. м; 10 кв. м; 5 кв. м; 4 кв. м; 2 кв. м 650 кв. см

1180. а) квадрат метрларга айлантинг: 200 кв. дм; 400 кв. дм; 800 кв. дм; 640 кв. дм; 990 кв. дм; 1000 кв. дм; 2000 кв. дм; 4600 кв. дм; 5800 кв. дм;

б) квадрат дециметрларга айлантинг: 100 кв. см; 300 кв. см; 600 кв. см; 720 кв. см; 805 кв. см; 1000 кв. см; 5000 кв. см; 8200 кв. см.

1181. Синф хонасининг узунлиги 9 м, эни 6 м. Синфда 36 ўқувчи бор. Бир ўқувчига қанча юз тўғри келади? Натижани квадрат метр ва дециметр билан ифодаланг.

1182. Картошка экилган майдоннинг узунлиги 120 м га тенг бўлиб, унинг энидан 30 м узун. Майдоннинг юзи қанчага тенг?

1183. Мисолларни энг қулай усуллар билан ечинг:

17·100	24·100	32·100	48·100	64·100
17·25	24·25	32·25	48·25	64·25

25 га қандай кўпайтирилади?

1184. Оғзаки ҳисобланг:

24·25	28·25	36·25	14·25	34·35
-------	-------	-------	-------	-------

1185. Ҳисобланг:

395·4070	8561 : 45	500200 — 67·304
509·3200	6682·37	25738 + 750·804

1186. Шаҳарда квадрат шаклда истироҳат боғи барпо қилинди. Истироҳат боғи томонининг узунлиги 100 м. Боғнинг юзи қанча квадрат метрга тенг? Бу боғ айла-

насининг узунлиги қанча? 1 см да 20 м масштаб олиб, боғнинг чизмасини чизинг.

1187. Ҳовли квадрат шаклида бўлиб, унинг томони 25 м. Ҳовлининг юзини ҳисобланг ва ҳамма томонлари узунлиги йиғиндисини топинг.

1188. Квадратнинг юзи 81 кв.м га тенг. Квадратнинг бир томони қанчага тенг? (Жавобни сонларни танлаш йўли билан топинг.)

1189. Деразанинг бўйи 1 м 9 см, эни 1 м 18 см. Деразанинг юзини ҳисобланг ва уни квадрат дециметр билан ифодаланг.

Агар тўғри тўртбурчакнинг томонлари турли ўлчов бирликлари билан ифодаланган бўлса (масалан, узунлиги метр билан, кенглиги дециметр билан ўлчанган бўлса), юзни ўлчаш учун берилган сонларни кўпайтиришдан олдин нима қилиш керак?

1190. Узунлиги 1 км 250 м, кенглиги 24 м лик кўчага асфальт ётқизилди. Ҳар 100 кв.м га 3 т 900 кг дан асфальт кетди. Бу кўчага қанча тонна асфальт кетган?

1191. Бир далага экиш учун 45 қоп, иккинчи далага 69 қоп буғдой келтирилди. Иккинчи далага келтирилган буғдой биринчига келтирилгандан 1 т 920 кг ортиқ. Иккала далага келтирилган буғдойнинг умумий оғирлигини топинг.

1192. Оғзаки ҳисобланг:

42·25	84·50	72·25	70·50
32·50	17·5	14·5	18·25
44·5	28·25	18·50	31·5

1193. Тенгламаларни ечинг:

- 1) $186 + 10 \cdot x = 1296 - 200$ 3) $5 \cdot x - 215 = 678 + 267$
2) $(x + 75) \cdot 9 = 927$ 4) $400 \cdot (x - 80) = 96000$

МАШҚ ҚИЛИШ УЧУН ҚЎШИМЧА МАТЕРИАЛ

Оғзаки ҳисоблаш учун

1194.	1) 36·5	17·5	126·5	115·5
	44·5	39·5	148·5	127·5
	74·5	47·5	175·5	163·5
2)	12·25	13·25	14·22	58·25
	16·25	15·25	27·25	33·25
	28·25	25·25	32·25	48·25
3)	18·50	22·50	35·50	40·50
	15·50	29·50	37·50	54·50
4)	125 : 5	20 : 50	125 : 25	375 : 25
	145 : 5	350 : 50	150 : 25	425 : 25
	265 : 5	1250 : 50	175 : 25	475 : 25
	335 : 5	1850 : 50	200 : 25	500 : 25

1195. Сонларнинг ўрта арифметиғини топинг:

- | | |
|-----------------|---------------------|
| а) 28 ва 36 | г) 146, 180 ва 155 |
| б) 140 ва 180 | д) 18, 24, 21 ва 17 |
| в) 46, 40 ва 49 | е) 34, 36, 38 ва 32 |

1196. Сонларнинг касрини топинг:

- 1) 48; 64; 100; 128; 160 сонларининг $\frac{1}{2} \left(\frac{1}{4} \right)$ бўлагини;
- 2) 60; 75; 95; 125; 400 сонларининг $\frac{1}{5}$ бўлагини;
- 3) 32; 56; 88; 120; 168; 400 сонларининг $\frac{1}{8}$ бўлагини;
- 4) 90; 170; 540; 1200; 1000 сонларининг $\frac{1}{10}$ бўлагини.

1197. 1) Квадрат дециметр билан ифодаланг: 6 кв. м, 8 кв. м, 13 кв. м, 17 кв. м.

2) Квадрат сантиметр билан ифодаланг: 4 кв. дм; 9 кв. дм; 14 кв. дм; 26 кв. дм.

1198. Неча квадрат метр бор: 200 кв. дм да? 400 кв. дм да? 900 кв. дм да? 1100 кв. дм да? 1500 кв. дм да?

1199. Бир томони 10 м (11 м, 12 м, 13 м, 14 м, 15 м) бўлган квадратнинг юзини ҳисобланг.

1200. Тўғри тўртбурчак шаклидаги пуштанинг юзи 15 кв. м. Бу юзни квадрат дециметр билан ифодаланг.

1201. Амалларни оғзаки бажариб, жадвалнинг буш катакларини тўлдилинг:

a	44	38	53	35	73	69	36	27
b	7	8	8	8	9	9	7	8
$a \cdot b$								

1202. Кўпайтмаларни таққосланг:

- 1) $36 \cdot 24$ ва $39 \cdot 24$;
- 2) $120 \cdot 46$ ва $120 \cdot 50$;
- 3) $25 \cdot 32$ ва $24 \cdot 33$.

Ҳар бир жуфтда қайси кўпайтма ортиқ (катта)? Қанча ортиқ ёки кам?

1203. Бўлинмаларни таққосланг:

- 1) $400 : 5$ ва $250 : 5$
- 2) $324 : 18$ ва $324 : 12$
- 3) $240 : 12$ ва $240 : 8$

Ҳар бир жуфтда қайси бўлинма катта? (Ортиқ?) Нима учун? Қанча ортиқ?

1204. Икки усул билан ечинг:

- 1) $160 : 4 + 140 : 4$ $120 \cdot 3 + 180 \cdot 3$
 $360 : 15 + 150 : 15$ $720 : 8 - 560 : 8$

$$90 \cdot 7 - 60 \cdot 7$$

$$230 \cdot 2 + 270 \cdot 2$$

$$2) (24 + 176) \cdot 5 \quad (370 + 130) \cdot 4 \quad (1200 + 9) \cdot 5$$

$$(115 + 85) \cdot 3 \quad (400 + 90) \cdot 3 \quad (100 + 75) \cdot 4$$

1205. a нинг жадвалда берилган қийматларида $(a + 6) \cdot 4$ кўпайтмани топинг.

a	0	10	20	30	50	120	240	500
$(a + 6) \cdot 4$								

1206. Жадвалда k нинг қийматини топинг:

k	0							
$(k + 50) \cdot 3$	150	180	270	390	450	600	960	1200

1207. Тўққизта рақамни ёзинг: 1 2 3 4 5 6 7 8 9. Бу рақамларнинг тартибини ўзгартмасдан, улар орасига плюс ва минус белгиларидан учасини шундай қўйингки, натижада 100 ҳосил бўлсин.

1208. Тўртта тўрт, амал белгилари ва қавслар ёрдамида 3 жавобини ҳосил қилинг.

1209. Қуйидаги тенгламаларда ҳарфлар қандай сон қийматига эга бўлади?

$$1) 36 \cdot a = a \quad 2) 10 \cdot a = 10 \quad 3) 12 \cdot a = a \cdot 12$$

$$a \cdot a = a \quad 49 \cdot a = 0 \quad a + a = a + 8$$

$$a + a = a \quad a \cdot 0 = 0 \quad 2 \cdot a = a + 5$$

1210. Энг кичик тўрт хонали сон билан энг катта икки хонали сон кўпайтмаси қанчага тенг?

1211. Энг катта уч хонали сонни энг катта бир хонали сонга бўлишдан чиқадиган бўлинма қанчага тенг?

1212. Ҳисобланг:

$$160 \cdot 0 \cdot 120 = \quad 70 + 80 + 0 =$$

$$70 \cdot 80 \cdot 0 = \quad 70 + 80 \cdot 0 =$$

1213. Ҳарфлар ёрдамида кўпайтманинг шундай хос-
сасини ёзингки, ундан фойдаланиб, қуйидаги мисоллар-
ни ечиш қулай бўлсин:

$$25 \cdot 36 \cdot 4 \quad 25 \cdot 137 \cdot 8 \quad 75 \cdot 16 \cdot 4$$

$$125 \cdot 16 \cdot 4 \quad 125 \cdot 24 \cdot 9 \quad 16 \cdot 12 \cdot 5$$

$$118 \cdot 8 \cdot 125 \quad 4 \cdot 96 \cdot 250 \quad 15 \cdot 16 \cdot 4$$

1214. Жадвалга кўра мисоллар тузинг ва уларни
ечинг:

a	140	120	150	160	180	125	200
b	7	6	5	4	2	5	4
$a \cdot b + a : b$							

1215. Огзаки ечинг:

$$11 : 11 \quad 44 : 22 \quad 99 : 33$$

$$111 : 11 \quad 444 : 22 \quad 999 : 33$$

$$1111 : 11 \quad 4444 : 22 \quad 9999 : 33$$

$$11111 : 11 \quad 44444 : 22 \quad 99999 : 33$$

$$111111 : 11 \quad 444444 : 22 \quad 999999 : 33$$

1216. Қуйидаги мисолларда x нимани билдиради ва
унинг қийматини қандай топниш мумкин?

$$(x \cdot 32) + 100 = 420 \quad (90 - x) + 60 = 150$$

$$(12 \cdot x) + 96 = 192 \quad (x : 12) + 199 = 211$$

Ёзма ҳисоблаш учун

1217. Мисолларни бундай тартибда ечинг: олдин
биринчи мисолни ечинг, сўнгра биринчи сони олдин

ечилган мисолнинг натижаси билан мос келадиган мисолни олиб ечинг ва шундай давом эттиринг:

$$\begin{array}{ll} 194845 : 35 & 678 \cdot 97 \\ 12882 : 19 & 5567 \cdot 26 \\ 144742 - 131860 & 65766 + 129079 \end{array}$$

1218. Йигиндини сонга кўпайтириш қондасини ҳарфлар ёрдамида ёзинг. Амалларни икки усул билан бажарган ҳолда, бу қондани ёзма ҳисоблашга қўлланинг:

$$\begin{array}{ll} (306 + 294) \cdot 507 & (400 + 16) \cdot 20 \\ (103 + 387) \cdot 680 & (10 + 50) \cdot 30 \\ (657 + 274) \cdot 806 & (25 + 200) \cdot 40 \end{array}$$

1219. Йигиндини ва айирмани сонга бўлиш қондаларини ҳарфлар ёрдамида ёзинг. Амалларни икки усул билан бажарган ҳолда, бу қондаларни ёзма ҳисоблашга қўлланинг:

$$\begin{array}{ll} (4848 - 288) : 48 & (3584 + 768) : 64 \\ (7236 - 252) : 36 & (4320 + 1728) : 96 \end{array}$$

1220. Агар $a = 3809$, $b = 470$ бўлса, $a \cdot b$ кўпайтма қанчага тенг бўлади?

Агар $c = 46050$, $e = 352$ бўлса, $c \cdot e$ кўпайтма қанчага тенг бўлади?

Агар $k = 3819$, $m = 67$ бўлса, $k : m$ бўлинма қанчага тенг бўлади?

1221. Қайси сон 399 дан катта ва 401 дан кичик? Жавобингизни қўш тенгсизлик кўринишида ёзинг:

1222. Кесмаларни кўз билан чамалаб таққослаб кўринг.

a *k* *c*

Таққослаш натижаларини тенгсизлик шаклида икки усулда: 1) энг катта кесмадан бошлаб ва 2) энг кичик кесмадан бошлаб ёзинг.

1223. Тенгламалардаги x ни топинг:

$$\begin{aligned} 38 \cdot x + 42 &= 80 & (125 \cdot 4 \cdot x) + 396 &= 396 \\ x \cdot 18 + 45 \cdot 5 &= 243 & 30 \cdot 40 - 60 \cdot 20 + x &= 112 \end{aligned}$$

1224. Жадвални кўчириб олиб, унинг бўш каттакларини тўлдириг:

Тўғри тўртбурчакнинг узунлиги	Тўғри тўртбурчакнинг кенглиги	Тўғри тўртбурчакнинг юзи	Тўғри тўртбурчакнинг периметри
14 см	6 см		
15 см	12 см		
20 см	b	200 кв. см	
16 м	b	176 кв. м	
a	8 м	128 кв. м	
a	12 см	180 кв. см	

1225. 1) а) 360 480 нинг $\frac{1}{12}$ қисмини топинг; б) 2005 нинг $\frac{1}{5}$ қисмини топинг.

2) Номаълум бир соннинг $\frac{1}{8}$ қисми 1356 га тенг. Бу сон қанчага тенг?


3) Уйланган соннинг $\frac{1}{15}$ қисми 2060 га тенг. Қандай сон уйланган?

1226. $OK = 4$ см кесмани чизинг. O нуқта айлананинг маркази. Шундай айлана чизингки, у OK кесма-

ни кесиб ўтмасин. Бу айлана радиусининг узунлиги тўғрисида нима дейиш мумкин?

1227. $AB = 6$ см кесмани чизинг. Бу кесманинг ўртаси O нуқтани топинг. Бу O нуқта айлананинг маркази бўлсин. Айлана кесманинг учларидан, яъни A ва B нуқталардан ўтиши учун унинг радиуси қанча узунликда бўлиши керак?

1228. 1 ва 2- шакллар устига палетка қўйилган, унинг ҳар бир катаги 1 кв. см ни билдиради. Бу шаклларнинг юзларини топинг.




Юқоридаги (3, 4, 5-) шакллар устига ҳам палетка қўйиб, уларнинг юзларини ҳисобланг.

1229. A шаҳридан B шаҳрига қараб соатига 15 км тезлик билан велосипедчи жўнади. 4 соатдан кейин ўша A шаҳридан яна ўша йўналишда соатига ўртача 45 км тезлик билан мотоциклчи жўнади. Мотоциклчи неча соатдан кейин велосипедчига етиб олди?

1230. Шаҳардан колхозга юк машинаси соатига ўртача 45 км тезлик билан жўнаб кетди. 2 соатдан ке-

Йин шу шаҳардан ўша йўналишда соатига 60 км тезлик билан енгил машина жўнади. Неча соатдан кейин ва шаҳардан қанча масофада енгил машина юк машинасини қувиб етади?



1231. Икки шаҳар орасидаги масофа 800 км бўлиб, бу шаҳарлардан бир вақтда икки поезд бир-бирига қараб йўлга чиқди. Бир поезднинг тезлиги соатига 48 км, иккинчи поезднинг тезлиги соатига 52 км. Поездлар учрашиб ўтгандан 2 соат кейин бир-биридан қандай масофада бўлади?

1232. Юк машинаси 15 соатда 579 км йўл босиши керак эди. У 9 соат қишлоқ йўлидан соатига 35 км тезлик билан юриб, кейин катта асфальт йўлга чиқди. Машина юкни ўз вақтида етказиб бериш учун, тезлигини соатига неча километр ошириши керак?

1233. Комсомоллар ва пионерлар узунлиги 72 м, кенлиги 48 м ли боғ барпо қилиб, унинг атрофини ихота қилиб ўрадилар. Ихотанинг узунлиги қанчага тенг? Боғнинг юзини ҳисобланг.

1234. Гулзор квадрат шаклида бўлиб, унинг периметри 96 м га тенг. Гулзорнинг юзини ҳисобланг.

1235. Квадратнинг бир томони 56 см га тенг. Квадратнинг периметрини ҳисобланг. Унинг юзини ҳисобланг.

1236. Кутубхона учун 24 та ва ошхона учун 36 та бир хил баҳода стуллар сотиб олинди. Ҳамма стул

учун 270 сўм тўланди. Ошхонага олинган стуллар учун қанча пул, кутубхонага олинган стуллар учун қанча пул тўланган?

1237. Фабрика январда 4758 *m* қоғоз чиқарди, февралда эса ундан 366 *m* кам қоғоз чиқарди. Январь ва февралда ҳаммаси бўлиб 50 иш куни бўлса, фабрика бу ойларнинг ҳар бирида неча кун ишлаган?

1238. Магазинга 2400 жуфт пойабзал келтирилди. Биринчи куни ҳамма келтирилган пойабзалнинг $\frac{1}{8}$ қисми, иккинчи куни эса қолган пойабзалнинг $\frac{1}{3}$ қисми сотилди. Иккинчи куни неча жуфт пойабзал сотилган?

1239. Боғ квадрат шаклида бўлиб, томонларининг йиғиндиси 360 *m* га тенг; боғнинг $\frac{2}{3}$ қисмини олма дарахтлари банд қилган. Ҳар бир туп олмага 36 *кв. м* ер тўғри келади. Боғда неча туп олма бор?

1240. Бир харидор 250 *г* сариеғ олди, иккинчи харидор ўша нархда $\frac{1}{4}$ *кг* сариеғ олди. Биринчи харидор олган ёғи учун 72 тийин тўлади. Иккинчи харидор қанча тўлаши керак?


1241. Моторли қайиқ пристандан дарёнинг қуйи томонига 18 *км* сузди, сўнгра юқори томонига 30 *км*, сўнгра яна қуйи томонига 22 *км* сузди. Энди қайиқ пристандан қанча масофада бўлди? (Бу масалага чизма ясанг.)

1242. Икки бочкада 100 *л* дан керосин бор. Биринчи бочкадан бир неча литр керосин олинди, иккинчисидан эса биринчи бочкада қолганича керосин олинди. Иккала бочкада неча литр керосин қолди?

Бу масаланинг саволига тўла жавоб ёзинг.

Биринчи бочкадан, масалан, 30 л керосин олинган деб, ҳисоблаш йўли билан ўз жавобингизни текшириб кўринг.

1243. Икки вазанинг ҳар бирида 16 тадан олма бор эди. Биринчи вазадан бир қанча олма олингандан кейин, унда қанча қолган бўлса, иккинчи вазадан шунча олма олинди. Иккала вазадақанча олма қолди?



1244. Харидор олган нарсалари учун 19 сўм тўлаши керак. Унда фақат уч сўмликлар бор, кассирда эса фақат беш сўмликлар бор. Харидор шу пуллари билан тўлаши керак бўлган пулни тўлай оладими ва қандай қилиб тўлайди?


1245. СССРда кўмир қазиб чиқариш (миллион тонна ҳисобида) диаграммасидан фойдаланиб, 1965 йили 1950 йилга ва 1940 йилга қараганда неча миллион тонна кўп кўмир қазиб чиқарилганлигини ҳисобланг.

КАСРЛАР

1246. Кесма неча тенг бўлакка бўлинган? Кесманинг тўртдан бир бўлагини кўрсатинг. Тўртдан икки (тўртдан уч, тўртдан тўрт) бўлагини кўрсатинг. Кесманинг тўртдан тўрт бўлагини бошқача нима деб айтиш мумкин?




1247. Ҳар бир доира неча тенг бўлакка бўлинганлигини санаб чиқинг. Ҳар бир доирада унинг нечта саккиздан бир бўлаги штрихланган?



Чизиқ остидаги сон доиранинг неча тенг бўлакка бўлинганлигини, чизиқ устидаги сон эса доиранинг тенг бўлакларидан (улушларидан) нечаси олинганлигини кўрсатади.

1248. Касрларни ўқинг ва улар қандай ҳосил қилинганлигини тушунтиринг.



1249. Тўғри тўртбурчакнинг қандай бўлаги штрихланганлигини ёзинг.



1250. Кесмани тенг 10 бўлакка бўлинг ва бу кесманинг $\frac{1}{10}$ бўлагини ($\frac{3}{10}$, $\frac{7}{10}$, $\frac{9}{10}$ бўлагини) кўрсатинг.

1251. Кесмада унинг $\frac{1}{9}$ бўлагини ($\frac{2}{9}$, $\frac{7}{9}$, $\frac{8}{9}$ бўлагини) кўрсатинг.

1252. Итернат-мактабга 40 та пальто ва шунча қизлар кўйлаги олинди. Бир пальто 51 сўм, қизлар кўйлаги эса ундан 3 барабар арзон туради. Пальто ва куйлақларнинг ҳаммаси учун қанча пул тўланган? (Турли усуллар билан ечинг.)

1253. Жадвални чизинг ва тўлдиринг.

k	410	411	412	413	414
$374 \cdot k - 45 \cdot 278$					

Айрма қандай ўзгаради?



1254. Расмда кўрсатилгандек қилиб, 4 та тўғри тўртбурчак чизинг.

1							
$\frac{1}{2}$				$\frac{1}{2}$			
$\frac{1}{4}$		$\frac{1}{4}$		$\frac{1}{4}$		$\frac{1}{4}$	
$\frac{1}{8}$	$\frac{1}{8}$	$\frac{1}{8}$	$\frac{1}{8}$	$\frac{1}{8}$	$\frac{1}{8}$	$\frac{1}{8}$	$\frac{1}{8}$

Биринчи тўғри тўртбурчакни бутунлигича қолдиринг, иккинчисини тенг 2 бўлакка, учинчисини тенг 4 бўлакка, тўртинчисини тенг 8 бўлакка бўлинг. Бутун тўғри тўртбурчакни кўрсатинг, тўғри тўртбурчакнинг $\frac{1}{2}$ ни ($\frac{1}{4}$ ни, $\frac{1}{8}$ ни) кўрсатинг.

Бутун тўғри тўртбурчакда нечта ярим бор? Нечта тўртдан бир бўлак, нечта саккиздан бир бўлак бор?

Яримда нечта тўртдан бир бўлак бор? Яримда нечта саккиздан бир бўлак бор?

Тўртдан бирда нечта саккиздан бир бўлак бор?

1255. Тушириб қолдирилган бўлаklar сонларини қўйиб, тенгликларни кўчириб ёзинг:

$$\frac{1}{2} = \frac{\quad}{4}; \quad \frac{1}{2} = \frac{\quad}{8}; \quad \frac{1}{4} = \frac{\quad}{8}; \quad \frac{2}{4} = \frac{\quad}{8}; \quad \frac{3}{4} = \frac{\quad}{8};$$

$$\frac{2}{4} = \frac{\quad}{2}; \quad \frac{2}{8} = \frac{\quad}{4}; \quad \frac{4}{8} = \frac{\quad}{4}; \quad \frac{4}{8} = \frac{\quad}{2}; \quad \frac{6}{8} = \frac{\quad}{4};$$

$$1 = \frac{\quad}{2}; \quad 1 = \frac{\quad}{4}; \quad 1 = \frac{\quad}{8}.$$

1256. Нуқталар ўрнига $>$, $<$ ёки $=$ белгисини қўйиб ёзинг:

$$\frac{5}{8} \dots \frac{7}{8}; \quad \frac{1}{2} \dots \frac{4}{8}; \quad \frac{5}{8} \dots \frac{3}{4}; \quad 1 \dots \frac{4}{4};$$

$$\frac{5}{8} \dots \frac{3}{4}; \quad \frac{7}{8} \dots 1; \quad \frac{3}{8} \dots \frac{1}{2}; \quad \frac{2}{4} \dots \frac{4}{8}.$$

1257 (оғзаки). 1) $\frac{1}{2}$ км да неча метр бор? $\frac{1}{4}$ км да-чи? $\frac{1}{8}$ км да-чи?

2) $\frac{1}{2}$ соатда неча минут бор? $\frac{1}{4}$ соатда-чи?

3) $\frac{1}{2}$ кунда неча соат бор? $\frac{1}{4}$ кунда-чи? $\frac{1}{8}$ кунда-чи?

1258. Тенгламаларни ечинг:

$$1) 54 \cdot (x - 97) = 1512 \quad 2) 14652 : x + 257 = 664$$

1259. Сабзавот омборидан машиналарга баравардан ортиб, магазинларга 135 т ва ошхоналарга 95 т картошка жўнатилди; бунда магазинларга ошхоналарга қараганда 16 машина кўп жўнатилди. Магазинларга ва ошхоналарга ҳаммаси бўлиб неча машина картошка жўнатилган?

1260. Шундай расмлар чизинг.

1										
$\frac{1}{2}$						$\frac{1}{2}$				
$\frac{1}{5}$		$\frac{1}{5}$		$\frac{1}{5}$		$\frac{1}{5}$		$\frac{1}{5}$		
$\frac{1}{10}$	$\frac{1}{10}$	$\frac{1}{10}$	$\frac{1}{10}$	$\frac{1}{10}$	$\frac{1}{10}$	$\frac{1}{10}$	$\frac{1}{10}$	$\frac{1}{10}$	$\frac{1}{10}$	

Расмлардан фойдаланиб, топшириқларни бажаринг:

1									
$\frac{1}{3}$			$\frac{1}{3}$				$\frac{1}{3}$		
$\frac{1}{6}$		$\frac{1}{6}$		$\frac{1}{6}$		$\frac{1}{6}$		$\frac{1}{6}$	
$\frac{1}{9}$	$\frac{1}{9}$	$\frac{1}{9}$	$\frac{1}{9}$	$\frac{1}{9}$	$\frac{1}{9}$	$\frac{1}{9}$	$\frac{1}{9}$	$\frac{1}{9}$	$\frac{1}{9}$

1) Тушириб қолдирилган улушлар сонини қўйинг:

$$\frac{1}{5} = \frac{\quad}{10}; \quad \frac{1}{2} = \frac{\quad}{10}; \quad \frac{2}{5} = \frac{\quad}{10}; \quad \frac{6}{10} = \frac{\quad}{5};$$

$$\frac{8}{10} = \frac{\quad}{5}; \quad \frac{1}{3} = \frac{\quad}{6}; \quad \frac{1}{3} = \frac{\quad}{9}; \quad \frac{2}{3} = \frac{\quad}{6}.$$

2) Тушириб қолдирилган $>$, $<$ ёки $=$ белгисини қўйинг:

$$\frac{3}{5} \dots \frac{4}{5}; \quad \frac{6}{10} \dots \frac{3}{5}; \quad 1 \dots \frac{5}{5}; \quad \frac{7}{10} \dots \frac{3}{5}; \quad \frac{1}{2} \dots \frac{5}{10};$$

$$\frac{3}{9} \dots \frac{1}{3}; \quad \frac{3}{6} \dots \frac{4}{9}; \quad \frac{1}{3} \dots \frac{2}{9}; \quad \frac{4}{6} \dots \frac{6}{9}; \quad \frac{6}{6} \dots \frac{9}{9}.$$

1261. $\frac{1}{3}$ соатда неча минут бор? $\frac{1}{6}$ соатда-чи? $\frac{1}{10}$ соатда-чи?

1262. Ўқувчи 7 бет китоб ўқиди, бу китобнинг ҳамма бетининг $\frac{1}{10}$ бўлагини ташкил қилади. Китоб неча бетли экан?

1263. Ака-уканинг тенг миқдорда ёнгоқлари бор эди. Бири ёнгоқларининг $\frac{1}{3}$ бўлагини еди, иккинчиси ёнгоқларининг $\frac{1}{6}$ бўлагини еди. Уларнинг қайси бирида кўп ёнгоқ қолди?


Болаларда 30 тадан ёнгоқ бор деб фараз қилиб, ечилишини текшириб кўринг.

1264. Ифоданинг қийматини ҳисобланг:

1) $a : b - c$, $a = 11396$, $b = 28$, $c = 407$ бўлганда,

2) $a \cdot k + b \cdot k$, $a = 409$, $k = 83$, $b = 191$ бўлганда.

1265. 10 см узунликда кесма чизинг. Бу кесманинг $\frac{3}{5}$ қисмида неча сантиметр бўлади?



Олдин бу кесманинг $\frac{1}{5}$ бўлагидида неча сантиметр борлигини топамиз.

Сўнгра кесманинг $\frac{3}{5}$ бўлагидида неча сантиметр борлигини топамиз.

Қисқача бундай ёзамиз: $10 : 5 \cdot 3 = 6$ (см).

1266. 12 см узунликда кесма чизинг. Бу кесманинг $\frac{1}{6}$ бўлаги неча сантиметр бўлади?

1267. Парта устига 20 та чўп қўйинг, бу чўпларнинг $\frac{7}{10}$ бўлагини олинг. Сиз неча чўп олдингиз?

1268. Дафтар 24 бетли. Қизча дафтар бетларининг $\frac{5}{8}$ қисмини ёзиб тугатди. Дафтарда неча ёзилмаган бет қолди?

1269. 18 нинг $\frac{2}{3}$ бўлагини топинг. 60 нинг $\frac{5}{6}$ (35 нинг $\frac{4}{7}$) бўлагини топинг.

1270. Ҳар қандай соннинг $\frac{5}{8}$ бўлаги қандай топилади?

1271. Қуйидаги касрлардан бир-бирига тенг жуфтларини танланг ва уларни тенглик белгисини қўйиб, ёзинг:

$$\frac{1}{2}; \frac{1}{5}; \frac{3}{5}; \frac{3}{4}; \frac{4}{8}; \frac{6}{10}; \frac{1}{4}; \frac{2}{10}; \frac{6}{8}; \frac{2}{8}$$

1272. Жадвалдан фойдаланиб, қуйидагилар жуфт ёки тоқ сон бўлишини аниқланг:

- 1) иккита жуфт соннинг кўпайтмаси;
- 2) иккита тоқ соннинг кўпайтмаси;
- 3) жуфт сон билан тоқ соннинг кўпайтмаси.

1273. Ҳисобланг:

$$\begin{array}{ll} 784 \cdot 305 : 35 & (40\,210 - 39\,408) : 630 \\ 50\,100 - 26\,011 : 37 & 23\,099 + 104\,780 : 26 \end{array}$$

1274. Колхозда 3 ойда молларга 3330 ц силос берилди. Биринчи ойда шу силоснинг $\frac{4}{9}$ қисми, иккинчи ойда эса биринчи ойда берилган силоснинг $\frac{4}{5}$ қисми берилди. Шу уч ойнинг ҳар бирида молларга қанча силос берилган?

1275. Автомашинада юрган туристлар 3 кунда 1230 км йўл босишди. Улар биринчи куни бутун йўлнинг $\frac{2}{5}$ қисмини, иккинчи куни қолган йўлнинг $\frac{4}{9}$ қисмини ўтишди. Туристлар учинчи куни неча километр йўл босган?

1276. Колхозга 2400 л бензин келтирилди. Биринчи куни ҳамма бензиннинг $\frac{3}{10}$ қисми, иккинчи куни эса $\frac{2}{5}$ қисми ишлатилди. Шу икки кунда неча литр бензин ишлатилган?

1277. Ота ўғлига 24 сўмга костюм олиб, бор пуlining $\frac{1}{3}$ қисмини сарфлади. Отада олдин қанча пул бўлган?

1278. $\frac{3}{5}$ кв. м да неча квадрат сантиметр бор? $\frac{7}{8}$ кв. м да-чи? $\frac{4}{5}$ кв. м да-чи?

1279. $\frac{4}{5}$ кв. м да неча квадрат дециметр бор? $\frac{3}{4}$ кв. м да-чи?

1280. Ҳар қайси қатордаги касрларни ортиб бориш тартибида жойлаштиринг:

1) $\frac{5}{8}, \frac{1}{2}, \frac{3}{4}, \frac{1}{4}, \frac{1}{8}, \frac{7}{8}, \frac{3}{8}$,

2) $\frac{7}{10}, \frac{4}{5}, \frac{1}{2}, \frac{3}{5}, \frac{1}{10}, \frac{2}{5}, \frac{3}{10}, \frac{1}{5}, \frac{4}{5}$.

УЧ ХОНАЛИ СОНГА БЎЛИШ

1281. Оғзаки ҳисобланг:

- 1) $600 : 200$; $900 : 300$; $800 : 400$; $600 : 300$; $800 : 200$.
- 2) $3600 : 400$; $3500 : 500$; $5600 : 700$; $7200 : 800$.

Бўлинманинг рақамини қандай топдингиз? Нима учун, масалан, 800 га бўлишда олдин 100 га бўлиб, кейин 8 га бўлдингиз?

Берилган сонни 100 га бўлиб, кейин чиққан бўлинмани 6 га бўлсак, берилган сон нечага бўлинган бўлади?

1282. Бўлинмани ва қолдиқни топинг:

$816 : 200$	$4258 : 600$	$3682 : 400$	$4905 : 700$
$975 : 300$	$2715 : 300$	$4570 : 900$	$6408 : 800$

Бўлинманинг рақамини қандай топдингиз? Бўлишда бўлинманинг рақами ҳосил қилинган сонларни айтинг.

1283. 636 ни 212 га бўлиш талаб қилинган бўлсин:

$$\begin{array}{r} 636 \overline{) 212} \\ \underline{636} \quad 3 \\ 0 \end{array}$$

Тушунтириш. Бўлинувчи ва бўлувчи уч хонали сонлар: бўлинма бир хонали сон бўлади. Бўлинма рақамини топиш учун, бўлувчини ўзига яқин яхлит сон (200) билан алмаштирамиз ва яхлит юзларга бўлгандек бўламиз. 636 ни 100 га бўламиз, 6 чиқади, энди 6 ни 2 га бўламиз, 3 ҳосил қиламиз. 3 рақами синаб кўрилган рақам, уни текшириб кўришимиз керак, чунки 636 ни 200 га эмас, балки 212 га бўлиш талаб қилинган эди. 212 ни 3 га кўпайтирамиз, 636 ҳосил бўлади. Демак, 3 рақами туғри экан.

1284. Мисолларни тушунтириб ечинг:
 $651 : 217$; $784 : 112$; $954 : 318$; $876 : 219$; $424 : 106$.

1285. Бўлинмани ва қолдиқни топинг:

$538 : 256$ $814 : 218$ $648 : 213$ $814 : 316$
 $764 : 347$ $945 : 325$ $648 : 232$ $814 : 396$

Қайси мисолларда бўлинманинг синов рақамини битта камайтиришга туғри келди.



1286. $\frac{1}{4}$ км да неча метр бор? $\frac{3}{4}$ км да-чи? $\frac{1}{10}$ км да-чи? $\frac{7}{10}$ км да-чи?

$\frac{1}{2}$ т да неча килограмм бор? $\frac{1}{4}$ т да-чи? $\frac{1}{8}$ т да-чи? $\frac{5}{8}$ т да-чи?

1287. Магазин 64 кг олма сотди. Бу олмадан $\frac{5}{8}$ қисмининг килограммини 42 тийиндан, қолган олманинг килограмми 37 тийиндан сотилди. Магазин қанча пуллик олма сотган?

1288. Реактив самолёт 3 соатда 2550 км масофани учиб ўтди, оддий пассажир самолёти эса 5 соатда 2125 км масофани учиб ўтди. Реактив самолётнинг тезлиги оддий пассажир самолёт тезлигидан неча баравар катта?

1289. Биринчи чизмадан 14 та тўртбурчак ва 12 та



учбурчак топинг ва кўрсатинг. Тўртбурчаклар орасидан тўғри тўртбурчакни, учбурчаклар орасидан эса тўғри бурчакли ва тенг ёнли учбурчакларни топинг.

Иккинчи чизмада нечта квадрат бор? Нечта тўғри тўртбурчак бор? Нечта учбурчак бор?

1290. Бўлишни бажаринг:

$$\begin{array}{llll} 845 : 200 & 3200 : 800 & 896 : 224 & 628 : 314 \\ 736 : 300 & 3246 : 800 & 896 : 225 & 504 : 125 \end{array}$$



1291. Қуйидаги мисолларнинг ечилишини қараб чиқинг ва улардан ҳар биридаги бўлиш усулини тушунтиринг: нима учун биринчи мисолда тўрт хонали сонни уч хонали сонга бўлганда бир хонали бўлинма чиқади, иккинчи мисолда эса икки хонали бўлинма чиқади? Бўлишнинг рақамлари қандай топилган? Бўлиш натижаларини текшириб кўринг.

$$\begin{array}{r} 1) \quad 3762 \overline{) 627} \\ \underline{3762} \quad 6 \\ 0 \end{array} \qquad \begin{array}{r} 2) \quad 7552 \overline{) 236} \\ \underline{708} \quad 32 \\ \underline{472} \\ \underline{472} \\ 0 \end{array}$$

1292. Бўлишни бажаринг: ✓

$$\begin{array}{llll} 5742 : 638 & 4256 : 532 & 7595 : 217 & 2002 : 143 \\ 6768 : 846 & 5264 : 752 & 9858 : 318 & 9800 : 372 \end{array}$$

1293. x нинг сон қийматини топинг:

$$1) \quad 124 \cdot x - 1245 = 4707 \qquad 2) \quad 1200 + x \cdot 375 = 19865$$

1294. Иккита мисол тузинг ва ечинг: биринчи мисолда бўлинувчи 2961, бўлинма 423; иккинчи мисолда бўлувчи 115, бўлинма 36 бўлсин.

1295. Нуқталар ўрнига $>$, $<$ ёки $=$ белгисини қўйинг:

$$\frac{3}{4} \text{ км} \dots 750 \text{ см} \quad \frac{3}{5} \text{ ц} \dots 600 \text{ кг} \quad 500 \text{ кг} \dots \frac{1}{2} \text{ т}$$
$$\frac{4}{5} \text{ м} \dots 75 \text{ см} \quad \frac{3}{8} \text{ т} \dots 375 \text{ кг} \quad 800 \text{ кг} \dots \frac{4}{5} \text{ ц}$$

1296. Бир устахонада 1920 та китоб, иккинчисида 1935 та китоб муқоваланди. Биринчи устахонада кунига 640 тадан китоб, иккинчисида 215 тадан китоб муқоваланди. Қайси устахонада иш тез ва неча марта тез бажарилган?

1297. Икки шаҳар орасидаги масофа 2240 км. Бу масофанинг $\frac{3}{4}$ қисмини самолёт соатига 840 км тезлик билан учиб ўтди. Самолёт масофанинг шу қисмини неча соатда учиб ўтган?

1298. Циркуль ва чизгичдан фойдаланиб, тенг томонли учбурчак ва олтибурчак чизинг.



1299. Оғзаки ҳисобланг:

1) $67 : 9$; $58 : 7$; $41 : 6$; $99 : 5$; $28 : 3$; $73 : 9$.

2) $36 \cdot 8$; $24 : 6$; $50 \cdot 4$; $67 \cdot 3$; $28 \cdot 5$; $84 \cdot 7$.

1300. 1283- машқда берилган қондалардан фойдаланиб, қуйидаги мисолларни ечинг:

1) $9890 : 215$ 3) $468720 : 744$

2) $17940 : 345$ 4) $692504 : 212$

1301. 1) 215 га (345 га, 744 га) бўлганда қандай қолдиқлар чиқиши мумкин?

2) Сонни 135 га бўлганда 138 (134, 135) қолдиқ чиқиши мумкинми?

1302. Мисолларнинг тўғри ечилганлигини икки усул билан текширинг:

$$1) 16\,848 : 156 = 108 \quad 2) 15\,544 : 232 = 67$$

Бўлишни кўпайтириш билан текшириш нимага асосланган. Бўлишни бўлиш билан текшириш-чи?

1303. Мисолларни ечинг ва текширинг:

$$35\,970 : 378 \quad 259\,080 : 635 \quad 263\,344 : 436$$

1304. Масалаларни ечинг ва ечилишларини таққосланг.

1) Ораларидаги масофа 357 км бўлган икки пристандан бир вақтда иккита тез юрар катер жўнади. Улар бир-бирига қараб келишди. Улардан бирининг ўртача тезлиги соатига 61 км, иккинчисининг ўртача тезлиги соатига 58 км. Катерлар неча соатдан кейин учрашади? Учрашгунча ҳар қайси катер қанча йўл босади?

2) Икки ишчининг ишлаган кунлари баравар бўлиб, 5 160 та деталь тайёрлашди. Улардан бири кунига 212 тадан, иккинчиси 218 тадан деталь ясади. Ҳар бир ишчи неча кун ишлаган? Шу вақт ичида ҳар бири неча деталь ясаган?

3) Ушбу $x = a : (b + c)$ формула бўйича олдинги масалага ўхшаш масала тузинг.

1305. Томонлари 8 см 5 мм ва 5 см 8 мм бўлган тўғри тўртбурчак чизинг. Унинг периметрини ва юзини ҳисобланг.

1306. Номаълум сонни топинг:

$$1) 124 \cdot x - 1\,245 = 4\,707$$

$$2) 1\,200 + x \cdot 875 = 19\,875$$

1307. 1044 ни 116 га бўлиш талаб қилинган бўлсин:

$$\begin{array}{r|l} 1044 & 116 \\ 1044 & \underline{9} \\ \hline & 0 \end{array}$$

Бўлинмада нечта рақам бўлиши керак? Бўлинмада 10 сони чиқиши мумкинми? 9 рақамини текшириб кўринг. 9 рақами тўғри бўлиб чиқди. Бу мисолда бўлинма рақамини топиш учун неча марта синашга тўғри келди?

1308. 1184 ни 148 га бўлинг. Бўлинмада нечта рақам бўлиши керак? Бўлинма рақамини синаб кўриш йўли билан топинг. Синашни 9 рақамидан бошланг. Бу рақамни текшириб кўринг. 9 рақами тўғри келмас экан. 8 рақамини текшириб кўринг. Бу мисолда бўлинмани топиш учун неча марта синаб кўришга тўғри келди? Қайси рақамлар текшириб кўрилди?

1309. Мисолларни шу йўл билан ечинг:

1092 : 156; 1017 : 113; 1143 : 127; 1155 : 165; 1288 : 161.

1310. Ифодаларни ёзинг ва уларнинг қийматларини ҳисобланг:

1) 10100 билан 1088 ни 136 га бўлишдан чиққан бўлинманинг айирмаси.

2) 450 ва 28 сонлари кўпайтмасини 70 га бўлишдан чиққан бўлинма.

1311. Ифодалардаги ҳарфларнинг сон қийматларини топинг:

$$\begin{array}{ll} 16 : a = 16 & b : 12 = 1 \\ a : 1 = a & e : c = 1 \end{array}$$

1312. Интернат-мактабга 528 сўмга бир хил миқдорда ботинка ва калишлар сотиб олинди. Бир жуфт ботинка 7 сўм, бир жуфт калиш эса 1 сўм 80 тийин

туради. Ҳамма ботинка қанча пул ва ҳамма калиш қанча турган?

1313. Чизмага кўра масала тузинг ва уни ечинг:



Агар велосипедчи ва пиёда киши бир вақтда йўлга чиққан бўлса, велосипедчи неча соатдан

кейин пиёдага етиб олади?



1314. Булишни бажаринг:

$$11\,595 : 145 \quad 11\,232 : 156 \quad 18\,056 : 296$$

$$14\,378 : 182 \quad 12\,210 : 185 \quad 14\,356 : 194$$

1315. Кўпайтириш натижаларини икки усул билан, яъни бўлиш ва кўпайтириш йўли билан текширинг:

$$409 \cdot 506 = 206\,954$$

$$780 \cdot 490 = 382\,200$$

Текширишнинг ҳар бир усули нимага асосланган?

1316. Тенгламаларни ечинг:

$$x \cdot 368 + 9756 = 2558$$

$$672 \cdot x - 19923 = 588\,909$$

$$(x : 58) \cdot 644 = 258\,532$$

$$9\,629 + 75\,313 : x = 10\,000$$

1317. Масалани тенглама ёрдамида ечинг:

1) Станциядаги запас йўлда бир қаторда 36 та товар вағони ва 24 та пассажир вағони турибди. Ҳар бир пассажир вагонининг узунлиги 11 м 5 дм. Агар бутун составнинг узунлиги 546 м бўлса, ҳар бир товар вагонининг узунлиги қанчага тенг?

2) Ушбу $48 \cdot 3 + 54 \cdot x = 414$ тенглама бўйича масала тузинг.

1318. Бинони иситиш учун 4 машинада кўмир ташилди. Ҳар бир машина ҳар гал a кг дан ортиб, 15

мартадан қатнади. Бу кўмир ҳар куни баравардан 150 кун ёқилди. Ҳар куни қанчадан кўмир ёқилган?

Масаланинг ечилишини жадвалга ёзинг:

a	1500	1800	2400	2700	3000
$(a \cdot 15 \cdot 4) : 150$					

1319. Қуйидаги тенгсизликларда x ўрнига қандай сонларни қўйиш мумкин?

1) $240 : x < 60$; 2) $x : 15 > 8$; 3) $180 - x < 120$.

1320. Мисолларни ечинг; ҳар бир амални икки йўл билан текширинг:

1) $738 \cdot 468$; 2) $124\,672 : 256$; 3) $10\,104 - 9\,206$.

1321. Энг қулай усул билан оғзаки ҳисобланг:

1) $(27 + 63) : 9$ $(497 + 513) : 100$ $68 \cdot 3 + 68 \cdot 7$
 $(180 + 120) : 30$ $(284 + 516) : 200$ $54 \cdot 8 + 46 \cdot 8$

2) $408 \cdot 2$ $1028 \cdot 3$ $12\,200 \cdot 4$ $460 : 9 + 440 : 9$
 $306 \cdot 4$ $2\,048 \cdot 2$ $10\,015 \cdot 6$ $208 : 8 + 800 : 8$

Бу мисолларни ечишда бўлиш ва кўпайтиришнинг қандай хоссаларидан фойдаландингиз? Бу хоссаларни ҳарфлардан фойдаланиб ёзинг.



1322. Мисолларни ечинг:

$56\,224 : 112$; $643\,926 : 214$; $125\,125 : 125$; $2\,312\,310 : 231$.

1323. Қуйидаги мисолларда бўлиш натижаларининг тўғри ёки нотўғрилигини ҳисобламасдан айтинг.

1) $51\,054 : 127 = 42$

2) $405\,945 : 135 = 307$

3) $17\,096 : 468 = 3\,612$

1324. 1) Вали ва Маҳмуд бир сонни турлича кўпайтувчиларга: Вали 248 га, Маҳмуд эса 301 га кўпайтирди. Вали 53 320 кўпайтмани ҳосил қилди. Маҳмуд қандай кўпайтма ҳосил қилиши керак?

2) Бу иккала бола бир бўлинувчини турли бўлувчиларга: Вали 108 га, Маҳмуд 144 га бўлди. Маҳмуд 84 бўлинмани ҳосил қилди. Вали қандай бўлинма ҳосил қилиши керак?

1325. Масалани тўлдилинг ва ечинг.


Икки самолёт бир хил тезлик билан учди. Бир самолёт ҳавода 4 соат, иккинчи самолёт 6 соат бўлди. Биринчи самолёт иккинчига қараганда . . . км . . . учди. Ҳар бир самолёт қанча масофани учиб ўтган?

1326. Сонлар танлаб қўйиб, масалани ечинг.

Бола . . . қалам, қизча эса . . . шундай қалам олди. Бола ўзи олган қаламлари учун қизчага қараганда . . . ортиқ пул тўлади. Иккаласи қанча пул тўлаган?

1327. Ҳарфларнинг берилган қийматларида ифодаларнинг қийматини топинг:

$$\begin{aligned} (a + b) &: 476, & a &= 36\,469, & b &= 91\,659; \\ (a - b) &: 324, & a &= 333\,281, & b &= 8\,957. \end{aligned}$$



1328. Диаграммада уч боланинг бўйи кўрсатилган. Комилнинг бўйи 110 см, Собир ва Олимнинг бўйларини топинг. Пўлатнинг бўйи 105 см, буни диаграммада тасвирланг.

VII. БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ БОСҚИЧ АМАЛЛАРИНИНГ БИРГА КЕЛИШИ

1329. Амалларни бажаринг:

$$1) 110 - 60 + 70 \quad 240 + 80 - 200$$

$$2) 75 : 5 \cdot 10 \quad 40 \cdot 8 : 32$$

$$800 + 150 - 150 + 145$$

$$160 \cdot 2 : 8 \cdot 5 : 100$$

Биринчи сатрда қандай амаллар ёзилган ва улар қайси босқичга тегишли? Бу амаллар қандай тартибда бажарилади?

Иккинчи сатрда қандай амаллар ёзилган? Улар қайси босқичга тегишли ва қандай тартибда бажарилади?

1330. Оғзаки ечинг, фақат жавобларини ёзинг:

$$1) 3 \cdot 7 + 80 \cdot 4 \quad 270 \cdot 3 - 120 \cdot 6 \quad 100 - 60 : 2$$

$$2) 60 \cdot 6 \cdot 6 - 100 : 4 \quad 160 : 8 + 25 \cdot 3 \quad 80 + 40 \cdot 3$$

$$560 : 7 + 60$$

$$60 + 560 : 7$$

Агар ифодада ҳам биринчи, ҳам иккинчи босқич амаллари бўлса, улар қандай тартибда бажарилади?

1331. Амаллар тартиби қоидасига риоя қилиб, мисолларни ечинг:

- 1) $256 \cdot 324 + 108 \cdot 125$ $741\,600 : 360 + 760\,800 : 150$
 $405 \cdot 146 - 272 \cdot 180$ $340\,800 : 282 - 385\,560 : 756$
- 2) $257\,000 - 408 \cdot 360 + 346\,560$
 $89\,000 + 500 \cdot 38 - 91\,580$
 $58\,725 + 38\,280 : 264$
 $160\,000 - 206 \cdot 709$
- 3) $5\,847 \cdot 17 \cdot 20 - 8\,000 \cdot 16 : 100$
 $10\,000 - 282 \cdot 750 : 47 + 19\,896$

1332. Қуйидаги масалаларни ечинг: олдин уларнинг ечилиш формулаларини тузинг, амаллар тартибининг белгиланган қоидасига асосланиб, ҳисобланг:

1) Ўқувчилар 290 туп гул ўтқозишлари керак эди. Биринчи кун ҳар қаторга 30 тупдан 9 қатор гул ўтқозишди. Улар яна неча туп гул ўтқозишлари керак?

2) Бир отрядда 34 пионер, иккинчи отрядда 42 пионер бор. Биринчи отряддаги ҳар бир пионер 6 кг дан, иккинчи отряддаги ҳар бир пионер 5 кг дан олча терди. Қайси отряд кўп олча терган ва неча килограмм кўп терган?

3) Мактабда 720 ўқувчи бор: ўқувчиларнинг $\frac{1}{3}$ қисми пионер лагерида биринчи сменада, $\frac{1}{4}$ қисми иккинчи сменада дам олди. Қайси сменада дам олган ўқувчилар кўп бўлган ва қанча кўп бўлган?



1333. Ҳар бир жуфт мисолларни таққосланг ва уларни ечинг:

- 1) $120 + 40 \cdot 2$ 2) $200 - 60 \cdot 3$ 3) $90 + 60 : 5$
 $(120 + 40) \cdot 2$ $(200 - 60) \cdot 3$ $(90 + 60) : 5$

$$4) 96 : 4 + 8 \qquad 5) 640 : 8 \cdot 5 : (10 + 30)$$

$$96 : (4 + 8) \qquad 640 : 8 \cdot 5 : 10 + 30$$

Нима учун бир хил сонлар ва бир хил амал белгилари бўлса ҳам, турли натижалар ҳосил бўлади?

1334. Агар ҳар икки босқич амалларини ўз ичига олган мисолни ечишда олдин қўшиш ёки айиришни, кейин эса кўпайтириш ёки бўлишни бажариш керак бўлса, бундай ҳолларда қандай белгидан фойдаланилади? Саволга тўла жавоб беринг.

1335. Қуйидаги масалаларни ечинг ва ечиш формулаларини тузишда керакли жойга қавслар қўйинг:

1) Омборда 1350 ц картошка бўлиб, унинг устига яна 650 ц картошка келтирилди. Бу картошканинг ҳаммасини ўнта дўконга тенг бўлиб берилди. Ҳар бир дўкон неча центнер картошка олган?

2) Колхозда бир кунда 1968 л сут соғиб олинди, бу сутдан 432 литрини колхоз ўзига керакли ўринга сарф қилди, қолган сутни эса 48 та бир хил бидонда сут заводига жўнатди. Ҳар бир бидонга неча литрдан сут қўйилган?

Биринчи масалада йиғинди ва иккинчи масалада айирма қавслар ичига олинмаганда бу амаллар қандай тартибда бажарилар эди? Агар қавслар қўйилмаганда масалаларнинг жавоблари қандай ўзгарар эди?

1336. Амалларни бажаринг:

$$7068 + 93840 : 46 - 106 \cdot 18 \quad (20200 - 9895) : 9 \cdot 102$$

$$8014 - 132 \cdot 54 + 44892 : 36 \quad (456 \cdot 307 + 18240) : 76$$

1337. Қуйидаги ифодаларни ёзиб олинг; керакли ўринларга қавслар қўйинг, амалларни бажаринг:

1) 1803 ва 3448 сонлари йиғиндисини 3 марта орттириш.

2) 21004 ва 907 сонлари айирмасини 7 марта камайтириш.

3) 308 ва 509 сонлари кўпайтмасини $840 : 30$ бўлимасига бўлиш.

4) 40940 ва 23 сонлари бўлимасини 1090 ва 10 сонлари кўпайтмасига орттириш.

1338. Оғзаки ҳисобланг:

$$160 + 80 \cdot 3 \quad 500 - 180 : 2 \quad 540 : 60 + 450 : 5$$

$$420 + 60 \cdot 7 \quad 640 - 320 : 4 \quad 80 \cdot 9 - 90 \cdot 4$$

1339. Ифодаларни ёзинг ва уларнинг қийматларини ҳисобланг:

1) 20000 ва 13030 сонларининг айирмасини 34 марта камайтириш.

2) 19266 ни 205 ва 302 сонлари йиғиндисига бўлиш.

3) 4031 дан 154 ва 11 сонлари бўлимасини айириш.

4) 4031 га 154 ва 11 сонлари бўлимасини қўшиш. Формула тузганингизда, ортиқча қавслар қўйманг!

1340. Қуйидаги мисолларнинг ҳар бирини олдин қавслар билан ечинг. Кейин уни қавслар қўймасдан кўчириб ёзинг ва ечинг, жавобларини таққослаб кўринг. Қайси мисолларда қавслар қўйилмаса ҳам бўлади?

1) $(50 \cdot 4) + (60 \cdot 3)$

4) $(300 - 50) \cdot 6$

2) $800 - (70 \cdot 5)$

5) $(320 + 180) \cdot 4$

3) $200 - (120 : 3) + 50$

6) $(31 + 23 + 12) : 3$

1341. Ифодаларни қавсларсиз шундай ёзингки, натижалари ўзгармасин:

$$\begin{array}{llll} 65 - (40 + 12) & (45 + 25) \cdot 3 & a - (b + c) & (a + b) \cdot c \\ (84 + 24) - 16 & 60 \cdot (5 + 4) & (a + b) - k & c \cdot (a + b) \end{array}$$

1342. Қуйидаги масалаларнинг ечилишини керакли ўринларга қавслар қўйиб, сонли формула билан ёзинг:

1) Бир ишчи 7 соатда 84 та деталь тайёрлади, иккинчи ишчи эса 5 соатда 120 та деталь тайёрлади. Иккинчи ишчи биринчига қараганда соатига неча марта кўп деталь тайёрлаган?

2) Учта ғишт терувчи 8 соатда 7200 та ғишт терди. Бир ишчи соатига неча ғишт терган?

3) 20 та қўйдан бир йилда 100 кг жун қирқиб олинди. 1 т жун олиш учун шундай қўйлардан неча керак бўлади?

4) Кутубхона китобхонларга биринчи ойда 600 та, иккинчи ойда 850 та, учинчи ойда 1000 та ва тўртинчи ойда 1050 та китоб берди. Кутубхона ойига ўртача қанчадан китоб берган?

5) Поезд соатига 52 км дан 4 соат ва соатига 49 км дан 2 соат юрди. Поезд қандай ўртача тезлик билан юрган?



1343. Жадвални кўчириб ёзинг ва уни тўлдириг:

a	0	5	1	1	8	3	4
b	0	0	0	1	1	3	3
$a + b$							
$a \cdot b$							
$a - b$							

1344. Амалларни оғзаки бажаринг, фақат эралиқ ва охирги натижаларини ёзинг:

$$\begin{array}{l} 1\,248 \cdot 1 + 1\,248 \cdot 8 \quad 1 \cdot 760 + 8\,040 \cdot 1 + 0 \\ 3\,156 \cdot 0 - 0 \cdot 3\,156 \quad 9\,400 + 0 + 0 \cdot 7\,000 \end{array}$$

1345. Амалларни ёзма бажаринг:

$$\begin{array}{l} 65\,254 : 76 - 75\,369 : 97 + 766\,506 : 951 \\ 500\,100 - 356 \cdot 101 + 78\,052 : 26 \cdot 48 \\ (1\,300 - 40\,964 : 209) \cdot (520 + 10\,000 : 125) \\ (576 + 126\,828 : 542) \cdot (47\,600 - 406 \cdot 117) \end{array}$$

1346. *A* ва *B* пунктларидан бир вақтда бир-бирига қараб икки автомобиль жўнади. *A* пунктдан жўнаган автомобилнинг тезлиги соатига 50 км, иккинчи автомобилнинг тезлиги соатига 60 км. Автомобиллар бир соатдан кейин бир-биридан 190 км масофада бўлди. Иккинчи автомобиль *A* пунктига етиб бориши учун неча соат керак бўлади? Масалага чизма чизинг ва ечинг.

1347. Туристлар 588 км масофани поездда ва енгил машинада босиб ўтишди. Улар поездда соатига 48 км тезлик билан 7 соат юришди. Қолган масофани тезлиги поезд тезлигига қараганда соатига 15 км ортиқ бўлган енгил машинада ўтишди. Туристлар енгил машинада неча соат юришган?


1348. Бир нуқтадан неча тўғри чизиқ ўтказиш мумкин? Икки нуқтадан-чи?

1349. Тўғри чизиқни тенг иккига бўлиш мумкинми? Кесмани-чи?

1350. Тўғри тўртбурчак бурчакларининг ва томонларининг қандай хоссалари бор? Квадрат бурчакларининг ва томонларининг-чи?

1351. Физкультура майдончаси тўрт участкага бўлинган: 1- участка теннис ўйини учун, 2- си волейбол

Ўйини учун, 3- си крокет ўйини учун, 4- си гимнастика машқлари учун. Ҳар қайси участканинг юзини ҳисобланг. Тўртала участка юзларининг йиғиндисини топинг.



Бутун физкультура майдончасининг юзини чизмада берилган ўлчовлар бўйича ҳисобланг ва тўртала участка юзларининг йиғиндисига тенг келиш-келмаслигини текшириб кўринг.

1352. Энг қулай усулдан фойдаланиб, оғзаки ҳисобланг:

$$\begin{array}{ll}
 16 \cdot 20 \cdot 5 - 3600 : 6 & 25 \cdot 13 \cdot 4 + 4900 : 7 \\
 18 \cdot 25 \cdot 4 - 6400 : 8 & 48 \cdot 50 + 1600 : 4 - 1400 \\
 12 \cdot 2 \cdot 500 + 7200 : 6 & 1800 + 6000 : 5 - 1100
 \end{array}$$

1353. Фақат оралиқ ва охиригки натижаларни ёзган ҳолда, ифодаларнинг қийматларини топинг:

$$\begin{array}{l}
 1325 : 1325 + 1325 : 1 - 1 \cdot 1 \\
 4150 \cdot 1 - 1 \cdot 4150 + 1 : 1 + 25 \cdot 25 \\
 (5186 + 1 \cdot 11) + (5186 - 1 \cdot 0) \\
 914 \cdot 0 \cdot 65 \cdot 1 + (745 - 45) \cdot 0
 \end{array}$$

1354. Ёзма ҳисобланг:

$$\begin{array}{l}
 460 \cdot 308 + 447 \cdot 480 : 132 - 398 \cdot 748 : 564 \\
 73 \cdot 689 : 87 - 96064 : 158 + 310726 - 95 \cdot 437 \\
 (428 \cdot 340 : 605 + 142 \cdot 914) : (3000 - 58 \cdot 49) \\
 (199 \cdot 325 - 119 \cdot 805) : (158 + 17072 : 176)
 \end{array}$$

1355. Ёғ заводига бир колхоздан 4 800 л сут келтирилди, иккинчи колхоздан эса бу миқдорнинг $\frac{3}{4}$ қисмича сут келтирилди. Агар ҳар 20 л сутдан 900 г

ёғ олинса, келтирилган сутнинг ҳаммасидан қанча ёғ олинган?

1356. Совхозда 108 сигирнинг ҳар биридан бир йилда 5100 л дан сут соғиб олинди. Ҳамма сутнинг $\frac{1}{3}$ қисмидан ёғ олинди. Агар ҳар 20 л сутдан 900 г ёғ олинса, шу миқдор сутдан қанча ёғ олинган?

1357. Самолёт Москвадан Свердловсккача бўлган масофани 3 соатда учиб ўтди. У биринчи соатда 610 км масофани ўтди, бу Москвадан Свердловсккача бўлган масофанинг $\frac{1}{3}$ қисмини ташкил қилди, иккинчи соатда у биринчи соатда учиб ўтганининг $\frac{9}{10}$ қисмича масофани ўтди. Самолёт учинчи соатда неча километр учган?

1358. Гўния ва чизғич ёрдамида чизиқсиз қоғозга: а) узунлиги 8 см, кенглиги 5 см ли тўғри тўртбурчак, б) бир томони 4 см ли квадрат чизинг.

ЮЗНИ ҲИСОБЛАШ (ар ва гектар билан)

Катта ер майдонлари, яъни катта полизлар, боғлар, далалар, ўтлоқлар, ўрмонлар ва кўлларнинг юзларини ўлчаш учун йирик ўлчов бирликларидан: ар (ёки сотих) ва гектардан фойдаланилади.

1 ар да 100 кв. м бор. Бу шундай ёзилади:

$$1 \text{ а} = 100 \text{ кв. м.}$$

Агар томони 10 м ли квадрат ясалса, унинг юзи 1 ар га тенг бўлади, чунки $10 \cdot 10 = 100$ (кв. м).

1359. 1) Мактаб биносида ва мактаб атрофида қандай жойлар тахминан 1 а га тенг келади? Синфингиэ хонасининг юзини ар билан таққослаб кўринг.

2) Юзи 1 а га ёки 100 кв. м га тенг бўлган тўғри тўртбурчакнинг узунлиги ва кенглиги қандай бўлиши

мумкин? Жадвалча тузинг. Шундай тўғри тўртбурчаклардан бирини 1 см да 5 м масштабда дафтарингизга чизинг.

1360. 2 а да (5 а да, 8 а да, 10 а да, 12 а да, 15 а да, 11 а 80 кв. м да, 16 а 75 кв. м да, 19 а 15 кв. м да) неча квадрат метр бор?

1361. 1) 200 кв. м (500 кв. м, 800 кв. м, 1000 кв. м, 1800 кв. м) неча ар бўлади?

2) 125 кв. м (350 кв. м, 806 кв. м, 1080 кв. м, 1435 кв. м, 5000 кв. м, 8246 кв. м) неча ар ва неча квадрат метр бўлади?

1362. Узунлиги 20 м, кенлиги 15 м ли тажриба майдончасига ёш табиатшунослар янги нав бугдой экишди. Улар ҳар бир ар дан 32 кг 500 г дан ҳосил олишди. Ёш табиатшунослар қанча бугдой ҳосили олишган?

1363. Пионер лагерида дам олаётган болалар колхозга ёрдамга чиқиб, узунлиги 75 м, кенлиги 16 м жойдаги кўк экинларни ўтоқ қилишди. Пионерлар неча ар ердаги экинни ўтоқ қилишган?

1364. Ўқувчилар узунлиги 30 м, кенлиги 20 м ли тажриба майдончасига картошка экишди, уни яхши парвариш қилиш натижасида одатдагига қараганда икки баравар кўп ҳосил олишди. Агар 1 а ердан одатда 150 кг картошка олинадиган бўлса, тажриба майдончасидан қанча картошка олинган?

1365. Масалаларнинг ечилишини ҳарфлардан фойдаланиб ёзинг:

1) Икки соннинг кўпайтмаси 350. Агар кўпайувчи 2 га бўлинса, янги кўпайтма қанчага тенг бўлади?

2) Икки соннинг бўлинмаси 640. Агар бўлувчи 2 га бўлинса, янги бўлинма қанчага тенг бўлади?

1366. Тенгламаларни ечинг:

1) $543 - x : 27 = 519$

2) $(x - 876) : 306 = 42$

1367. 100 *ар* юз ўлчовининг янги бирлигини, яъни гектарни ташкил қилади. „Гектар“ сўзи сонлар ёнида қисқача бундай ёзилади: *га*. Бир гектарда неча квадрат метр бор?

Эсда тутинг: $1 \text{ га} = 100 \text{ а}$

$1 \text{ га} = 10\,000 \text{ кв. м.}$

1368. Агар томони 100 *м* ли квадрат ясалса, бундай квадратнинг юзи 1 *га* бўлади. Бундай квадратни 1 *см* да 10 *м* масштабда чизинг.

1369. Мактаб атрофидаги қандай майдонлар тахминан 1 гектарга тенг?

1370. 1) 2 *га* да (6 *га* да, 10 *га* да, 14 *га* да, 26 *га* да) неча *ар* бор?

2) 3 *га* да (5 *га* да, 13 *га* да, 20 *га* да) неча квадрат метр бор?

1371. 10 000 *кв. м* неча гектар бўлади? 20 000 *кв. м*-чи? 50 000 *кв. м*-чи? 140 000 *кв. м*-чи?

1372. Нуқталар ўрнига тушиб қолган сонларни қўйинг:

180 000 *кв. м* = ... *га* 15 *га* = ... *кв. м*

340 000 *кв. м* = ... *а* 36 *а* = ... *кв. м*

610 000 *кв. м* = ... *га* 18 *га* = ... *а*

820 000 *кв. м* = *а* 38 *га* = ... *кв. м*

1373. 25 000 *кв. м* неча гектар ва неча квадрат метр бўлади? 48 000 *кв. м*-чи? 125 000 *кв. м*-чи? 376 000 *кв. м*-чи? 705 600 *кв. м*-чи? 935 380 *кв. м*-чи?

1374. Тўғри тўртбурчак шаклидаги даланинг узунлиги 180 *м*, кенлиги 120 *м*. Даланинг юзини ҳисобланг (натижани гектар ва ар билан ифодаланг).

1375. Узунлиги 960 м, кенлиги 750 м бўлган далага буғдой экилди. Ҳар 1 гектарга 2 ц 25 кг дан уруф сепилди. Бу далага қанча буғдой экилган?

1376. Оғзаки ҳисобланг:

111 : 111	666 : 333	424 848 : 424
1 111 : 111	6 666 : 333	218 109 : 109
11 111 : 111	66 666 : 333	510 051 : 17
111 111 : 111	666 666 : 333	810 054 : 27

1377. Ифодаларни ўқинг ва уларнинг қийматларини энг осон усул билан топинг:

1) $a = 376$, $k = 999$ бўлганда, $a + a \cdot k$;

2) $a = 524$, $b = 357$, $c = 476$ бўлганда, $a \cdot b + c \cdot b$

1378. Юз ўлчовлари жадвалини тузинг ва эсда тутинг:

1 кв. м = 100 кв. дм	1 а = 100 кв. м
1 кв. м = 10 000 кв. см	1 га = 100 а
1 кв. дм = 100 кв. см	1 га = 10 000 кв. м

1379. Сонларни таққослаб, нуқталар ўрнига $>$, $<$ ёки $=$ белгисини қўйинг:

6 а ... 6 000 кв. м	4 800 кв. м ... 48 а
8 га ... 80 000 кв. м	9 200 а ... 92 га
36 а ... 3 га 6 а	2 000 кв. см ... 2 кв. м

1380. Қоғоздан тайёрланган бир квадрат метрни квадрат дециметрларга қийилди ва улар бир қаторга зичлаб тизилди. Қанча узунликда тасма ҳосил бўлди? Қанақа шакл ҳосил бўлди? Бу тўғри тўртбурчакнинг юзи нимага тенг? Унинг периметри қанчага тенг? Унинг юзи ўзгардимми? Унинг периметри ўзгардимми?

Агар квадрат дециметрларни иккита бир хил қаторга тизиб, улар ёнма-ён зич қилиб бирлаштирилса, қан-

дай шакл ҳосил бўлади? Бу тўғри тўртбурчакнинг юзи нимага тенг? Периметри нимага тенг?

Квадрат сантиметрларга қийилган квадрат дециметр тўғрисида ва квадрат сантиметрларга қийилган квадрат метр тўғрисида ҳам юқоридагига ўхшаш масалалар тузинг.

1381. Қуйидаги ўзаро тескари учта масалани ечинг:

а) Тўғри тўртбурчак шаклидаги даланинг узунлиги 750 м, кенлиги 150 м. Бу дала неча гектар?

б) Даланинг юзи 12 га; унинг узунлиги 750 м. Даланинг кенлиги қанчага тенг?

в) Даланинг кенлиги 150 м. Агар даланинг юзи 12 га бўлса, унинг узунлиги қанчага тенг?


Бу дала чегараларининг узунлигини ҳисобланг ва минутига 75 м дан юрилса, бу чегарани неча минутда айланиб чиқиш мумкинлигини билинг.

1382. Бригада пахта майдонининг узунлиги 1 км 500 м, кенлиги 480 м. Майдоннинг юзини ҳисобланг ва уни гектар билан ифодаланг.

1383. Мисолларни ечинг ва натижаларини текширинг:

1) $720\,103 - 76\,095$ 2) $740 \cdot 309$ 3) $92\,160 : 128$

1384. Чизмадан бир хил ном билан аталадиган шаклларни топинг.



1385. Жадвални тўлдириг:

Тўғри тўртбурчакнинг узунлиги	Тўғри тўртбурчакнинг кенглиги	Тўғри тўртбурчакнинг периметри
18 см 18 см	4 см 8 см	
18 см 36 см	3 см 3 см	
	2 см 8 см	32 см 32 см

Жадвални қараб чиқинг; тўғри тўртбурчакнинг бир томони орта бориб, иккинчи томони ўзгармаганда, унинг периметри ортадими? Тўғри тўртбурчакнинг бир томонини ўзгартмаган ҳолда, иккинчи томонини бир неча марта узайтирсак ёки қисқартирсак, унинг периметри ҳам шунча марта узаядими ёки қисқарадими?

Агар тўғри тўртбурчакнинг бир томонини узайтганда ёки қисқартганда унинг периметри ўзгармаса, тўғри тўртбурчакнинг иккинчи томони қандай ўзгаради? Агар иккинчи томон бир неча марта узайса, биринчи томон шунча марта қисқарадими?

1386. Нуқталар ўрнига $>$, $<$ ёки $=$ белгиларидан тўғри келадиганини қўйинг:

$$\frac{3}{4} \text{ кв. м} \dots 750 \text{ кв. см} \quad \frac{2}{5} \text{ а} \dots 400 \text{ кв. м}$$

$$\frac{1}{8} \text{ га} \dots 1250 \text{ кв. м} \quad \frac{1}{4} \text{ кв. м} \dots 250 \text{ кв. м}$$

1387. Узунлиги 500 м ва кенглиги 360 м ли ер майдонига карам, сабзи ва лавлаги экилган. Шундан

карам 6 га ерни банд қилган, бу сабзи экилган ердан 2 га ортиқ. Лавлаги қанча ерни банд қилган?

1388. Узунлиги 40 м, юзи эса 6 а бўлган тажриба участкаси уч қатор сим билан ўралган. Бунга неча метр сим кетган?



1389. Жадвални тўлдилинг:

Тўғри тўртбурчакнинг узунлиги (a)	Тўғри тўртбурчакнинг кенглиги (b)	Тўғри тўртбурчакнинг юзи (S)
12 см	2 см	
12 см	3 см	
12 см	4 см	
12 см		60 кв. см
12 см		72 кв. см
12 см		120 кв. см

1) Катакли қоғоздан ўлчамлари жадвалда кўрсатилгандек тўғри тўртбурчаклар қийиб олинг.

2) Жадвалдан тўғри тўртбурчакнинг узунлигини ўзгартирмасдан, кенглиги бир неча марта орттирилса, ёки қисқартирилса, унинг юзи қандай ўзгаришини кузатинг. Ўзингиз қоғоздан қийиб олган тўғри тўртбурчакларнинг кенгликларини бир-бирининг устига қўйиб таққослаш билан, сўнгра эса уларнинг юзларини таққослаш билан бунга ишонч ҳосил қилинг.

3) Агар тўғри тўртбурчакнинг узунлигини ўзгартирмасдан, унинг юзи бир неча марта орттирилса ёки камайтирилса, бу тўғри тўртбурчакнинг кенглиги қандай ўзгаришини жадвалдан кузатинг, кейин эса буни тўғри тўртбурчакларни бир-бирининг устига қўйиб таққослаш йўли билан аниқланг.

4) Тўғри тўртбурчакнинг юзини ҳарфлар ёрдамида унинг узунлиги ва кенглиги орқали ифодаланг, кейин эса тўғри тўртбурчакнинг юзи ва узунлиги орқали унинг кенглигини ифодаланг ва бу хулосани бошқача йўл билан қандай ҳосил қилиш мумкинлигини тушунтиринг.

1390. Масалаларни оғзаки ечинг ва ечилишини тушунтиринг:

1) Хонанинг кенглиги 4 м, коридорнинг кенглиги 2 м. Агар хона ва коридорнинг узунликлари бир хил бўлса, уларнинг юзлари тўғрисида нима дейиш мумкин?

2) Тўғри тўртбурчак шаклидаги икки тахта картоннинг узунликлари бир хил. Бир тахта картоннинг юзи 24 кв. дм, иккинчисининг юзи 72 кв. дм. Бу картонларнинг кенглиги тўғрисида нима дейиш мумкин? Ҳар бир тахта картоннинг узунлиги ва кенглиги қандай сонлар билан ифодаланиши мумкинлигини айтинг.

1391. Ҳар бир масалага чизма ясанг ва турли усуллар билан ечинг:

1) Тўғри тўртбурчак шаклидаги зал ва айвоннинг узунликлари бир хил. Залнинг юзи 300 кв. м, айвоннинг юзи эса 150 кв. м. Залнинг кенглиги 10 м эканлиги маълум бўлса, айвоннинг кенглигини топинг.

2) Ёш табиатшунослар тўртбурчак шаклида бир хил узунликдаги 2 участкага гул экишган. Биринчи участканинг кенглиги 10 м, юзи эса 4 а. Иккинчи участканинг кенглиги 30 м. Иккинчи участканинг юзи қанчага тенг?


1392. Нуқталар ўрнига $>$, $<$ ёки $=$ белгисини қўйинг:

52 а 35 кв. м ... 5235 кв. м

9 км 75 м ... 9750 м

3 га 80 а ... 3800 кв. м
 15 кв. м 6 кв. дм ... 156 кв. м
 37 м 8 дм ... 3780 см
 5 га 452 кв. м ... 64520 кв. м

1393. Қуйидаги графикни қараб чиқинг. Унда самолётларнинг тезлиги йиллар бўйича қандай ошиб борганлиги кўрсатилган. 1906 йили самолётнинг тезлиги соатига тахминан 50 км бўлган эди, 1962 йили эса унинг тезлиги соатига 300 км га етди. Шу йиллар ичида самолётнинг тезлиги неча баравар ошган?



VIII. ВАҚТ ЎЛЧОВЛАРИ

1394. Вақт ўлчовининг асосий бирликлари **йил** ва **кун (сутка)** дир. **Йил** Ернинг Қуёш атрофида тахминан тўла бир марта айланиб чиқадиган вақтидан иборатдир.

Кун (сутка) шундай вақтки, бу вақт ичида Ер ўз ўқи атрофида тўла бир марта айланиб чиқади.

Бир йилдан ортиқ ва кам бўлган вақт ўлчовлари ҳам қўлланади.

Масалан, 100 йил вақт ўлчовининг йирик бирлигини, яъни **аср** ёки **юз йилни** ташкил қилади.

Бир йилда 365 ёки 366 кун бўлади. 365 кунлик йил оддий йил деб, 366 кунлик йил кабиса йили деб аталади. Ҳар уч оддий йилдан кейин тўртинчиси — кабиса йили келади.

Йил 12 ойга бўлинади.

Кун (сутка) 24 соатга, соат 60 минутга, минут 60 секундга бўлинади.

1395. Бу вақт бирликларининг ҳаммаси қуйидаги жадвални ташкил қилади:

Аср 100 йилга тенг.

Йил 12 ойга тенг.

Оддий йилда 365 кун, кабиса йилда 366 кун бор.

Бир ойда 30 кун ёки 31 кун бўлади (февралда 28 ёки 29 кун бўлади).

Бир кун 24 соатга тенг.

Бир соат 60 минутга тенг.

Бир минут 60 секундга тенг.

1396. Аср (юз йил) билан узоқ вақт оралиқлари ўлчанади. Секунд билан жуда қисқа, тез ўтиб кетадиган вақт оралиқлари ўлчанади.

Бир секундда 1—2 қадам босиш, 1 м йўлни ўтиш мумкин. 10 секундда 1 дан 15 гача санаш мумкин. 1 минутда, яъни 60 секундда 1 дан 60 гача санаш мумкин.

1397. Икки минутда неча секунд бор? Ўн минутда-чи? Бир соатда неча секунд бор?

120 секунд неча минут бўлади? 180 секунд-чи? 360 секунд-чи? 600 секунд-чи?

1398. Бир йилда бўладиган ҳамма ойларнинг номларини тартиб билан айтиб чиқинг ва ҳар бир ойда неча кун борлигини кўрсатинг.

Бир йилда неча 30 кунлик ой бор? Шу ойларнинг номларини айтинг.

Бир йилда неча 31 кунлик ой бор? Шу ойларнинг номларини айтинг.

1399. 1) Март, апрель ва май баҳор ойлари ҳисобланади. Баҳор ойларида неча кун бор?

2) Агар декабрь, январь, февраль қиш ойлари ҳисобланса, қиш неча кун давом этади?

3) Мактабда ёзги каникуллар июнь, июль, август ойлари бўлади. Ёзги каникуллар неча кун давом этади?

1400. Қуйидаги текстни кўчириб ёзинг ва нуқталар ўрнига керакли сонларни қўйинг:

1) Мен . . . йилда туғилганман.

2) Мен . . . ёшдаман.

- 3) Биз . . . асрда яшамоқдамиз.
 4) Ҳозир . . . йил давом этмоқда.



1401. Ифодаларни ёзинг ва уларнинг қийматларини топинг:

1) 372600 ни 92 га ва 26358 ни 46 га бўлишдан чиққан бўлинмаларнинг айирмаси.

2) 709 билан 370, 695 билан 87 сонлари кўпайтмаларининг йиғиндиси.

1402. Қисқа ёзувга кура масала тузинг ва уни турли усуллар билан ечинг.

Узунлиги	Кенглиги	Юзи
Бир хилда	20 м	18 а
	60 м	х а

1403. Вақтни ҳисоблаш учун турли хил календарлардан фойдаланилади. Йиртиб олинган календардан олинган варақчани қараб чиқиб, ундан нималарни билиб олиш мумкинлигини айтинг.


1404. 1) 1971 йилнинг январь — июль ойларига тузилган табель-календарни қараб чиқинг. Иккинчи ярим йилга шундай календарь тузишни давом эттиринг.

1917 СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ
БҲДҚК ЙИЛЛИГИ 1967

17

АВГУСТ

☉ ЧИКИШ 5. 03
 🌅 БҲТИШ 20. 04
 🌙 КҲН УСУН-
 ДИГИ 15. 01
ПАЙШАНБА



Ульяновскдаги
В. И. Ленин хайкали

2) Табель-календардан фойдаланиб, қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1971

	Январь	Февраль	Март
Душанба	4 11 18 25	1 8 15 22	1 8 15 22 29
Сешанба	5 12 19 26	2 9 16 23	2 9 16 23 30
Чоршанба	6 13 20 27	3 10 17 24	3 10 17 24 31
Пайшанба	7 14 21 28	4 11 18 25	4 11 18 25
Жума	1 8 15 22 29	5 12 19 26	5 12 19 26
Шанба	2 9 16 23 30	6 13 20 27	6 13 20 27
Якшанба	3 10 17 24 31	7 14 21 28	7 14 21 28
	Апрель	Май	Июнь
Душанба	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28
Сешанба	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29
Чоршанба	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30
Пайшанба	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24
Жума	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25
Шанба	3 10 17 24	1 8 15 22 29	5 12 19 26
Якшанба	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27

а) Йил ҳафтанинг қайси кунидан бошланган?

б) Бу йил 1 ва 2 май, 8 март қайси кунларга тўғри келади?

в) Онангизнинг, отангизнинг туғилган кунлари, ўзингизнинг туғилган кунингиз қайси кунларга тўғри келади?

г) Ҳозирги ойнинг ҳамма якшанба кунлари қайси числоларга тўғри келади?

д) Агар бирой ойнинг 1-числоси душанба кунига тўғри келса, навбатдаги душанба кунлари шу ойнинг яна қайси числоларига тўғри келади?

е) 10 январь чоршанба куни бўлган эди. 13 январь ҳафтанинг қайси куни бўлган? 15 январь-чи? 18 январь-чи? 19 январь-чи?

ж) Календарга қараб, 15 апрелдан 20 майгача, 1 февралдан 10 апрелгача неча кун бўлишини ҳисоблаб чиқинг.

1405. 1) Ўзингизнинг кундалик режимингизни — нималарни ва қайвақтда бажаришингизни ёзиб чиқинг:

Эрталаб соат . . . да тураман.

Мақтабга соат . . . да жўнайман.

Мақтабдан соат . . . да қайтаман.

Тоза ҳавода . . . соат сайр қиламан ва ўйнайман.

Дарсларимни тайёрлайман: . . .

Онамга уй ишларида ёрдамлашаман . . .

Китоб ўқийман . . .

2) Сизнинг мактабда ўқишга қанча вақтингиз кетади? Дарсларингизни тайёрлашга қанча вақт сарфлайсиз? Китоб ўқишга-чи? Сайр қилиш ва ўйинга-чи? Онангизга уй ишларига қарашишга-чи?

1406. Синфингиз учун кўнғироқ чалиниш жадвалини тузинг.

1407. Тўғри тўртбурчак шаклидаги колхоз боғининг узунлиги 250 м, кенлиги 140 м. Бутун боғ юзининг $\frac{4}{5}$ қисми олмасор, қолган ернинг $\frac{1}{2}$ қисми токзор. Токзор қанча ерни банд қилган?

1408. Шундай жадвал берилган:

a						
$150 - 180 : a$						

a ҳарфининг бешта шундай қийматини танлангик, айирма ортиб борсин. a ҳарфига қандай энг катта ва энг кичик қийматлар бериш мумкин?



1409. Жадвални тўлдириг:

Тўғри тўртбурчакнинг узунлиги (a)	Тўғри тўртбурчакнинг кенглиги (b)	Тўғри тўртбурчакнинг юзи (S)
4 см	3 см	
5 см	3 см	
6 см	3 см	
	3 см	24 кв. см
	3 см	30 кв. см
	3 см	36 кв. см

Жадвалдан тўғри тўртбурчакнинг кенглиги бир хил бўлганда, унинг узунлиги ўзгариши билан боғлиқ ҳолда юзининг ўзгаришини, кейин эса унинг юзи ўзгариши билан боғлиқ ҳолда узунлигининг ўзгаришини кўзатиш мумкин. Бундан сиз қандай хулосалар чиқара оласиз? Қўғоздан қийиб олинган тўғри тўртбурчакларни бири-бирининг устига қўйиш йўли билан уларнинг узунликларини таққослаш, кейин эса юзларини таққослаш йўли билан хулосаларингизни текшириб кўриш.

Бу хулосаларни жадвалсиз қандай чиқариш мумкин?

1410 (оғзаки). 1) Иккита хонанинг узунлиги бир хил, лекин бирининг кенглиги иккинчисидан 2 барабар қисқа. Бу хоналарнинг юзлари тўғрисида нима дейиш мумкин?

2) Мактаб коридори ва айвонининг узунликлари бир хил, лекин коридорнинг юзи айвоннинг юзидан 3 барабар катта. Коридор ва айвоннинг узунликлари тўғрисида нима дейиш мумкин? Агар коридорнинг узунлиги 48 м эканлиги маълум бўлса, ўлчамасдан туриб, айвоннинг узунлигини топиш мумкинми? Бунинг учун нима қилиш керак?

1411. Масалаларга чизма ясанг ва уларни турли усуллар билан ечинг:

1) Ўқувчи диаграмма чизиш учун бир хил кенгликда икки варақ миллиметрли қоғоз келтирди. Бир қоғознинг юзи 160 кв. см, иккинчисининг юзи 80 кв. см. Агар биринчи варақ қоғознинг узунлиги 20 см бўлса иккинчи варақнинг узунлиги қанча?

2) Колхозда янги сорт сабзавотлар етиштириш учун тўғри тўртбурчак шаклида икки участка ажратилди, уларнинг эни бир хил. Биринчи участканинг узунлиги 20 м, унинг юзи 4 а, иккинчи участканинг узунлиги 60 м. Иккинчи участканинг юзи қанча?

1412. Ифодаларнинг қийматларини энг осон усул билан ҳисобланг:

- 1) $a : b + c : b$; $a = 3360$, $b = 42$, $c = 840$ бўлганда,
 2) $c \cdot k - c$, $c = 380$, $k = 91$ бўлганда.



1413. Вақтнинг йирик ўлчовларини кичикроқ ўлчовларига алмаштириш намуналарини қараб чиқинг:

Оғзаки.

- 4 йил = 48 ой 2 йил 6 ой = 30 ой
 5 кун = 120 соат 4 соат 28 минут = 268 минут

Ёзма.

- 16 кун = 384 соат 18 кун 22 соат = 454 соат

$$\begin{array}{r} \times 24 \\ 16 \\ \hline + 144 \\ + 24 \\ \hline 384 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} \times 24 \\ 18 \\ \hline + 192 \\ + 24 \\ \hline 432 \end{array}$$

$$432 + 22 = 454$$

Шу намуналарга кўра:

1) Ойларга алмаштиринг: 6 йилни; 14 йилни; 10 йилу 8 ойни; 18 йилу 4 ойни.

2) Соатларга алмаштиринг: 4 кунни; 10 кунни; 7 кун 19 соатни; 23 кун 16 соатни.

3) Минутларга айлантинг: 10 соатни; 15 соатни; 8 соат 45 минутни.

4) Секундларга алмаштиринг: 9 минутни; 38 минутни; 40 минут 50 секундни; 56 минуту 35 секундни.

1414. Кичик ўлчовларни йирикроқ ўлчовларга қандай айлантириш намуналарини қараб чиқинг:

Оғзаки. $72 \text{ соат} = 3 \text{ кун}$; $240 \text{ минут} = 4 \text{ соат}$; $180 \text{ секунд} = 3 \text{ минут}$.

Тушунтириш. 24 соат бир кун бўлади; 72 да 24 неча марта бўлса, 72 соат шунча кун бўлади. $72 : 24 = 3$ (кун).

Ёзма.

а) $552 \text{ соат} = 23 \text{ кун}$

$$\begin{array}{r|l} 552 & 24 \\ \hline 72 & 23 \\ \hline 0 & \end{array}$$

б) $876 \text{ секунд} = 14 \text{ минут } 36 \text{ секунд}$

$$\begin{array}{r|l} 876 & 60 \\ \hline 276 & 14 \\ \hline 240 & \\ \hline 36 & \end{array}$$

Қандай амаллар ёрдамида ўлчовлар йирикланади?

Ойларни йилларга айлантиришда, ойлар қандай сонга бўлинади? Соатларни кунларга айлантиришда-чи? Минутларни соатларга айлантиришда-чи? Секундларни минутларга айлантиришда-чи?

1415. Оғзаки ёки ёзма ҳисоблашдан фойдаланиб, йирикроқ ўлчовлар билан ифодаланг:

240 соат 900 минут 960 секунд 4 345 минут
 384 соат 2 880 минут 4 200 секунд 9 860 секунд

1416. Қисқа ёзувга кўра масала тузинг ва уни турли усуллар билан ечинг.

Узунлиги	Кенглиги	Юзи
80 м 240 м	Бир хилда	40 а х а

1417. Тўғри тўртбурчак шаклидаги пайкални бир марза чизиги билан шундай икки тўғри тўрт бурчакли участкага бўлиш керакки, бирининг юзи иккинчисига қараганда икки барабар катта бўлсин.

Буни қандай қилиш мумкинлигини чизмада кўрсатинг



1418. Ҳисобланг ва эсда тутинг:

1) Бир соатда неча секунд бор?

2) Бир кунда неча минут бор?

1419. 144 соат неча кун бўлади? 3 600 секунд неча соат бўлади?

1420. Автомат-машина 20 секундда 135 та конфетни қоғозга ўрайди. Бундай автомат 1 минутда неча конфетни қоғозга ўрайди? 1 соатда-чи? Бир сменада (7 соатда)- чи?

1421. 1) Қизчанинг ёши 9 йилу 8 ойга тўлди. Бу қизча шу йиллар ва ойлар ичида неча соат яшаган?

7 йилни 365 кундан ва 2 йилни 366 кундан қилиб олинг.

2) Ұз ёшингизнинг неча йилу неча ойлигини ёзинг ва шу вақт ичида қанча соат яшаганлигингизни ҳисоблаб чиқинг.

1422. Ҳисоблаб кўринг- чи, одам 36 миллион минут яшаши мумкинми?

1423. Кичикроқ ўлчовлар билан ифодаланг:

1) Соатлар билан: 8 кун; 30 кун; 12 кун 20 соат.

2) Минутлар билан: 12 соат; 19 соат; 8 соат 46 минут; 14 соат 56 минут.

3) Секундлар билан: 15 минут; 40 минут; 16 минут 36 секунд; 42 минут 39 секунд.

1424. Йирикроқ ўлчовлар билан ифодаланг:

1) 48 ой 2) 420 минут 3) 723 соат 4) 10 800 секунд
 96 соат 600 минут 865 соат 15 768 секунд
 144 соат 250 минут 1 206 соат 18 270 секунд

1425. 1) 18 км ни метрга айлантинг;

18 соатни минутга айлантинг.

2) 658 кг ни центнер ва килограммга айлантинг;
 658 минутни соат ва минутларга айлантинг.

Қандай ҳолларда айлантириш осон бўлади?

1426. Номаълум сонни топинг:

1) $450\,010 - x \cdot 207 = 430\,948$ 2) $(5\,020 + x) : 27 = 360$



1427. Жадвални тўлдириг:

Тўғри тўртбурчакнинг узунлиги (a)	Тўғри тўртбурчакнинг кенглиги (b)	Тўғри тўртбурчакнинг юзи (S)
12 см		96 кв. см
16 см		96 кв. см
24 см		96 кв. см
32 см		96 кв. см
48 см		96 кв. см

Бу жадвалдан тўғри тўртбурчакнинг юзи ўзгармаганда унинг узунлиги ўзгаришига боғлиқ ҳолда кенглигининг ўзгариши ва кенглигининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда узунлигининг ўзгариши тўғрисида қандай хулосалар чиқариш мумкин?

Бу хулосаларни жадвалдан фойдаланмасдан қандай чиқариш мумкин?

1428 (огзаки). 1) Икки тахта рангли қоғознинг юзлари бир хил, лекин қизил қоғознинг узунлиги кўк қоғознинг узунлигидан икки баравар ортиқ. Бу қоғозларнинг энлари ҳақида нима дейиш мумкин?

2) Иккита тахтанинг юзлари баравар. Бирининг эни *27 см*, иккинчисининг эни *9 см*. Бу тахталарнинг узунликлари тўғрисида нима дейиш мумкин?

1429. Мактаб ёнидаги тажриба участкасида юзлари тенг бўлган тўғри тўртбурчак шаклида икки бўлак ер ажратилди. Биринчи бўлак ернинг узунлиги *30 м*, кенглиги *28 м*. Агар иккинчи бўлак ернинг кенглиги *14 м* бўлса, узунлиги қанчага тенг?

Масалани турли усуллар билан ечинг.

1430. Қисқа ёзувга кўра масала тузинг ва уни турли усуллар билан ечинг:

Узунлиги	Кенглиги	Юзи
8 дм $1 \text{ м } 6 \text{ дм}$	6 дм $x \text{ дм}$	Бир хил

1431. Нуқталар ўрнига $>$, $<$ ёки $=$ белгисини қўйинг:

$\frac{5}{6}$ соат ... 30 секунд

$\frac{9}{10}$ соат ... 50 минут


$\frac{3}{4}$ кун ... 1080 минут

$\frac{3}{8}$ кун ... 9 соат

ҚўШИШ ВА АЙИРИШ.

1432. Вақт ўлчовлари билан ифодаланган мураккаб исмли сонларни қўшиш қандай бажарилишини қараб чиқинг.

Масала. Учувчи бир кунда 12 соату 45 минут ҳа-
вода бўлди, иккинчи куни эса 10 соату 35 минут бўлди.
Учувчи шу икки кунда қанча
вақт ҳавода бўлган?



Масаланинг шартини чизмада кўрсатамиз:
Амални бажарамиз:

$$\begin{array}{r} + \quad 12 \text{ соат } 45 \text{ минут} \\ \quad 10 \text{ соат } 35 \text{ минут} \\ \hline \quad 22 \text{ соат } 80 \text{ минут} \\ \hline \quad 23 \text{ соат } 20 \text{ минут} \end{array}$$

Чизмада қандай кесма берилган икки соннинг йи-
гиндисини билдиради?

Қўшилувчилар бир-бирининг остига қандай ёзилади?

Нима учун охирги йигинди бирданига ҳосил қилин-
мади?

Бирданига охирги йигинди чиқиши мумкин бўлар-
миди? Қандай шароитда?

1433. Қўшишни тушунтириб бажаринг:

- 1) 3 соат 18 минут + 37 минут
9 соат 24 минут + 36 минут
7 минут 48 секунд + 56 секунд
- 2) 4 йил 6 ой + 8 йил 10 ой
8 кун 17 соат + 9 кун 15 соат
13 соат 54 минут + 6 соат 46 минут

1434. Икки бола бир хил масофага чопишда мусо-
бақалашди, бунда бир бола белгиланган масофани 2 ми-
нут 54 секундда чопиб ўтиб, иккинчисига қараганда

18 секунд олдин етиб келди. Бу масофани иккинчи бола қанча вақтда чопиб ўтди?

Белгиланган масофани чопиб ўтиш учун қайси бола ортиқ вақт сарфлаганлигини чизмада кўрсатинг.

Бу масалани „18 секунд ортиқ“ деган сўз билан айтинг.

1435. Бир қўшилувчи 2 соат 48 минут, иккинчи қўшилувчи биринчисидан 1 соат 12 минут ортиқ. Бу сонларнинг йиғиндиси қанчага тенг?

Бу масаланинг ечилиш формуласини тузинг ва унга мазмун ўйланг.

1436. Машинист поездни бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ҳайдаб бормоқда. У 4 соату 45 минут йўлда бўлгандан кейин, унга яна йўлда бўлган вақтига қараганда 2 соату 35 минут ортиқ йўлда бўлиш қолди. Машинист поездни бир шаҳардан иккинчи шаҳарга қанча вақт ҳайдаб бориши керак экан?

1437. Пионер лагерида дам олаётган болалар колхозга уч кун пичан йиғиш ишига ёрдам беришди. Улар биринчи куни 1 соату 10 минут ишлашди, бу иккинчи кунга қараганда 30 минут кам; учинчи куни эса олдинги икки кунда ишлаган вақтларидан 20 минут ортиқ ишлашди. Болалар ҳар куни ўртача қанча вақт ишлашган?

1438. Қисқа ёзувларга кўра масалалар тузинг, уларни ечинг ва ечилишларини таққосланг:

Узунлиги	Кеңлиги	Юзи
1) Бир хил	15 м х м	8 а 10 кв. м 2 а 70 кв. м
2) 1 км 800 м х м	280 м 560 м	Бир хил

1439. Айиришни бажаринг (оғзаки):

1 соат — 20 минут	1 кун — 16 соат
8 соат — 45 минут	5 кун — 18 соат
1 минут — 13 секунд	1 йил — 5 ой
9 минут — 36 секунд	10 йил — 11 ой
8 соат — 3 соат 15 минут	
7 минут — 6 минут 50 секунд	
9 кун — 3 кун 16 соат	
4 йил — 2 йил 10 ой	

1440. Қуйидаги мисолларни қараб чиқинг ва ечилишини тушунтиринг:

1) $\begin{array}{r} 48 \text{ минут } 56 \text{ секунд} \\ 16 \text{ минут } 32 \text{ секунд} \\ \hline 32 \text{ минут } 24 \text{ секунд} \end{array}$	2) $\begin{array}{r} 15 \text{ соат } 12 \text{ минут} \\ 8 \text{ соат } 46 \text{ минут} \\ \hline 6 \text{ соат } 26 \text{ минут} \end{array}$
--	--

1441. Мисолларнинг ечилишларини таққосланг:

1) $\begin{array}{r} 12 \text{ м } 34 \text{ см} \\ 8 \text{ м } 56 \text{ см} \\ \hline 3 \text{ м } 78 \text{ см} \end{array}$	2) $\begin{array}{r} 12 \text{ соат } 34 \text{ минут} \\ 8 \text{ соат } 56 \text{ минут} \\ \hline 3 \text{ соат } 38 \text{ минут} \end{array}$
--	--

1442. Айиришни бажаринг ва текширинг:

20 соат	36 минут	—	17 соат	28 минут
16 соат	12 минут	—	11 соат	40 минут
19 кун	13 соат	—	12 кун	23 соат
30 минут	45 секунд	—	20 минут	58 секунд

1443. Ишчи биринчи детални 4 минут 10 секундда, учинчи детални эса 2 минут 58 секундда тайёрлади.

Саволни шундай қўйингки, масала айириш билан ечилсин; уни ечинг.

1444. Боланинг ёши 12 йилу 8 ой. У синглисидан 3 ёшу 10 ой катта. Синглисининг ёши нечада?

Кесма чизинг, унда боланинг ва синглисининг ёшларини тасвирланг.

1445. Қизчанинг ёши 8 йилу 6 ой. У акасида 2 йилу 7 ойлик кичик. Акасининг ёши нечада?

Мақаланинг ечилишини чизмада кўрсатинг.

1446. Амалларни бажаринг:

- 1) 4 соат 38 мин. + 7 соат 46 мин. — 8 соат 45 мин.
9 мин. 16 секунд — 5 мин. 50 секунд + 6 мин. 7 секунд.
- 2) 3 ой 12 кун + 5 ой 15 кун — 4 ой 28 кун
6 кун 12 соат — 2 кун 20 соат + 5 кун 8 соат.

1447. Қуйидаги жадвал бўйича учта масала тузинг ва уларни ечинг:

Тартиб номери	1 га дан олинган ҳосил	Ер майдони	Жами ҳосил
1	26 ц	5 га	a
2	26 ц	b га	130 ц
3	k ц	5 га	180 ц

Агар 1 га дан олинган ҳосил ва дон экилган ер майдони маълум бўлса, жами ҳосилни қандай топиш керак? Агар 1 га дан олинган ҳосил ва жами олинган ҳосил маълум бўлса, дон экилган ер майдонини қандай топиш керак?

Агар жами ҳосил ва экин майдони маълум бўлса, 1 га ердан олинган ҳосилни қандай топиш керак?

1448. Ҳисобламасдан, ёзувни тугалланг:

$$583 \cdot 70 + 583 \cdot 8 > 583 \cdot \dots$$

$$15000 : 500 + 1000 : 500 < 16000 : \dots$$

$$396 \cdot 154 - 396 \cdot 54 > 396 \cdot \dots$$

$$1925 : 25 - 925 : 25 < 1000 : \dots$$

1449. Бир кундаги соатлар саноғи турлича олиб борилади. Куннинг боши ярим кеча қабул қилинади. Ярим кечадан кейин соатлар бундай саналади: соат 1 дан соат 12 гача, яъни тушгача, кейин яна соат 1 дан 12 гача, яъни ярим кечагача. Бунда ҳамма вақт „эрталаб соат 6 да“ ёки „кеч соат 6 да“, „кундуз соат 2 да“ ёки „кечаси соат 2 да“ деб қўшиб айтиш керак бўлади. Соатнинг циферблати ҳам вақтни шундай ҳисоблашга мослаб тузилган бўлиб, унда 12, 1, 2, 3 ва ҳозирга белгилар қўйилган.

„Эрталаб“, „кечқурун“, „кечаси“, „кундузи“ сўзларини қўшишдан қутулиш учун, бир кун давомидаги соатлар ҳисоби 1 дан 24 гача олиб борилади ва „эрталаб соат 10 да“ деб айтиш ўрнига фақат „соат 10 да“ дейилади, „кеч соат 10 да“ дейиш ўрнига эса „соат 22 да“ дейилади.

Бундай 24 соатлик вақт ҳисоби радиода, темир йўлларда, почта ва телеграфда қабул қилинган.




Биз ҳам масалалар ечишда бундан фойдаланамиз. Лекин биз аввал вақтни 12 соатлик вақт ҳисобини 24 соатлик вақт ҳисобига қандай алмаштиришни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Соат циферблати айланасини 12 белгиси турган жойдан қийиб, уни

ёзиб тўғрилаймиз, соатнинг ҳамма белгилари сақланган кесма ҳосил қиламиз. Бу кесмада куннинг бошидан кундуз соат 12 гача бўлган вақт тасвирланган бўлади.

Бу кесмани давом эттирамиз ва унда вақтнинг кундузи 12 дан кечаси 12 гача, яъни соат 24 гача давомини белгилаймиз. Бундай график ҳосил бўлади:



1450. 1) Соат циферблатида стрелкаларни шундай жойлаштирингки, улар: эрталаб соат 8 ни кўрсатсин; соат 18 ни кўрсатсин. Энди графикда соат 8 га; соат 18 га мос келадиган нуқталарни кўрсатинг.

2) Куннинг бошидан эрталаб соат 8 гача қанча вақт ўтган? Шу вақт ичида соат стрелкалари қанча сурилганини циферблатда кўрсатинг. Энди шу вақт ичида стрелкалар қандай йўлни ўтганини графикда кўрсатинг.

3) Куннинг бошидан соат 20 гача бўлган вақтни графикда қандай тасвирлаш мумкин? Куннинг бошидан 20 соат ўтган бўлса, ҳозир соат неча бўлади? Бу вақтни графикда қандай тасвирлаш мумкин? (20 рақамни кўрсатувчи нуқта билан.)

4) Графикда: а) Дарс бошланиш вақтини қандай тасвирлаш мумкин? б) Биз мактабда ўтказадиган вақтни қандай тасвирлаш мумкин?

5) Графикда бу вақт *A* нуқтасидан *B* нуқтасигача бўлган кесма билан кўрсатилган бўлса, неча соат ўтган бўлади?

6) Ҳозирги вақт графикда *B* нуқтаси билан белгиланган бўлса, соат неча бўлганини билдиради?

1451. Мана бу масалани график ёрдамида ечимиз:



Поезд Тошкентдан соат 8 да жўнайди ва соат 11 да Янгиер шаҳрига етиб келади. Поезд Тошкентдан Янгиергача неча соат юради?

Бу масаланинг ечилиш графигига қаранг.

Графикда поезднинг жўнаш вақти қандай тасвирланган ва келиш вақти қандай акс эттирилган?

Графикда поезднинг йўлда бўлиш вақти қандай тасвирланган? Поезд йўлда қанча вақт бўлганлигини графикдан қандай билиш мумкин?

1452. Графикда экскурсиянинг бошланиш ва тамом бўлиш вақти кўрсатилган.



Соат 12 ва 14 ни кўрсатадиган нуқталар орасида неча соат-кесма жойлашган? Шу график асосида масала тузинг.

1453. Қуйидаги графикда масаланинг шарти тасвирланган. Бу масалага сон маълумотлари танланг.




Масала. Заводда биринчи смена ишни соат ... да бошлаб, соат ... да тугатади. Биринчи смена ишчиларининг иш куни неча соат давом этади?

1454. Ифодаларни ёзинг ва уларнинг қийматларини ҳисобланг:

1) 3700 ва $98,764$ ва 79 сонлари кўпайтмаларининг айирмаси.

2) 201000 ва 21676 сонлари айирмасини 254 га бўлишдан чиқадиган бўлинма.




1455. Биринчи чизмада нечта тўртбурчак бор? Нечта учбурчак бор? Учбурчаклар орасидан ўткир бурчакли учбурчакларни, тўғри бурчакли учбурчакларни, тенг ёнли учбурчакларни топинг.

Иккинчи чизмада нечта тўғри тўртбурчак бор? Ҳар бир тўғри тўртбурчакни ҳарфлар билан белгилаб, уларни ёзиб чиқинг.



1456. Мактабда дарслар соат 8 да бошланади ва 4 соат давом этади. Мактабда дарслар соат нечада тугайди?



Бу масаланинг шarti графикда қандай белгиланганини қараб чиқинг.

Мактабда дарсларнинг бошланиш вақти графикда қандай белгиланган?

Куннинг бошланишидан дарслар бошланишигача қанча вақт ўтган. Бу вақт графикда қандай белгиланган?

Мактабда дарслар неча соат давом этган. Бу вақт графикда қандай белгиланган?

Куннинг бошланишидан дарслар тугашигача неча соат ўтади? Буни графикда кўрсатинг.

Бу сонни қандай арифметик амал билан топиш мумкин.

Куннинг бошланишидан 12 соат ўтган бўлса, нечанчи соат бошланади? Бу масалада нима берилган? Нимани топиш керак?

Бу масалага иккита тескари масала тузинг ва шу графикдан фойдаланиб, уларни ечинг.

1457. Ҳар бир масалага олдин график чизиб, сўнгра ечинг.

Бу масалаларнинг ҳар бирига иккитадан тескари масала тузинг ва уларни ечинг:

1) Куёш соат 6-ю 24 минутда чиқди, 18-у 50 минутда ботди. Кундузининг қанча давом этганлигини ҳисоблаб чиқинг.

2) Қоровул навбатчилигини соат 23 да бошлади; навбатчилик 7 соат давом этди. Қоровул навбатчиликини қай вақтда тамомлади?

3) Москва — Ленинград поезда 9 соату 45 минут йўлда бўлиб, Ленинградга соат 8 дан 20 минут ўтганда келди. Бу поезд Москвадан қачон жўнаган?

1458. Колхозда янги очилган 28 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 ц дан, 42 гектар иккинчи ернинг ҳар гектаридан 20 ц дан пахта ҳосили олинди. Бу ерларнинг ҳар гектаридан ўртача олинган пахта ҳосилини топинг.

1459. Энг осон усул билан оғзаки ҳисобланг:

$$18 \cdot 5 \quad 320 : 5 \quad 36 \cdot 15 \quad 49 \cdot 17 + 49 \cdot 3$$

$$24 \cdot 9 \quad 450 : 25 \quad 75 \cdot 12 \quad 57 \cdot 18 - 57 \cdot 8$$

$$49 \cdot 11 \quad 850 : 50 \quad 75 \cdot 24 \quad 375 : 5 + 125 : 5$$

1460. Шундай жадвал берилган:

a				
$(a - 30) \cdot 4$				

a ҳарфига шундай бешта қиймат танлангки, кўпайтма камайиб борадиган бўлсин. a ҳарфига қандай энг кичик қиймат бериш мумкин? a ҳарфининг энг катта қиймати борми?



1461. Ойнинг кунларини тўғри чизиқдаги кесмалар билан тасвирланг ва шу график ёрдамида қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1) Ойнинг бошидан шу ойнинг 5-числосигача неча тўла кун ўтган? 15-числосигача-чи? 22-числосигача-чи?

2) Ойнинг бошидан расо 8 кун ўтгандан кейин қайси число кирган бўлади? 14 кун ўтгандан кейин-чи? 25 кун ўтгандан кейин-чи? 28 кун ўтгандан кейин-чи?

1462. Масалаларни график ёрдамида ечинг:


1) Ўқувчилар экскурсияга 2 июнда кетишди ва 15 июнда қайтиб келишди. Экскурсия неча кун давом этган?

2) Кузги каникуллар 5-ноябрда бошланди ва 5 кун давом этди. Кузги каникулдан кейин дарслар қачон бошланган?

3) Ўқувчи кутубхонадан китоб олди ва уни 6 кундан кейин — 15 апрелда топширди. Ўқувчи китобни кутубхонадан қачон олган?



1463. Йилнинг ойларини тартиб билан расмда кўрсатилганидек қилиб, тўғри чизиқ кесмаларида тасвирланг.



Графикдан фойдаланиб, саволларга жавоб беринг:

1) Йил бошидан 1-июлгача тўла неча ой ўтган? 1 сентябргача-чи (1-октябргача, 1-декабргача, 1-майгача, 1-мартгача-чи)?

2) Йилнинг бошидан 3 ой ўтган бўлса, қайси ой кирган бўлади? 7 ой (10 ой, 6 ой, 8 ой, 11 ой) ўтган бўлса-чи?

1464. Тушириб қолдирилган сонлар ва номларни қўйиб ёзинг:

Августдан 1 декабргача . . . ой ўтди.

Йил бошидан 5 ой ўтди, оyi кирди.

Февралнинг бошидан июлнинг охиригача тўла . . . ой ўтди.

1465. График ёрдамида қуйидаги масалаларни ечинг:

1) Пионерлар лагери 1- июлда очилди, 2 ойу 28 кундан кейин ёпилди. Пионерлар лагери қачон ёпилган?

2) Сув омборидан колхоз ва совхоз далаларига баҳорда 10 апрелда сув олина бошлади ва кузда 20 ноябрда сув олиш тўхтатилди. Сув омборидан сув олинган кундан сув олиш тўхтатилганига қадар қанча вақт ўтган?

3) Ёзги каникуллар 1- июндан бошланди ва 3 ой давом этди. Ёзги каникуллар қачон тамом бўлган?

1466. Тенгламаларни ечинг:

$$1) (x + 937) : 279 = 14; \quad 2) 2870 + x : 118 = 2900.$$

1467. Тўғри тўртбурчакда шундай бир кесма ўтказингки: а) иккита учбурчак ҳосил бўлсин; б) битта учбурчак ва битта тўртбурчак ҳосил бўлсин; в) битта учбурчак ва битта бешбурчак ҳосил бўлсин; г) иккита тўртбурчак ҳосил бўлсин.

1468. Асрларни (юз йилларни) расмда кўрсатилгандек қилиб тўғри чизиқдаги кесмалар билан тасвирланг.

Йил ҳисобининг бошланғиши

1 аср 2 а. 3 а. 4 а. 5 а. . . . 16 а. 17 а. 18 а. 19 а. 20 а.

Графикдан фойдаланиб, саволларга жавоб беринг:

1) Йил ҳисоби бошидан 18- асргача неча тўла аср ўтган? 20- асргача- чи? 10 асргача- чи?

2) Йил ҳисоби бошидан 1905 йилгача қанча тўла йил ўтган? 1824 (1871, 1966, 1380) йилгача-чи?

3) 1703 йил қайси асрга киради? 1870 (1147, 1240) йил-чи?

1469. 15- аср қайси йилларни ўз ичига олади? 2- аср-чи? 10- аср-чи? 19- аср- чи? 20- аср-чи?

1470. Йил ҳисоби бошидан тўла 999 йил ўтган бўлса, қайси йил кирган бўлади? 1480 йил ўтган бўлса-чи? 1602 (1799, 1811, 1967, 1969) йил ўтган бўлса-чи?

1471. Биз қайси асрда яшамоқдамиз? 20- аср қачон бошланган ва қачон тамом бўлади?

1472. Биринчи пароход сувга (Нева дарёсига) 1815 йилда туширилган. Бу воқеа қайси асрда бўлган?

1473. Совет кешиси Алексей Леонов 1965 йилда биринчи бўлиб космик кемасидан чиқиб, кўз илғамас бўшлиққа (фазога) кирди. Бу буюк воқеа қайси асрда юз берди?

1474. Улуғ Октябрь социалистик революцияси қайси асрда бўлди? Бу революция бошидан ҳозирга қадар неча йил ўтди?

1475. 21- аср неча йилдан кейин бошланади?

1476. 5 аср неча йил бўлади? 10 (16, 20) аср-чи?

1477. Бизнинг шаҳримиз (қишлоғимиз) . . . йилда қурила бошлаган. Шаҳримиз (қишлоғимиз) қурилганига неча йил бўлган?

1478. Москва 1147 йили қурила бошланган. Москва ўзининг 800 йиллигини қачон байрам қилган?

Бу масалага тескари масала тузинг ва уни ечинг.

1479. 1) Лев Николаевич Толстой 1828 йил тугилган, 1910 йилда вафот этган. Толстой қайси асрда туғилган? У қайси асрда ўлган? Толстой неча йил умр кўрган?

2) Бу масалага иккита тескари масала тузинг ва ечинг.

3) Алишер Навоий 1441 йили туғилган, 1501 йилда ўлган. Навоий неча йил умр кўрган? Навоий қайси асрларда яшаган?

1480. Жадвални энг қулай усулдан фойдаланиб тўлдилинг:

k	2	3	4	5	6	7	8	9	10
$250 \cdot k - 387$									

1481. Натижаларни ҳисобланг:

$$\begin{array}{rcl} 5700 \cdot 259 & 475 \cdot 280 & 24796 : 317 \\ 3070 \cdot 146 & 390 \cdot 408 & 492562 : 218 \end{array}$$

1482. Шундай жадвал берилган:

1 га дан олинган ҳосил	Экин майдони	Жами ҳосил

Сонлар танланг, уларни жадвалга ёзинг ва қуйидагиларни кузатинг:

1) Умумий ҳосил бир хил бўлганда, экин майдони бир неча баравар орттирилса ёки камайтирилса, 1 га дан олинган ҳосил қандай ўзгаради?

2) Экин майдони бир хил бўлганда, жами ҳосил бир неча баравар ошса ёки камайса, 1 га дан олинган ҳосил қандай ўзгаради?

3) 1 га дан олинган ҳосил бир хил бўлганда, жами ҳосил бир неча баравар ошса ёки камайса, экин майдони қандай ўзгаради?

4) Умумий ҳосил бир хил бўлганда, 1 гектардан олинган ҳосил бир неча баравар ошса ёки камайса, экин майдони қандай ўзгаради?

5) 1 га дан олинадиган ҳосил бир хил бўлганда, экин майдони бир неча баравар ошса ёки камайса, жами ҳосил қандай ўзгаради?

6) Экин майдони бир хил бўлганда, 1 га дан олинадиган ҳосил бир неча баравар ошса ёки камайса, жами ҳосил қандай ўзгаради?

1483. Масалаларни турли усуллар билан ечинг:

1) Совхозда икки пайкалга лавлаги экилган: биринчи пайкалнинг юзи 4 га, иккинчисининг юзи 12 га. Биринчи пайкалдан 120 т лавлаги олинди. Агар иккала пайкалнинг ҳар 1 гектаридан бир хилда ҳосил олинган бўлса, иккинчи пайкалдан қанча лавлаги олинган?

2) Колхозда юзлари бир хилда бўлган икки далага буғдой экилган. Биринчи даланинг гектаридан 24 ц дан, иккинчи даланинг гектаридан 12 ц дан буғдой олинди. Биринчи даладан ҳаммаси бўлиб 1800 ц буғдой олинди. Иккинчи даладан қанча буғдой олинган?

3) 26 га ли бир участканинг гектаридан 36 ц дан пахта ҳосили олинди. Иккинчи участкадан биринчи участкадан олинганча ҳосил олинди, лекин бу участканинг ҳар гектаридан фақат 18 ц дан пахта олинди. Иккинчи участканинг майдони қанчага тенг?

1484. Биринчи совет вимпели Ойга 1959 йили чиқарилган эди, иккинчиси эса 1966 йили чиқарилди. Бу муҳим воқеалар орасида неча йил ўтган?

1485. Комбайнчи соат 6-ю 30 минутда иш бошлаб, ишни соат 21 да тугатди. Унинг дам олишига 1 соат-у 50 минут кетди. Комбайнчи қанча вақт ишлаган?

1486. Ифодаларнинг қийматини топинг:

$(a - b) \cdot c$, бунда:

1) $a = 3618$, $b = 1018$, $c = 870$;

2) $k : m + n : m$, бунда $k = 19705$, $n = 1295$, $m = 35$.

ЕР УСТИДА ЎЛЧАШЛАР

1487. Ер устида кесмаларни ўлчаш рулетка, ўлчов занжири, дала циркули билан бажарилади.

Ўлчов занжири ўрнига 10 м ли чизимча (пишиқ каноп) олиш мумкин.



Ер устида тўғри чизиқ вехалар ёрдамида тортилади. Вехалардан иккитаси учинчисини тўсиб қоладиган қилиб ерга тик санчилади.

1488. Ерда тўғри чизиқ тортинг ва шу тўғри чизиқнинг бир бўлагини ўлчанг.

1489. Ер устида тўғри чизиқ тортинг ва унда 40 м узунликда кесма ўлчаб олинг.

1490. Ер устида икки нарса орасидаги масофани кўз билан чамалаб аниқланг, кейин бу масофани ўлчанг.

1491. 10 м ли (сўнгра 20, 30, 50 м ли) масофани кўз



билан чамалаб кўрсатинг ва қозиқлар билан белгилаб қўйинг. Сўнгра бу масофани рулетка билан ўлчаб кўринг.

1492. Ер устида эккер ва 6 — 8 та вежа (нишон қозиқ) ёрдамида тўғри бурчак ясанг.

1493. Берилган томонларига кўра ер устида тўғри тўртбурчак ясанг.

1494. Мактаб ҳовлисининг узунлиги ва кенглигини ўлчанг.

Мактаб ҳовлисини ўраб турган „жонли девор“ узунлигини ҳисобланг.




1495. Биронта майдончанинг юзини кўз билан чамаланг ва кейин ўз чамангизни ҳисоблаш билан текшириб кўринг.

1496. Ўз қадамингизнинг узунлигини ўлчанг. Бунинг учун тўғрига қараб 100 қадам босинг ва босиб ўтган


масофангизни ўлчанг; чиққан сонни 100 га бўлинг. Масалан, сиз 56 м масофани ўтган бўлсангиз, демак, қадамингизнинг узунлиги 56 см экан.

1497. Синфингизнинг, коридорнинг узунлиги ва кенглигини, уйингиздан мактабгача бўлган масофани қадамлаб ўлчанг.

1498. Расмда участкаларнинг планлари тасвирланган.
 а) Ҳар бир участка чегараларининг узунлигини ҳисобланг. б) Ҳар бир участканинг юзини ҳисобланг.




Масштаб: 1см-50м




Масштаб: 1см-100м

1499. Мактаб-тажриба участкасига картошка, карам, бодринь, сабзи, повлаги




бодринг, сабзи ва лавлаги экилган. Участка планида кўрсатилган ўлчовларга кўра ҳар қайси сабзавот экилган ернинг юзини ҳисоблаб чиқинг.

1500. Чизмада кўрсатилган ўлчовлардан фойдаланиб, тўғри бурчакли шаклнинг юзини ўлчанг.



МАШҚ ҚИЛИШ УЧУН ҚЎШИМЧА МАТЕРИАЛ



1501. Квадратнинг $\frac{1}{9}$, $\frac{2}{9}$, $\frac{4}{9}$, $\frac{5}{9}$, $\frac{7}{9}$, $\frac{8}{9}$, $\frac{1}{3}$, $\frac{2}{3}$ бўлагини кўрсатинг.

Квадратдан фойдаланиб, касрларни таққосланг ва улар орасига $>$, $<$ ёки $=$ белгисини қўйинг:

$$\begin{array}{ccc} \frac{1}{3} \dots \frac{1}{9} & \frac{1}{3} \dots \frac{3}{9} & \frac{2}{3} \dots \frac{2}{9} \\ \frac{1}{3} \dots \frac{2}{9} & \frac{1}{3} \dots \frac{4}{9} & \frac{2}{3} \dots \frac{6}{9} \end{array}$$

1502. Кесманинг $\frac{1}{10}$, $\frac{2}{10}$, $\frac{3}{10}$, ..., $\frac{9}{10}$, $\frac{10}{10}$ бўлагини кўрсатинг.



Кесманинг $\frac{1}{5}$, $\frac{2}{5}$, $\frac{3}{5}$, $\frac{4}{5}$, $\frac{5}{5}$ бўлагини кўрсатинг.

Кесма ёрдамида касрларни таққосланг ва улар орасига керакли белгини қўйинг:

$$\begin{array}{cccc} \frac{1}{5} \dots \frac{1}{10} & \frac{2}{5} \dots \frac{3}{10} & \frac{2}{5} \dots \frac{5}{10} & \frac{3}{5} \dots \frac{6}{10} \\ \frac{1}{5} \dots \frac{2}{10} & \frac{2}{5} \dots \frac{4}{10} & \frac{3}{5} \dots \frac{5}{10} & \frac{4}{5} \dots \frac{8}{10} \end{array}$$

1503. Тўғри тўртбурчакнинг $\frac{1}{6}, \frac{2}{6}, \frac{3}{6}, \frac{4}{6}, \frac{5}{6}, \frac{6}{6}$



бўлагини кўрсатинг.

Тўғри тўртбурчак ёрдамида касрларни таққосланг ва улар орасига керакли белгини қўйинг:

$$\begin{array}{cccc} \frac{1}{3} \dots \frac{1}{6} & \frac{1}{3} \dots \frac{3}{6} & \frac{2}{3} \dots \frac{3}{6} & \frac{2}{3} \dots \frac{5}{6} \\ \frac{1}{3} \dots \frac{2}{6} & \frac{2}{3} \dots \frac{2}{6} & \frac{2}{3} \dots \frac{4}{6} & \frac{6}{6} \dots \frac{3}{3} \end{array}$$

1504. Касрларни катталашиб бориш тартибида жойлаштиринг (8 та тенг бўлакка бўлинган кесмадан фойдаланинг):

$$\frac{7}{8}, \frac{1}{4}, \frac{1}{8}, \frac{1}{2}, \frac{3}{4}, \frac{5}{8}, \frac{3}{8}$$

1505. Касрларни кичкиналашиб бориш тартибида жойлаштиринг:

$$\frac{1}{9}, \frac{1}{3}, \frac{7}{9}, \frac{2}{3}, \frac{5}{9}, \frac{2}{9}, \frac{4}{9}$$

1506. Ҳисобланг:

80 нинг $\frac{3}{5}$ қисми 64 нинг $\frac{3}{4}$ қисми 420 нинг $\frac{6}{7}$ қисми

80 нинг $\frac{7}{8}$ қисми 90 нинг $\frac{5}{6}$ қисми 180 нинг $\frac{5}{9}$ қисми

72 нинг $\frac{2}{3}$ қисми 96 нинг $\frac{5}{8}$ қисми

1507. Нуқталар ўрнига $>$, $<$ ёки $=$ белгисини қўйиб ёзинг:

1) $\frac{5}{6}$ соат ... 50 минут $\frac{5}{6}$ кун ... 20 соат

$$\frac{3}{4} \text{ минут} \dots 40 \text{ секунд} \quad \frac{2}{5} \text{ соат} \dots 35 \text{ минут}$$

$$\frac{3}{10} \text{ минут} \dots 30 \text{ секунд} \quad \frac{7}{8} \text{ кун} \dots 21 \text{ соат}$$

$$2) \frac{3}{10} \text{ га} \dots 30 \text{ а} \quad \frac{4}{5} \text{ кв. м} \dots 800 \text{ кв. см}$$

$$\frac{7}{10} \text{ га} \dots 7000 \text{ кв. м} \quad \frac{3}{4} \text{ кв. дм} \dots 75 \text{ кв. см}$$

$$\frac{3}{4} \text{ га} \dots 7500 \text{ кв. м} \quad \frac{3}{4} \text{ кв. м} \dots 75 \text{ кв. см}$$

1508. Ёзувни тугалланг:

$$1) \frac{1}{6} \text{ кун} = \dots \text{ соат} \quad \frac{5}{6} \text{ минут} = \dots \text{ секунд}$$

$$\frac{2}{3} \text{ соат} = \dots \text{ минут} \quad \frac{7}{8} \text{ кун} = \dots \text{ соат}$$

$$\frac{7}{10} \text{ кун} = \dots \text{ соат}$$

$$\frac{2}{3} \text{ кун} = \dots \text{ соат}$$

$$2) \frac{9}{10} \text{ а} = \dots \text{ кв. м} \quad \frac{5}{8} \text{ га} = \dots \text{ кв. м}$$

$$\frac{3}{4} \text{ га} = \dots \text{ а} \quad \frac{7}{10} \text{ кв. м} = \dots \text{ кв. дм}$$

$$\frac{7}{8} \text{ кв. м} = \dots \text{ кв. см}$$

$$\frac{4}{5} \text{ кв. дм} = \dots \text{ кв. см}$$

1509. Бир мактаб пионерлари 80 м, иккинчи бир мактаб пионерлари эса шунинг $\frac{5}{8}$ қисмича темир-терсак йиғишди. Иккала мактаб пионерлари йиққан темир-терсакдан заводда рельслар тайёрланди. Агар ҳар 10 м темир-терсакдан 70 м рельс чиқса, пионерлар йиққан темир-терсакдан неча метр рельс тайёрланган?

1510. Трактор ремонт станциясида биринчи ойда 18 трактор ремонт қилинди, бу ремонт қилиш керак бўлган ҳамма тракторнинг $\frac{1}{6}$ қисмини ташкил этади. Қолган тракторлар ҳар ойда баравардан 3 ойда ремонт қилинди. Бу ойлارнинг ҳар бирида нечтадан трактор ремонт қилинган?

Оғзаки ҳисоблаш учун

1511. 1) $27 \cdot 10$ $16 \cdot 700$ $401 \cdot 20$ $51 \cdot 12$
 $27 \cdot 11$ $16 \cdot 701$ $400 \cdot 20$ $50 \cdot 12$

2) $82 \cdot 10$ $18 \cdot 100$ $24 \cdot 100$ $16 \cdot 25$
 $82 \cdot 5$ $18 \cdot 50$ $24 \cdot 25$ $48 \cdot 25$

3) $420 : 10$ $3200 : 100$ $1400 : 100$ $8000 : 25$
 $420 : 5$ $3200 : 25$ $1400 : 50$ $3000 : 50$

4) $310 - 42 \cdot 6 : 7$ $270 : 9 \cdot 7 - 360 : 4 : 5$
 $820 + 140 - 480 : 6 \cdot 5$ $18 \cdot 5 - 40 + 60 \cdot 7 : 30$
 $970 - 540 : 9 \cdot 8 - 120$ $50 \cdot 9 + 90 - 70 + 40 \cdot 9 : 5$

1512. Мисолларни энг осон усул билан ҳисобланг:

$4800 : (100 \cdot 6)$ $534 \cdot 17 + 534 \cdot 83$ $75 \cdot (2 \cdot 8)$
 $1200 : (100 \cdot 4)$ $826 \cdot 18 - 826 \cdot 8$ $35 \cdot (4 \cdot 3)$

1513. Ифодаларни таққосланг ва улар орасига $>$, $<$ ёки $=$ белгисини қўйинг:

1) $926 - (335 - 96) \dots 926 - 335 + 96$
 $1567 - 987 - 354 \dots 1567 - (987 - 354)$
 $1952 - 381 - 296 \dots 1952 - (381 + 296)$
 $a + (b - c) \dots a + b - c$
 $a - (b - c) \dots a - b + c$
 $a - b - c \dots a - (b + c)$

$$\begin{aligned}
 &2) \quad 37 \cdot 94 + 37 \cdot 6 \dots 37 \cdot 100 \\
 &\quad 17 \cdot 86 + 12 \cdot 86 \dots 30 \cdot 86 \\
 &\quad 95 \cdot 100 - 95 \dots 95 \cdot 100 \\
 &\quad 79 \cdot 37 - 37 \dots 79 \cdot 36 \\
 &\quad (a-b) + c \dots a + c - b \\
 &\quad (a-b) - c \dots a - (c + b) \\
 &\quad a \cdot b + a \cdot c \dots a \cdot b \cdot c \\
 &\quad a \cdot (b + c) \dots a \cdot b + a \cdot c
 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
 &3) \quad 986 \cdot 14 \dots 986 \cdot 10 \cdot 4 \quad (a + b) \cdot c \dots a \cdot c + b \cdot c \\
 &\quad 67 \cdot (20 + 5) \dots 67 \cdot 20 \cdot 5 \quad (a + b) : k \dots a : k + b : k \\
 &\quad 1320 : 40 \dots 1320 : 10 : 4 \quad a : (b \cdot c) \dots a : b \cdot c \\
 &\quad 1580 : 10 \cdot 2 \dots 1580 : 20 \quad a : (b \cdot c) \dots a : b \cdot c
 \end{aligned}$$

1514. Ҳисобламасдан, натижалари бир хил бўладиган мисолларни топинг:

$$\begin{array}{lll}
 1) \quad 35 \cdot 4 + 35 \cdot 6 & 35 \cdot 11 - 35 & 35 \cdot 9 + 35 \\
 \quad 28 \cdot 4 + 28 \cdot 6 & 28 \cdot 9 + 28 & 28 \cdot 12 - 2
 \end{array}$$

$$\begin{array}{llll}
 2) \quad 18 \cdot 12 & 9 \cdot 2 \cdot 12 & 18 \cdot (2 \cdot 6) & 18 \cdot (3 \cdot 4) \\
 \quad 4 \cdot 6 \cdot 14 & 20 \cdot 14 + 4 \cdot 14 & 24 \cdot (10 \cdot 4) & 24 \cdot (2 \cdot 7) \\
 18 \cdot 10 + 18 \cdot 2 & 10 \cdot 8 \cdot 12 & 6 \cdot 2 \cdot 12 & 18 \cdot 10 \cdot 2 \\
 20 \cdot 4 \cdot 14 & 24 \cdot 14 & 3 \cdot 8 \cdot 14 & 24 \cdot 10 + 24 \cdot 4
 \end{array}$$

Ўзма ҳисоблаш учун

$$\begin{array}{lll}
 1515. \quad 1) \quad 2382 : 397 & 4496 : 562 & 18997 : 739 \\
 \quad 1824 : 456 & 2212 : 316 & 46998 : 746 \\
 \quad 5436 : 453 & 11352 : 386 & 299700 : 370
 \end{array}$$

$$\begin{array}{lll}
 2) \quad 95345 : 485 & 189604 : 234 & 261960 : 740 \\
 \quad 105754 : 253 & 213664 : 352 & 149450 : 490
 \end{array}$$

$$\begin{array}{r}
 3) \quad 287 \cdot 354 \quad 806 \cdot 324 \quad 4500 \cdot 307 \\
 \quad \quad 491 \cdot 723 \quad 781 \cdot 507 \quad 890 \cdot 5009 \\
 \quad \quad \quad \quad \quad \quad \quad \quad 6200 \cdot 3050 \\
 \quad \quad \quad \quad \quad \quad \quad \quad 4070 \cdot 8007
 \end{array}$$

$$\begin{array}{l}
 4) \quad 856 \cdot 256 : 212 \quad (31970 - 50 \cdot 365) : 32 - 365 \\
 \quad \quad 369 \cdot 428 : 492 \quad (701000 - 565 \cdot 190) : 503 \cdot 809
 \end{array}$$

$$\begin{array}{l}
 5) \quad 15 \text{ м } 38 \text{ см} + 18 \text{ м } 36 \text{ см} \\
 \quad \quad 15 \text{ соат } 38 \text{ минут} + 18 \text{ соат } 56 \text{ минут} \\
 \quad \quad 12 \text{ сум } 45 \text{ тийин} - 6 \text{ сум } 50 \text{ тийин} \\
 \quad \quad 12 \text{ минут } 45 \text{ секунд} - 6 \text{ минут } 50 \text{ секунд} \\
 \quad \quad 14 \text{ км } 040 \text{ м} - 10 \text{ км } 070 \text{ м} \\
 \quad \quad 20 \text{ кун } 16 \text{ соат} + 7 \text{ кун } 13 \text{ соат} \\
 \quad \quad 11 \text{ йил } 6 \text{ ой} + 2 \text{ йил } 10 \text{ ой} \\
 \quad \quad 8 \text{ т } 310 \text{ кг} - 3 \text{ т } 705 \text{ кг}.
 \end{array}$$

1516. Ҳарфларнинг берилган қийматларида ифода-ларнинг қийматларини ҳисобланг:

$$\begin{array}{l}
 1) \quad a - k : m; \quad a = 100000, \quad k = 91750, \quad m = 367; \\
 2) \quad a \cdot b + a \cdot c; \quad a = 4070; \quad b = 346, \quad c = 214; \\
 3) \quad k - m \cdot n; \quad k = 90100; \quad m = 89; \quad n = 608.
 \end{array}$$

1517. Тенгламаларни ечинг:

$$\begin{array}{l}
 526 \cdot (x - 145) = 12524 \quad (1545 + x) : 83 = 70 \\
 863 \cdot x + 482 = 6523 \quad 8550 : (957 - x) = 18.
 \end{array}$$

1518. Жадвални тўлдириг:

b						
$(b : 4) : 2$	48	24	20	16	12	8

b ҳарфига қандай энг кичик қиймат бериш мумкин? b нинг энг катта қиймати борми?

1519. Жадвални тўлдилинг:

a						
$50 - 100 : a$	49	48	46	45	40	30

Нима учун айирма камайиб боради? a ҳарфига яна қандай қийматлар бериш мумкин? a ҳарфига бериш мумкин бўлган энг кичик ва энг катта қийматларни айтинг.

1520. b ҳарфининг қийматини йиғинди камайиб борадиган тартибга қўйиб, жадвални кўчириб ёзинг. Буни йиғиндини ҳисоблаш билан текшириб кўринг. b ҳарфига 1, 2, 3, 5 қийматларни бериш мумкинми?

b	200	8	80	16	40	160
$b : 4 + 23$						

1521. k ҳарфига шундай бешта қиймат танлангки, $(k - 12) \cdot 3$ кўпайтма ортиб борсин. Ечилишини жадвалга ёзинг. k ҳарфига қандай энг кичик қиймат бериш мумкин?

1522. Жадвални тўлдилинг:

m	4	8	20	40	45	50
$(m : 4) \cdot 8$						

Жадвалдан фойдаланиб, тезлик, ҳаракат вақти ва масофа миқдорлари билан масала тузинг.

1523. Жадвални тўлдилинг:

a						
$(15 + a) \cdot 4$	64	68	74	100	120	128

Жадвалдан фойдаланиб, бир нарсанинг оғирлиги, нарсалар сони, ҳамма нарсанинг оғирлиги билан масала тузинг.

1524. Ифодалар орасига $>$, $<$ ёки $=$ белгисини қўйинг:

$$a \cdot b \dots a + b \quad a + b \dots a - b$$

Белгиларни тўғри қўйганлигингизни жадвалдан фойдаланиб текширинг:

a	0	1	1	2	2	3	7
b	0	0	1	1	2	2	4
$a \cdot b$							
$a + b$							
$a - b$							

1525. Ўтлоқнинг узунлиги 1 км 250 м, кенлиги 800 м. Бу ўтлоқнинг ҳар гектаридан 120 ц дан ўғ ўриб олинди. Агар ҳар 24 ц ўтдан 5 ц пичан тушадиган бўлса, шу ўтдан қанча пичан тушган?

1526. Агар ҳар гектар ерга 2 т уруғлик картошка кетса, узунлиги 1 км, кенлиги 600 м бўлган пайкалга экиш учун қанча картошка керак бўлади?

1527. Жадвални ёзиб олинг ва номаълум сонни топинг:

Узунлиги	Кенлиги	Юзи
840 м	750 м	x га
2 км	120 м	x га
x м	800 м	112 га
900 м	x м	72 га

1528. Юзи 1 га га тенг бўлган ер майдонининг узунлиги ва кенглиги қандай бўлиши мумкин?

1529. Жадвални кўчириб олинг ва уни тўлдилинг:

Узунлиги	100 м	125 м	200 м	250 м	400 м	500 м	1 000 м
Кенглиги							
Юзи	10000 <i>кв. м</i>	10000 <i>кв. м</i>	10000 <i>кв. м</i>	10000 <i>кв. м</i>	10000 <i>кв. м</i>	10000 <i>кв. м</i>	10000 <i>кв. м</i>

Юзи ўзгармай қолиш (10 000 кв. м) шартда узунликнинг ҳар бир қийматига қандай кенглик мос келади?

Юзи ўзгармаган ҳолда, узунлик ва кенглик қандай ўзгаришини жадвалдан кузатинг.

1530. Участканинг узунлиги 3 марта узайтирилди. Унинг юзи ўзгармаслиги учун, кенглигини нима қилиш керак?

1531. Участканинг кенглиги 2 марта қисқартирилди. Унинг юзи ўзгармасдан қолиши учун узунлигини қандай ўзгартириш керак?

1532. Участканинг юзини 4 марта катталаштириш керак. Буни қандай қилса бўлади?

1533. Мактаб биносини қайта қуришда узунлиги 10 м, кенглиги 2 м бўлган коридор 2 баравар узайтирилди. Коридорнинг юзи неча баравар катталашган?

1534. 1 кв. м дан олинган ҳосил бир хил бўлган ҳолда, бир тажриба участкасидан иккинчисига қараганда 3 марта кўп картошка ковлаб олинди. Иккинчи участканинг юзи 180 кв. м. Биринчи участканинг юзи қанчага тенг?

1535. Совхозда икки участкага карам экилган. Бир участканинг юзи 4 га, иккинчисининг юзи 12 га.

Агар ҳар гектаридан олинган ҳосил бир хил бўлса, қайси участкадан кам ва неча марта кам ҳосил олинган?

1536. Колхоз пахта экилган икки даланинг ҳар гектаридан бир хилда ҳосил олди. Биринчи даланинг юзи иккинчининг юзига қараганда 3 барабар катта. Агар колхоз иккинчи даладан 450 ц пахта олган бўлса, биринчи даладан қанча пахта олган?

1537. Колхоз 586 гектар ерга бугдой экиб, гектаридан 24 ц дан ҳосил олди. Колхоз йиғиб олган ҳамма ҳосилни топинг. Масалани қуйидаги жадвалга қисқача ёзинг ва ечинг:

1 гектардан олинган ҳосил	Экин майдони	Жами ҳосил

Бу масалага тескари иккита масала тузинг ва уларни ечинг.

1538. Қисқа ёзувларга кўра масалалар тузинг ва уларни турли усуллар билан ечинг:

1)

Масала помери	Узунлиги	Кенглиги	Юзи
1	бир хил	356 м х м	28 га 56 га
2	1 км 200 м 400 м	бир хил	36 га х га
3	1 км 800 м 3 км 600 м	600 м х м	бир хил

2)

Масала номери	1 га дан олинган ҳосил	Юзи	Жами ҳосил
1	36 ц 12 ц	16 га x га	бир хил
2	140 ц x ц	бир хил	4200 ц 2100 ц
3	бир хил	31 га 124 га	620 ц x ц

1539. Ҳар бири 45 гектардан бўлган икки участкадан мош ҳосили йиғиб олинди, бир участканинг гектаридан 14 ц дан, иккинчи участканинг гектаридан эса биринчига қараганда 2 баравар ортиқ мош олинди. Иккала участкадан қанча мош олинган?

1540. Боғ тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, узунлиги 750 м, кенлиги эса 480 м. Боғнинг $\frac{3}{4}$ қисми мевазор, қолган қисми токзор. Токзорнинг юзи қанчага тенг?

1541. Шартларининг қисқа ёзувига кўра масалани тузинг ва уни ечинг:

I + II + III (кунлари) 40 соат 50 минут
 I куни 12 соат 30 минут
 II куни 12 соат 30 минут
 III куни ?

Жавоб. Учувчи учинчи куни ҳавода . . . бўлган.

1542. Москвадан Киевга самолёт 1 соат 10 минутда учиб боради, скорий поезд 15 соат 40 минутда боради. Бу маълумотларга савол топиб қўйинг ва масалани айириш амали билан ечинг.

1543. Биринчи сунъий йўлдош ўз ҳаракатининг бошида Ер атрофини 96 минут 10 секундда бир айланиб чиқди, иккинчи айланиб чиқишига 103 минут 45 секунд, учинчи айланиб чиқишига 106 минут кетди. Шу маълумотлар бўйича айиришга доир содда масалалар тузинг.

1544. Шимолий қутбдаги қутб станцияси иш олиб борган муз бўлаги 6 ойда 1166 км 400 м силжиди. Муз бўлаги бир ойда ўртача қанча масофага силжиган? Бир кунда-чи? Бир минутда-чи? Бир секундда-чи?

1545. Автобус эрталаб соат 10 да *A* шаҳридан 252 км масофада бўлган *B* шаҳрига қараб йўлга чиқди ва юриш жадвалига кўра *B* шаҳрига кундузи соат 4 да келиши керак эди. Кундузи соат 2 да автобус *A* шаҳридан 168 км масофада бўлди. Автобус ўша тезлик билан юрса, *B* шаҳрига жадвалда кўрсатилган вақтда етиб кела оладими? Масалага чизма ясанг ва шу чизма асосида масалани ечинг.

1546. Ишчи топшириқни нормага кўра 30 смена ўрнига 18 сменада бажарди. Агар бир смена 7 соат бўлса, ишчи неча соат вақтни тежаган?

1547. Агар мен . . . соат ухлашим ва эрталаб соат . . . да туришим керак бўлса, ухлаш учун қачон ётишим керак?

1548. Мактабда дарслар соат 8-у 30 минутда бошланади. Ўқувчи уйдан мактабга боришига 22 минут кетади ва мактабга дарс бошланишига 10 минут қолганда етиб келади. У уйдан қачон чиқади?

1549. Мактабимизда дарслар соат . . . да бошланади. Мен уйдан мактабга . . . минутда келаман. Мен мактабга биринчи дарсга қўнғироқ чалинишидан . . . минут олдин етиб келишим учун уйдан қачон чиқишим керак?

1550. 1) Қизча соат 21 да ухлаш учун ётди, эрта-
лаб соат 7-ю 15 минутда уйқудан турди. Қизча қан-
ча вақт ухлаган?

2) Шу масалага иккита тескари масала тузинг ва
уларни ечинг.

1551. Пионер ташкилотига 1924 йили буюк Ленин
номи берилган. Шундан буён неча йил ўтди?

1552. 1) Алексей Максимович Горький 1936 йили
68 ёшда вафот этди. Горький қачон туғилган?

2) Шу масалага иккита тескари масала тузинг ва
ечинг.

1553. „Луна-9“ автоматик станцияси 1966 йил
31 январь соат 9-у 45 минутда учирилди, 3 февраль
соат 21 дан 45 минут 30 секунд ўтганда Ойга енгил
қўндирилди. „Луна-9“ автоматик станцияси Ердан
Ойгача бўлган масофани қанча вақтда ўқиб ўтган?

1554. Ораларидаги масофа 630 км бўлган икки
шаҳардан бир вақтда бир-бирига қараб икки поезд
чиқди. Бири соатига 50 км тезлик билан, иккинчиси
соатига 40 км тезлик билан юрди. 5 соатдан кейин
поездлар бир-биридан қандай масофада бўлади?

Қуйидаги формулада ҳарфлар ўрнига қандай сон-
лар қўйилса, бу формуланинг ечилиши масаланинг ечи-
лишига мос келади:

$$x = a - (b + c) \cdot t?$$

1555. Бир йўл ёқасига жойлашган икки колхоздан
шаҳарга қараб бир вақтда юк машинаси ва енгил ма-



шина йўлга чиқди. Енгил машина соатига 70 км тез-
лик билан, юк машинаси эса соатига 50 км тезлик би-

лан юрди. Машиналар жўнагандан 3 соат кейин, енгил машина юк машинасини қувиб етди. Колхозлар орасидаги масофани топинг.

1556. Колхозчи велосипедда шаҳарга соатига 12 км тезлик билан жўнаб кетди. 3 соат кейин унинг кетидан юк машинаси соатига 30 км тезлик билан жўнади. Машина жўнагандан неча соат кейин велосипедчига етиб олади?

1557. Оралари 54 км бўлган икки шаҳардан бир вақтда теплоход ва пароход бир томонга қараб жўнади. Теплоход соатига 30 км тезлик билан сузиб, йўлга чиққандан 6 соат кейин пароходга етиб олди. Пароход қандай ўртача тезлик билан сузган?

1558. Колхозда ҳар гектаридан ўртача бир хилда ҳосил берган икки даладан 1386 ц шоли олинди. Биринчи даланинг юзи 25 га, иккинчисининг юзи 38 га. Биринчи даладан иккинчисига қараганда қанча кам шоли олинган?

1559. Биринчи 16 га, иккинчиси 13 га бўлган икки тажриба участкасининг ҳар гектаридан бир хилда буғдой ҳосили олинди. Биринчи участкадан иккинчисига қараганда 84 ц кўп буғдой олинди. Иккала участкадан қанча буғдой олинган?

1560. Шундай жадвал берилган:

Бир вагоннинг юк кўтариш қуввати	Вагонлар сони	Ҳамма юкнинг оғирлиги

Жадвалга сонлар танлаб қўйинг ва агар бу қийматлардан бирини ўзгаришсиз қолдириб, иккинчисини

бир неча марта орттисангиз ёки камайтисангиз, учинчи бири қандай ўзгаришини кузатинг.

1561. Томони 4 см 5 мм бўлган квадрат чизинг. Унинг периметрини ва юзини ҳисобланг.


1562. Томонлари 6 см 4 мм ва 2 см 5 мм бўлган тўғри тўртбурчак чизинг. Унинг периметрини ва юзини топинг.

1563. Тўғри бурчакни ташкил этувчи томонлари 5 см ва 3 см бўлган тўғри бурчакли учбурчак чизинг. Унинг периметрини топинг.



1564. Ўтмас бурчакли учбурчак чизинг. Ўтмас бурчак учидан учбурчак ичида шундай кесма ўтказингки, тўғри бурчакли иккита учбурчак ҳосил бўлсин.

1565. Ихтиёрий битта бешбурчак чизинг. Шу бешбурчак учларини туташтирувчи неча кесма ўтказиш мумкин?

1566. Чизмаларни қараб чиқинг ва улар орасида ўзингизга таниш бўлган шакллارни айтинг.



1567. Чизмада берилганидек айланалар чизинг. Биринчи айланани тенг 6 бўлакка, иккинчи айланани тенг 3 бўлакка бўлинг. Бўлиниш нуқталарини кесмалар билан туташтиринг. Айланалар ичида қандай шакллар ҳосил бўлди?



1568. 2, 3, 4- шаклларда шундай бир кесма ўтка-
зингки, 1- шаклдагидек шакллар ҳосил бўлсин.

1569. Жадвалларни тўлдилинг:

1)

Квадратнинг томони	5 м	6 м	7 м	8 м	9 м	10 м
Юзи						

Квадратнинг юзи неча квадрат метр ортиб боради?

2)

Тўғри тўртбур- чакнинг узунлиги	16 см	32 см		128 см	
Тўғри тўртбур- чакнинг кенлиги			4 см		256 см
Тўғри тўртбур- чакнинг юзи	256 кв. см			256 кв. см	
Тўғри тўртбур- чакнинг периметри		80 см	136 см		514 см

Юзи бир хил бўлганда қандай тўғри тўртбурчак-
нинг периметри энг кичик бўлади?

3)

Тўғри тўрт- бурчакнинг узунлиги	70 м	66 м		50 м		36 м
Тўғри тўрт- бурчакнинг кенглиги		6 м	12 м		30 м	
Тўғри тўрт- бурчакнинг юзи			720 кв. м		1260 кв. м	
Тўғри тўрт- бурчакнинг периметри	144 м			144 м		144 м

Периметрлари бир хил бўлганда қандай тўғри тўрт-
бурчак энг катта юзга эга бўлади?

1570. 1) Ифодаларни қавсларсиз шундай ёзингки,
уларнинг натижалари ўзгармайдиган бўлсин:

$$92 + (34 + 23) \quad (116 + 28) - 12 \quad 180 - (104 + 18)$$

$$a + (b + c) \quad (a + b) - k \quad a - (b + c)$$

2) Ифодаларни турли усулларда қавслар билан шун-
дай ёзингки, уларнинг натижалари ўзгармайдиган бўл-
син:

$$27 + 24 + 21 \quad 112 - 32 - 40 \quad 5 + 80 - 70$$

$$a + b + c \quad a - b - c \quad a + b - c$$

1571. Ҳисобланг:

1) $764 - 771840 : 192 + 209160 : 249$

$$200000 - 408 \cdot 309 + 340 \cdot 750 - 84527$$

2) $16 \text{ кг } 560 \text{ г} : (20 \text{ кг } 560 \text{ г} - 19 \text{ кг } 640 \text{ г})$

$$(94 \text{ сўм } 56 \text{ тийин} + 86 \text{ сўм } 25 \text{ тийин} : 15) \cdot 36$$

1572. Ўқувчилар 56 кг 800 г макулатура йиғишди.

Бу макулатура қайта ишланганда, оғирлигининг $\frac{3}{5}$ қис-
ми миқдориди ёзув қоғози олинди. Агар бир дафтар-
нинг оғирлиги 30 г бўлса, олинган қоғоздан нечта даф-

тар чиқади? Агар бир ўқувчига йилига 16 та дафтар керак бўлади деб ҳисобласак, бу дафтарлар билан қанча ўқувчини таъминлаш мумкин?

1573. Иккита тракторчи ер ҳайдаш вақтида 3904 кг ёнилғи сарфлади. Улардан бири 76 га, иккинчиси 46 га ерни ҳайдади. Агар иккала тракторчи 1 га ерни ҳайдашга баравардан ёнилғи сарфлаган бўлса, улардан ҳар бири қанча ёнилғи сарфлаган?

1574. Бир квадрат чизинг. Бу квадратнинг диагоналлари ўтказинг. Диагоналлар кесишганида қандай бурчаклар ҳосил бўлди? Текшириб кўринг.

1575. Тўғри тўртбурчак чизинг. Бу тўғри тўртбурчакда диагоналлар ўтказинг. Тўртбурчакнинг диагоналлари кесишганида қандай бурчаклар ҳосил бўлди? Текшириб кўринг.

**IX. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМИ ҲАМДА
МАЛАКАЛАРИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН
САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР
(12 дарс)**

Номерлаш

1576 (оғзаки ҳисоблаш учун).

1) Нима учун бизнинг саноқ системамиз ўнлик саноқ системаси дейилади?

2) Ўн хонали сон қайси синфларни ўз ичига олади? Олти хонали сон-чи? Уч хонали сон-чи?

3) Ҳар бир синфда нечта хона бор? Уларнинг номини айтинг.

4) V хонанинг 3 та бирлиги қандай сонни билдиради? VII хонанинг 6 бирлиги-чи? IV хонанинг 8 бирлиги-чи?

5) Энг кичик бутун сонни айтинг. Энг катта бутун сонни айтиш мумкинми?

6) Сонларни ёзиш учун нечта рақам бор? Бир рақамни икки марта такрорламасдан ўн хонали сон ёзиш мумкинми? Ўн икки хонали сон ёзиш-чи?

7) Кўп хонали сонни қандай ўқиш керак? Мана бу сонларни ўқинг: 31 465 972; 475 138 000; 62 000 458; 70 050 060.

8) Маълум бир сонда бирон хона бирликлари нечта эканлигини, масалан, 14785 сониди ҳаммаси бўлиб нечта юз борлигини қандай билиш мумкин?

9) Соннинг ўнг ёнига бир ноль (икки ноль, уч ноль) ёзилса, сон қандай ўзгаради, агар ноллар билан тугаган соннинг охиридан бир ноль (икки ноль, уч ноль) ташланса, сон қандай ўзгаради?

10) Сонни кўрсатилган хонагача қандай яхлитлаш керак? 7384 ни юзгача яхлитланг.

11) 50 гача бўлган ҳар қандай сонни ёзиш учун нечта римча рақам етарли бўлади?

1577 (ёзма ҳисоблаш учун):

1) 2000 сонидан олдин келадиган сонни ёзинг; унинг кетидан келадиган сонни ёзинг.

2) Учта сон ёзинг: а) III синфнинг 28 та бирлигидан иборат бўлсин; б) II синфнинг 60 та бирлигидан иборат бўлсин; в) III синфнинг 45 та бирлиги ва I синфнинг 976 бирлигидан иборат бўлсин.

3) 4, 2, 8 рақамларидан фойдаланиб, мумкин бўлган барча икки хонали сонларни шундай ёзиб чиқингки, сонда бир рақам икки марта такрорланмасин.

4) Қуйидаги сонларни рақамлар билан ёзинг: а) йигирма минг уч юз олтиш беш; б) тўрт миллион бир юз етмиш тўққиз минг; в) ўттиз миллион беш юз ўн икки.

5) а) 16 480 ни хона қўшилувчилари йиғиндиси шаклида ёзинг.

б) Хона қўшилувчилари йиғиндиси $3000 + 700 + 20 + 8$ ни бир сон қилиб ёзинг.

6) Қуйидаги тенгсизликларда x ўрнига қўйиш мумкин бўлган сонларни ёзинг:

а) $99\,998 < x < 100\,002$; б) $99\,999 < x < 100\,003$.

7) 1856 сонини: а) ўнгача; б) юзгача; в) минггача яхлитланг.

Узунлик, оғирлик, вақт ўлчовлари

1578 (оғзаки):

1) Узунлик ўлчови бирликларини энг кичигидан бошлаб энг каттасигача айтинг.

2) Йирик ўлчов бирлиги ўздан олдинги кичик ўлчов бирликларидан қандай ҳосил қилинади?

3) 1 м да неча дециметр бор? Неча сантиметр бор? Неча миллиметр бор?

4) а) 1 км ни қандай кичик ўлчов бирликлари билан ифодалаш мумкин?

б) 3000 мм ни қандай йирик ўлчов бирликлари билан ифодалаш мумкин?

5) Қоғозга чизилган кесмани ўлчаш учун қандай асбобдан фойдаланиш энг қулай бўлади? Чизгич ёрдамида кесманинг узунлигини қандай аниқлик билан ўлчаш мумкин?

6) Қандай ҳолларда ўлчаш учун ёғоч метрдан, рулеткадан, ўлчов занжиридан, дала циркулидан фойдаланилади?

7) Оғирлик ўлчови бирликларини энг каттасидан бошлаб энг кичигигача айтиб чиқинг.

8) 1 т да неча центнер бор? Неча килограмм бор? Неча грамм бор? 1 ц да неча килограмм бор? 1 кг да неча грамм бор?

9) а) 1 т ни қандай кичик ўлчов бирликлари билан ифодалаш мумкин?

б) 300 ц ни қандай йирикроқ ўлчов бирликлари билан ифодалаш мумкин? 4500 кг ни-чи, 15000 граммни-чи?

1579 (ёзма):

1) Кичикроқ ўлчов бирликлари билан ифодаланг:

14 км

12 м

8 км 475 м

9 м 70 см

16 т

18 кг

4 т 235 кг

6 кг 075 г


2) Йирикроқ ўлчов бирликлари билан ифодаланг:

3000 м 2000 мм 20000 кг 7000 г
15872 м 4780 мм 12346 кг 11830 г

1580. 1) Чизғич ёрдамида AB ҳамда CD кесмаларини ўлчанг ва ҳар бирининг узунлигини сантиметр ва миллиметрлар билан ёзинг.



2) Расмда берилган шаклларда керакли ўлчашларни бажаринг ва уларнинг периметрларини ҳисобланг.



1581. 1) 175 грамм оғирликдаги банкага 400 г қаймоқ қуйилди. Бу қаймоқни банкаси билан тарозида тортганда, у неча граммни кўрсатади?

2) Тарозининг бир палласига 500 г ли тош, иккинчи палласига эса шакар солинган пакет қўйилди. Пакетга 420 г шакар солинган. Тарози паллаларини баравар келтириш учун пакетга яна неча грамм шакар солиш керак?

1582. 1) Вақт ўлчовлари бирликлари жадвалини энг каттасидан (асрдан) бошлаб, энг кичигигача (секундгача) ёддан ёзинг.

2) Кичикроқ ўлчов бирликлари билан:

а) 8 йил, 12 йил саккиз ойни ойлар билан; б) 4 кун, 11 кун 20 соатни соатлар билан; в) 5 соат, 12 соат 30 минутни минутлар билан; г) 6 минут, 13 минут 15 секундни секундлар билан ифодаланг,

- 3) Йирик ўлчов бирликларида ифодаланг:
- | | | |
|--------------|-------------|------------|
| 1 800 секунд | 2 700 минут | 2 635 соат |
| 3 685 секунд | 4 284 минут | 6 139 соат |

Қўшиш

1583 (оғзаки):

1) Икки ёки бир неча қўшилувчининг йиғиндисини топишда ишлатиладиган арифметик амал нима деб аталади?

2) Йиғиндига сонни қандай қўшиш мумкин? Сонга йиғиндини қандай қўшиш керак?

3) Қандай шароитда йиғинди ўзгармайди?

4) Йиғиндининг ўрин алмаштириш хоссасини олдин сонли формула билан, кейин эса ҳарфли формула билан ёзинг.

5) Қуйидаги ёзув йиғиндининг қандай хоссасини ифодалайди:

$$19 + 81 + 174 + 26 = (19 + 81) + (174 + 26)?$$

6) Мисолларни оғзаки ечинг; фақат жавобларини ёзинг:

а) $68 + 77 + 32$; $425 + 320 + 680$; $172 + 119 + 28 + 81$

б) $540 + (460 + 816)$; $(256 + 630) + 344$

в) $299 + 132$; $423 + 199$; $302 + 198$

Ҳар бир мисолни ечишда қўшишнинг қандай хоссасидан фойдаландингиз?

7) Йиғинди ва иккинчи қўшилувчи берилган бўлса, номаълум қўшилувчи қандай топилади?

8) Агар қўшилувчилардан бири: а) бир нечта орттирилса;

б) бир нечта камайтирилса, йиғинди қандай ўзгаради?

Бир қўшилувчи 12 та орттирилди. Йиғинди ўзгармаслиги учун иккинчи қўшилувчини нима қилиш керак?

9) Қўшиш тўғри бажарилганлигини қандай текшириш керак? Текширишнинг ҳар бир усули нимага асосланган?

1584. (ёзма):


1) 768 096 ва 976 804 сонларини қўшинг.

2) Ҳисобланг:

а) $3798 + 479 + 74\,629 + 657\,396$

б) $18\text{ км } 948\text{ м} + 14\text{ км } 650\text{ м}$

в) $15\text{ соат } 48\text{ минут} + 16\text{ соат } 57\text{ минут}$



3) Расмда берилган учбурчакнинг ҳар бир томонини ўлчаб чиқмасдан, унинг периметрини топинг.

4) а) 800 ҳосил қилиш учун қандай сонни 416 та орттириш керак?

б) 1098 ҳосил қилиш учун 240 ни нечта орттириш керак?

Бу саволларни тенглама шаклида ёзинг ва уларни ечинг.

5) Қўшишни чўтда бажаринг:

а) $76 + 38$; $408 + 594$; $80\,726 + 9\,438$

б) $96\text{ тийин} + 74\text{ тийин}$; $65\text{ сўм} + 76\text{ сўм}$;
 $4\text{ сўм } 87\text{ тийин} + 6\text{ сўм } 05\text{ тийин}$.

6) „1968 ва 2356 сонлари йиғиндисини 806 та орттириш“ иборасини сонли формула билан ёзинг. Бу ифоданинг қийматини топинг.

7) Тенграмани ечинг: $x + 2\,765 = 10\,000$.

8) Тенгсизликларда C ҳарфига қандай қийматлар бериш мумкин:

$$C + 17 < 22; 26 + C > 40; 16 + (85 + C) < 120?$$

9) Қуйидаги мисолларнинг ҳар бир жуфтидан биринчи мисолни ечинг ва унинг натижасига қараб иккинчи мисолдаги йиғиндини топинг:

$$\begin{array}{ll} \text{а) } 634 + 568 & \text{б) } 796 + 457 \\ 639 + 568 & 796 + 452 \end{array}$$

10) Қўшиш тўғри бажарилганми, икки усул билан текширинг:

$$18\,796 - 6\,488 = 25\,234$$

11) $x = a + b$ формулага кўра турлича содда масалалар тузинг.

12) Фабрика посёлкасида учта кутубхона бор. Бир кутубхонада 24 650 та китоб бор, иккинчисиди биринчидигига қараганда 8 060 та ортиқ, учинчисиди эса биринчи ва иккинчиди бирга қанча бўлса, ундан 1 700 та ортиқ китоб бор. Учала кутубхонада қанча китоб бор?

13) Омборда бир қанча сабзавот сақланар эди. Унга яна 1 235 ц ва 1 280 ц сабзавот келтирилгандан кейин ундаги сабзавот 6 025 ц бўлди. Омборда олдин неча центнер сабзавот бўлган? Масалани тенглама ёрдамида ечинг.

14) Тўғри тўртбурчакнинг узунлиги 136 мм; бу унинг энидан 48 мм ортиқ. Тўғри тўртбурчакнинг периметрини ҳисобланг.

15) Бир синфда a ўқувчи бор, иккинчи бир синфда ундан b ўқувчи ортиқ. Иккала синфда қанча ўқувчи бор? Бу масалани ечиш формуласини ёзинг; ҳарфлар ўрнига уларнинг мумкин бўлган қийматларини қўйинг ва натижасини топинг.

Айриш

1585 (оғзаки):

- 1) Қандай арифметик амал айриш деб аталади?
- 2) Йигинди сондан қандай айрилади? Сон йигиндидан қандай айрилади? Айирмадан сон қандай айрилади?

3) Агар айрилувчи ва айирма берилган бўлса, номаълум камаювчи қандай топилади?

Камаювчи ва айирма берилган бўлса, номаълум айрилувчи қандай топилади?

- 4) а) Камаювчи бир нечта орттирилса, айирма қандай ўзгаради? б) Камаювчи бир нечта камайтирилса, айирма қандай ўзгаради?

Айрилувчи бир нечта орттирилса ёки камайтирилса, айирма қандай ўзгаради?

5) Айиришнинг тўғри бажарилганлиги қандай текширилади? Текширишнинг ҳар бир усули нимага асосланган?

6) Қулайроқ усуллардан фойдаланиб, оғзаки ҳисобланг:

$$а) 745 - (340 + 205); \quad 376 - (126 + 95)$$

$$б) (478 - 12) - 178; \quad (465 - 118) - 82$$

$$в) 502 - 65; 265 - 98; \quad 934 - 299$$

Ҳар бир мисолда қандай усулдан фойдаланганингизни тушунтиринг.

7) Қуйидаги ифодаларнинг қийматларини қандай усуллар билан топиш мумкин:

$$a - (b + c); \quad (a + b) - c; \quad (a - b) - c?$$

8) $x = a - b$ формулага кўра турли хил содда масалалар тузинг.

1586 (ёзма):

- 1) 15 824 ва 9 875 сонлари айирмасини топинг.

2) Ҳисобланг:

а) $30\ 604 - 10\ 540$; $400\ 203 - 96\ 165$; $100\ 000 - 29\ 384$

б) $14\ \text{т}\ 54\ \text{кг} - 8\ \text{т}\ 936\ \text{кг}$;

$58\ \text{сўм}\ 69\ \text{тийин} - 19\ \text{сўм}\ 75\ \text{тийин}$

$50\ \text{минут}\ 30\ \text{секунд} - 12\ \text{минут}\ 48\ \text{секунд}$

3) Циркуль ва чизғичдан фойдаланиб, ABC учбурчакнинг энг катта ва энг кичик томонларини топинг ҳамда энг кичик томони энг катта томонидан қанча қисқалигини билинг.



4) Чўтда ҳисобланг:

а) $438 - 126$; $84 - 57$; $900 - 245$; $4\ 063 - 1\ 845$,

б) $8\ \text{сўм}\ 56\ \text{тийин} - 2\ \text{сўм}\ 75\ \text{тийин}$,

$82\ \text{сўм}\ 15\ \text{тийин} - 26\ \text{сўм}\ 07\ \text{тийин}$.

5) Тенгламаларни ечинг:

а) $x - 485 = 234 + 196$; б) $786 + (458 - x) = 1000$.

6) Саволларни тенглама шаклида ёзинг:

а) Натижада 396 билан 418 нинг йиғиндисига тенг сон чиқиши учун қандай сонни 758 та камайтириш керак?

б) 1000 ва 337 сонлари айирмасига тенг сонни ҳосил қилиш учун 902 дан қандай сонни айириш керак?

7) Биринчи мисол ечилишининг натижасига қараб, иккинчи мисолнинг жавобини топинг:

а) $598 - 346$ б) $844 - 265$ в) $1\ 254 - 582$

$602 - 346$ $834 - 265$ $1\ 254 - 590$

г) $2\ 000 - 758$

$2\ 000 - 738$

8) $18 - k > 12$; $k - 20 < 15$; $100 - (36 - k) < 76$
тенгсизликларида k ҳарфи қандай қийматларни олиши
мумкин?

9) „6902 ва 2808 сонлари айирмасини 3064 та ка-
майтириш“ ифодасини формула билан ёзинг. Ҳосил
қилинган ифоданинг қийматини толинг.

10) Амал тўғри ёки нотўғри бажарилганлигини ик-
ки усул билан текшириб кўринг; агар хато топсангиз,
мисолни тўғри жавоби билан қайтадан ёзинг.

$$7102 - 3615 = 3586.$$

11) Совхоз элеваторга 12850 ц бугдой ва арпа
жўнатди, бунда 7165 ц бугдой жўнатилган. Ғалланинг
қайси биридан кўп ва қанча кўп жўнатилган?

12) Колхоз боғида ҳаммаси бўлиб 1786 туп олма,
шафтоли ва ўрик дарахтлари бор. Олма ва шафтоли
дарахтлари бирликда 1068 та. Агар шафтоли ва ўрик
дарахтларини қўшсак, 1128 бўлади. Колхоз боғида
ҳар қайси дарахтдан қанча бор?

13) Ўқувчилар мактаб тажриба участкасида 1200 кг
картошка ва 1050 кг карам етиштиришди. Ярим йил-
дан кейин олинган сабзавотнинг $\frac{1}{3}$ қисми қолди. Ярим
йилда қанча сабзавот ишлатилган?

14) Бир қопда a кг, иккинчи қопда ундан b кг кам
картошка бор. Иккала қопда қанча картошка бор?
Масалани ечиш формуласини тузинг, ҳарфлар ўрнига
сонлар қўйинг ва натижасини толинг.

Ҳамма амалларга доир масалалар

1587. Мактабда 10 кунда 1680 кг кўмир ёқилди.
Агар куцлик норма олдингича қолса, мактабга бир ой-
га (30 кунга) қанча кўмир керак бўлади?

Масалани уч усул билан, жумладан, тенглама тузиш усули билан ҳам ечинг.

1588. Масалани турли усуллар билан ечинг.

Тегирмонда уч кунда 1348 ц ун тортилди: биринчи куни 456 ц, иккинчи куни 512 ц. Учинчи куни қанча ун тортилган?

1589. Икки синфга узунлиги 32 м, кенглиги 20 м бўлган мактаб спорт майдонини тозалаш топширилди. Бир синфда 42 ўқувчи, иккинчи синфда 38 ўқувчи бор. Агар иш синфлардаги болалар сонига қараб тақсимланса, ҳар бир синфга неча квадрат метр тўғри келади?

Масаланинг ечилишини текширинг.

1590. Самолёт бир куни 10 соат, иккинчи куни 6 соат учди. Самолёт иккинчи куни биринчи кунга қараганда 2560 км кам учган ва тезлиги иккала кунда ҳам бир хил бўлса, ҳар қайси куни неча километр масофани учиб ўтган?

1591. Бир сигир кунига ўртача 14 кг дан сут беради. Агар ҳар 100 кг сутдан 3 кг 800 грамм сариёғ олинса, 120 сигирдан бир ойда (30 кунда) соғиб олинган сутдан қанча сариёғ олиш мумкин?

1592. Самолёт 9 соат учди. У олдинги 4 соатда соатига 362 км тезлик билан, қолган вақтда эса соатига 425 км тезлик билан учди. Самолёт бутун масофани қандай ўртача тезлик билан учиб ўтган?

1593. Ораларидаги масофа 1200 км бўлган икки шаҳардан бир вақтда бир-бирига қараб икки поезд йўлга чиқди. Поездлардан бири бу масофани 20 соатда, иккинчиси 30 соатда ўтади. Поездлар неча соатдан кейин учрашади?

1594. Колхозчи қишлоқдан шаҳарга отда жўнаб, соатига 10 км тезлик билан кетди. Бир соатдан кейин

ўша қишлоқдан шаҳарга велосипедчи соатига 15 км тезлик билан жўнади. Велосипедчи отликқа шаҳарга кираверишда етиб олди. Қишлоқдан шаҳаргача неча километр экан?

1595. А пунктидан икки мотоциклчи қарама-қарши томонга жўнашди. Улардан бири соатига 42 км, иккинчиси соатига 46 км дан йўл босди. Мотоциклчилар йўлга чиққандан 3 соат кейин, бир-биридан қанча масофада бўлишган?

1596. Формулаларга кўра масалалар тузинг:

$$x = 180 + (240 + 820) \quad x = (a : b) \cdot c$$

$$x = 600 - (160 + 420) \quad x = a : (b : c)$$

$$x = (24 : 8) \cdot 6 \quad x = a \cdot (b : c)$$

Кўпайтириш

1597 (огзаки):

1) a сонини b сонига кўпайтириш нима деган сўз (ёки: бир сонни иккинчи сонга кўпайтириш нима деган сўз)?

2) а) Ушбу $16 + 16 + 16 + 16 + 16$ йиғиндини кўпайтма шаклида қандай ёзиш мумкин?

б) Ушбу $(12 \cdot 4)$ кўпайтмани йиғинди шаклида ёзинг.

в) Кўпайтиришни қўшиш билан алмаштиринг.

$$9 \cdot 3 - 7 \cdot 4 =$$

г) Берилган ифодани кўпайтмалар йиғиндиси билан алмаштиринг:

$$15 + 15 + 15 + 8 + 8 + 8 + 8$$

3) Кўпайтманинг ўрин алмаштириш хоссаси нимадан иборат?

4) Қуйидаги ёзувлар кўпайтманинг қандай хоссаларини ифодалайди:

а) $46 \cdot 12 = 12 \cdot 46$;

б) $(8 \cdot 7) \cdot 5 = (8 \cdot 5) \cdot 7$?

Бу хоссаларни ҳарфлар ёрдамида ёзинг.

5) а) Йиғиндини сонга қандай кўпайтириш керак?

б) Сонни йиғиндига қандай кўпайтириш керак?

6) Қулай усулдан фойдаланиб, оғзаки ҳисобланг:

а) $15 \cdot 9 \cdot 6$; $2 \cdot 17 \cdot 25$; $15 \cdot 7 \cdot 4$; $6 \cdot 12 \cdot 2 \cdot 5$

б) $(120 + 80) \cdot 5$; $(56 + 25) \cdot 6$; $1020 \cdot 4$

в) $75 \cdot 4$; $8 \cdot 54$; $105 \cdot 15$; $32 \cdot 203$

7) Қуйидаги ифодаларнинг қийматларини қандай усуллар билан ҳисоблаш мумкин:

$$(a + b) \cdot m; \quad k \cdot (b + c)?$$

8) Кўпайтмани сонга қандай кўпайтириш керак? Сонни кўпайтмага-чи? Берилган кўпайтма ва бир кўпайтувчига асосланиб, номаълум кўпайтувчи қандай топилади?

9) Кўпайтувчилардан бири бир неча марта кўпайтирилса ёки камайтирилса, кўпайтма қандай ўзгаради?

10) Қулай усулдан фойдаланиб, оғзаки ҳисобланг:

$$(16 \cdot 12) \cdot 5; \quad (15 \cdot 14) \cdot 6; \quad 45 \cdot 12; \quad 15 \cdot 36$$

Мисолларни ечишда кўпайтманинг қандай хоссаларидан фойдаландингиз?

1598 (ёзма):

1) 657 ва 438 сонларининг кўпайтмасини топинг.

2) Ҳисобланг:

а) $5700 \cdot 46$; $6034 \cdot 800$; $208 \cdot 306$; $3700 \cdot 480$

б) 8 ц 35 кг $\cdot 72$; 36 сўм 45 тийин $\cdot 84$

3) Кўпайтириш тўғри ёки нотўғри бажарилганми, икки усул билан текшириб кўринг: $74 \cdot 52 = 3808$.

4) Тенгламаларни ечинг:

$$5 \cdot x + 125 = 425$$

$$476 - x \cdot 4 = 300$$

$$30 \cdot (x \cdot 10) = 900$$

5) Қуйидаги тенгсизликларда a ҳарфига қандай қийматлар бериш мумкин:

$$a \cdot 8 < 160; 14 \cdot a > 70; 6 \cdot (a - 10) < 300?$$

6) Жадвални тўлдириг:

Кўпаяувчи	80	120		960	1	15	635	
Кўпайтувчи	12		18		40			96
Кўпайтма		720	540	960		600	635	0

7) Биринчи мисолларни ечинг ва уларнинг жавобларидан фойдаланиб, иккинчи мисолларнинг жавобларини топинг:

$$\begin{array}{llll} \text{а) } 38 \cdot 5 & \text{б) } 64 \cdot 3 & \text{в) } 16 \cdot 8 & \text{г) } 240 \cdot 4 \\ 38 \cdot 15 & 128 \cdot 3 & 16 \cdot 2 & 80 \cdot 4 \end{array}$$

8) Ифодаларни таққосланг ва ҳисобламасдан улар орасига $>$, $<$ ёки $=$ белгисини қўйинг:

$$\begin{array}{l} 485 \cdot 230 \dots 324 \cdot 230 \\ 125 \cdot 68 \dots 125 \cdot 86 \end{array}$$

9) Ифодаларни ёзинг ва уларнинг қийматларини топинг:

а) 406 ни 568 ва 375 сонлари йиғиндисига кўпайтириш.

б) 418 ва 310 сонлари кўпайтмасини 2278 та орттириш.

10) $x = a \cdot b$ формулага асосланиб, турлича содда масалалар тузинг.

11) Болалар уйига ўғил болалар учун 36 та костюм ва 28 та пальто олинди. Бир костюм 9 сўму 70 тийин, бир пальто эса ундан икки баравар қиммат туради. Олинган костюм-пальтолarga қанча тўланган?

12) Тўғри тўртбурчакнинг эни 48 м; бу унинг бўйидан уч марта қисқа. Тўғри тўртбурчакнинг периметри қанчага тенг?

13) Богда 186 туп шафтоли, ундан 2 барабар кўп олма бор. Шафтоли ва олмалар биргаликда богда бўлган ҳамма дарахтнинг $\frac{1}{6}$ қисмини ташкил этади. Богда ҳаммаси бўлиб қанча дарахт бор?

14) Периметри берилган квадратнинг периметридан икки марта узун бўлган квадрат чизинг. Бу квадратларнинг юзларини таққосланг.



Бўлиш

1599 (оғзаки):

1) Қандай арифметик амал бўлиш деб аталади?

2) Йиғиндини сонга қандай бўлиш керак?

Сонни кўпайтмага қандай бўлиш керак?

3) Агар бўлинувчи ва бўлинма маълум бўлса, номаълум бўлувчи қандай топилади?

4) Бўлинувчи бир неча марта орттирилганда ёки камайтирилганда, бўлинма қандай ўзгаради?

Бўлувчи бир неча марта орттирилганда ёки камайтирилганда, бўлинма қандай ўзгаради.

5) Бўлиш натижасининг тўғрилиги қандай текширилади?

6) Қулай усулдан фойдаланиб, қуйидагиларни ҳисобланг:

а) $96 : 4$ $360 : 8$ $192 : 6$ $1248 : 3$

б) $210 : 14$ $690 : 15$ $540 : 36$ $270 : 18$

в) $360 : 5$ $2500 : 50$ $1800 : 25$ $425 : 5$

г) $(80 + 16) : 4$ $(83 + 17) : 4$ $(160 + 40) : 8$

7) $x = a : b$ формулага асосланиб, турли шаклда содда масалалар тузинг.

1600 (ёзма):

1) 169 422 ва 187 сонлари бўлинмасини топинг.

2) Бўлишни бажаринг:

а) $648\,036 : 9$; $437\,360 : 56$; $315\,806 : 587$

б) $523 : 1 + 0 : 523 + 1 : 1$

в) $94\text{ м } 08\text{ см} : 42$; $18\text{ т} : 4\text{ т } 500\text{ кг}$

321 сўму 10 тийин : 12 сўму 35 тийин

3) Бўлиш тўғри бажарилганми, икки усул билан текширинг:

$$69\,120 : 80 = 864$$

4) Узунлиги ва кенлиги расмда берилган тўғри



тўртбурчакнинг узунлиги ва кенлигидан икки марта кичик бўлган тўғри тўртбурчак чизинг. Шу тўғри тўртбурчакларнинг юзларини таққосланг.

5) Тенгламаларни ечинг:

а) $x : 420 = 5\,600$

в) $(630 : x) : 18 = 140$

б) $9\,600 : x = 320$

г) $1\,125 : (x : 45) = 125$

6) Жадвални кўчириб олинг ва уни тўлдиринг:

Бўлувчи	840		225	739	918	
Бўлинувчи	60	36			918	149
Бўлинма		28	15	739		0

7) Қуйидаги саволларни тенглама шаклида ёзинг:

а) 318 ҳосил қилиш учун қандай сонни 51 марта камайтириш керак?

6) 9 ҳосил қилиш учун 1818 ни қандай сонга бўлиш керак?

8) Ҳар бир жуфт мисоллардаги биринчи мисолнинг натижасидан фойдаланиб, иккинчи мисолнинг натижасини ҳисобланг:

а) $560 : 8 = 70$ $540 : 6 = 90$ $a : b = 48$ $b : c = 75$

$560 : (8 \cdot 2)$ $540 : (6 : 3)$ $a : (b \cdot 2)$ $b : (c : 4)$

б) $180 : 3 = 60$ $960 : 6 = 160$ $m : n = 85$ $a : b = 120$

$(180 \cdot 2) : 3$ $(960 : 4) : 6$ $(m \cdot 3) : n$ $(a : 5) : b$

9) Ифодаларни формула билан ёзинг ва қийматларини топинг:

а) 51712 ни 302 билан 210 нинг йиғиндисига бўлиш.

б) 2001 дан 625 ва 23 сонлари бўлинмасини айриш.

10) Қуйидаги тенгсизликларда b ҳарфи қандай қийматлар олиши мумкин:

$$b : 7 < 8; 60 : b < 12; (120 : b) : 2 > 20?$$

11) Электровоз 5 соатда 400 км, паровоз эса 8 соатда 320 км йўл босди. Электровознинг тезлиги паровознинг тезлигидан неча марта ортиқ?

12) Боғдан 1 т 600 кг олма териб олинди. Бу олмаларнинг $\frac{1}{5}$ қисми яшикларга ҳар бирига 16 кг дан қилиб, қолган олмаларни эса ҳар бирига 20 кг дан қилиб жойланди. Ҳамма олмани жойлаш учун қанча яшик керак бўлган?

13) Заводда 720 деталь тайёрлаш керак. Бир ишчи шунча детални 10 соатда, иккинчи ишчи эса 15 соатда тайёрлай олади. Агар иккала ишчи бирга ишласа, ҳамма детални неча соатда тайёрлаши мумкин?

14) Бир пайкалдан 57 т 600 кг, иккинчи пайкалдан унга қараганда 2 барабар кам картошка олинди. Ҳам-

ма картошканинг $\frac{1}{4}$ қисми 50 кг дан қилиб қопларга солиниб, 18 машинага баравардан ортилди. Ҳар бир машинага неча қоп картошка ортилган?

15) Автомашина олдин 160 км йўлни босиб ўтди, кейин шу масофанинг ярмича, ундан кейин чорагича йўлни босиб ўтди. Босиб ўтилган йўл қолган йўлга қараганда 2 баравар кўп. Агар автомашинанинг ўртача тезлиги соатига 60 км бўлса, у бутун йўлни неча соатда босиб ўтади?

Барча амалларга доир масалалар

1601. Комсомоллар ва пионерлар узунлиги 80 м, кенлиги 50 м жойга мевали дарахтлар экиб, атрофини ихота қилишди. Ихотанинг узунлиги қанча? Богнинг юзи қанча?

1602. Полиэ квадрат шаклида бўлиб, унинг периметри 320 м. Полиэнинг юзи қанча?

1603. Бог тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, унинг узунлиги 270 м, кенлиги 120 м. Богнинг $\frac{3}{4}$ қисми олмасор бўлиб, ҳар бир туп олмага 30 кв. м жой тўғри келади. Богда қанча туп олма бор?

1604. Уч колхоз элеваторга буғдой топширди; биринчиси 840 ц топширди, бу учала колхоз топширган буғдойнинг $\frac{1}{4}$ қисмини ташкил этди, иккинчи колхоз биринчиси топширганининг $\frac{7}{8}$ қисмича, ундан қолганини эса учинчи колхоз топширди. Учинчи колхоз неча центнер буғдой топширган?

1605. Бир бедазордан 322 ц, иккинчисидан 326 ц беда ўриб олинди. Бу беда 4 машинанинг ҳар бирига

18 *ц* дан ортиб, кунига 3 мартадан қатнаб ташилади. Ҳамма беда неча кунда ташиб олинган?

1606. Ернинг биринчи йўлдоши Ер атрофини 96 минут 10 секундда бир айланиб чиқди, иккинчи йўлдоши эса 103 минут 45 секундда айланиб чиқди. Ернинг биринчи йўлдошига қараганда иккинчи йўлдоши Ер атрофини айланиб чиқиши учун қанча кўп вақт кетган?

1607. 1) А. С. Пушкин 1799 йилда туғилиб, 1937 йилда вафот этди. А. С. Пушкин неча йил яшаган?

2) Ҳар бир масалага иккитадан тескари масала тувинг ва уларни ечинг.

1608. Олма дарахти гилос дарахтидан паст, гилос дарахти эса теракдан паст. Олма дарахтининг баландлиги 3 *м*, теракнинг баландлиги 15 *м*. Гилос дарахтининг баландлиги тўғрисида нима дейиш мумкин? Гилос дарахтининг баландлигини *a* ҳарфи билан белгилаб, бу саволнинг ечилишини тенгсизлик шаклида ёзинг.

1609. Синф хонасининг узунлигини ўлчаганда бу узунлик 5 *м* дан ортиқ ва 6 *м* дан кам чиқди. Синф хонасининг узунлигини *x* ҳарфи билан белгиланг ва уни қўш тенгсизлик шаклида ёзинг. Синфнинг узунлиги қанчага тенг бўлиши мумкин?

1610. Тўғри тўртбурчак шаклидаги участканинг узунлиги 500 *м*, кенлиги 300 *м*. Бу участканинг планини 1 *см* да 100 *м* масштабда чизинг.

1611 — 1614- масалаларни тенгламалар тузиб ечинг.

1611. 18 та умумий дафтарга 30 та қаламга тўланганча пул тўланди. Битта дафтар 5 тийин туради. Битта қалам қанча турган?

1612. Боғда бир неча туп олма бөр эди. Кузда ҳар бирига 12 тупдан қилиб 10 қатор олма кўчатлари ўтқазилгандан кейин, боғдаги олма дарахтлари 135 туп бўлди. Боғда илгари неча туп олма бўлган?

1613. 4 м жун газлама билан 6 м мовут учун 182 сўм тўланди. 1 м жун газлама 23 сўм туради. 1 м мовутнинг баҳоси қанча?

1614. Теплоход *A* ва *B* пристанлари оралиғидаги масофани соатига 35 км тезлик билан 5 соатда ўтди. Қайтишда шу пристанлар оралиғидаги масофани 6 соатда ўтди. Теплоход қайтишда қандай тезлик билан юрган?

1615. Формулаларга кўра масалалар тузинг:

$$x = (a + b + c) : 3$$

$$x = (a \cdot b + c \cdot d) : (b + d)$$

$$x = a \cdot b + c \cdot b \text{ ёки } (a + c) \cdot b$$

$$x = a : (b + c)$$

$$S = a \cdot b \text{ (кв. бирлик)}$$


$$x = (41 + 45 + 43) : 3$$

$$x = 55 \cdot 3 + 56 \cdot 2$$


$$x = 48 \cdot 3 + 52 \cdot 3$$

$$x = 540 : (50 + 58)$$

$$p = (a + b) \cdot 2$$



1616. 1) Бу чизмада *BD* кесма еттита шакл учун умумий. Булар қандай шакллар? Уларни айтинг ва ёзинг.




2) Бу шаклдан ҳамма ўткир, тўғри ва ўтмас бурчакларни (гўниядан фойдаланиб) топинг. Уларни ҳарфлар билан белгилаб ёзинг.




3) Диаметри *AB* кесмадан иборат бўлган айлана чизинг.

4) Мана бу тўғри бурчакли шаклларнинг юзларини топинг.



5) Қуйидаги диаграммани ўқинг. Бунда нима тасвирланган? Қайси телевизион минора энг баланд? Қайсиси энг паст? Ҳар қайси миноранинг баландлигини топинг. Москва телевизион минораси бошқа минораларнинг ҳар биридан қанча баланд? Бу минора антеннасининг узунлигини аниқланг.



ИЛОВАЛАР

1. Баъзи ўқув қуролларининг баҳолари

Ўқув қуролларининг номи	Баҳоси (тийин ҳисобида)	Ўқув қуролларининг номи	Баҳоси (тийин ҳисобида)
Дафтэр	2	Бўёқлар	8
Ручка	3	Бир шиша сиёҳ (авторучка учун)	14
Перолар (2 перо)	1	Расм дафтари	10
Қалам	3	Рангли қоғоз (бир тахтаси)	2
Чизғич	5		
Гўния	4		
Циркуль	10		

2. Баъзи озиқ-овқатларнинг ўртача баҳолари

Озиқ овқатларнинг номи	Миқдори	Баҳоси (сўм тийин)	Маҳсулотнинг номи	Миқдори	Баҳоси (сўм тийин)
Қора нон	1 кг	— 16	Картошка	1 кг	— 15
Оқ нон	1 кг	— 25	Карам	1 кг	— 15
Сариёғ	1 кг	3— 60	Сабзи	1 кг	— 18
Пишлоқ	1 кг	2— 80	Лавлаги	1 кг	— 10
Сут	1 кг	— 28	Пиёз	1 кг	— 19
Швар	1 кг	— 80	Олма	1 кг	— 50
			Апельсин	1 кг	1— 40

3. Баъзи бир ўртача тезликлар

- Пиёда киши — соатига 5 км.
- Йўрга от — соатига 13 км.
- Велосипедда юриш — соатига 15 км.
- Поезд — соатига 60 км.
- Электрпоезд — соатига 120 км.
- Пассажир самолёти — соатига 450 км.
- Реактив самолёт — соатига 1000 км.

4. Турли хил автомобилларнинг энг катта тезликлари

- Юк автомобили — соатига 60 км дан 70 км гача.
- Енгил автомобиллар:
 - „Москвич“ — соатига 95 км.
 - „Победа“ — соатига 110 км.
 - „Волга“ — соатига 130 км.
 - „Чайка“ — соатига 160 км.

5. Баъзи бир суюқликлар 1 литрининг ўртача оғирлиги

- | | |
|---------------------------|------------------|
| Тоза сув — 1 кг. | Керосин — 795 г. |
| Пахта мойи (ёғи) — 925 г. | Бензин — 690 г. |
| Нефть — 760 г. | |

6. Турли хил автомобиллар учун ёнилғи сарфлашнинг ўртача нормаси (100 км йўлга)

- Юк автомобиллари — 22 л дан 45 л гача.
- Енгил автомобиллар:
 - „Москвич“ — 9 л
 - „Победа“ — 13 л
 - „Волга“ — 12 л
 - „Чайка“ — 16 л
 - „Зил-110“ — 27 л.

7. Турли хил донли ва бошқа экинларни экиш нормалари (1 гектарига)

Кузги бугдой — 220 кг Маккажўхори — 45 — 50 кг
 Баҳори бугдой — 230 кг Арпа — 240 кг
 Чигит — 70 кг Сули — 200 кг
 Тариқ — 25 кг

Зигир — 130 кг
 Картошка — 30 ц
 Лавлаги — 16 кг
 Сабзи — 5 кг

8. Уй паррандалари учун ўртача озуқа нормалари (1 йилга)

Паррандалар	Дон	Картошка	Иялиэ мевалар	Беда	Балиқ уни, гўшт-суяк уни, кунжара	Туйилган чиганок, бўр ёки сўнган оҳак
Товуқ .	36 кг	10 кг	10 кг	4 кг 500 г	4 кг 500 г	4 кг 500 г
Ғоз . .	48 кг	16 кг	16 кг	25 кг	5 кг	5 кг
Ўрдак .	62 кг	10 кг	10 кг	10 кг	5 кг	5 кг

Жавоблар

372. 70 000 жўжа.
375. 86 кг.
376. 3 сўм 30 тийин.
377. 750 йўловчи.
378. 200 туп олча.
381. 80 та чойшаб.
383. Ботинка 14 сўм, пальто 50 сўм, костюм 36 сўм.
384. 9 сўм.
388. Дастлаб I синфда 43 ўқувчи, II синфда 40 ўқувчи бўлган.
389. Дастлаб 1-бригадада 33 ишчи, 2-бригадада 39 ишчи бўлган.
422. Картошка 50 кг ортиқ.
427. 13 км 365 м.
433. 15 кг 430 г.
434. 7 сўм 97 тийин.
460. $32 \text{ ёш} < 32 \text{ ёшу } 7 \text{ ой} < < 33 \text{ ёш}$.
461. $3 \text{ кг} < a \text{ кг} < 4 \text{ кг}$.
469. Биринчи куни 1380 км, иккинчи куни 2160 км.
470. Биринчи участкадан 874 ц, учинчисидан 738 ц.
473. 74 та олма; 46 та олма.
474. 33 челак; 45 челак.
476. 28 т 600 кг.
477. I усул: 1) $70 \cdot 3 = 210$ (км); 2) $70 \cdot 2 = 140$ (км); 3) $210 + 140 = 350$ (км). II усул: 1) $3 + 2 = 5$ (соат); 2) $70 \cdot 5 = 350$ (км).
491. 1) $x < 25$; 2) $4 < x < 6$; 3) $3 < x < 4$.
502. 1) $x + 185 + 240 = 560$; $x = 560 - (185 + 240)$; $x = 135$.
Жавоб. Магазинда олдин 135 та костюм бўлган.
540. в) $x = (a - b) - c$; $x = (920 - 330) - 50$; $x = 540$.
Жавоб. 540 л.
549. Днепр — 2285 км; Волга — 3688 км.
560. 2771 км.
561. 1570 кг.
562. 1000 тахта.
563. 100 000 сўм.
566. Катакли дафтардан 1150 та кам.

567. Биринчи участкадан 1 120 кг ортиқ олинган.
570. 26 жуфт.
571. 1 310 туп.
576. 2 300 кг.
582. 280 мм.
598. $x \cdot 5 = 30 \cdot 4$; $x \cdot 5 = 120$; $x = 120 : 5$; $x = 24$. Жавоб. Пароход оқимга қарши соатиға 24 км тезлик билан сузган.
613. 283 км.
624. 7 482 куйлак.
625. 1 559 туп.
631. 1 328 ц.
632. 2 200 жуфт.
645. 7 864 м.
647. 49 т 885 кг.
695. $64 : x = 96 : 6$; $64 : x = 16$; $x = 64 : 16$; $x = 4$. Жавоб. 4 кунда.
727. 30 сум.
731. 158 т 400 кг.
732. Бодринг солинган қоғоз халтачалар икки марта куп.
733. 3 км 750 м.
741. 2 кг.
839. Соатиға 60 км.
840. 42 кг оғир.
872. 14 т 400 кг.
887. 1) Соатиға 30 км; 2) соатиға 90 км.
902. 7 соатда.
903. 50 тонналик вагонлар 7 та ортиқ.
904. 30 деталь.
943. 48 км; 2 240 км.
944. 200 км.
945. 126 яшик.
947. 336 л.
954. 10 та деталь.
974. 12 000 ц куп.
975. 14 376 ц.
1050. Соатиға 42 км.
1057. 871 км.
1058. 598 км.
1064. 10 соатда.
1065. Соатиға 600 км.
1074. 1) 54 кг; 90 кг; 2) 3 қоп, 5 қоп.
1075. Соатиға 37 км.
1083. 9 кг.
1084. 6 т.
1106. 32 тийин.
1107. 155 қоп.
1108. 880 км.
1109. 800 км.
1110. 32 сум 20 тийин.
1111. I — 258 дарахт, II — 240 дарахт.
1112. I — 50 қоп, II — 40 қоп.
1113. 615 г.
1114. 62 см 5 мм.
1117. 338 г; 660 г.
1128. 405 вагон.
1135. 680 км.
1142. 8 соат; 6 соат.
1143. 90 552 автомобиль.
1148. 42 980 та тикув машинаси.
1157. I бригада 2 400 кг, II бригада 2 208 кг.
1158. I куни 80 яшик, II кунин 90 яшик.
1165. 12 соатдан кейин.
1190. 1170 т.

1191. 9 т 120 кг.
1229. 2 соатдан кейин.
1230. 6 соатдан кейин.
360 км масофада.
1231. 200 км.
1232. 9 км.
1233. Ихотанинг узунлиги
240 м; боғнинг юзи 3456
кв. м.
1234. 576 кв. м.
1236. 108 сўм; 162 сўм.
1237. Январда 26 кун, феврал-
да 24 кун.
1238. 700 жуфт.
1239. 150 туп олма.
1241. 10 км.
1242. 100 л.
1244. Тўлай олади, 8 та 3 сўм-
лик бериб, битта 5 сўмлик
қайтиб олади.
1259. 92 машина
1274. 1480 ц; 1184 ц; 666 ц.
1275. 410 км.
1276. 1680 л.
1296. Биринчи устахона ишни
уч марта тез бажарган.
1312. Ботинкалар 420 сўм, ка-
лишлар 108 сўм.
1317. 7 м 5 дм.
1346. 4 соат.
1347. 4 соат.
1355. 378 кг.
1356. 8 т 262 кг.
1357. 671 км.
1362. 97 кг 500 г.
1364. 1 т 800 кг.
1380. 10 м; тўғри тўртбурчак;
100 кв. дм; 202 дм.
1387. 8 га.
1388. 330 м.
1407. 3500 кв. м.
1429. 60 м.
1436. 12 соату 5 минутда.
1437. 2 соат.
1458. 22 ц.
1509. 910 м.
1510. 30 трактор.
1525. 250 т.
1540. 9 га.
1544. 1 ойда 194 км 340 м,
1 кунда 6 км 478 м, 1 соат-
да 270 м, 1 минутда 4 м
50 см.
1553. 3 кун 12 соат 30 секунд.
1555. 60 км.
1556. 2 соатдан кейин.
1557. Соатига 21 км.
1558. 286 ц кам.
1559. 814 ц.
1572. 71 ўқувчи.
1573. 2432 кг; 1472 кг.
1589. 336 кв. м; 309 кв. м.
1590. 6400 км; 3840 км.
1591. 1915 кг 200 г.
1592. 397 км.
1593. 12 соатдан кейин.
1594. 30 км.
1600. 12) 84 яшик; 13) 6 соат-
да; 14) 24 қоп; 15) 7 соатда.
1603. 810 туп олма.
1604. 1785 ц.
1605. 3 кунда.

МУНДАРИЖА

I. II сифда ўтилганларни тақдорлаш	3
Номерлаш (3). Қўшиш ва айириш (оғзаки) (6). Қўшиш ва айириш (ёзма) (10). Қўшилувчилардан бирининг ўзгаришига қараб йигиндининг ўзгариши (17). Камаюнчининг ўзгаришига қараб айирманинг ўзгариши (21). Айрилувчининг ўзгаришига қараб айирманинг ўзгариши (23). Кўпайтириш ва бўлиш (оғзаки) (25).	
II. Кўп хонали сонларни номерлаш	28
Сонни 10, 100, 1000 марта орттириш ва камайтириш (42). Сонларни яхлитлаш (46). Кўп хонали сонларни номерлаш (давони) (51). Рим рақамлари (58).	
III. Узунлик, оғирлик, жами пул ўлчовлари системаси	61
Узунлик ўлчовлари (61). Оғирлик ўлчовлари (68). Жами пул ўлчовлари (74).	
IV. Математик ифодалар	76
Сонли ва ҳарфий ифодалар. Ифоданинг қиймати (76). Ифодаларни таққослаш, тенглик. Тенгсизлик (79). Энг содда тенгламалар (81). Машқ қилиш учун қўшимча материал (83).	
V. Кўп хонали сонларни қўшиш ва айириш	93
Машқ қилиш учун қўшимча материал (124).	
VI. Кўп хонали сонларни кўпайтириш ва бўлиш	141
Кўпайтувчилардан бирининг ўзгаришига қараб кўпайтманинг ўзгариши (141). Бир хонали сонга кўпайтириш (145). Шаклнинг юзи (157). Бўлинувчининг ўзгаришига қараб бўлинманинг ўзгариши (163). Бўлувчининг ўзгаришига қараб бўлинманинг ўзгариши (165). Бир хонали сонга бўлиш (167). Ёзма бўлиш (172). Машқ қилиш учун қўшимча материал (192). 10 га, 100 га, 1 000 га кўпайтириш ва бўлиш (206). Сонни кўпайтмага кўпайтириш (209). Яхлит сонларга кўпайтириш ва бўлиш (215). Сонни кўпайтмага бўлиш (218). Диаграммаларни чизили ва ўқиш (232). Машқ қилиш учун қўшимча материал (237). Икки хонали сонга кўпайтириш (243). Юзни ҳисоблаш (квадрат дециметрларда) (250). Ўрта арифметик қийматни ҳисоблашга доир масалалар (253). Икки хонали сонга бўлиш (258). Машқ қилиш учун қўшимча материал (270). Уч хонали сонга кўпайтириш (277). Юзни ҳисоблаш (квадрат метр билан) (289). Машқ қилиш учун қўшимча материал (293). Касрлар (302). Уч хонали сонга бўлиш (310).	
VII. Биринчи ва иккинчи босқич амалларнинг бирга келиши	319
Юзни ҳисоблаш (ар ва гектар билан) (326).	
VIII. Вақт ўлчовлари	335
Қўшиш ва айириш (346). Ер устида ўлчашлар (360). Машқ қилиш учун қўшимча материал (363)	
IX. Ўқувчиларнинг билими ҳамда малакаларини текшириш учун саволлар ва топшириқлар	381
<i>Иловалар</i>	<i>402</i>
<i>Жавоблар</i>	<i>405</i>